



ISSN 2010-5517

# *Jahon* **ADABIYOTI**

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Aprél – 2020



Богумил Кубишта.  
"Аскар"

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK



## Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИД  
Наим КАРИМОВ  
Иномжон МАЖИДОВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Эркин АЪЗАМОВ  
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ  
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД  
Шухрат РИЗАЕВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Баҳодир КАРИМОВ  
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ  
Муҳиддин ОМОН

## МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

Журнал

1997 йил июндан  
чиқа бошлаган

## Бош муҳаррир:

Аҳмаджон  
МЕЛИБОЕВ

## Таҳрир ҳайъати:

Муҳиддин РАҲИМ  
Назира ЖЎРАЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Алишер ОТАБОЕВ  
Даврон РАЖАБ  
Мафтуна  
МУҲАММАДАМИНОВА

**НАВОИЙ САБОҚЛАРИ**

Алишер НАВОИЙ. Кимга бир мажлисда... (Рус ва инглиз тилларига  
Е.Аксельрод, Қ.Маъмуров тарж.). .....3

**МУҲАРРИР МИНБАРИ**

Яшаб қолишнинг ягона йўли.....8

**НАСР**

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман. (Рус тилидан И.Фафуров). .....14  
О.АХАН қизи. Оққушлар армони. Қисса. (Қозоқ тилидан М.Исломқул тарж.). .....81

**ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ**

Ш.И.ХАТОИЙ. Шеърлар. (Қадимий озарбайжончадан А.Бойқўзиев тарж.). .....73

**ДРАМА**

А.ВАМПИЛОВ. Тўнғич ўғил. Икки пардали комедия. (Рус тилидан  
Ш.Бошбеков тарж.). .....110

**ЭССЕ**

Ч.ЧАПЛИН. Тўлиқ метражли ҳаёт. Эссе. (Рус тилидан  
М.Муҳаммадаминова тарж.). .....133

**САРГУЗАШТ. ФАНТАСТИКА. ДЕТЕКТИВ**

Ш.БРОНТЕ. Жейн Эйр. Роман. (Рус тилидан Ш.Аҳророва тарж.). .....156

Муковамизда. .... 203

Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. ....206

# NAVOIY SAVOQLARI



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

## КИМГА БИР МАЖЛИСДА...

*Кимга бир мажлисда оҳу дард ила сўзе керак,  
Мундоғ ўт ёқмоққа аввал мажлисафрўзе керак.*

*Мажлисафрўзе агар ҳам бўлса мажлис аҳлининг  
Бағрини куйдурғали оҳи жигарсўзе керак.*

*Субҳи васлинг ичра тиргуз хайли ушшоқингниким,  
Шоми ҳажр ўлтурғали мендек сияҳрўзе керак.*

*Кўюнга ҳар кун бориб, ҳар дам кўрай дермен сени,  
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза наврўзе керак.*

*Яхши асра гам туни оҳим ўқин, эй чархким,  
Сен эваз отмоққа ҳам чун тийри дилдўзе керак.*

*Бир хизрваш ҳимматин берма илигдин, негаким  
Дашти ҳирмон қатъига охир қуловузе керак.*

*Ишқ таълимин Навоийдин олурлар аҳли дард,  
Уйла дарс аҳлига мундоқ донишомўзе керак.*

(“Ғаройиб ус-сизар”, 332-газал)

### ЛУҒАТ:

**Сўз** – куйиш, ёниш

**Мажлисафрўз** – базм, мажлисни кизитувчи; бу ўринда: гўзал маҳбуба

**Жигарсўз** – бағирни ёндирувчи; изтиробга солувчи

**Ушшоқ** – ошиқлар

**Сияҳрўз** – бошига оғир кулфат тушган, мусибатдаги киши, бахтиқаро

**Эваз** – бадал, эваз

**Тийр** – ўқ, камон ўқи

**Дилдўз** – юракка қадалувчи, дилга озор берувчи

**Ҳирмон** – маҳрумлик

**Қагъ** – 1) кесмоқ; 2) босиб ўтмоқ (йўлни)

**Куловуз** – йўл бошловчи, раҳнамо

**Донишомўз** – билим ўргатувчи, муаллим, устоз.

## Байтларнинг насрий баёни

*Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи*

1. Кимга агар бирор мажлисда оху дард ҳамда куйиб ёниш керак бўлса, бу ўтни ёқмоқлик учун аввало мажлисни киздирувчи гўзал маҳбуба керак бўлади.

2. Агар шундай маҳбуба топилгудек бўлса ҳам, мажлис аҳлининг бағрини куйдириш учун жигарни ўртайдиган, изтиробга солувчи бир ох керак.

3. Васлинг тонгида ошиқларингни тирилтир, хижрон шоида ўлмок учун эса мен каби бир бахтиқаро керак бўлади.

4. Ҳар кунни кўйинг (кўчанг)га бориб, сени кўрсам дейман, чунки ҳар куним байрам, ҳар лаҳзам наврўз бўлишини иштайман (сени кўрган ҳар куним байрам, ҳар оним наврўз каби фарахлидир).

5. Эй фалак, ғам тунида оҳим ўқини яхши асра, чунки унинг бадалига қайтиб отишинг учун сенга ҳам шундай кўнгилга қадалувчи ўқлар керак бўлади.

6. Хизрсифат кишиларнинг ҳимматини қўлдан чиқарма, ахир маҳрумлик даштини босиб ўтиш учун ҳам бир раҳнамо керак.

7. Дард аҳли ишқ таълимини Навоийдан оладилар, бундай дарс аҳлига унинг каби устоз муаллим зарур бўлади.

## Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ошиқона мавзуда бўлиб, ишқ ва ошиқлик шартларини бетакрор ташбихлар воситасида баён қилганлиги билан шу мақомдаги ғазаллар орасида алоҳида ўрин тутаяди. Ғазал матлаъси ишқнинг асосий талаби – илоҳий мазҳар ва у билан боғлиқ ҳолдаги оху дарднинг зарурияти ҳақидаги фикр билан бошланади:

*Кимга бир мажлисда оху дард ила сўзе керак,  
Мундоғ ўт ёқмоққа аввал мажлисафрўзе керак.*

Ушбу талабга кўра, мажлисга йиғилганлар оху дард асосида ёниб, ўртанмоқни мақсад қилмоқчи бўлсалар, энг аввало, уларга шу мажлисни ишқ ўти билан ёритувчи маҳбуба керак бўлади.

Кейинги байтда ишқ талаби янада орттирилади. Шоирнинг фикрича, шундай мажлисафрўзнинг борлиги етарли эмас, энди унинг зикри, ишқнинг сиру асрорлари билан боғлиқ суҳбатлар мажлис

аҳлининг бағрини ёқиши керак. Таъкидлаш лозимки, бу ўринда Навоий маъшуканинг мажлисда реал тарздаги иштирокини назарда тутаётгани йўқ. Унинг ёди, у ҳақдаги ўй-хаёлнинг ўзи ошиқнинг қалбига ўт ёқишга ва уни куйдиришга қодир:

*Мажлисафрўзе агар ҳам бўлса мажлис аҳлининг  
Бағрини куйдургани оҳи жигарсўзе керак.*

Навбатдаги байтда жуфтлашган *тазод* (субҳ – шом; васл – ҳажр) воқеасида ошиқ ва маъшуканинг мақоми кўрсатиб берилган:

*Субҳи васлинг ичра тиргуз хайли ушшоқингниким,  
Шоми ҳажр ўлтургани мендек сияҳрўзе керак.*

Маъшуқа жафокор: у ўз висоли билан ошиқликка даъво қилувчиларни баҳраманд қилади-ю, бахтиқаро ошиқни ҳажр азобига гирифторм этади. Лекин ошиқ бундай тақдирдан рози, зеро, ишқ одобига кўра, ёрдан келадиган ҳар қандай жафо ошиқ учун малҳам кабидир...

Кейинги байтда ёр тимсоли реаллик касб этади. Лирик қаҳрамон ёрни кўриш истагини икки гўзал байрам: Наврўзу хайитга боғлиқ ҳолда талқин қилади:

*Кўюнга ҳар кун бориб, ҳар дам кўрай дермен сени,  
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза наврўзе керак.*

Мумтоз адабиётимизда байрам тушунчаси остида асосан икки хайит: Рамазон ва Қурбон хайити тушуниланган. Ушбу ғазалда ҳам Навоий ёр дийдорини байрамга боғлиқ ҳолда талқин қилар экан, инсонларнинг хайит кунларида бир-бирларини йўқлаб боришларига ишора қилади. Байтда мурожаат қилинувчи сифатида танланган объект Навоийнинг яқин дўстлари ёки устозларидан бири ҳам бўлиши мумкин. Зеро, аввалги шарҳларимизда ҳам таъкидлаганимиздек, Навоий шеъриятида бир ғазалнинг ўзида ёр турли маъновий қатламларда: гоҳ дўст, гоҳ устоз, гоҳ реал махбуба, гоҳ илоҳий мазҳар, гоҳ Пайғамбаримиз (с.а.в.), гоҳ Яратганнинг рамзи сифатида ифодаланиши мумкин.

Кейинги байтда мурожаат объекти сифатида чарх, яъни фалак танланади. Шоир *нидо* санъати воситасида фалакка юзланар экан, ғам тунида оҳининг тутунидан ҳосил бўлган ўқларни яхши асрашини сўрайди, чунки фалак вақти келиб, уларни ерга қайтариши вақтида унга шундай кўнгилга қадалувчи ўқлар керак бўлади:

*Яхши асра ғам туни оҳим ўқин, эй чархким,  
Сен эваз отмоққа ҳам чун тийри дилдўзе керак.*

Байтда Навоий мумтоз адабиётимизга хос мотив – фалакнинг жафокорлиги ҳақидаги талқинни янги услуб ва бетакрор ташбиҳлар воситасида баён қилиш баробарида табиатдаги конденсация ҳодисасига ҳам ишора қиляпти. Яъни шоирнинг бадиий тахайюлига кўра, ошиқ оҳининг тутуни буғ сингари осмонга кўтарилиб, совуқ осмонда қора булутга ай-

ланиб, дўл ёки жала тарзида ерга қайтиб тушади. Фалак баъзан кишилар бошига турли балолар ёғдирганидек, дўл табиат учун офатдир, у атроф-мухитга, экинларга зарар етказди.

Мақтаъдан олдинги байт орифона мазмунга эга:

*Бир Хизрваш ҳимматин берма илигдин, негаким  
Дашти ҳирмон қатъига охир қуловузе керак.*

Ишқ йўлига кирган солиқ худди маҳрумлик даштини кезаётгандек. Унга Хизрдек йўлбошчи керак, акс ҳолда у бу даштда ҳалокатга учраши мумкин. Ривоятларга кўра, Хизр сахро ва даштларда адашганларни тўғри йўлга солувчи раҳнамо ҳисобланади. Тасаввуф адабиётида Хизр илоҳий маърифатдан баҳраманд киши, пири комил сифатида тасвирланади.

Ғазал фаҳрия мазмунидаги мақтаъ билан якун топади. Шоир ошиқлар ва дард аҳли ишқ таълимини унинг шеърларидан олишлари мумкинлигини таъкидлар экан, ўзининг бу йўлда устоз даражасида бўла олишидан фахр туяди:

*Ишқ таълимин Навоӣдин олурлар аҳли дард,  
Уйла дарс аҳлига мундоқ донишомўзе керак.*

Ғазал рус тилига Е.Аксельрод томонидан аслиятдаги каби 7 байт ҳажмида таржима қилинган. Мутаржим мумтоз ғазалга хос қофияланиш тизими ва радиф (керак – нужна)ни сақлаганлиги унинг шаклий муваффақиятини таъминлаган. Таржимада баъзи ўринлар (1-, 3-байтлар) да мазмундан четга чиқиш кузатилса-да, Е.Аксельрод ғазалнинг умумий маъно-моҳиятини рус китобхонига етказишга муваффақ бўлган.

### Ғазалнинг русча таржимаси

*Таржимон – Е.АКСЕЛЬРОД*

*Кто на пиршестве вздыхает? Чаша им полней нужна?  
Задушевная беседа, та, что всех умней, нужна*

*Вспыхнет сердце, затоскует вздохи к небу полетят,  
Речь, что в душу проникает, чтоб спалить людей, нужна.*

*Чтобы жизнь вернуть влюбленным, утро просиять должно,  
Чтоб меня убить разлукой, ночь сурьмы черней нужна.*

*Что ни день свиданья жажду, каждый день нужна весна,  
А не встреча на мгновенье у твоих дверей нужна.*

*Небо, стрелы этих вздохов в день заботы береги –  
И тебе стрела тугая, чтоб пронзать верней, нужна.*

*Степь лишений пред тобою – Хызром не пренебрегай,  
Будет благосклонность Хызра в день тоски твоей нужна.*

*Всех, кто любить, учит страсти и страданию Навои,  
А тому, кто обучает, страсть, что всех сильнее, нужна*

## **Ғазалнинг инглизча таржимаси**

*Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ*

*Who, in a meeting a word with grief woe, is in need,  
To put on fire at first, an eloquent beloved, they need.*

*Even though there attends such an eloquent beloved,  
To put fire on their souls, a torturing woe they need.*

*At your dating dawn do resurrect your desired lovers,  
To die at separation dust, a luckless like me they need.*

*Every day, every second, to visit and see you I want,  
For to make every day a holiday, the Navruz I need.*

*Hey Heaven, at grief's night of my woe's arrow take care,  
To shoot back at my soul, the same arrow you will need.*

*Do seize a good charity of people like that of Khizr,  
To pass through the death steppe, a guide you need.*

*The grieved lovers learn love's lesson from Navoi,  
Think, a mentor like him, the grieved lovers need.*



## ЯШАБ ҚОЛИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ

Босма нашрларнинг инқирози хусусида яна баҳс бошланди. Бир карашда ўринли фикрлар: кўплаб нашрлар бугунги тезоб шароитга, иш услубларини янгилашга, ўқувчи эҳтиёжини қондиришга дош бера олмаяпти. Ҳафтада бир марта чиқадиган газеталар янгиликлари соат сайин ўзгариб турадиган электрон нашрлар билан беллаша олмайди. Бунинг баҳс қиладиган жойи йўқ. Аммо баҳс қилишнинг ҳам ўзига яраша маданияти бор. “Фалончи мана бундай фикрни айтган эди, писмадончилар унга қарши черик тортди” ёки бугунги журналистларнинг аксарияти собиқ тузум пайтида жаноб Горбачев берган демократияни қўлдан бой берган маддоҳларнинг авлодлари, деган гап юракка ўқдай ботади. Миллий журналистикамиз оқсаётгани рост, аммо у ориятини йўқотган эмас. Оғзи куйган одам қатикни ҳам пуфлаб ичади деганларидек, кеча ёки қай бир пайт матбуотдан тарсаки, қайси бир журъатли журналистдан зарба еганлар, холис танқид тифидан қўрқадиганлар ва – бунисини очик айтиш керак – мажбурий обуна тинка-мадорини қуритганлар ногаҳонда оммавий ахборот воситалари бўйича назариётчиларга айланиб, газеталарнинг, шу қаторда бутун умрини журналистикага бағишлаган устозларнинг шаънига лой чапламоқда, окибатда матбуотнинг ютуқ-камчиликларини рўйирост айтаётган холис таҳлилчиларнинг фикрлари ногаҳоний устозларнинг ҳиссиётли ғала-ғовурига кўшилиб, ола-қурок бўлиб кетди. Газетадан бошланган баҳсга, “Китобларнинг ҳам тақдири шу, бундан буён ҳамма нарсани интернетдан ўқиш мумкин”, деган гап қўшилди. Жим тураверсак, эртага яна биттаси чиқиб, “Кўлда хат ёзиш – ёскилик саркити”, дейиши ҳеч гап эмас. Ёзувини йўқотган одам ширяланғоч бўлиб қолади.

Таҳлилга ўтайлик. “Мана, фалон кундирки, газетасиз, журналсиз яшаймиз, осмон узилиб ерга тушгани йўқ, демакки...” дегани ўта жўн хулоса. Исбот: бир ярим ойдирки тўйларсиз, эрталабки наҳор ошларсиз яшаймиз, аммо бундан ўзбек халқи ош емай ҳам яшайвериши мумкин, катта-кичик қозонларни “утилсирё”га топшириш керак, деган хулоса келиб чикмайди. Газеталарнинг умри тугаётгани ҳақидаги фикрларни соҳадан йироқ, тушунчаси кам киши айтса, ҳа, энди, бу ҳам бир гап-да, дейсиз, кўясиз. Баъзан донишмандлар ҳам хато қилади. Устоз Одил Ёқубов бир гал: “Ай, Аҳматжан, катта язувчиларнинг хатоси ҳам катта бўлади”, деган эди. Шундай ҳам дейлик. Аммо соҳани яхши тушунадиган, қатъиятли, ташаббускор раҳбар, матбуотни қўллаб-қувватлаш вазифасини ўз ташаббуси билан зиммасига олган киши кутилмаганда оғрикли гап қилса, гарчи фикрлари узил-кесил ҳукмдай бўлмаса-да, бошқаларни билмадим-у, менга хазм бўлмади. Тўйнинг бошида турган одам совчиликка борганида куёв бола ҳақида, янғаликка номзод келин тўғрисида ёмон гап қилмайди. Боз устига, лавозимли одамларнинг гапи тез тарқалади, йўл-йўлакай бошқа ўзанларга бурилиб ҳам кетади. Карантин шароитида талабаларга сабоқ

бераётганимиз, мақолалар ёзаётганимиз, янги ўқув йилига жиддий тайёргарлик кўраётганимиз, фаол журналистлар эл-юрт дардида куйиб-пишиб юрганлари, демак, беҳуда уриниш экан-да? Эртага илдизи қурийдиган кўчатга сув қуяётган, тагини юмшатаётган эканмиз-да?

Йигирма йил газеталарга муҳаррир бўлган зукко тадқиқотчиларимиздан бири газетанинг ҳиди бўлади, деган гапни кулгига олибди. Умида гул экмаган, парвариш қилмаган, ғунчасига тикилиб баҳра олмаган киши гулнинг ифорини билмаса, уни койимаслик керак. Энг яқин дўстларимга газета совға қилиш менинг кўп йиллик одатим эди. Ҳар жума куни баъзиларининг уйигача олиб борганман. Минг машаққат билан ярим кечагача кўзимизнинг нурини тўкиб яратган маҳсулотимизни эрталаб қўлимга олар эканман, газета ҳиди менга тандирдан янги узилган нон каби азиз бўлиб кетарди. Начора, раҳматли Анвар Обиджон айтганидек, ҳар ким ўзига яраша бурунга эга бўлади.

Хуллас, адоқсиз саволлар гирдобида колдим. Уйда, дала ҳовли ва ишхонадаги компьютерларимда мингдан ортиқ папкалар, ҳар бирида қанчадан-қанча ёзилган, чала битган, шунчаки бошлаб қўйилган, турли нашрлардан қайтган, баъзилари ўзимдан ўтмаган мақолалар турибди. Шуларни ўйлайман. Матбуотимиз босиб ўтган йўл, улуғ устозлар, собиқ тузум пайти ҳақ гапни ёзгани учун жазоланганлар, ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача ҳабар, мақола ёзиб, сўнгги нуқтани қўйишга улгурмаганлар, аччиқ-аччиқ фелъетонлари боис тана-дашномга қолганлар, хибсга олинганлар, ишидан айрилганлар кўз ўнгимдан ўта бошлайди. Давлатимиз раҳбари: “Мен журналистларни ҳурмат қиламан, уларнинг меҳнатини кадрлайман”, дея бизга алоҳида эҳтиром кўрсатаётган, парламентимизда, Сенатда ижодкор ҳамкасбларимиз сафи кўпаяётган, Беларус республикасида журналистика университети факультетга айлантирилган йили Ўзбекистонда махсус университет ташкил этилган, китобхонлик маданиятини оширишга қанчадан-қанча интеллектуал бойлик сарфланаётган бир пайтда газеталарнинг куни битди, тўрва халтани йиғиштиринглар, деган мазмунда башорат қилиб, муаммони янада чигаллаштириш нечоғли ўринли?

Денгизга ғарқ бўлган киши амаллаб кимсасиз оролга етиб олганида ҳам, “Э, қаранг-а, уй-жойсиз, кийим-кечасиз, маош-машинасиз яшаса бўлар экан-ку”, демайди, уйга қайтиш йўлини қидиради. Босма матбуот ғарқ бўлганича йўқ, муҳтарам биродарлар, унинг бугунги ўктам овозини эшитса бўлади, бунинг учун вақти-вақти билан лор врачнинг кўригидан ўтиб туриш талаб этилади, холос. Эҳтимол, кимлардир мабуотнинг овози деганда, собиқ тузум нашрларида ҳукмфармолик билан ёзилган даб-дабали айблов мақолаларни, масалан, устоз Озод Шарафиддинов бош қаҳрамони бўлган “Чорбоғчилар” фелъетонини ёки Шароф Рашидов номига доғ тушириш учун қасддан тўқилган тухматларни тушунишар? Йўқ, ундай эмас, бугунги матбуот бўлар-бўлмасга айюҳаннос соладиган, шовқин кўтарадиган минбарликдан, деҳқонга чигит экишни, қассобга гўшт бўлаклашни ўргатадиган мутахассислик мақомидан аллақачон қутулган. У энди жамоатчиликнинг холис минбари. Газета-журналларимиз бундай мақомга мосми ёки йўқми – бу алоҳида масала. Чунки, касални даволаш бошқа, бетига бакрайиб туриб, даволашдан фойда йўқлигини айтиш бошқа. Бу ҳам бир маданият. Матбуот коронавирუსга йўлиққани йўқ, аммо иш услуби сурункали касалликка айлангани рост. Бунга даво топса бўлади.

Яқинда бўлиб ўтган бир ижодий йиғинда таникли олимларимиздан бири бизга узоқ йиллар сабоқ берган, матбуот ривожига салмоқли ҳисса қўшган, бутун умрини журналистикага бағишлаган устозлар ҳақида: “Уларнинг ёзганлари эскида, ҳаммаси яроксиз”, деганига зўрға чидаб тургандим, аммо газеталарнинг келажаги йўқ, деган фикр оғирлик қилди.

Газетада биринчи хабарим чоп этилганига салкам олтмиш йил бўлди. Ҳали-ҳануз оддий мақола, муносабат ёзиш учун неча кунлаб материал тўпламан, факт, рақам йиғаман, газета-журналларнинг эски сонларини варақлайман, фикримни жамлайман, қоғозга тушган мисраларимни қайта-қайта таҳрир қиламан. Наҳотки шуларнинг ҳаммаси эртага саробга айланса? Бугунги баҳсда қатнашаётган айрим кузатувчиларнинг фикридан: “Хомтама бўлманглар, жаноб журналистлар, газеталарнинг умри тугади, карантиндан чиккунимизча, ҳамма нарса ўзгариб кетади”, деган хулосанинг нохуш ҳиди келмоқда. Менимча, бундай бўлмайди. Карантин ҳолатида бу қадар узоқ қолиб кетмаймиз, ниятни яхши қилайлик. Ҳеч бўлмаса, бош санитар врачимиз даражасида фикрлайлик: “Ҳаммаси яхши бўлади...” дейди у киши ва буни яхши хушхабарлар билан изоҳлаб беради.

Бошқа бир мамлакатда катта бир газетанинг қоғоз нашри тўхтаган экан, биз ҳам дарҳол шу йўлга ўтадиган бўлсак, ўз йўлимиз қаерда қолади? Фарб дунёси амал қиладиган бир мақол бор, улар ўзбек тилини билмайди, аммо қурмағурлар “Така бўлсин – сут берсин” деган писандални мақолимизга чирмовуқдай ёпишиб олишган. Эртага вазият ўзгарса, даромад ҳақи шу тўхтаган газетани ёки бошқа бир нашрни бир кунда бир эмас, икки-уч марта чоп этишлари аниқ. Ота-бола Мердоқлар тасарруфларидаги йирик газетадан қандай мақсадларда фойдалангани, ўлган (ўлдирилган) қизчани тирик деб, ота-онасини умидвор қилишгани ва, охир-оқибат, шарманда-ю шармисор бўлишгани ёдимиздан кўтарилдими? “Фалон мамлакатда одамлар фалон кийимни киймай ҳам кўчага чиқишар экан”, деса, биз ҳам шундай қилишимиз керакми?

Одатда, бир гапни такрор-такрор уқтиравериш дуруст эмас, аммо оддийгина ҳақиқатни тушуниш негадир қийин бўлаётган экан, такрорлашга тўғри келади. Ҳарбийларда, “Билмасанг ўргатамиз, хоҳламанг – мажбур қиламиз”, деган гап бор. Оддий ҳақиқат қуйидагича: босма нашрларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳақидаги гапларда хавотир, ўйлашга, дўппини қўлга олиб, бошни қашлашга арзирли таҳлил бор, буни инкор этмоқчи эмасмиз, аммо неча асрлардан буён жамият билан ёнма-ён, бақамти, ҳамнафас яшаб келаётган, энг оғир кунларда, таҳликали шароитларда таъсирчан сўзи билан не-не муамоларнинг ҳал бўлишига ҳисса қўшган нашрларнинг таназзули ҳақида башорат қилишга асос йўқ.

Жамият қандай бўлса, унинг матбуоти ҳам шунга яраша: очик бўлса, очик, танқидни кўтара олиш даражасида бўлса, танқидий фикрларга бой, мақтовни ёқтирадиган бўлса – хайбарақаллачи ва хоказолар. Жамият ўз матбуотини ўзи яратади. Буюк Наполеон ҳар гал ҳокимият тепасига келганида: “Бугундан бошлаб менга француз газеталарининг кераги йўқ, мени кўшни давлатларнинг матбуоти мен ҳақимда нималар ёзаётгани кизиқтиради”, дер экан.

Яна бир фикр. Бу ёруғ оламда тириклик мавжуд, инсон яшашда давом этар экан, демакки, тафаккур эҳтиёжи йўқолмайди. Тафаккур ривожини таъминлаш учун эса одамлар газета, журнал, китоб ўқишлари керак. Хизмат сафарларим чоғи дунёнинг кўп мамлакатлари олий ўқув

юртларида, талабалар шаҳарчаларида бўлганман, устозлар, талабалар зарур мақолаларни интернет орқали қидиришади, топганларидан кейин эса уни қоғозга кўчириб, қоғозда ўқишади. Асосан қоғоз манбалардан фойдаланишади. Илм, тафаккур йўли шу. Бунинг фарқини тушуниш қийин эмас. Олимларнинг фикрича, қоғоздаги сатрлар, демакки, ахборот, факт ва рақамлар, хис-ҳаяжон, туйғу, ажабланиш, кониқиш, жунбушга келиш, ҳавас қилиш инсон миясига Кумушбибининг, “Сиз ўшами?” деган сўзларидек муқим жойлашади, хотирага нақш боғлайди. Бундан атиги бир муддат аввал кимдир: “Коронавирус бу донишманд дунёни тўрт кунда алғов-далғов қилиб юборади, бою камбағал, қарздору ҳақдорнинг жони ҳалқумига келади”, деса ишонармидик? Бу ярамас вируснинг иштаҳаси очилиб, пайтини пойлаб туриб, интернет тўрига хужум бошласа, хотирасини чилпарчин қилса нима бўлишини тасаввур қиламизми? Тасаввур қиладиган воқеа йўқ эмас, бор. Бундан бир неча йил аввал, аниқроғи 2012 йил 17 июль кун соат 18.00да МТС мобил телетармоғи ўз фаолиятини тўхтатганида нима бўлганини эслайлик. Интернетни рад этмаган ҳолда мусулмон оламини, Шарқни буюк муаллимлик даражасига кўтарган босма нашрларни унутмайлик.

Интернет имкониятлари, шубҳасиз, чексиз, боз устига, бу тизим ҳали янада ривожланади. Аммо, шуни ҳам унутмайликки, бундай доно ва тезкор машинани газета, журнал, китоб ўқиб зукко билимдон бўлган Инсон боласи яратган ва бундан кейин ҳам, агар иксзурриётлар ҳамма ёқни эгаллаб олмасалар, дунё технократлар қўлида қолиб кетмаса, ворисийлик занжири узилмаса, ақл-идроққа, фаҳм-фаросатга чанг тушмаса, албатта, ҳазрати Инсон, унинг китоблардан олган билими бошқаради. Яхшилаб тушуниб олайлик: интернет хабардорлик даражамизни оширишга хизмат қиладди, босма нашрлар тафаккуримизни беминнат чархлайди, қалбимизни бойитади, фикр томирларимизни ҳаракатда ушлаб туради. Тобора мураккаблашиб бораётган ақлли компьютерларнинг инсон мияси ва, айниқса, руҳиятига (демакки, маънавий оламига ҳам) таъсири эса, руҳшунослар ҳозирдан бонг уришаётганидек кейинроқ маълум бўлади. Аммо бу маълумликдан деярли фойда бўлмайди.

Румий ҳазратлари шундай деганлар: “Дўкондаги нарсалар омбордаларнинг бир қисмидир. Омборда бор нарсаларнинг ҳаммасини дўконга сиғдириб бўлмайди. Инсон ана шундай дўконга ўхшайди. Унга Тангрининг сифатлар хазинасидан бирор-бир парча (эшитиш, кўриш, хис этиш, сўзлашиш, ақл-фаросат, билим, мардлик, жасорат кабилар) берилган. Демак, инсонлар Тангрининг сотувчиларидир ва улар бу иш билан машғулдирлар. Кундузи савдо қилиб, идишларни бўшатадилар, кечаси эса бўш идишларни яна тўлдирадилар, тўлганларини қувватлантирадилар”.

Улуғ устоз “кечаси идишларни тўлдириш” деганда китоб ўқишни кўзда тутганига шубҳа йўқ. “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур” журналлари китоб ҳолида чоп этилади. Бу нашрларда эълон қилинган мақолаларни йигирма, ўттиз йилдан кейин ҳам ўқиш мумкин. Наҳотки буни фарқламасак?

Бугун пандемиядан сўнг дунёнинг қандай бўлиши ҳақида кўп фикрлар билдирилмоқда. “Дунё бутунлай ўзгаради, ҳаммаси бошқача бўлади, ҳеч нарса шу ҳолича қолмайди”, деяётганлар оз эмас. Эътироз билдириш қийин, чунки бу ялпи офатдан омон чиккан дунё, чиндан ҳам ўзгаради. Турмуш тарзимизда, дунёқарашимизда, жаҳоний муносабатларда, халқаро ижтимоий, иқтисодий-сиёсий алоқаларда ян-

гича йўналишлар, мақсад-муддаолар, умумманфаатли режалар пайдо бўлиши аниқ. Фикримча, янги бир тозаришни бошдан ўтказишимизга, ортикча, самарасиз нарсалару воситалардан, тўсиқ-тўғонлардан, эскирган қолип-андозалардан воз кечишимизга, қисқа қилиб айтганда, бундан буёғига оёқни кўрпага қараб узатишимизга, даромадга яраша буромад қилишимизга тўғри келади.

Давлат бошқарувида, раҳбарлик тизимларида ўзига хос ихчамлашув бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Сифат ва самардорликка қайтамыз. Тежамкор бўламиз. Айний домланинг “Судхўр” романини, Хуршид Дўстмуҳаммад айтганидек, қайта идрок этамыз. Буни ҳар бир давлат, жамият ўзининг ички имкониятига қараб амалга оширади. Алоҳидаланиш, бўлаккланиш, тор қобикли узлатга чекиниш каби қарашлар ўрнини ягона умуминсоний мақсад-муддао, масалан, табиатни асраш, ичимлик сувини тежаш, минтакавий кооперацияни ривожлантириш йўлида бирлашиш ҳаракатлари эгаллайди. Дунёни айни мана шу ўзгаришлар кутқаради. Аммо, шунча ўзгаришлар ҳам “Пандемиядан кейин дунё бутунлай бошқача кифофага киради”, дейишга асос бўла олмайди. Дунё дунё бўлганидан бери яшаб келаётган маънавий-ахлоқий тамойиллар, шубҳасиз, сақланади. Инсоният юзидаги ниқобини ечганидан кейин ҳам яшашда давом этади, фарзанд тарбиялайди, боғ яратади, болаларига газета-китоб ўкиб беради.

Инсоният ўз тарихида бало-қазоларни кўп бор кўрган, талофатлари कोरोनाвирус қурбонларидан ошган. Уй-жойи, қурган шаҳарлари неча бор ёниб кул бўлган, дарёлари неча бор қуриб, қайта жонланган. Аммо ҳеч қачон тушқунликка тушмаган, яшашда, яратишда давом этган. Биз бугун пандемияга қарши курашда асло бўш келмаётганимизнинг боиси ҳам шу – халқимизнинг руҳи баланд, эртанги ойдин кунларга ишончи мустаҳкам, давлат раҳбари, миллат етакчиси бу курашнинг бошида турибди. Шундай экан, у бўлади, бу бўлади қабилдаги тахминларни тўхтатганимиз маъқул. Ўзбекистонда журналист касбини эгаллаган, шу касбга садоқат билан хизмат қилаётган неча минг ижодкор бор. Учта университетда Президентимизнинг олий таълим олдига қўйган янги талаблари асосида эртага ўрнимизга келадиган ўриндошларимизни тарбияламоқдамиз. Дунёнинг кўзга кўринган университетлари билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Замоनावий дарсликлар яратилмоқда. Янги ўқув йили бошида аудиторияга кириб, талабаларга нима деймиз, “Кечирасизлар, бошқа факультетларга ўтинлар, газета-журналларнинг кунни яқинда битади”, дейимизми? Бу гап қаердан чиқди, деган саволга қандай жавоб берамиз, “Пандемия кунлари устоз журналистларнинг ҳолидан хабар олган жамғармадан”, дейишга тилимиз борармикин?

Бир гапни очик айтиш керак: матбуотимиз жиддий ўзгариши зарур. Ўзгараётган, бугунги талабларга мослашаётган нашрлар йўқ эмас, бор, аммо тўрт-бешта илғор, тўрт-бешта шартаки билан иш битмайди. Ортиқчалари, қуруқ савлатлилари, оғир қарвонлари, шунчаки ҳавасга ташкил этилганлари, журналистиканинг обрўсини тўкаётганлари бор ва оз эмас. Бу муаммони ким ҳал қилади? Таъсисчи ва жамоанинг ўзидан бошқа ҳеч ким. Рақобатга дош бера олмаяпсизми, бугуннинг шиддатини хис этишингиз кийин кечаяптими, ўқувчингиз камми, сўзингиз таъсирчан чиқмаяптими, ишингиздан қониқмаяпсизми, марҳамат, бир қарорга келинг.

Шу ерга келганда, матбуотимиз муаммоларига бошқа бир тарафдан ҳам қарашимиз зарур. Жорий йилимизнинг энг катта муаммоси, аниқроғи талофати обуна билан боғлиқ бўлди. Мажбурий обунага қарши ғоят зарур кураш кампанияси уқувсизлик билан олиб борилгани натижасида ўртада

тушунмовчилик келиб чикди. Қаерга борманг, кеча ҳам, бугун ҳам ва, албатта, эртага ҳам битта гап: “Акажон, устоздай одамсиз, хурматингиз бор, аммо ёрдам бера олмаймиз, обуна билан шуғулланганларни ишдан бўшатишмоқда. Мана, масалан...”

Журналхонлар билан учрашувлар ўтказиш учун олтига вилоятга бордим. Марокли суҳбатлар бўлди, аммо... баъзи раҳбарларнинг ўта эҳтиёткорлиги мени ғоят ажаблантирди. Кўзлари олазарак, “Ака, илтимос, обуна ҳақида гапирманг, ўрнимни мўлжаллаб турганлар бор, юқорига хабар беришса яхши бўлмайди”, дейишади.

Хуллас, қош қўяман деб, кўз чиқарилди. Бу хатони тан олмаслик учун нима ҳаракат қилмайлик, сўровларга қандай “отписка”лар жўнатмайлик, интервьюларимизда ўзимизни нечоғли оқламайлик, фойдасиз – ўрмонга ўт тушиб, хўлу курук баробар ёнди ва унинг аччик тутуни ҳамон кўзимизни ачиштирмоқда. Ҳали ҳам кеч эмас, кимдир: “Азизлар, обунага ҳеч ким қарши бўлган эмас, бизни ногўри тушунишди, марҳамат, ўзингизга маъқул нашрларни ўқинглар, тарғиб қилинглар, баҳс-мунозараларга қўшилинглар, мақола ёзинглар, яхши ишларингизни кўрсатинглар, обуна тарғиботчиларини жазоламанглар, аксинча, рағбатлантиринглар”, дейиши зарур. Борди-ю бундай дейишга журъат этмаса, унда, ҳеч бўлмаса, обунага халакит бермаслик керак. “Ҳа, биродар, обуна бўлгингиз кеп колдими, қайси нашрга, э-хе, майли...” дея инглизча кулмаслик керак (Инглизларда уч нарсдан – буқанинг шохидан, отнинг туёғидан ва инглизнинг мийиғида кулишидан кўрк”, деган мақол бор).

Устоз Эркин Воҳидовнинг бир гаплари ёдимга тушади. Вилоятлардан бирида хунармандларнинг кўргазмаси бўлаётган экан. Раҳбарлардан бири Эркин акага: “Устоз, одамларга қўйиб берсангиз нима ишлар қилишмайди-я, оддий хунарманд йигит яратган идиш чинакам санъат асари-я”, деган экан, шоир: “Бир қўйиб бермайсизми”, дебди.

Матбуот ҳам шундай. Таҳририятга, аввало, ишонч билдириш керак. “Ишонч”, “Хуррият”, “Миллий тикланиш” газеталарига озроқ қўйиб беришган эди, бу уч нашр анча олдинлаб кетди. Масъулият муҳаррирнинг ўзида бўлсин, оддий ахборотни ҳам юқори билан маслаҳатлашиб ҳал қилмасин.

Яқуний сўзим шуки, биз бугун шиддат билан ўзгараётган дунёда, янгиланаётган Ўзбекистонда, давлатимиз раҳбарининг инсоний қиёфа касб этган янги халқчил сиёсати шароитида яшамоқдамиз. Оммавий ахборот воситаларининг бугунги эркинлиги бундан уч-тўрт йил аввал ҳатто ҳаёлимизга ҳам келмаган. Буни тан олайлик. Аммо ҳаёт тинимсиз ўзгариб, денгиз тўлкинидай мавжланиб бормоқда. Фаоллигимиз, ижодимиз, журъатимиз шунга мос бўлсин. Оддий мулоҳазадан бошланган баҳс-мунозарага чуқур берилмайлик-да, сиз, мен, бошқа устозлар, муҳаррирлар, истеъдодли шогирдлар, кўлида қалами, юрагида журъати бор фидойилар матбуотимизнинг эртаси учун жон куйдириб, ўқиладиган, ўқувчида фикр уйғотадиган, қарашларини чархлашга қодир мақолалар ёзайлик, журналист суриштирувлари ўтказайлик, мухлисларнинг ишончини қозонайлик. Ва... Матбуот ҳақидаги бўлар-бўлмас тортишувлар билан сайтларни тўлдиргандан кўра, биз учун яқка-ю ягона минбар бўлган “Ўзбекистон матбуоти” журналимизни оёққа турғизиб, белини қувватлантириб, унинг беғараз саҳифаларида мириқиб баҳслашайлик, илмий мунозаралар олиб борайлик.

Менимча, яшаб қолишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

*Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ*



NASR



*Федор ДОСТОЕВСКИЙ*

(1821–1881)

## АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР

Тўрт қисмли, эпилогли роман<sup>1</sup>

*Рус тилидан  
Иброҳим ҒАҒУРОВ  
таржимаси*

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

Ўнинчи китоб

БОЛАКАЙЛАР

I

КОЛЯ КРАСОТКИН

Ноябрь ойининг бошлари. Бизда совук ўн бир даражаларга чиқди-ёв. Ерлар музлади. Яхлаган ерга бироз қор сепалади. “Аччиқ, қора” изғирин қорни кимсасиз шаҳарчамиз кўчаларида шопиради, яйдоқ бозор майдонида қуюн салади. Гира-шира тонг отди, қор ёғишдан тинди. Бозор майдонидан узок бўлмаган жойда, Плотниковлар дўкони яқинида мансабдор Красоткиннинг бевасига тегишли, ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам ғоятда озода, шинам уйи жойлашган. Вилоят ҳокимининг қотиби бўлмиш Красоткиннинг ўзи ўлиб кетганига анча вақтлар, қарийб ўн тўрт йил бўлди, аммо унинг ўттиз ёшлардаги ҳалиям суқсурдай бева хотини барҳаёт, ўзининг чиннидай саранжом-саришта уйида “ўз маблағлари” ҳисобига яшайди, номусини сақлаб андиша-ибо билан кун кечиради, феъли-атвори ғоятда майин, мулойим бўлса-да, лекин анчагина хушчақчақ ва қувнок. Эрдан қолганда ёши ўн саккизда эди, эри билан ҳам фақат бир йилча яшган ва эндигина кўзи ёриб унга ўғилча туғиб берганди. Эри казо қилгандан буён у ўзини бутунлай кўзининг оқу қораси – ўғилчаси Колянинг тарбиясига бағишлади, уни мана ўн тўрт йилки жони устига қўйиб, аммо доим кўрқиб, юраги така-пука бўлиб кун кечирди. Бахту хурсандчиликдан кўра азобу азиятларни кўпроқ бошидан ўтказди, кун узун ҳар дамда бир ўлиб кўрди, вой ана касал бўлиб қолади, вой ана шамоллайди, вой ана

<sup>1</sup> Давами. Романнинг бошланиши журналнинг ўтган 2018 йил 8, 9, 10, 11, 12-сонлари; 2019 йил 9, 10, 11-сонларида.



тўполонни авжга чиқаради, курсига чиқиб ана йиқилиб тушади ва ҳоказо ва ҳоказо. Коля мактабга, ундан сўнг бизнинг бошланғич гимназиямизга ўқишга қатнай бошлагач, она ўғилчасига кўмаклашиш, дарсларни бирга тайёрлаш учун барча фанларни жон-жаҳди билан ўрганишга киришди, муаллимлару уларнинг аёллари билан ҳам яқиндан танишиб олди, ҳатто Колянинг мактабдош ўртоқларини эркалатар, Коляга қитмирлик қилишмасин, устидан қулишмасин, калтаклашмасин деб, тулкилик, тилёғламалик ҳам қиларди. Алоҳал аҳвол шунга бориб етдики, болакайлар қасддан Колянинг устидан қулиб, масхаралаб, ойисининг боласи деб, жиғига тега бошлашди. Аммо болакай бўш келмади, ўзини химоя қилолди. У довярак болакай эди ва тез орада синфда “ёмон кучли бола” бўлиб танилди, унинг чапдаст-чаққонлиги, метин феъли-хўйи, жасурлиги ва зийраклигига тан беришди. У яхши ўқирди, ҳисоб ва дунё тарихи бўйича ҳатто ўқитувчиси Дарданеловнинг ўзини ҳам мот қилиб қўяди деган шов-шувлар юрарди. Болакай ҳаммага бурнини кўтариб қараса-да, яхши ўртоқ эди, асло ҳаддидан ошмасди, оғайнигарчиликка риоя қиларди. Мактабдошларининг хурмат-эътиборига ўзини сазовордек тутар, димокфирок қилиб юрмасди. Энг муҳими, ҳаддини билар, вақти келса ўзини босиб олар, мактаб раҳбарларига муносабатда эса охириги муҳим чизиқдан нарига ўтмас, нарига ўтса, қилиғи хунук кўриниши, бевошлик, адабсизлик бўлиб туюлиши, қонданнинг бузилиши, исён каби қабул қилинишини яхши тушунарди. Шу билан бирга қулай пайт келди дегунча шўхликларга муккасидан кетар, уччига чиққан шум боладай тўс-тўполонга берилар, бу шўхликлардан ҳам ортиқроқ оҳанжама бир нарса ўйлаб топиш, “хунар” чиқариш, қойил қилиш учун олифтагарчиликка зўр беришга уринарди. У ҳаммадан ҳам худбинроқ эди. Ҳатто онасини ҳам зўравонлик билан ўзига эгиб, бўйсундириб олганди. Онаси ҳам бўйсунган, о, аллақачон бўйсунган, фақат бир нарсага, боласи уни унча “яхши кўрмаслиги”га асло тоқат қилолмасди. У, “Колянинг мен билан сира иши йўқ”, деб тўхтовсиз ўйлар, баъзан ўртаниб-қуйиб, юм-юм йиғлаб, ўғилчасига “мени яхши кўрмайсан”, деб ёзғирарди. Бу болакайга сира ёқмас, ундан қанча кўп меҳру муҳаббат тиласалар, шунча ортиқ тошбағир бўлиб борарди. У буни атай эмас, беихтиёр қилар – феъли-хўйи шундоқ эди. Она янглишарди: ўғилча онасини яхши кўрарди. Фақат ҳаддан ортиқ эркалашлари, мактаб болалари тилида айтганда, “ялаб-юлқашлари”ни истамасди, холос. Отасидан бир қанча китоблар сақланадиган жавон қолганди; Коля ўқишни яхши кўрар, китобларнинг бир қанчасини ўзича ўқиб ҳам чиққанди. Ойиси бундан ранжиди, фақат қандай қилиб бу болакай бошқалар билан бирга ўйинга югурмай, соатлаб тик оёқда туриб китоб ўқиётганига ҳайрон қоларди. Мана шу тариқа Коля ҳали унинг ёшида ўқиш жоиз бўлмаган аллақанча китобларни мутолаа қилиб улгурди. Гарчи охириги пайтларда болакай шўхликлар қилиб маълум чизиқдан чиқмаётган бўлса-да, шунақанги тўполонлар ҳам бошландики, бундан она шўрлик ҳазилакам кўрқмади, – рост, булар алланечук уятсиз қинғирликлар эмас, лекин қандайдир шаддот, каллакесарларча шўхликлар эди. Айни мана шундай ёз чоғи, июль ойида таътилга чиққан кезлари она-бола бу ерлардан етмиш чақирим наридаги бошқа уездга, узоқ қариндошлариникига бирор ҳафта дам олиб келгани меҳмонга боришди, хонадон хўжайини темир йўл бекатида хизмат қиларди (бу – бизнинг шаҳарчамизга яқин ўша бекат бўлиб, Иван Федорович Карамазовнинг отаси).

зов ундан бир ойдан кейин Масковга жўнаб кетмишди). Коля бу ерда темир йўлни миридан-сиригача ўрганиб, поездларнинг келиш-кетиш жадвалларини батафсил ўкиб чиқди, гимназияда ўқиш бошлангач ҳаммасини мактабдошларимга ҳикоя қилиб бераман, уларнинг оғизларини очириб кўяман дерди. Ўша кезлари у ерларда ўзига ўхшаган бир қанча болакайлари учратиб, улар билан танишиб олди. Уларнинг айримлари бекатнинг ўзида яшар, бошқалари ён-атрофдаги кўшнилари бўлиб, ҳаммаси ўн икки-ўн беш ёшлардаги олти-етти ўсмирчалар эди, уларнинг иккитаси ҳатто шахарчамиздан экан. Болалар бирга ўйнашар, турли шўхликлар қилишарди. Коля меҳмонга келганининг тўртинчи ёки бешинчи куни болалар бекатда ўйнаб юриб, ҳеч ақлга тўғри келмайдиган бир масалада бас боғлашиб қолишди, икки рубль тикилди: болалар ичида ҳаммадан кичик ва ҳаммадан кўра кўпроқ камситиладиган Коля ўзини кўрсатгиси келди-ми ё юраги ёмон қизиби бир нарсаси ғамирладими, ботирлик қилиб, “мен кечки ўн бирда ўтадиган поезд келганида икки темир йўл изининг ўртасига тушиб ётаман, то поезд ўтиб кетгунча ўрнимдан кимираммайман”, деб аҳд қилди. Рост, бундан олдинроқ йўл кўриб чиқилган ва ҳақиқатан ҳам, излар орасида узала тушиб ётиб поездни ўтказиб юбориш мумкин эди, у ётган одамга тегмай ўтиб кетади деган қарорга келишганди, аммо кани ётиб кўринг-чи! Коля мен ётаман деб туриб олди. Унинг устидан аввал ёлғончи, сўнг олифта мактанчоқ деб қулишди, у эса баттар қизишди. Ҳаммадан ҳам анови ёши ўн бешга чиққанлар унинг олдида бурниларини баландга кўтаришар, уни ҳатто аввалига ўзларига ўртоқ ўрнида ҳам кўришмай, “кичкинтоё” деб камситишди, бу Коляга ёмон алам қилди. Ниҳоят, кечкурун бир чақирим нарига бориб поездни-ю унинг бекатдан чиқиб тезлигини тобора оширадиган пайтини кутадиган бўлишди. Болалар кечда жам бўлишди. Осмонда ой кўринмас, тун қоп-қоронғи, тамомила зимистон эди. Келишилган вақтда Коля излар орасига ётди. Бас бойлашган бошқа беш бола пушаймон бўлиб, юраклари ёрилиб, қўрқиб пастда – йўл бўйида буталар орасига яшириниб кутишди. Ниҳоят, поезд бекатдан гулдураб йўлга тушди. Икки қизил чироқ зулматни ёритди, гулдурор борган сари яқинлашди. “Қоч! Қоч! Ётма йўлда!” – деб кичқиришарди пастда кўрқиб ўлар ҳолга келган болалар Коляга. Аммо вақт ўтганди, поезд етиб келди, ваҳшат билан шовқин солиб ўтиб кетди. Болалар Коляга қараб югурдилар: бола кимираётмай ётарди. Болалар уни кимиралишиб ўрнимдан турғиза бошлашди. Коля бирдан турди ва индамай темир йўл кўтармасидан пастга тушди. Пастда атай сизларни кўрқитиш учун кимираммай ётдим, деди. Лекин, очиги, у ростдан ҳам, ҳушидан кетиб қолганди, буни кўп вақтлар ўтиб онасига тан олиб айтди. Шундан сўнг у то ҳаётининг охиригача “кўркмас, ботир” деган ном олди. Уйга у ранги кум ўчганча қайтди. Эртасига уни энгил қалтироқ тутди, аммо вақти чоғ, жуда хурсанд эди. Бу воқеа кейин шаҳарда овоза бўлиб кетди, гимназиядаги дув-дув гап, мишмишлар бошлиқларнинг қулоғига етиб борди. Колянинг ойижониси бошлиқлар оёғига йиқилиб, ўғлини кечиришларини сўради, ялинди-ёлворди ва алоҳа мақсадига эришди. Обрўли муаллим Дарданелов ҳам Колянинг ёнини олди, шундан сўнг иш бости-бости бўлди. Ҳали унча қари бўлмаган бўйдоқ Дарданелов анча вақтлардан бери бувиш Красоткинани жонидан севар, ҳатто бундан бир йилча аввал юраги така-пука бўлган ҳолда эъзоз-икром билан ботиниб-ботинмай бу-

вишга таваккалига оғиз солганди; аммо бувиш “ўғилчамга хиёнат қилмайман” деб, қатъиян рад жавоби берди. Ҳолбуки, Дарданелов айрим хуфиёна имо-ишораларга қараганда, орзусига эришишга ҳақли эди. Зеро, офатижон аёл – ғоятда маҳпора, малоҳатли бувишнинг майли-хотирига сазовор бўлмишди. Орада Колянинг энтак-тентак шўхлиги, чамаси, ўртада илиқлик уйғотди. Коляни ҳимоя қилгани учун Дарданеловга умидсиз бўлманг, деган маънода ишорада бўлинди. Фақат кутинг, дейилди. Аммо Дарданеловнинг ўзи ҳам покиза ва ораста йигит эди. Бинобарин, ушбу ишоранинг ўзиёқ уни батамом бахтли қилиш учун етарли эди. Қолаверса, у болакайни ҳам яхши кўрар, лекин унинг олдида ялтоқланишни ўзига асло раво кўрмас ва синфда унга нисбатан жиддий талабчанлик билдирарди. Аммо Колянинг ўзи ҳам уни ўзидан анча узоқроқда тутар, дарсларга аъло тайёрланар, синфда бу жихатдан биринчи бўлмаса, иккинчи ўқувчи ҳисобланарди. У Дарданеловга куруққина муносабатда бўлар, бутун синф Коляни дунё тарихи бўйича шунчалар кучлики, ҳатто Дарданеловнинг ўзини ҳам “бемалол йикитади”, деб ишонарди. Ҳақиқатан, бир куни Коля муаллимига шундай савол берди: “Трояга<sup>1</sup> ким асос солган?” Дарданелов бунга умумий тарзда жавоб берди, халкларнинг ҳаракатлари, кўчишлар, замонлар теранлиги, масалчиликлар борасида сўз юритдиким, Трояга кимлар асос солганлиги, уларнинг номлари устида тўхталмади. Саволни бекорчи ва ортиқча деб топди. Бироқ болалар Дарданелов Трояга ким асос солганини билмас экан, деган қарорга келдилар. Коля эса Трояни биринчи бўлиб қурган кишилар ҳақида Смарагдовнинг тарих китобидан ўқиб билиб олганди. Китоб отасининг жавонидаги китоблар орасида сақланарди. Охири шундай бўлдики, барча болалар Трояни кимлар қурганига жуда ҳам қизиқиб қолишди, аммо пишиқ Красоткин сирни очмади. У ҳаммадан билағонлигича қолди.

Темир йўл воқеасидан кейин Коля билан онаси ўртасида муносабатлар бирмунча ўзгарди. Анна Федоровна Красоткина ўғилчасининг қилмишидан хабардор бўлгач, даҳшатга тушиб эс-ҳушидан айрилди. Бир неча кун дам-бадам ҳушидан кетиб ётди, аҳволи оғирлашди. Коля бундан ниҳоятда кўркиб кетиб, бундай ишларни бошқа ҳеч қилмайман, деб онасига чин сўз берди. У санам қошида тиз чўккан ҳолда отасининг ҳаққи-хурмати қасам ичди, зеро, онаси шуни талаб қилди. Шуниси ҳам борки, “ботир” Колянинг юраги эзилиб, хўрлиги келиб, худди олти яшар боладай хўнграб йиғлаб юборди, шу тарика она-бола икковлари кун бўйи бир-бирларининг кучоқларига отилишиб, зор-зор йиғлаб олишди. Эртасига эрталаб Коля яна “бағритош” бўлиб уйғонди, бироқ камгап, камтар, вазмин ва хаёлчан бўлиб қолди. Рост, яна бир ойлар ўтгач, тағин бир шўхлик қилиб кўлга тушди, унинг номи ҳатто жамоа судининг қулоғига етиб борди, тўғри, унинг бу шўхлиги бошқачароқ бир нарса эди, ҳатто жуда кулгили ва аҳмоқона деса ҳам бўлади, бунинг устига, маълум бўлишича, бу шўхликни ўзи қилмаган, фақат бехос аралашиб қолган экан, лекин бу ҳақда кейинроқ айтиб ўтармиз. Онанинг юраги ҳамон така-пука, кунлари азобда кечарди. Унинг кўркув-хавотирлари ариган сайин Дарданеловнинг умидлари мустаҳкамлана борарди. Қайд қилиб ўтайликки,

<sup>1</sup> Троя – Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган жуда қадимги шаҳар. У ҳақда Ҳомернинг “Илиада” достонида куйланган, сюжетига Троя уруши асос қилиб олинган. Милоддан аввалги уч мингинчи йилларда унга шоҳ Трой ва унинг ўғли Ил (Илион номи шундан) асос солган (изоҳлар таржимонники).

Коля бу томондан Дарданеловни тушунар, нима гаплигига фаҳми етар, инчунин, бу туйгулари учун муаллимидан бениҳоя нафратланарди; хатто илгарирок онасига бу нафрати ҳақида сўйлаб, “одобсизлик”ка ҳам борган, Дарданеловнинг мақсади нима эканлигини биламан, деб шама ҳам қилганди. Аммо темир йўл воқеасидан кейин у бу борада ҳам ўз фикрини ўзгартирди: хатто узокдан бўлса ҳам имо-ишора қилмайдиган бўлди, онаси хузурида Дарданелов ҳақида хурмат-эътибор билан сўзлашни одат қилди, Анна Федоровна бунини тийраклик билан юракдан англаб етди ва миннатдор бўлди. Шуниси ҳам борки, бирон жойдан уйларига келган меҳмон-излом олдида беҳос Дарданелов ҳақида сўз очилса ва боз устига бунда Коля ҳам турган бўлса, Анна худди қизил гулдек қизариб кетарди, Коля эса бундай дақиқаларда ковоғини солиб деразага қарар ё ўзини пашша кўриётгандек кўрсатарди. Ё уводага ўхшаган каттакон пахмоқ итини зарда билан олдига чақирарди; бир ярим ойча бурун бу итни аллақачондан кўчадан топиб келган, уни ҳеч кимга кўрсатмай яшириб хонада сақларди. Ўлгудай итни азобини бериб, турли-туман хунарлару найрангбозликларга ўргатди, ит шўрлик шулар даражага етдики, мактабга кетганда уни соғиниб увиллар, мактабдан қайтганда эса ўзида йўқ хурсанд бўлиб, ингиллаб, эс-хушини йўқотиб ҳар томонга сакраб, тинимсиз ликиллар, нима деса шуни қилар, дам ерга узала тушиб ётар, ўзини ўлганга солар, хуллас, нимага ўргатилган бўлса ҳаммасини хатто сўрамасалар ҳам адо этар, жонижаҳони ҳаприкиб, эгасининг кўнглини олишга уринарди.

Айтганча, менинг ёдимдан чиқаёзибди, махфий қолмасинким, бу Коля Красоткин деганимиз, анов истеъфодаги штабс-капитан Снегиревнинг ўғилчаси – ўқувчиларимизга таниш – отасининг номини болаларнинг масхаралашидан ҳимоя қилган Илюша томонидан бикинига пакки пичоқ урилган ўша болақайнинг ўзи-да.

## II

### БОЛА-БАҚРА

Шундай қилиб, ўша совуқ ва рутубатли ноябрь куни эрталаб Коля Красоткин уйда ўтирганди. Якшанба куни, мактабда ўқиш йўқ эди. Бироқ соат ўн бир бўлди ҳамки, уйда катталардан ҳеч кимса йўқ, унинг эса кўчада “кечиктириб бўлмайдиган жуда муҳим бир иши” бор, ҳолбуки, худди пойлоқчиликка ташлаб кетилгандай бир ўзи ёлғиз ўтирибди. Ўзи шундай бир воқеа бўлиб қолди-да, уйдаги барча катталар қутилмаганда зарур бир иш чиқиб ўша ёққа кетдилар. Красоткина бувиш уйининг бир қисмини ўзи эгаллаган, даҳлизнинг нариги ёғидаги икки кичкинагина хона ижарага қўйилган, у ерда иккита майда боласи билан дўхтир хотин турарди. Дўхтир хотин Анна Федоровна билан тенгдош, улар қалин дугона эдилар. Унинг эри бўлмиш дўхтирнинг ўзи, мана бир йил бўладики, аввалига Оренбургга, кейин эса у ердан Тошкентга қараб кетган. Бир ярим йилдан бери ундан дом-дарак йўқ, ёш болалари билан ташлаб кетилган бу аёл шўрликни бирдан-бир қўллаб-қўлтиқлаб турган, суянган тоғи шу Красоткина бувиш эди, бўлмаса қайғу-ғамнинг зўридан аллақачон кўз ёшларга фарқ бўлиб адоий тамом бўларди. Устига-устак бостириб келаврадиган

кулфат тушмагурни карангким, дард устига ҳарина дегандек, кеча шанбадан якшанбага ўтар кечаси бечора дўхтир хотиннинг битта-ю битта хизматкор ходимаси Катерина бекасини тамомила лолу ҳайронликка солиб кутилмаганда эртага эртаминан бола туғаман деб қолса бўладими. Бунинг қандай бўлганини олдиндан ҳеч кимса фаҳхламаган, пайқамангани, ҳамма ҳайратланиб оғзини очиб қолаверди. Тили лол қолган дўхтир хотин зийраклик қилиб дарров Катеринани шаҳарчадаги шунақа ишларга мўлжалланган жойга, доя кампирга олиб борди. У ходимасини жуда ҳам кадрларди, дарҳол режасини амалга оширди, уни дояга элтди, ёлғиз қолдиргиси келмай яна ёнида ҳам қолди. Ундан сўнг тонг отгач, Красоткина ойимнинг мушфиқ-меҳрибон дўстона кўмаги ҳам хўб асқотди. У кимдандир нималарнидир илтимос қилди, қандайдир ҳомийлик ёрдами кўрсатди, маҳрамлик қилди. Шундай қилиб, ҳар икков ёш бекаларимиз турмуш ғалвалари билан овора ва банд эдилар. Красоткина ойимнинг ўз хизматчиси Агафья хотин эса бозорга харидга кетмишди. Мана шундай ҳолу аҳволлар натижасида Коля дўхтир хотиннинг ёлғиз қолган иккита жужук боласига қоровул бўлиб ўтирди. Жужукларнинг бирлари қиз, иккинчилари ўғил бола эди. Уйни кўриқлашдан Коля кўрқмасди, бунинг устига ёнида вафодор ити ҳам бор, у итига даҳлизда “кимирламай” кат тагида ётишни буюрмишди, ити шунинг учун ҳам, Коля ҳар сафар хоналардан хоналарга ўтиб юраркан, бошини илкис силкитар ва ялтоқланиб думини икки марта полга қаттиқ уриб кўярди, аммо ҳамон кўтарилиш учун ишора-ю хуштакдан дарак йўқ эди. Коля ит бечорага пўписа қилгандай қовоқ уйиб қарар, ит эса бундан тош қотарди. Коляни фақат “дўмбоқчалар” ташвишлантирмоқда эди. Катеринанинг аҳволи билан боғлиқ ишларга у нафрати кўзиб қарар, аммо етимча болакайларни жуда ҳам яхши кўрарди, уларга ўқиш учун бир китобча топиб, олиб кириб берди. Болакайларнинг каттаси Настя деган қизча саккизга кирган, ўқишни билар, кичкина дўмбоқча ўғил болакай Костя эса опачасининг китоб ўқиб беришини жуда яхши кўрарди. Ҳа-да, Коля Красоткин дўмбоқчаларни бундан-да кизикроқ машғулот ё ўйин, мисол учун бекинмачоқ ёки аскар-аскар ўйини билан банд қилиши ҳам мумкин. Илгари улар билан бундай ўйинларни кўп ўйнаган ва бунга ҳеч қачон эринмасди. Бу ҳатто овоза бўлиб унинг синфига ҳам етиб борган, Красоткин ўз уйида кичкина болалар билан от-от ўйнариш, шатакка олиб, бошини эгиб сакрармиш деган гаплар чикқанди. Аммо Красоткин бундай гап-сўзларга эътибор бермас, уларни бошини тик кўтариб рад этарди, мен ростдан ҳам ўз тенгдошларим – ўн яшар болалар билан от ўйини ўйнасам, бу, албатта, ярашмаган хунук иш бўлиб туюлиши мумкин, “бизнинг асримизда” от ўйин эскирди, лекин мен бу ўйинларни палапонлар учун ўйнайман, чунки уларни жуда яхши кўраман. Ҳеч ким менинг ҳиссиётларимни тергашга ҳақли эмас, деб муносиб жавоб берарди. Буни карангки, “дўмбоқчалар” уни ғоятда яхши кўришарди. Аммо ҳозир ўйин асло кўнглига сиғмасди. Ҳаёли жуда ҳам зарур бир иш билан банд эди. Бу ишни ҳатто бағоят сирли деб айтиш ҳам мумкин эди. Вақт омонсиз ўтиб борар, болакайларни қолдириб кетса бўладиган Агафья эса хануз бозордан қайтмасди. Коля бир неча марта даҳлиздан ўтиб “дўмбоқчалар” олдига кириб чиқди, эшикни очиб уларга ҳайрон бўлиб, ташвишланиб қараб турар, болакайлар эса унинг айтганини қилиб китоб ўқиб ўтиришар ва ҳар сафар у эшикни очиб қараркан, унга

оғизларини катта очиб кулиб қарашар, мана ҳозир акачамиз олдимизга киради-ю биз билан ажойиб бир ўйинни бошлайди, деб умид қилишарди. Аммо Коля ўз ташвиши билан жуда банд, кирмасди. Ниҳоят, соат ўн бирга занг урди, энди Коля қатъий бир қарорга келди, агарда “шум” Агафья яна ўн дақиқадан сўнг келмаса, уни энди кутиб ўтирмай ҳовлидан кўчага чиқиб кетади. Олдин “дўмбоқчалар”дан мен йўғимда тўполон қилмайсиз, кўрқиб йиғламайсиз, бақир-чақир қилмайсиз, деб сўз олади. Шуларни ўйларкан, у ўзининг кишки пахталик, ёқаси аллақандай мўйналик пальтосини устига илди, елкаси оша сумкасини осди, онасининг уйдан совуқ ҳавога калишингни киймай чиқма, деб қайта-қайта ёлворишларига карамай даҳлиздан ўтаётганда калишларга нафрат билан ижирғаниб каради ва этикнинг ўзида ташқарига чиқди. Ити унинг ташқарига отланганини кўриб, бутун аъзойи бадани дир-дир титраб, думини полга шахд билан тапиллатиб ура бошлади, ҳатто инграб ангиллаб юборди. Аммо Коля итининг бундай шахд-шиддат билан интилаётганини кўриб, бу интизомга тўғри келмайди, деган қарорга келди-да, яна бир дақиқа бўлсада итни кат остида тутиб турди ва фақат даҳлизнинг эшигини очгандан кейингина бирдан хуштак чалди. Ит худди жиндай кат остидан отилиб чиқди ва унинг олдида тўхтовсиз сакрай бошлади. Коля даҳлиздан ўтиб “дўмбоқчалар”нинг эшигини очди, иккала болакай ҳамон стол атрофида ўтиришар, аммо энди китоб ўқишмас, балки қизишиб баҳслашардилар. Болакайлар авваллари ҳам турмушнинг турли-туман мавзуларида тез-тез тортишар, гап талашар, бу баҳсларда Настя катта бўлгани учун доим устун чиқарди; Костя агар опачасига қўшилмаса, доим Коля Красоткиннинг олдига арз қилиб борар, у нима деса, ҳаммасини мутлақ ўзгармас ҳақиқатдай ҳар икковлари ҳам қабул қилардилар. “Дўмбоқчалар”нинг бу сафарги тортишуви Коляни бирмунча қизиктириб қўйди, у эшик олдида тўхтаб охиригача эшитди. Болакайлар унинг эшитаётганини пайқашиб, баҳсни янада авжга миндирдилар.

– Мен ҳеч қачон, ҳеч қачон ишонмайман, – деб қизишарди Настя, – кичкина болаларни доя кампирлар томорқадан, экилган карамлар орасидан топиб олиб келтиришларига сира ишонмайман. Ҳозир қиш, томоркаларда ҳам карамлар қолмаган, қандай қилиб кампир Катеринага бола олиб келсин.

– Ў-хў! – ўзича хуштак чалиб юборди Коля.

– Ёки болани бошқа бир жойдан келтиришади ва эрга тегаётган қизларга беришади.

Костя опачасининг сўзларини диққат билан эшитар, хаёлга ботиб ўйларди.

– Жиннимисан, Настя, – деди у ниҳоят заррача қизишмасдан, – Катерина эрга тегмаган бўлса, бола нима қилади унда?

Настянинг ёмон жаҳли чиқди.

– Сен ҳеч балони тушунмайсан, – зарда билан укасининг сўзини бўлди у, – балки унинг эри бордир, фақат қамоқда ўтиргандир, бечора туғиб кўйгандир-да.

– Наҳотки унинг эри қамоқда ўтирган бўлса? – ҳамон ишонгиси келмасди тўғри фикрли Костянинг.

– Ёки бўлмаса буни қара, – оғзидан чиқмай бўғзига ёпиштирди Настя ҳозиргина ўзи билдирган тахминни бутунлай унутиб, – гапинг тўғри,

унинг эри йўқ, аммо у эрга тегмоқчи. Нукул эрга тегишни ўйлапти, ўйлагани-ўйлаган, ҳалиям ўйлаб ётибди, охири эрнинг ўрнига бола бўлиб қолди.

– Балки шундайдир, – деди тамомила мағлуб бўлган Костя, – ўзинг олдин буни менга айтмовдинг, мен қаёқдан билай.

– Вой, болакайлар-ей, – деди Коля уларнинг хоналарига қадам ташлаб, – мундоқ қараб турсам, сизлар чаток экансизлар-ку!

– Итингизни ҳам ола келдингизми? – деб Костя бармоқларини касирлатиб итни олдига чақира бошлади.

– Дўмбоқчалар, мен қийин аҳволда қолдим, – юзига жиддий тус бериб гап бошлади Коля, – сиз менга ёрдам беришингиз керак. Агафья, нима бало, оёғини синдириб қўйганми, шу пайтгача дараги йўқ, масала аллақачон ҳал бўлган ва имзо чекилган, мен бир жойга боришим керак. Менга жавоб берасизларми, йўқми?

Болалар бир-бирларига ҳайрон бўлиб қарашди, уларнинг илжайиб турган чехраларига ташвиш-хавотир калкиб чикди. Бироқ улар ўзларидан нима талаб қилинаётганини ҳар ҳолда ҳали англаб етишмаганди.

– Мен кетганимдан кейин шўхлик қилмайсизларми? Жавоннинг устига чикмайсизларми? Оёқларингни синдирмайсизларми? Қўрқиб йиғламайсизларми?

Болакайлар жуда хафа бўлишди.

– Мен эвазига сизларга қизиқ нарса кўрсатардим, мисдан ясалган замбарак, уни чинакам порох солиб отиш мумкин.

Болаларнинг юзлари бирдан ёришди.

– Кўрсатинг замбаракни, – юзи ял-ял ёниб сўради Костя.

Красоткин кўлини халтасининг ичига тикди-да, ундан кичкина мис замбаракчани чиқариб, стол устига қўйди.

– Ана кўрсатсам! Қара, ғилдиракчалари ҳам бор, – у ўйинчоқни стол устида ғилдиратди, – отиши ҳам мумкин. Питра солиб отаверасан.

– Ўлдириб қўядими?

– Ҳаммани ўлдиради, мўлжалга олсанг бас, – шундан кейин Красоткин порохни қаерга солиш, питрани қандай жойлашни, пилтага ўхшаган тешикчани кўрсатди-да, замбарак орқага тепади, деди. Болакайлар оғизларини катта-катта очиб эшитишарди. Айниқса, замбаракнинг тепиши уларни ҳайратга солди.

– Сизнинг порохингиз борми? – деб қизиқди Настя.

– Бор.

– Порохни ҳам кўрсатинг, – деб ялинганнамо сўради кизча.

Красоткин яна халтасига кўлини тикди-да, ундан кичкина шишачани чиқарди, шишача ичида ҳақиқатан андаккина порох бор эди, ўроғлик қоғозчага питра зарралари жойланган экан. Коля шишачанинг оғзини очиб, озгина порохни кафтига тўқди.

– Фақат яқин жойда олов бўлмаслиги керак, акс ҳолда портлаб кетади ва ҳаммамизни ўлдиради, – кўркитиш учун огоҳлантирди Красоткин.

– Болакайлар порохни кўрқа-писа томоша қилдилар, уларнинг қойил қолганликлари кўриниб турарди... Лекин Костяга ҳаммасидан ҳам питра ёқди.

– Питра ёнмайдими? – деб сўради у.

– Питра ёнмайди.

– Менга озгина питра беринг, – деб ялинди у.

– Озгина питра бераман, майли, ол, фақат ойингга мен берганимни айтма, то мен қайтиб келмагунимча. Эмасам, буни порох деб ўйлайди-да юраги чиқиб кетади ва бизни адабимизни беради.

– Ойимиз бизни ҳеч қачон калтак билан урмайди, – эслатди шу заҳоти Настя.

– Биладан, мен фақат гап келиб қолгани учун айтдим. Ойингизни ҳам ҳеч қачон алдаманг, аммо бу гал фақат мен қайтиб келгунимча. Хўш, лўппичалар, мен бораверсам бўладими ё йўқми? Мен йўғимда бақириб йиғлаб ўтирмайсизми?

– Йиғ-лай-миз, – чўзилди Костя, ҳалитдан йиғлагани шайланиб.

– Йиғлаймиз, албатта, йиғлаймиз! – кўрқиб бидирлади Настя.

– Оҳ, болақайлар, болақайлар, қандоқ хатарлидир сизнинг ёшингиз. Нима ҳам қилдик, палапонлар, сиз билан яна бирпас бирга ўтиришга тўғри келади. Вактни қаранг, вақтнинг ўтишини қаранг-э, ўҳ!

– Айтинг, итингиз ўзини ўликка солсин, – ялинди Костя.

– Нима ҳам қилдик, итимни ҳам ўйинга туширамыз. Маҳ, Қўнғирок! – Шундан сўнг Коля итига буйруқлар бера бошлади, ит эса барча билганларини адо этди. Бу ҳовлиларда бўладиган каттагина пахмоқ итлардан эди, жуни қандайдир сарғиш кулранг, ўнг кўзи қийшиқ, чап кулоғи эса негадир кесиб қўйилганди, у ангиллаб сакрар, хизматларни бажарар, орка оёқларида юрар, тўртала оёғини тепага кўтариб ётар, худди ўликдек қотиб қоларди. Итнинг охириги ўйини пайтида эшик очилиб, уйга бувиш Красоткинанинг хизматчиси – чўтир ва семиз Агафья кириб келди, унинг ёши қирқларда бўлиб, бозордан озик-овқатлар кўтариб қайтганди. У чап кўлидаги тугунни қийшиқ тутганча итга тикилиб қолди. Коля Агафьяни интизор бўлиб кутганига карамай, ўйинни тўхтатмади, Қўнғирокни маълум бир вақт ўлик холда саклаб турди-да, ниҳоят унга қараб хуштак чалди: ит дик этиб турди-да, қувонганидан ҳар томонга диқирлаб сакрай бошлади.

– Ит бўлмай қол! – эловсиради Агафья.

– Э, сен нега кеч қолиб юрибсан, заифа? – пўписа қилиб сўради Красоткин.

– Заифамиш, вой пўрсилдоқ-ей!

– Пўрсилдоғинг нимаси?

– Ҳа, пўрсилдоқ-да. Менинг кечикканим билан сенинг нима ишинг бор, кечиккан бўлсам, демак, иш чиқиб қолган-да, – тўнғилларди Агафья печнинг олдида куймаланиб юриб. Унинг овозида норозилик оҳанги эшитилмас, жаҳли чиққани ҳам билинмас, аксинча, бойнинг тирмизак боласи билан даҳанаки жанг қилаётганидан мамнунлиги сезилиб турарди.

– Менга қара, енгилтак кампир, – деб бошлади дивандан тураётиб Красоткин, – сен менга дунёдаги энг азиз ва муқаддас нарсалар билан ва ҳатто бундан ҳам улуғроқ нарсалар билан қасам ичиб айта оласанми, йўғимда манави лўппичаларга кўз-қулоқ бўлиб туроласанми? Мен бир жойга бориб келаман.

– Нега энди мен сенга қасам ичишим лозим экан? – кулди Агафья, – шундоқ ҳам қарайвераман.

– Йўқ, имонимни абадулабад саломат саклайман деб, қасам ич, бўлмаса кетмайман.

– Кетмаганинг маъкул. Ташқари совуқ, уйда ўтир.

– Луччаклар, – деди болаларга Коля, – бу хотин то мен келгунимча ё онангиз қайтгунича сизларга қараб туради, онангизнинг ҳам келадиган вақти бўлиб қолди ўзи. Сизларга нонушта тайёрлаб беради. Уларга егани овқат берасанми, Агафья?

– Ҳаракат қиламиз.

– Майли, хайр хозирча, палапонлар, энди хотиржам бўлдим, сен-чи, бувиси, – деди у Агафьянинг ёнидан ўтиб бора туриб пичирлаб, – уларга Катерина ҳақида маза-бемаза ҳар турли гапларни айтиб ўтирмасанг керак, маъсумларга раҳминг келсин. Маҳ-мах, Қўнғирок!

– Э, худо кўтарсин сени, – жиғибийрони чиқди Агафьянинг, – масхарабоз! Бунақа гаплар учун бошлаб адабингни бериш керак эди-я.

### III

## МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ

Бирок Коля энди бу гапларни эшитиб ўтирмади. Ниҳоят у кўчага чиқди. Дарвозадан ўтиб, ўгирилиб у ёқ-бу ёққа қаради, елкаларини учирди ва: “Совуқ!” – деб қўйди-да йўлга тушди, кейин ўнг томондаги тор кўчага ўтиб, тўғри бозор майдонига қараб кетди. Бозор майдонидан бир уй берида, дарвоза олдида тўхтади-да, чўнтагидан хуштагини чиқариб, шартли белги бериб бор кучи билан хуштак чалди. Ярим дақиқача кутиб турди, эшикдан унинг олдида икки юзи қип-қизил болакай югуриб чиқди, унинг ёши ўн бирларда бўлиб, иссиқ, тоза, ҳатто посон пальто кийганди. Бу бошланғич тайёрлов синфида ўқийдиган Смуров деган бола бўлиб (Коля Красоткин эса аллақачон икки синф юкорида ўқирди), давлатманд мулозимнинг ўғли эди, чамаси, ота-онаси унинг шўх, тўполончи Красоткин билан оғайни бўлишини исташмас, инчунин, Смуров хозир бекитикча чиққан бўлса керак. Ўқувчим бу болакайни унутмагандир, у икки ой илгари тўда бўлиб жарнинг нариги ёғига – Илюшага тош отган болалар ичида бор эди, ўшанда болакай Алеша Карамазовга Илюша тўғрисида сўйлаб бермишди.

– Мен сизни бир соатдан бери кутяпман, Красоткин, – тап тортмай деди Смуров ва болакайлар майдонга қараб юрдилар.

– Кечикдим, – деди Красоткин. – Шароит шундоқ бўлиб қолди. Сени мен билан кетаётганинг учун калтаклашмайдими?

– Э, қўйсангиз-чи, ахир, мени калтаклашадими? Қўнғирок ҳам биз билан борадими?

– Қўнғирок ҳам боради!

– Сиз уни ҳам у ёққа олиб борасизми?

– Уни ҳам.

– Ух, Олапар бўлгандами!

– Олапарни обориб бўлмайди. Олапар йўқ энди. У номаълум томонларга ғойиб бўлди.

– Ох, мабодо шундай қилса бўлмасмикин, – бирдан тўхтаб қолди Смуров, – Илюшанинг гапига қараганда Олапар ҳам шунақа пахмоқ, шунақа кулранг, тутунга ўхшаган бўлган экан, шуни ўша итнинг ўзгинаси деб айтса бўлмасмикин, балки Илюша ишонар?

– Эй, ўқувчи бола, ёлғондан кўрк, бу бир; яхшилик қиламан деб ҳам ёлғон гапирма, бу икки. Энг муҳими, сен у ерда менинг келишимни сотиб қўймагандирсан, валлоҳи аълам?

– Худо сақласин, мен ахир, тушунаман-ку. Аммо Қўнғироқ унга тасалли беролмайди, – хўрсинди Смуров. – Биласанми, анов капитан – унинг отаси – дасмол, бизга бугун олапар кучукча олиб келаман, деб айтган, тумшуғи қора ҳақиқий меделин лайчаси девди; Илюшани хурсанд қилмоқчи, лекин у хурсанд бўлармикин?

– Илюшанинг аҳволи қандай?

– Ох, ёмон, жуда ёмон! Менимча, у сил билан оғриган. Эс-хуши жойида, фақат нафас олиши, нафас олиши жуда ёмон. Яқинда уни олиб юришларини сўради, этигини кийдириб юрғизмоқчи бўлишди, юрмоқчи бўлди, аммо оёқда туролмади. “Ох, ота, – дейди, – сизга айтувдим, менинг олдинги этигим яхши эмас, олдин ҳам унда юришга қийналардим”. У этигим ёмон бўлгани учун юролмай қийналяпман, деб ўйлайди, ваҳоланки, оёғида кучи йўқ бўлгани учун юролмайди. Бир ҳафтага бормайди. Герценштубе қараяпти. Улар ҳозир бой бўлиб қолишди, пуллари кўп.

– Алдоқчилар.

– Ким алдоқчи?

– Дўхтирлар, барчаси аблах, умуман олганда ва хусусан олганда ҳам мен тиббиётни инкор этаман. Фойдаси йўқ муассаса. Сизга айтсам, мен буларнинг ҳаммасини текширяпман. Нега сизлар бир-бирларингизни ялаб-юлкаб юрибсиз? Бутун синфингиз уларникидан бери келмайди, нимага?

– Ҳамма эмас, ўртоқларимиздан ўнтчаси у ерга ҳар доим бориб туришади, қанда қилишмайди. Бунинг зарари йўқ.

– Улар ичида Алексей Карамазов нима қилиб юрибди, шунга ҳайронман. Акасини эртан ё индин шунақанги бир жинояти учун суд қилишмоқчи-ю, у эса шунча вақтини болалар билан апоқ-чапоқ ўтказди!

– Бу ерда ҳеч қандай аппоқ-чапоқ йўқ. Мана, ўзинг ҳам Илюша билан ярашиб олгани боряпсан-ку, ахир.

– Ярашиб олгани дейсанми? Жуда қизик сўз экан-а? Дарвоқе, мен ҳеч кимга ички ишларимга аралашади йўқ қўймайман.

– Э, Илюша сени кўрса жуда хурсанд бўлиб кетади! Боришингни у хаёлига ҳам келтирмагандир. Нега, нега анчадан бери боргинг келмай юрдинг? – деб бирдан қизишиб хитоб қилди Смуров.

– Э, болажон, бу менинг ишим, сенга дахли йўқ. У ерга мен ўзим, ўз ихтиёрим, ўз оёғим билан боряпман, сизларнинг ҳаммаларингизни эса Алексей Карамазов етаклаб борган, бунинг фарқи бор. Э, сен қаердан биласан, мен балки умуман ярашгани бормаётгандирман? Аҳмоқона бир гап.

– Ундай эмас, Карамазовмас. Бизнинг болалар шундай ўзлари ундан хабар олиб турдилар, албатта, бошида Карамазов билан бирга боришди. Ҳеч нарса, ҳеч қандай аҳмоқчилик бўлгани йўқ. Аввал биттаси борди, кейин бошқаси қўшилди. Биз борганимизга отаси жуда-жуда қувонди. Биласанми, агарда Илюша ўлиб қолса, у жинни бўлиб қолади. Отаси сезиб юрибди Илюшанинг ўлишини. Илюша билан ярашганимиз учун биздан хурсанд. Илюша сени сўради, бошқа ҳеч нарса демади. Сўради, кейин индамади. Отаси ё ақлдан озади, ё ўзини осади. У ўзини олдин ҳам

худди жинниларга ўхшаб тутарди. У олижаноб одам, ўшанда хато бўлган. Ҳаммасига анави – отасини ўлдирган одам айбдор, нега уни калтаклайди.

– Ҳар қалай Карамазов мен учун сирли одам. У билан анча илгари танишиб олишим мумкин эди, аммо баъзи ҳолларда ўзимни мағрур тутишни яхши кўраман. Бунинг устига мен у ҳақда баъзи бир фикрларга келиб қўйганман, буларни ҳали яна текширишим ва изохлашим зарур.

Коля жиддиятга чўмиб жим бўлди; Смуrow ҳам оғиз очмади. Смуrow доим Коля Красоткинга қойил қолиб юрар, у билан тенглашишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳозир эса ҳаддан ортик қизиқиб қолди, негаки, Коля “ўз ихтиёрим” билан боряпман деб изоҳ берди ва бу ерда, албатта, қандайдир бир сир борлиги аниқ. Нега энди айни мана шу бугун у ерга қадам ранжида қияпти, ахир. Улар бозор майдонидан ўтиб боришарди, бу ерда ҳозир жуда кўп чекка жойлардан келган от-аравалар турар, ҳамма ёқда товук-хўрозлар кўзга ташланарди. Шаҳарлик хотин-халаж ўз дўконларида нонлар, пишириқлар, ип-ласлар ва бошқа нарсалар сотишар; мана шундай катта бозор кунларини бизда нечундир ярмарка деб айтишар, бунақа ярмаркалар шаҳарчамизда бир йилда бир неча марта бўлиб ўтарди. Қўнғироқ димоғи бениҳоя чоғ, ўзини дам у томонга, дам бу томонга урар, тинмай ҳидлаб кўрарди. Бошқа итларга дуч келиб қолганда, бу унга жуда хуш ёкиб, итлар удумига кўра бир-бирларидан ис олишарди.

– Мен атроф-борлиққа назар солишни яхши кўраман, Смуrow, – бирдан яна тилга кирди Коля. – Сен сездингми итларнинг қандай учрашиб искашларини? Бу улар учун қандайдир табиат қонуни.

– Ҳа, қандайдир жуда қулгили.

– Ундай қулгили эмас, сен нотўғри айтдинг. Одамзоднинг хурофий қарашларига қандай туюлмасин, табиатда ҳеч қандай қулгили нарса йўқ. Агарда итлар фикрлай ва танқид қила олганларида эди, одамларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари, ҳукмдорларнинг хатти-ҳаракатларида, эҳтимол, ундан-да кўпроқ қулгили нарсаларни топган бўларди, буни тақрорлаётганимнинг сабаби шундаки, бизнинг аҳмоқликларимиз ҳаддан ортик. Бу Ракитиннинг фикри, жуда ажойиб фикр. Мен социалистман, Смуrow.

– Э, социалист нима дегани? – сўради Смуrow.

– Бу – ҳамма тенг дегани, ҳамманинг умумий фикри битта, никоҳ йўқ, дин ва жамики қонунлар барчага баробар, бошқа мавжуд нарсалар ҳам шунақа. Сенга буни тушунишингга ҳали эрта, гўрлик қиласан. Бироқ кун совук.

– Ҳа. Ўн икки даража. Боя отам термометрга қаради.

– Пайкадингми, йўқми, Смуrow, агар кишнинг ўрталари бўлса, совук ўн беш ёки ўн саккиз даражага чиқса, унчалар изғирин бўлиб туюлмайдди. Мисол учун, кишнинг бошланишида ҳозиргидек бирдан совук тушса-ю ўн тўққизга кўтарилса, бунинг устига қор сийрак ёғса, бу бошқачарок. Бу ҳали одамлар қишга кўникмаганларини билдиради. Одамлар ҳамма нарсага одатланиб қолишади, ҳатто давлат ва сиёсат ишларига ҳам одатланишади. Одатланиш – ҳамма нарсани ҳаракатга келтиради. Бироқ анави қандоқ қулгили мужик экан.

Коля очик юзли, пўстин кийган дароз мужикни имо қилиб кўрсатди, у араваси ёнида қўлқоп кийган қўлларини совукдан бир-бирига уриб турарди. Унинг узун сарғиш соқолини совукдан киров босганди.

– Мужикнинг соқоли тарашадай қотиб қолибди! – деб баланд овоз билан чирианиб кичқирди Коля мужикнинг яқинидан ўтиб бора туриб.

– Кўпларнинг соқолини қотириб қўйди, – вазминлик билан салмоқланиб деди мужик.

– Унга тегишма, – огохлангирди Смуров.

– Ҳечқиси йўқ, жажли чиқмайди, яхши йигит. Омон бўл, Матвей.

– Соғ бўл.

– Нима, сенинг отинг Матвейми?

– Матвей. Нима, билмасмидинг?

– Билмасдим. Мен тахминан айтувдим.

– Анавини қара-я. Мактабда ўқийсанми?

– Ўқийман.

– Хўш, қандай? Сени калтаклаб туришадими?

– Унчалармас, озрок.

– Оғритишадими?

– Бўлиб туради!

– Вой, жоним-а! – юракдан ачиниб хўрсинди мужик.

– Омон бўл, Матвей.

– Соғ бўл. Сен яхши бола экансан, ана шунақа.

Болақайлар йўлларида давом этишди.

– Бу яхши мужик, – деб гап бошлади Смуровга қараб Коля. – Мен халқ билан гаплашишни яхши кўраман ва керак бўлса, унга қойил қоламан.

– Бизни калтаклашади деб нега унга ёлғон сўзладинг? – сўради Смуров.

– Уни хотиржам қилиш керак эди-ку.

– Нимага?

– Менга қара, Смуров, ҳадеб бўлар-бўлмасга савол беришларини ёқтирмайман, керак бўлса дарров англаб ол. Қайталаб ўтиришга вақт йўқ. Мужик ҳамма ўқувчи болаларни мактабда калтаклашади ва тўғри қилишади, деб ўйлайди: калтакламаса, ўқувчи бўладими? Агар мен унга даҳватан бизни калтаклашмайди, десам, у бундан норози бўлади. Э, сен буни тушунмайсан. Халқ билан гаплашишни билиш керак.

– Фақат ўзингдан кетиб қолма, бўлмаса яна бир ишқал бошлайсан, эсингдами анави ғозлар воқеаси?

– Нима, сен кўрқасанми?

– Кулма, Коля. Худо ҳақи, кўрқаман. Отамнинг ёмон жажли чиқади. Сен билан бирга юришни менга қаттиқ маън қилишган.

– Хавотир олма, бугун ҳеч нарса бўлмайди. Салом, Наташа, – деб кичқирди у айвонча тагидаги сотувчи хотинларнинг бирига.

– Нега Наташа бўларканман, мен Марьяман, – деб кичқирганча жавоб берди ёшгина жувон.

– Марья бўлсанг, яхши, омон бўл.

– Вой, сен тирмизакни қара-ю, бўйинг бир қаричу яна гап отасан-а!

– Ҳозир вақтим йўқ, келаси якшанбада айтиб берарсан, – кўлларини силкиди Коля, худди у эмас, бошқалар унга гап отишгандай.

– Якшанбада нимани айтиб берардим сенга? Ўзинг тегажожлик қиляпсан, сен билан нима ишим бор, шумтака, – кичқирганча қолди Марья. – Сени яхшилаб калтаклаш керак, ана, вой дилозор-ей! Марьянинг ён-верида савдо-сотик қилаётган хотин-халажнинг шарақлаб қулганла-

ри эшитилди, шу пайт кутилмаганда шаҳар бозори тимлари томондан куфри кўзиган, савдогарларнинг мирзасига ўхшаган, бу ерлик сотувчига ўхшамаган, узун мовут чопон кийган, бошига айвонли фуражка илган анча-мунча ёш бир йигит ўзидан-ўзи пайдо бўлди, унинг оқаринкираган башараси чўтир ва чўзинчок, сарғиш сочининг жингалаклари кўпириб тошиб турарди. У нечундир аҳмокона бир ҳаяжонга берилган ва дарҳол Коляга қараб ўдағайлай бошлади азамат. Муштини дўлайди.

– Мен сени биламан, – деб кичкирарди у жаҳлга миниб, – мен сени яхши биламан!

Коля диққат билан унга разм солди. Бу одам билан қачон қаерда жанжаллашган эканман деб, ҳеч эслолмади. Кўча жанжалларига у озмунча дуч келганми, кошки ҳаммаси эсида турса.

– Биласанми, а? – истехзо билан сўради у.

– Мен сени биламан! Сени яхши биламан! – деб дийдиё қилаверди аҳмоққа ўхшаб бояги нусха.

– Ўзинга яхши. Майли, вақтим йўқ, омон бўл!

– Нега шумлик қиласан? – кичқирди яна нусха. – Сен тагин шумлик қилаяпсанми? Сени биламан! Яна шўхлик қилаяпсанми ҳали?

– Шўхлик қилаётган бўлсам, ишинг нима, оғайни, – деди тўхтаб диққат билан унга тикилиб Коля.

– Нега ишим бўлмас экан?

– Ишинг бўлмасин.

– Унда кимнинг иши? Кимнинг? Хўш, қани, кимнинг иши?

– Бу оғайни, энди, Трифон Никитичнинг иши, сенинг эмас.

– Трифон Никитичинг ўзи ким? – тентаги чиқиб, ҳамон жизиллаганча Коляга тикилиб деди нусха. Коля бошдан-оёқ ижирғаниб унга назар солди.

– Меърожга бордингми? – жиддий талабчанлик билан сўради у.

– Қанақасига Меърожга? Нимага? Йўқ, бормадим, – бироз шошиб қолди нусха.

– Сабанеевни биласанми? – яна ҳам қаттиқроқ ва талабчанроқ сўради Коля.

– Қанақа Сабанеевни? Йўқ, билмайман.

– Ундоқ бўлса, жин чалсин сени! – кескин деди Коля ва бирдан ўнг тарафга шартта бурилиб, ўз йўлига равона бўлди, гўё Сабанеевни билмайдиган ландавур билан гаплашиб ўтираманми дегандай.

– Тўхта, ҳей! Сабанеевинг ким ўзи? – ҳуши ўзига келгандай бўлиб тагин сўради нусха янада ҳаяжонга тушиб. – У ўзи нима деган экан? – сотувчи хотинларга бурилиб қаради у бирдан аҳмокона бақрайиб.

Хотинлар шарақлаб кулишди.

– Ажойиб-ғаройиб болакай экан, – деди бирови.

– Яна қанақасига Сабанеев, қанақасига? – ўнг кўлини ҳавода силкитиб борган сари қаттиқроқ вағилларди халиги нусха.

– Бу анов Кузьмичевларникида хизмат қилиб юрадиган Сабанеев бўлмасин, ҳа, ўшанакага ўхшайди, – ўсмоқчилади хотинлардан бири.

Нусха унга бақрайиб қараб қолди.

– Кузь-ми-чев-никида? – гапга аралашди бошқа бир хотин, – қанақасига у Трифон бўларкан? У Трифон эмас, Кузьма, анув йигитча эса Трифон Никитич деб айтди, демак, у эмас.

– Менга каранглар, у Трифон ҳам, Сабанеев ҳам эмас, бу Чижов, – бирдан гапни учинчи бир хотин илиб кетди, у шу пайтгача жим, жиддий кулоқ солиб турган эди. – Уни Алексей Иванович дейишади. Чижов, Алексей Иванович.

– Бу Чижов эканлиги айни ҳақиқат, – ишонч билан тасдиқлади тўртинчи яна бир хотин.

Оғзи ланг очилиб қолган нусха дам униси, дам бунисига анқайиб бокарди.

– Нега бўлмаса у сўраяпти, яхши одамлар, нега сўраяпти ахир, – деб бакирарди йигит батамом ўзини йўқотиб қўйиб, – “Сабанеевни биласанми?” дейди. Э, жин чалсин Сабанеевини, мен қайдан билай унинг кимлигини!

– Жуда каллаварам одам экансан-да, сенга минг марта айтишяпти – Сабанеев эмас, Чижов деб, Алексей Иванович Чижов, билдингми энди! – уқтирди унга аёллардан бири.

– Қанақа Чижов? Қани, қайси Чижов? Билсанг айт, қани.

– Бўйдор, жингалаксоч, ёзда бозорда ўтирган эди.

– Менинг Чижовинг билан нима ишим бор, айтинглар ахир, яхши одамлар, а?

– Мен ҳам қайдан билай сенга Чижов нимага кераклигини, вой, тавба.

– Ким билсин, нега у сенга керак бўлиб қолди, – илиб кетди бошқа хотин, – ўзинг билишинг керак нега кераклигини, боядан бери бақириб ётибсан. Ахир, анов йигитча сенга айтди, бизга эмас, тентак экансан-ку. Ё, ростдан ҳам билмайсанми?

– Кимни?

– Чижовни.

– Э, қуриб кетсин ўша Чижови, сен ҳам қўшмозор бўл! Уни дўппослайман, бас! Мени майна қилди.

– Чижовни дўппослайсанми? Ўзинг калтак еб қолма тағин, ғирт тентак экансан, бор-е, сени қара-ю!

– Чижовни демадим, Чижовни эмас, мунча тилинг заҳар, бемаза хотин. Анов болани дўппослайман дедим, ҳа, шундай! Қани у, қани, келтиринглар уни менга, устимдан кулишни кўрсатиб қўяман! – Хотинлар хохолашиб кулишар, Коля эса узоққа кетиб қолган, чехрасида ғалаба нашидаси кезарди. Узоқда чувуллашаётган бозорчиларга қарай-қарай ёнида Смуров қадам ташларди. У Коля билан бирга юриб, ишқилиб, ишқал чиқмасайди, деб чўчиётган бўлса-да, барибир, димоғи чоғ эди.

– Сен ундан қанақа Сабанеевни сўрадинг? – сўради у Колядан жавобини олдиндан сезгандай.

– Мен қайдан билай? Энди улар то кечгача вағирлашади. Мен жамиятнинг барча қатламларидаги тентакларнинг қитиқ патиға тегишни яхши кўраман. Мана яна битта каллаварам турибди, кўрдингми анов мужикни. Сен бир гапни кулоғингга қуйиб ол: “Тентак француздан ҳам тентакроқни топиш қийин”, дейишади, аммо руснинг афт-башараси ундан қолишмайди. Қара, башарасининг ўзи, “мен ғирт аҳмоқман”, деб турибди. Кўряпсанми уни, а?

– Тегишма унга, Коля, индамай ўтиб кетайлик.

– Индамай кетолмайман асло, қўлим қичишяпти. Ҳей! Салом, мужик!

Аста юриб ўтиб кетаётган барваста мужик андак ичиб олган бўлса керак, юзи одми ва думалок, соқолига оқ оралаган, бошини кўтариб йигитчага боқди.

– Салом, салом, ҳазиллашмаяпсанми ахир, – бамайлихотир жавоб берди у.

– Ҳазиллашаётган бўлсам-чи? – кулди Коля.

– Ҳазил қилсанг қилавер, худо хайрингни берсин. Нимаси ёмон. Доим ҳазил қилсанг бўлаверади.

– Кечир мени, ҳазиллашдим.

– Бахайр, сени худо кечирсин.

– Сен ўзинг кечирасанми?

– Багамом кечираман. Энди йўлингдан қолма.

– Вой, сен-ей, ақлли мужик экансан-ку, қойил.

– Сендан кўра ақллироқман, – кутилмаганда аввалгидай вазмин жавоб қилди мужик.

– Унчалик эмасдир-ов, – шошиб қолди Коля.

– Ростини айтяпман.

– Балки шундайдир.

– Ҳа-ҳа, шундоқ, оғайни.

– Хайр, хуш қол, мужик.

– Хуш қол.

– Мужик халқи ҳам ҳар турли бўлади, – бироз жимликдан сўнг деди Коля Смуровга. – Бунинг ақлли мужик эканлигини билмай қолдим. Мен доим халқнинг ақлини тан олишга ҳаракат қиламан.

Олисада жоме соатлари ўн бир ярим бўлганидан дарак берди. Болалар қадамларини жадаллатишди ва штабс-капитаннинг кўналғасигача бўлган анча-мунча олис масофани шитоб юриб индамай босиб ўтишди. Снегиревнинг уйига йигирма кадамча қолганда Коля тўхтади ва Смуровга олдинга ўтиб, бу ерга Карамазовни чақириб беришни сўради.

– Олдиндан бир искашиб, танишиб олайлик ахир, – деди у Смуровга.

– Чақириб нима киламиз, – эътироз билдирмоқчи бўлди Смуров, – шундоқ тўғри кириб боравер, сени кўришса хурсанд бўлишади. Совукда нима қиласан танишиб.

– Уни бу ерга нега чакираётганимни мен ўзим биламан, – бераҳмлиқ билан деди Коля (у мана шу “кичкинтойлари” боплашни яхши кўрарди), шундан сўнг Смуров буйрукни бажариш учун чопкиллаб кетди.

#### IV

### ОЛАПАР

Коля деворга суянганча юзига жиддий тус бериб, Алешани кута бошлади. Ҳа, анчадан бери у билан учрашишни хоҳларди. Болалардан унинг борасида кўп эшитган, лекин шу чокқача у ҳақда сўзлашса, ташқи томондан ўзини нафратлангандай бепарво кўрсатар, ҳатто эшитганларига қараб Алешани “танқид” қилиб ҳам кўярди. Аммо кўнглида у билан танишиб олишни жуда-жуда истарди: эшитганларини тарозига солса, Алешанинг ғоят жозибадор, ёқимли томонлари бор эди. Шунинг учун ҳозирги дам жуда муҳим; биринчидан, ковун тушириб қўймаслиги, ўзини мустақил

килиб кўрсатиши керак: “Акс холда, мени ўн уч яшар болача экан, деб ўйлайди ва мени ҳам анов кичкиналар қаторида кўради. У нима килиб юрибди ўзи бу болакайлар билан? Ундан буни кейинроқ сўрайман. Бироқ менинг бўйим мунчалар пастлиги яхшимас-да. Тузиков мендан кўра ёшроқ, лекин бўйи бир бош баландроқ. Ҳар холда, афт-ангорим анча-мунча ақлли; биламан, унчалик чиройли эмасман, башарам ҳам жирканч, аммо барибир, ақлли. Ҳадеб махмадоналик қилавермасам тўғри бўлади. Лекин бирдан кучоклашиб кетсанг ҳам ўнғайсиз-да, нима деб ўйлайди... Бир нарса деб ўйлаши қанчалар жирканч, туф-ей!..”

Жон-жаҳди билан ўзини мустақилдай тутишга уриниб, Коля хаяжонланарди. Ҳаммадан ҳам, уни ҳатто юзининг “жирканчлиги” эмас, балки бўйининг кичкиналиги кийнардди. У уйнинг бурчагига ҳатто ўтган йилиёқ чизик тортиб қўйган, қалам билан бўйини белгилаган ва ўшандан бери ҳар икки ойда юраги орзикиб бўйини ўлчаб кўрар, қанча ўсдим экан, деб қарарди. Оҳ, афсус, жуда секин ўсарди ва бундан ғоятда тушкунликка тушарди. Юзига келганда, нима килибди, унчалар ҳам “жирканч” эмасди, аксинча, чиройликкина, оппоқкина, хуснбузарлари билан бирга жиндаккина оқаринқираб турарди. Унча катта бўлмаган кўкиш кўзлари юлдуздай чарақлар, уларда барча ҳиссиётлари балқиб чиқарди, одамга кўркмай тик боқарди. Яноқлари бироз туртиб чиққан, унча семиз бўлмаган ангишвонадай лаблари лоладай ёнарди; бурни кичкина ва тик юкорига қанқайганди: “Бурним пучук, бурним пучук!” деб доим ўзича пичирларди Коля ойнага қараб қолган пайтларида, сўнг ойнанинг олди-дан қаҳри келиб нари кетарди. “Юзим балки унча ақлли эмасдир?” деб ўйларди гоҳида, ҳатто шундан ҳам гумонсирарди. Шундан юзининг хунуклиги ва бўйининг пастлигидан бошқа ташвиши йўқ экан-да унинг, деганга ўхшаш фикр туғилмаслиги жоиз. Аксинча, ойна қошидаги дамлар унинг учун қанчалар аччиқ ва аламли бўлмасин, уларни жуда тез унутар, фаолияти ҳақида, ўз тили билан айтганда, “бутунлай ғоялар ва борлик ҳаёт нашъаларига берилиб”, кетарди.

Алеша тезда чиқди ва шошиб Колянинг қошига келди; бир неча одим нариданок Алешанинг чехраси қувонч билан порлаётганини кўриб, “Наҳотки, мени кўришдан шунчалар хурсанд бўлса?” дея ҳаёлидан ўтказган Колянинг юзи қизиди. Айни ўринда қайд этиб ўтайликким, биз охириги марта кўрганимиздан бери Алеша анча ўзгарган, ички узун кўйлаги, устки ридосини ташлаган, эндиликда жуда чиройли тикилган камзул, думалоқ ва майин шляпа кийган, сочларини калта қирқтирганди. Булар ҳаммаси ўзига жуда ярашган, ғоятда кўркам, пўрим кўринарди. Унинг истараси иссиқ юзи доим қувноқ кўринар, аммо бу қувноқлик осуда ҳамда вазмин эди. Алеша ичкарида қандай ўтирган бўлса, шундай уст-бошда чиқди, бундан Коля ҳайрон қолди. Шошган бўлса, эҳтимол. У тўғри қўлини Коляга узатди.

– Мана, ниҳоят сиз ҳам келдингиз, сизни жуда кўп кутдик.

– Бунинг сабаблари бор, уларни ҳозир сизга айтаман. Барибир, сиз билан танишганимдан хурсандман. Вақти-соати келишини кутган эдим, сизни кўп эшитганман, – бироз хансираган холда пичирлади Коля.

– Шусиз ҳам биз ўзимиз танишиб олишимиз мумкин эди, мен ўзим сиз ҳақингизда кўп эшитганман, аммо бу ерда... бу ерга келишга бироз ҳаялладингиз.

– Айтинг-чи, бу ерда аҳвол нечик?  
 – Илюша оғир ётибди, у ўлиб қолса керак.  
 – Нима деяпсиз! Ишонинг, тиббиёт бошдан-охир аблахлик, Карамазов, – қизишиб деди Коля.

– Илюша сизни тез-тез йўқлаб турди, ҳатто тушларига кириб чиқдингиз, у алахлади. Анави воқеагача... пақки ургани эсингиздами... сиздан жонини ҳам аямаган. Бу ерда бошқа сабаб ҳам йўқ эмас... Айтинг-чи, манави ит сизникими?

– Меники. Бу Қўнғирок.

– Олапар эмасми? – юраги ачишиб сўради Алеша Колянинг кўзига қараб. – Анави ит йўқолиб кетдимми?

– Биламан, сизлар ҳаммаларингиз Олапар бўлишини хоҳлардингиз, ҳаммасини эшитганман, – сирли хўрсиниб қўйди Коля. – Қулоқ солинг, Карамазов, ҳаммасини тушунтириб берай, ўзи шунга келдим, уйга киргуни-мизча ҳаммасини сизга тушунтириб бериш учун сизни чақиртирдим, – жонланиб гап бошлади у. – Биласизми, Карамазов, баҳорда Илюша тайёргарлик синфига ўтади. Бизнинг тайёргарлик синфимизнинг аҳволи маълум: ҳаммаси майда-чуйда болалар, мишикилар. Дарров Илюшага тегажоклик қилишган. Мен икки синф юқорида ўқийман, албатта, булар билан сира ишим йўқ, узокдан кўриб юраман. Қарасам, кичкина бола, кучи йўқ, ожизгина, лекин бўйсунмайди, тап тортмай уришади, жуда ғурури баланд, кўзлари ёниб туради. Мен ана шунақаларни яхши кўраман. Улар, болалар эса баттар ўчакишади. Яна денг, устидаги пальточаси эски, иштони тушиб кетай дейди, этиги ҳам йиртиқ-ямоқ. Болалар шунга уни камситишади, хўрламоқчи бўлишади. Йўқ, мен бунга энди чидолмайман, дархол ёнини олдим, болаларнинг бошлаб адабини бердим. Мен уларни калтаклаб тураман, улар эса мени жонларидан ортиқ кўришади. Сиз бунақасини кўргансиз, Карамазов? – диловарларча мақтаниб қўйди Коля. – Э, мен умуман болақайларни яхши кўраман. Мана ҳозир ҳам уйимда иккита палапон ўтирибди, менинг бўйнимда, шуларни деб бу ерга кечикиб келдим. Шундай қилиб, Илюшани калтаклашни бас қилишди, уни ўз химоямга олдим. Биламан, у мағрур болақай, мен сизга айтяпман уни мағрур деб. У менга қулларча тобе бўлди, ҳар қандай буйруғимни дархол бажаради, худога қандай қулоқ солса, менга ҳам шундай қулоқ салади, менга таклид қилмоқчи бўлади. Синфлар танаффусга чиққанда дарров олдимга чопиб келади, иккаламиз бирга юрамиз. Якшанба кунларида ҳам шундай. Бизнинг гимназиямизда қатта йигит кичкина бола билан шундай юрса, қулги қилишади, аммо бу хурофот. Менинг тушунчам шунақа, вассалом, нима дедингиз? Мен унга ўргатаман, ақлини ўстираман, у менга ёқади, нега энди унга ўртатмаслигим керак. Сиз, мана ўзингиз, Карамазов, мана шу палапонлар билан апоқ-чапоқ юрибсиз-ку, демак, ёш наслга таъсирингизни ўтказмоқчисиз, уларни ўстирмоқчисиз, фойда келтирмоқчисиз. Тан олишим керакки, феъл-атворингиздаги мана шу нарсани мен орқаворатдан эшитиб билдим ва бу мени жуда қизиқтириб қўйди. Майли, ишга ўтайлик: болада қандайдир ҳиссиётчанлик, кўнгилчанлик тобора урчиб бораётганлигини сезиб қолдим, мен эсам, биласизми, талтайиш, суюлишларни сира ҳам ёқтирмайман, туғилганимдан бери шунақаман. Бунинг устига жуда ҳам қож денг: ўзи жуда мағрур, лекин менга қулларча хизмат қилади – қулларча садоқатли, аммо қарасангиз, бирдан кўзлари

чақнаб кетади, гапимга кирмайди, тортишади, бурнини кўтаради. Мен баъзан турли ғояларни олға сурардим: у ғояларимга шундоқ қарши бўлса ҳам майлийди, йўқ, шахсан ўзимга қарши исён кўтармоқчи, нега десангиз, мен унинг танतिकликларига қарши ўзимни совукқонлик билан тутаман. Шунда уни чиниктириш мақсадида танतिकлиги қанча ортса, шунча совукқонлик билан қарайвердим, атай шундай қилдим, менинг ишончим шундай. Муддао унинг феъл-атворини тоблаш. Тўғрилаш, инсон қилиб етиштиришни назарда тутгандим... шунақа-да ўзи... сиз, албатта, менинг сўзларимни жуда яхши тушуниб турибсиз. Кейин бирдан нимани сезиб қолдинг денг, бир кун ўтди, икки кун, уч кун, иккиланиб юрибди, шашти паст, бу энди танतिकликларга ўхшамайди. Бу бошқа бир нарса, қудратлироқ, олийроқ нарса. Бу нима азият экан деб бошим қотади. Уни қисти-бастига олдим ва шу нарсани билдимки, у мархум отангизнинг хизматкори билан қандайдир танишиб қолибди (ўшанда у ҳали тирик эди), Смердяковни айтяпман, у тентак болакайни бир нарсага ўргатибди, жуда ярамас, пастарин нарса, ваҳшиёна – ноннинг юмшоқ жойини бир бўлак қилиб олиб, унинг ичига тўғноғич солиб, бирорта оч итнинг олди-га ташлаш керак экан, очликдан ўлар ҳолатга келган ит нонни хап этиб тишлаб, лип этиб ютиб юборади, улар бўлса буни томоша қилиб туришади. Шундай қилиб, ноннинг ичига тўғноғич тиқиб, шамолга ҳам вовуллайверадиган Олапар деган оч ётган итнинг олди-га ташлашибди, шунақа воқеа бўлган. Сиз итларнинг вовуллашини ёқтирасизми, Карамазов? Менинг жоним ҳикилдоғимга келади. Олапар нон бўлагини ютиб юбориб, ангиллаб, ингиллаб, ўзини ҳар томонга отибди, жони борича қийшайиб қаёққадир қоча бошлабди, қочиб-қочиб ангиллаганча кўздан йўқолибди – Илюшанинг ўзи менга буни ҳикоя қилиб берди. Ҳикоя қилади-ю, яна юм-юм йиғлайди, мени кучоклаб дир-дир қалтирайди: “Ит букчайиб қочади, ингиллайди, ингиллайверади”, – фақат шу гапни айтади, миясига шу манзара қаттиқ ўрнашиб қолибди. Кўриб турибман: виждони қийналяпти. Мен бунга жиддийроқ қарадим. Мухими, аввалги қилиқлари учун ҳам жазоламоқчи бўлдим, ўзимни муғомбирлик билан ёмон жаҳли чикқанга солдим: “Сен, дедим унга, ёмон пасткашлик қилибсан, аблах экансан, буни ҳеч кимга айтмайман, аммо ҳозирча сен билан ўртоқчилик алоқасини узаман. Мен, албатта, бу ишни ўйлаб кўраман, нима қарорга келганимни Смуровдан айтиб юбораман (бу бола боя мен билан бирга бу ерга келган эди, у менга жуда садоқатли): сен билан ўртоқчиликни давом эттираманми ёки йўқми, ёки сени аблах деб топиб бутунлай юз ўгираманми”. Бу унга жуда ҳам қаттиқ таъсир қилди. Очиди айтишим керакки, ўшанда ошириб юбормадиммикин, деб ўйлаб қоламан. Наилож, ўша вақтда менинг фикрим шунақа эди. Бир кун ўтиб, унинг олди-га Смуровни жўнатдим ва у орқали сен билан бошқа гаплашмайман, деб айтдим, иккита оғайни муносабатини узишса, бизда буни шунақа “гаплашмайман” дейишади. Гап шундаки, мен уни четлатиб, бир ҳафта давомида чиниктирмоқчи эдим, пушаймон қилгач, яна оғайни бўлиб кетамиз, дедим. Шундай қатъий қарорга келгандим. Нима бўлди денг: у Смуровнинг гапини эшитиб, кўзлари йилтираб кетибди. “Мендан Красоткинга бориб айт, мен энди барча итларга тўғноғич солинган нон ташлайман, ҳаммасига ташлайман!” дебди. “Э-ха! – дедим, ҳаддидан ошибдилар-да, ковушини тўғрилаб қўямиз!”. Қайда кўрмай унга нафратимни билдириб турдим,

уни кўрган захотим юзимни тескари бурдим, истехзо билан кулдим. Ана шу вақтларда отасининг бошига бир иш тушиб қолди, “дасмол” воқеаси эсингиздами? Ўшанда болалар ўртасида жанг бошланиб кетди, адашмасам, болалар бир марта уни жуда қаттиқ калтаклашган, бунга жуда ачинаман. Бир кун синфдан чиқишгач, у бирдан ҳаммага баравар ташланиб қолса бўладими. Мен ўн кадамлар нарида қараб тургандим, қасам ичиб айтаман, ўшанда сира ҳам кулганим йўқ, аксинча, унга жуда-жуда ачиниб кетдим, яна бир зум ўтсами, уни химоя қилишга ташланардим. Аммо бирдан у менинг кўзим билан тўқнашди, нималарни ўйлади, билмадим, лекин тўсатдан пакки пичоғини чиқариб, менга ташланди ва уни биқинимга санчиб олди, мана, ўнг оёғим томонда. Мен кимираётмадим, тан оламан, Карамазов, мен баъзан жуда ҳам ботир бўлиб кетаман, фақат нафрат билан бир қараб қўйдим ва нигоҳим билан: “Бутун оғайнигарчилигим учун яна бир марта пичоғингни тикиб олмайсанми, мана – мен тайёрман”, дегандай бўлдим. Бироқ у бошқа пичоқ урмади, кўрқиб кетди, чидамади, пичоқни отиб юборди, хўнграб йиғлаб, қочиб кетди. Мен, албатта, ҳеч кимга айтмадим, ҳамма болаларга оғзиларингни юмларинг дедим, бошлиқлар билишмасин; ҳатто онамга ҳам ярам битгандан сўнг айтдим, яранинг ўзи ҳам арзимаган, тирналган эди, холос. Кейин у ўша куниёқ болалар билан тош отишибди, сизнинг қўлингизни тишлаб олибди, аммо унинг қандай аҳволда бўлганини бир тасаввур қилинг! Нима қилай, мен тентаклик қилдим: у касал бўлиб қолгач, бориб кўрмадим, ярашиб ҳам олмадим, энди пушаймонман. Аммо кейин бошқа мақсадлар туғилди. Бор воқеа шу... фақат мен, чамаси, тентаклик қилдим...

– Ох, қанчалар афсусланарли, – тўлқинланиб деди Алеша, – мен ўртангиздаги бундай муносабатларни илгари билмаган эканман, бўлмаса аллақачон олдингизга ўзим борган бўлардим, сизни унинг олдига ўзим бошлаб борардим, мен билан боришингизни сиздан сўрардим. Биласизми, у иситма ичида алаҳлаб сизни эслаб ётди. Сиз унга бунчалар азиз эканингизни билмагандим! Наҳотки, наҳотки сиз Олапарни тополмадингиз? Отаси, барча болалар шаҳарни чарх уриб уни ахтаришди. У оғир касал ётиб, йиғлаб кўзёшларини тўкиб менинг олдимда отасига уч марта шундай деди: “Ота, мен ўшанда Олапарни ўлдирганим учун касал бўлиб ётиб қолдим, худо мени жазолади”, шу фикрни ҳеч қалласидан чиқариб ташлаб бўлмайди! Қанийди ҳозир ўша Олапарни топиб келсалару унга кўрсатсалар, мана, у ўлмаган, тирик юрибди, десалар, ўшанда хурсанд бўлиб ўрнидан туриб кетарди. Биз ҳаммамиз сизга ишонгандик.

– Айтинг-чи, нима қилиб мени Олапарни топади, дея ўзингизни ишонтирдирингиз, яъни нечик мен топишим керак эди? – ғоятда қизиқиб сўради Коля, – нега бошқа бировни эмас, айти мени итни топади, деб ўйладингиз?

– Сиз уни қидираётган эмишсиз, деган қандайдир гап тарқалди, топиб олиб келармиш, дейишди. Смуров шу мазмунда бир гапни айтиб юрди. Биз ҳаммамиз Олапар тирик деб ўзимизни ишонтирмоқчи бўлиб юрамиз, уни қаердадир кўришганмиш, деймиз. Болалар унга қаёқдандир тирик қуённи тутиб келишди, у бир марта қаради, сал-пал қулиб қўйди-да уни далага қўйиб юборинглар деб сўради. Биз шундай қилдик. Ҳозир яқинда отаси бир жойдан меделин лайчасини олиб келди, унга тасалли бўлсин деб, фақат баттар бўлди...

– Яна бир гап, Карамазов, унинг отаси қандай одам ўзи? Мен уни билман, лекин сизнингча у қандай одам ўзи, масхаравозми, ҳазилкашми?

– Ох, асло ундаймас. Жуда чуқур хис қиладиган одамлар бор, лекин қандайдир эзилиб қолган. Уларнинг масхаравозликлари жуда теран киноя, улар баъзи бир одамларга кўзига тик қараб бор ҳақиқатни айтишга журъат қилолмайдилар, узоқ вақтлар бўйнилари эгиб таҳқирлангандай бўлиб юрадилар. Красоткин, ишонинг, мана шундай масхаравозлик баъзан беҳад фожиалидир. Унинг энди дунёдаги бор-йўқ нарсаси мана шу ўғилчаси Илюшада мужассамлашган. Илюша мабодо ўлиб қолса, у ё ақлдан озади, ё ўзини ўлдиради алаmidан. Унга қараб турсам, шунга ишонч ҳосил қиламан!

– Сизни тушунаман, Карамазов, сиз одамни биласиз, – чин дилдан чиқариб деди Коля.

– Мен эсам сизни ёнингизда ит билан кўриб, ўша Олапарни келтирибди, деб ўйладим.

– Тўхтаб туринг, Карамазов, балки биз уни топармиз ҳам, манави ит эса Кўнғирок. Мен уни уйга олиб кираман, у Илюшани меделин лайчасидан кўра кўпроқ хурсанд қилар. Шошмай туринг, Карамазов, сиз ҳозир баъзи бир нималарни ўзингиз кўрасиз. Ох, худойим! Нега мен сизни совукда тутиб турибман! – деб бирдан тез қичкириб юборди Коля. – Совукда юпка камзулда қолдингиз, кўрдингизми, кўрдингизми мен қанчалар худбинман! О, биз ҳаммамиз худбинлармиз, Карамазов!

– Ташвишланманг, рост, совук, лекин мен унча-мунчага шамоллайвермайман. Бироқ, майли, ичкарига кирайлик. Айтганча, исмингиз нима эди, биламан, Колясиз, лекин тўласинча нима?

– Николай, Николай Иванов Красоткин ёки расмийча айтганда, Красоткин ўғли, – нима учундир кулди Коля, аммо бирдан кўшимча қилди:

– Мен Николай деган исмни ёмон кўраман.

– Нега энди?

– Жўн, расмийча...

– Сиз ўн учга чикдингизми? – сўради Алеша.

– Анақа, ўн тўрт, икки ҳафтадан кейин ўн тўртга кираман, оз қолди. Олдиндан сизнинг олдингизда бир камчилигим борлигини тан оламан, Карамазов, айтиб кўйишим керак, биринчи марта танишайпмиз, менинг феъл-атворим қандайлигини бирваракай билиб олинг деяпман-да: ёшимни сўрашларини жуда ёмон кўраман... жуда ёмон кўраман... ва ниҳоят, менинг устимдан бўхтон ёғдиришяпти, мен ўтган ҳафтада тайёргарликдаги болакайлар билан “қароқчи-қароқчи” ўйнаганмишман. Ўйнаганим рост, лекин мен ўзим учун, маза қилиш учун ўйнаганим йўқ, бу мутлақо тухма. Чамамда, бу гап сизга ҳам етиб борган, бироқ ўзим учун ўйнамадим, болакайлар учун ўинадим, мен бўлмасам, улар ўйинни ҳеч эплашолмайди. Шундан кейин ҳар турли бемаъни гапларни тарқатишди. Сизни ишонтириб айтаманки, бу тамом ғийбатчилар шаҳри.

– Ўзингиз хоҳлаб ўйнаган бўлсангиз ҳам нима қилибди? Нимаси ёмон?

– Ўзим учун ўйнаган бўлсам... Сиз “от-от” ўйнамайсиз-ку, ахир?

– Сиз мана бундай фикр қилинг, – жилмайди Алеша, – мисол учун, театрга барча катталар тушишади, театрда эса ҳар турли қахрамонларнинг саргузаштларини томоша қилдиришади, баъзан қароқчилару урушларни ҳам кўрсатишади – бу худди ўша нарсанинг ўзи эмасми? Тинчлик за-

монларида урушларни кўрсатиш ёки қароқчилар ҳаётини ҳикоя қилиш – бу энди туғилиб келаётган санъат, ёш юракларнинг эндигина куртаклаётган эҳтиёжи ва бу ўйинларни қоғозга театрдан кўра ҳам чиройлироқ, қизикроқ қилиб ёзишади, фарқи шундаки, театрга артистларни кўргани тушишади, бу ерда эса ёшларнинг ўзлари ўйнашади. Аммо бунинг ўзи ҳам табиий бир ҳол.

– Сиз шундай ўйлайсизми? Сизнинг ишончингиз шундайми? – унга диққат билан тикилиб сўради Коля. – Биласизми, сиз анча қизик фикрни айтдингиз, ҳали уйга борганимда буни бир ақллаб кўраман. Очиғини айтсам, сиздан бирон нарсани ўрганиш мумкин дея кутгандим. Мен сиздан ўрганиш учун келдим, Карамазов, – юрак зовтаси билан деди Коля.

– Мен эса сиздан ўрганмоқчийдим, – деб табассум қилди Алеша унинг кўлини сиқиб.

Коля Алеша билан танишганидан ғоятда мамнун бўлди, Алешанинг уни ўзига бутунлай тенг кўриб гаплашгани, худди “катта одамдай” кўргани ғоятда ҳайратга солди.

– Мен ҳозир сизга битта хунар кўрсатаман, Карамазов, бу ҳам бир театр томошаси-да, – асабий кулди у, – мен бу ерга шунинг учун келдим.

– Ҳозир уйга сўл томондан қирайлик, у ерда болалар пальтоларини ечиб қолдиришган, хона ичи тор ва иссик.

– О, мен бир зумга, холос, ичкарига кириб пальтомни ечмай ўтираман. Кўнғироқ даҳлизда қолади ва ўлгандай бўлиб ётади: “Хуйт, Кўнғироқ, ёт ва ўл!” Ана кўринг, ўлди. Мен эсам олдин кириб аҳволни кўраман-да, кейин керак бўлса ҳуштак чаламан: “Хуйт, Кўнғироқ!” дейман. Ўзингиз кўрасиз, у худди жин теккандай чопиб қиради. Фақат ўша пайтда Смуrow эшикни очишни унутмаса бўлди. Мен буйруқ бериб тураман, кўрасиз унинг қандай хунар кўрсатишини...

## V

### ИЛЮШАНИНГ ТЎШАГИ ТЕГРАСИДА

Бизга таниш истеъфодаги штабс-капитан Снегиревнинг оиласи истикомат қиладиган ўша уй ҳозир кўп одам тўплангани учун жуда тор ва дим туюларди. Бу сафар Илюшанинг олдида бир қанча болакайлар ўтиришар, гарчи уларнинг барчалари ҳам худди Смуrowга ўхшаб Илюша билан бизни Алеша яраштириб қўйди, олдига олиб борди, деб тан олгилари келмаса-да, барибир, бу ўзи шундай эди. Алешанинг бор усталиги шунда эдики, у барча болаларни олдинма-кейин, ҳеч талтаймай, ҳеч сулаймай, киши билмас қилиб, худди ўз-ўзидан бўлгандай Илюшанинг хузурига олиб келди. Азоб чекиб ётган Илюшанинг дардларини бу анча енгиллаштирди. У ўзининг собиқ ғанимлари жонажон дўст каби ўзига меҳрибонлик қиладиганликларини кўриб жуда ҳам қувонди. Фақат улар орасида Красоткингина етишмас ва бу юрагини тош босгандай эзарди. Илюшечканинг аччиқ аламли хотираларидан энг аччиғи ва энг аламлироғи ҳам мана шу – унинг бирдан-бир ўртоғи ва ҳимоячиси Красоткин билан бўлиб ўтган воқеа эди, унга ахир, пақки пичоғини кўтариб ташланди-я. Ақлли болакай Смуrow ҳам худди мана шундай ўйларди (у Илюша билан ярашишга биринчилардан бўлиб келган эди). Смуrow, Алеша сенинг

олдингга “бир иш билан келмоқчи”, деб айтганда, Красоткин шу захоти гапни шартга бўлиб, йўлни тўсди ва “Карамазовга бориб айт, қандай иш тутишни ўзим ҳал қиламан, ҳеч кимдан маслаҳат сўраб ўтирмайман, агар касалнинг олдига ўтмоқчи бўлсам, қачон боришни ўзим биламан, ўзимнинг ўйлаган ишим бор”, деб Смуровдан айттирди. Бунга шу яқшанбадан бу ёғига икки ҳафталар бўлди. Мана шунинг учун ҳам Алеша унинг олдига бориб ўтирмади. Алеша бироз кутган бўлса-да, бироқ Смуровни Красоткиннинг олдига яна қайта-қайта жўнатди. Лекин ҳар икки сафар ҳам Красоткин тоқати тоқ бўлиб, кескин рад жавоби берди. Алешага агарда ўзингиз келсангиз, унда ҳеч қачон Илюшанинг қошига бормайман, деб хабар юборди ва менинг жонимга тегмасликларингизни сўрайман, деди. Ҳатто шу охириги кунгача Смуровнинг ўзи ҳам Коля шу куни эртаминан Илюшанинг олдига бормоқчи эканлигини билмасди, у фақат куни кеча Смуров билан хайрлашатуриб, “эртага мени уйингда кутиб ўтир, сен билан бирга Снегиревларникага бориб келаман, – деб қолди, – лекин боришимни ҳеч кимга айта кўрма, мен кутилмаганда боргандай бўламан”, деб тайинлади. Смуров хўп деди. У ҳали ҳам Коля Олапарни олиб келади деб орзу қиларди, бир куни Красоткин йўл-йўлакай гап орасида шундай бир сўз айтган эди, “улар ҳаммалари эшакдан баттар, битта итни тирик бўлса топиб келтиролмайдилар”. Шунда Смуров ит борасидаги тахминини Красоткинга ишора қилганида, Коля бирдан ёмон жаҳли чиқиб, кутуриб кетди: “Нима, мен эшакманми, бегона итларни бутун шаҳардан ахтариб юрадиган, менинг ўзимнинг Қўнғироқ деган итим бор. Тўғноғич ютган ит тирик қолишига қайси аҳмоқ ишонади? Булар ҳаммаси ўлардай суюлишади-ей, тавба!”

Илюша эса мана қарийб икки ҳафтадирки, бурчакдаги санамлар тагида тўшакчасидан турмасди. Алешага дуч келиб, унинг бармоғини тишлаб олганидан бери мактабга қадам қўймагани. Ҳар нечук, ўша кундан бери тоби кочиб ётиб қолган, бир ойдан бу ёғига унда-мунда тўшакдан туриб уй ичида ва дахлизда у ёқдан-бу ёққа юрарди. Бора-бора мадори қолмади, отасининг ёрдамисиз бир қадам ҳам босолмасди. Отаси унинг устида жонини ҳовучлаб турар, ичкилик ҳам бутунлай эсидан чиққан, болам ўлиб қолади деб эс-хушидан айрилаётган ва кўпинча, ўғилчасини уй ичида айлантириб юриб, сўнг жойига ётқизгач, бирдан дахлизга югуриб чиқиб кетар, қоронғи бурчакка бориб деворга бошини тираб хўнграб, ичкиб, инграб йиғлай бошлар, Илюша эшитмасин деб, овозини бўғиб пасайтириб ҳикилларди.

У яна хонага қайтиб кирар, одатда, жонидан ҳам азиз фарзанди аржумандини овулар, эркалатар, унга эртақлар, кулгили латифалар ҳикоя қилиб берар, ўзи ҳаётда кўп учратган ғалати-ғалати одамларни ўхшатар, ҳатто турли ҳайвонларга тақлидан овоз чиқарар, кичкирар, увилларди. Лекин Илюша отасининг кийшанглашлари, ўзини масхарабоз қилиб кўрсатишларини сира ёқтирмасди. Болакай бу нарсалар унга ёқмаётганлигини билдирмаса ҳам, лекин отаси жамиятда таҳқирланганини юракдан сезар ва “дасмол” ҳеч қулоғидан кетмас, доим шу эсига тушар, ўша “машъум кун”ни кўз ўнгига келтирарди. Илюшечканинг оёқсиз, мулойим, индамас опачаси Ниночка ҳам отасининг кийшанглаб масхарабозлик қилишларини хушламасди (Варвара Николаевна эса аллақачон Петербургга курсларда ўқишини давом эттиргани кетганди), лекин эси

пастрок она эри бировларни ўхшатганда ёки аллақандай томошалар, киликлар қилиб кўрсатганда, жуда ҳам қувониб кетар, ичаклари узилгудай бўлиб қаҳ-қаҳ отиб қуларди. У бечора фақат шу билан овунар, тасалли топарди, шундан бошқа пайтларда эса тўхтовсиз нолир, йиғи-сиғи қилар, ҳеч ким мени эсламайди, ҳеч ким ҳурмат қилмайди, ҳамма хафа қилади ва ҳоказолар деб тинмай ёзғирарди. Аммо охириги кунларга келиб у ҳам қандайдир ўзгариб қолгандай эди. У тез-тез бурчакда ётган Илюшага термилиб қарар ва хаёлга ботарди. У анча камгап бўлиб қолган, уни ўчган, кўзёшларини тўхтатолмаси-да, буни ҳеч ким эшитмаслигига уринарди. Штабс-капитан ундаги бу ўзгаришга аччиқ алам билан хайрон бўлиб қарарди. Болакайларнинг Илюшани кўргани келишлари аввал шўрлик аёлга сира ёкмади, жаҳлини чиқарди, лекин кейин болаларнинг шўх чувир-чувирлари, бири олиб, бири қўйиб гапиришлари унга ёкиб қолди, юрагига тасалли берди. Агарда болалар келмай қолса, дали-дунёси қоронғи бўлиб кетарди. Болакайлар бир нарсаларни гапирсалар ва ўйинга берилсалар, она хурсанд бўлиб қулар, чапак чаларди. Гоҳи болакайларни олдига чақириб ўпиб қўярди. Айниқса, Смуровни жуда ёқтирарди. Штабс-капитаннинг ўзига келсак, уйига болаларнинг келиб, Илюшага далда бўлаётганларидан қувонар, дилида умид уйғонар, Илюшам энди тузалиб кетади деб ишона бошларди. У ҳатто энг охириги дамгача Илюшанинг тақдиридан қанчалик жони хавотирга тушмасин, болам охир тузалиб кетади, деган умид-ишончдан айрилмаганди. У сабий меҳмонларини жон-дилдан қувониб қарши олар, уларнинг ёнларидан кетмас, хизматларини қилар, уларни ҳатто опичиб юришга ҳам тайёр, опичиб оларди ҳам, аммо Илюшага бу ўйинлар унча ёкмади ва улардан воз кечилди. Капитан болакайларга қанд-курс, ширинликлар, ёнғоқ-мағизлар сотиб олиб келар, чой ичирар, нонга ёғ суриб берарди. Бу вақтларда доим унинг ёнида пули бўларди. Катерина Ивановнанинг ўшандаги икки юз рубль пулини, Алеша қандай айтган бўлса шундай, қабул қилганди. Ундан кейин Катерина Ивановна оиланинг ҳол-аҳволи, Илюшанинг бетоблигини билиб, ўзи уларнинг уйларига келиб кўрди, оиланинг жами аъзолари билан танишди, ҳатто эси паст она билан кўришиб, уни ўзига жуда мафтун қилиб қўйди. Ўшандан буён Катерина Ивановна бу хонадонга саховат билан ёрдам қўлини чўзар, ўғилчам ўлиб қолади деб жон ҳавлида юрган штабс-капитаннинг аввалги ғуруридан асар ҳам қолмаган ва хайр-эхсонларни мутелик билан қабул қиларди. Бу кунларда Катерина Ивановнанинг таклифига кўра доктор Герценштубе кунора касал кўргани қанда қилмай келар, аммо натижа кам эди. Беморга эса турли-туман дори-дармонларни тикиштираверарди. Лекин бугун, яъни якшанба эрталабдан штабс-капитаннинг уйда Масковдан келган янги бир докторни кутишарди, у пойтахтда анча машҳурлардан саналаркан. Катерина Ивановна қатта пул ваъда қилиб уни атай Масковдан чақиртирган – чақиртиришидан мурод Илюшечка эмас, бошқа бир мақсади бор эди, биз буни ўз ўрнида бошқа бир жойда ҳикоя қилиб ўтамиз. Доктор етиб келгани боис Катерина Ивановна ундан Илюшечкани бориб кўришини сўраган, штабс-капитан ҳам бундан олдиндан хабардор қилиб қўйилганди. Капитаннинг Коля Красоткиннинг келишидан хабари йўқ, лекин қанийди шу бола ҳам келса, Илюшечкамнинг дардларини шояд енгиллатса, деб армон қилиб юрарди. Красоткин эшикни очиб уй ичига кириб келган пайтда штабс-капитан

билан болалар беморнинг тўшаги атрофида уймалашар, ҳозиргина келтирилган меделин кучукчасини томоша қилишар, кучукчанинг ўзи куни кечагина туғилган, лекин бир ҳафта олдин Илюшечкага овунчоқ ва эрмак бўлсин деб, штабс-капитан томонидан буюртма қилиниб олинганди. Илюшечка эса ҳамон бадар йўқолган Олапарни ўртаниб соғинарди. Илюшечка ўзига чинакам меделин кучукчасини (бу, албатта, ўз-ўзидан катта воқеа эди) тортиқ қилишмоқчи эканликларини уч кун олдин билган, одоб-икром билан тортиқдан миннатдор бўлаётганини кўрсатарди, аммо отаси ҳам, болалар ҳам шу нарсани аниқ сезиб-билиб турар эдиларки, янги кучукча унга ўзи азоблаб ўлдирган илгариги бахтсиз, шўрлик кучукни эслатар, бундан юрак-бағри қаттиқ ўртанар, азоби устига азоб қўшиларди. Кучукча Илюшечканинг ёнида ғимирлаб ётар ва у ингичка, қакшаган, қуруқшаган, кони қочган қўллари билан кучукчани силарди, лабларида варам илжайиш қалқирди. Кучукча унга ёққани сезилиб турар, аммо... барибир, Олапар йўқ эди, бу кучукча Олапар эмасди, мабодо Олапар билан бирга мана бу кучукча ҳам бўлгандами, ана унда маза эди-да!

– Красоткин! – деб қичқирди уни биринчи бўлиб кўрган болалардан бири. Ҳамма ҳаяжонланиб кетди, болалар дарров четлашиб, бемор тўшагининг икки ёғига қатор тизилишди, бундан Илюшечканинг рўпараси очилиб, ҳаммаси кўзга ташланди. Штабс-капитан Коляга югургилаб пешвоз чиқди.

– Марҳабо, марҳабо... азиз меҳмонимиз! – бидирлади капитан унга қарата. – Илюшечка, жаноб Красоткин сени кўргани келдилар...

Бироқ Красоткин шоша-пиша унга қўлини узатиб, дархол одоб-икром коидаларини жуда ҳам яхши билишини намоён қилди. У тездан ва ҳаммадан бурун ўз аравачасида ўтирган штабс-капитаннинг рафикасига мурожаат қилди (хоним эса худди мана шу дамларда болалар менинг олдимни Илюшечкадан тўсиб қўйишди, кучукчани кўролмаяман, деб ғоятда хит бўлиб турган пайт эди) ва хоним қошида оёқларини ғоятда чиройли ерга уриб таъзим бажо келтирди. Ана ундан сўнг Ниночка томонга ўгирилиб, уни ҳам худди хонимойимлардай кўриб тобини келтириб таъзим қилди. Унинг ушбу назокати бемор ойимга қаттиқ таъсир қилди.

– Тарбия кўрган боланинг садағаси кетсанг арзийди, – овозини баланд кўтариб деди ойим қўлларини ёзиб, – бошқа меҳмонларимизга қаранг, бир-бирларининг устига миниб келишяпти.

– Бу нима деганинг, ойиси, бирининг устига бошқаси миниб келаяпти дейсан, бу қанақа гап бўлди? – “ойиси”дан бироз хавфсираган ҳолда эркалатиброқ сўзлади штабс-капитан.

– Шунақа, бир-бирини миниб келишяпти. Дахлизда бири иккинчисининг устига миниб фариштали уйга кириб келишяпти. Бунинг нимаси меҳмон?

– Ким шундай кириб келди, ким ахир, ойиси?

– Э, манави бола анави боланинг устига миниб келди бугун, ҳов анави эса манавининг устида...

Аммо Коля ахлақачон Илюшанинг тўшаги олдида етганди. Беморнинг ранги қум ўчди. У каравотчаси устида ярим кўтарилди-да, тикилиб-тикилиб Коляга қаради. Ошнаси ўзининг кичик дўстини икки ойдан бери кўрмаган ва унинг қошида ҳайратдан лол қолиб котди-турди. У дўстини шунчалар озиб-тўзиган, сарғайган, кўзлари катта-катта очилган, алан-

гайи оташ ичида ёнган, қўллари ингичка тортган ҳолда кўраман деб ҳеч хаёлига келтирмаганди. У Илюшанинг тез-тез ва чуқур нафас олаётгани, лаблари қовжираб кетганини кўриб ҳайрат ва ҳасратга ботди. У томонга бир кадам қўйди. Қўлини узатди ва ўзини деярли йўқотиб қўйиб, тили базўр гапга айланди:

– Эҳ-а, оғайни... қани, аҳволлар қалай?

Аммо овози томоғига тикилди, ўзини босиб ололмади, юзи худди тортишиб кетгандай бўлди ва лабларининг чети қийшайди. Илюша ҳамон оғиз очиб сўз айтишга қийналар, унга мажруҳона мунғайиб, илжайиб қарарди. Коля бирдан қўлини кўтарди-да, нимагадир кафти билан Илюшанинг сочини силади.

– Э, майли-е! – секингина пичирлади у, бу билан уни юпатмоқчи бўлдимми ё бошқа, ўзи ҳам билолмади. Бир зум яна жим қолдилар.

– Нима, янги кучукча олдингми? – бирдан жуда ҳам куруққина қилиб сўради Коля.

– Ҳа-а-е! – жавоб берди Илюша чўзилиб шивирлаб ва нафаси бўғзига тикилиб.

– Тумшуғи қоралигига караганда, жуда қопонғич ва занжирга ўрганган, – худди муҳим бир гапни аниқ биладигандай деди Коля, гўё ҳамма гап шу лайча билан унинг қора тумшуғида қолгандай. Аммо асосий гап шунда эдики, у ҳамон “кичкина” боладай йиғлаб юбормаслик учун бор кучи билан ўзини тутишга ҳаракат қилаётгани ва ҳали ҳамон ўзини енгиб ололмаётгани. – Каттарса, занжирга боғлаш керак бўлади, мен буни биламан.

– У жуда ҳам каттакон ит бўлади! – деди болалардан биттаси.

– Меделин кучуги бўлгандан кейин жуда катта бўлади-да, мана бундай, бузукдай, – дейишди бир қанча болалар бараварига.

– Ҳа, бузукдай, рости билан худди бузукдай, – бирдан сўзга қўшилди штабс-капитан, – мен атай шундайини, жуда қопағонини танлаб олдим, бу итнинг ота-онаси ҳам жуда катта ва ҳаммадан ҳам қопонғич, бўйи ердан анча баланд, мана бундай... Келинг, манави ерга – Илюшанинг ёнига каравотга ўтиринг, бўлмаса мана сўрида ҳам жой бор. Марҳамат қилинг, азиз меҳмон, сизни жуда узоқ кутдик... Алексей Федорович билан бирга келдингизми?

Красоткин каравотга, Илюшанинг оёқ томонига ўтирди. У балки йўл-йўлакай нима ҳақида қандай сўйлашни, ўзини қандай бепарво тутишни чамалаб келгандир, аммо ҳозир бутунлай ипининг учини йўқотиб қўйганди.

– Йўқ... мен Кўнғироқ деган итим билан келдим... Ҳозир шунақа итим бор, Кўнғироқ. Исми славянча Перезвон. Анов ерда кутиб ётибди... хуштак чалсам, чошиб қиради. Мен ҳам итим билан келдим, – деб ўгирилди у бирдан Илюшага, – эсингдами, оғайни, Олапар? – бирдан савол бериб қолди у Илюшани лолу ҳайрон қилиб.

Илюшанинг юзи қийшайиб кетди. У азоб егандай Коляга тикилди. Эшикка яқин турган Алеша хўмрайди ва яширинча Коляга қаради. Олапар ҳақида гап очма дегандай қилди, аммо Коля фаҳмламади ёхуд фаҳмлагиси келмади.

– Қаерда... Олапар? – синиқ хириллаган овоз билан сўради Илюша.

– Э, оғайни, сенинг Олапаринг – кетган! Йўқолган Олапаринг!

Илюша индамади, лекин яна Коляга тикилиб-тикилиб термилди. Алеша Колянинг кўзини ўзига қаратиб, жони борича бошини сарак-сарак қилди, аммо у яна кўзини олиб кочди, бу сафар ҳам ўзини кўрмаганга солди.

– Бирон ерга кириб кетгану йўқолган. Бундай емишдан кейин янаям йўқолмасинми, – шафқатсизлик билан қамчиларди Коля. Ҳолбуки, ўзи ҳам нимадандир қаттиқ бўғила бошлаганди. – Менинг мана Қўнғироғим бор... Славянча исм: Перезвон... Мана, сенга олиб келдим...

– Ке-рак эмас! – деди бирдан Илюша.

– Йўк, йўк, керак бу, албатта, кўр... Бироз дардинг ёзилади. Мен атай олиб келдим... худди ўшанга ўхшаган жуни пахмоқ... Сиз, хоним ойим, итимни бу ерга чақирсам, рухсат берасизми? – деб бирдан у хоним Снегиревага мурожаат қилди қутилмаган бир ҳаяжон ичида.

– Керакмас, керакмас! – аламли ўртаниб ҳаяжонланиб хитоб қилди Илюша, унинг кўзларида ёзғириш ўти чакнади.

– Сиз ўзингиз... – девор ёнидаги сандиқ устига эндигина ўтирган штабс-капитан бирдан дик этиб ўрнидан туриб кетди, – сиз ўзингиз-ей бошқа бир вақтда-ей... – бидирлади у, аммо Коляни ҳеч тўхтатиб бўлмас, у шоша-пиша бирдан Смуровга қараб кичқирди: “Смуров, эшикни оч!” – у эшикни очиши ҳамон хуштагини чалди. Қўнғироқ шитоб билан уй ичига чошиб кирди.

– Сакра, Қўнғироқ, ҳаракат! Ҳаракат! – кичқирди Коля ўрнидан сакраб туриб, шунда ит иккала орқа оёғида тикка туриб Илюшанинг тўшаги олдида ғозланди. Ҳеч ким қутмаган ғалати бир иш рўй берди: Илюша бирдан сесканиб кетди ва бор гавдаси билан олдинга талпинди, Қўнғироққа эгилиб қаради ва шу турганича қотди-қолди.

– Бу-бу... Олапар! – бирдан кичкириб юборди у аламли ҳаяжон ва бахтиёрлик билан.

– Э, сен қайсиниси деб ўйловдинг? – жаранглаган, бахтиёр овози билан жони борича кичқирди Коля ва ит устига энгашиб, уни кучоқлаб олди-да, Илюшага кўтариб кўрсатди.

– Ўзинг кара, ошна, кўряпсанми, кўзи қийшиқ, чап қулоғи кесик, менга шу белгиларини ўзинг айтиб бергандинг. Мен уни шу белгиларига қараб қидириб топдим! Ўшандаёқ тезда топгандим. Унинг эгаси йўк, эгаси йўк! – деб тушунтирди у тез штабс-капитан билан унинг рафикаси томонга ўгирилиб, яна Алешага ҳам қаради, кейин яна Илюшага. – У Федотовларнинг орқа ҳовлисида ётган экан, уларга ўргана бошлаган экану аммо улар бокмай қўйишибди, бу ўзи қишлоқдан қочиб келган ит... Мен уни қидириб топдим... Буни қараки, оғайни, у ўшанда сен ташлаган нонни ютиб юбормаган. Агар ютиб юборганда, албатта, ҳеч шубҳасиз тил тортмай ўларди, ҳа, албатта! Мана, тирик, ўлмайд юрибди, демак, ўшанда нонни ютиб юбормаган. Сен унинг туфлаб ташлаганини кўрмайд қолгансан. Туфлаган пайтида тилига игна кириб кетган, ана шунинг учун у овози борича ангиллаган. Қочиб боратуриб ҳам ангиллайверган, сен эса нонни бутунлай ичига ютиб юборди деб ўйлагансан. У ёмон ангиллагани рост, нега десанг, итнинг оғзи ичдан жуда ҳам нозик... одамникидан ҳам нозик, жудаям нозик! – жони борича бакирарди Коля, икки юзи эса оловдай ёнар, ўпкасини босолмасди.

Илюшанинг эса тили калимага келмасди. У Коляга катта-катта очилган, шоҳкосасидан чиққан кўзлари билан қарар, оғзи анграйиб очилиб қолган, ранг-рўйи кум ўчганди. Агарда ҳеч нарсанинг фаҳмига етмаётган Красоткин бундай ҳаяжонли дақиқалар касал ётган болакайнинг соғлиги, сихат-саломатлигига қанчалар ёмон ва даҳшатли таъсир қилишини билсайди, унда ҳозиргидай қилиғини ҳеч, ҳеч қачон қилмасди. Аммо хона ичидагилар ўртасида буни, эҳтимол, фақат Алеша тушуниши мумкин эди. Штабс-капитанга келганда эса, у бутунлай кичкина боладай бўлди-қолди.

– Олапар! Вой. Бу ит Олапар эканми? – деб қичкирарди у ийиб кетган овози билан. – Илюшечка, бу ахир, Олапар, сенинг Олапаринг! Ойиси, бу Олапар! – у йиғламоқдан бери бўларди.

– Мен эсам ҳатто фаҳхламабман ҳам! – алам билан деди Смуров, – Вой, азамат Красоткин-ей, айтувдим-а, у Олапарни топади деб, ана, топди!

– Ана, топди, – деди яна аллаким.

– Қойил-ей, Красоткин! – дея жаранглади учинчи овоз.

– Қойил, қойил! – қичкиришарди барча болалар, кейин улар чапак чала кетишди.

– Э, тўхтанглар, тўхтанглар, – ҳаммадан баландроқ қичкиришга ҳаракат қиларди Красоткин, – мен сизларга қандай бўлганини айтиб бераман, ҳамма гап қандай бўлганида, бошқасида эмас! Ахир, мен уни кидириб топиб келдим, уйимга келтирдим ва дарров яшириб қўйдим, эшикни кулфладим, ҳеч кимга кўрсатмадим то охирги кунгача. Фақат икки ҳафта олдин Смуровгина билиб қолди, аммо уни бу Қўнғироқ деб ишонтирдим, у фаҳмига етмади. Мен танаффус пайтларида Олапарни кўп ҳунарларга ўргатдим, қаранг, қаранг, сиз ўзингиз қаранг қанақа ўйинлар кўрсатади! Сенинг олдинга олиб келиш учун ўргатдим буларнинг ҳаммасини, оғайним, ўргатилган итни тоза томоша қилгин дедим: кўрдингми энди итинг қандай бўлибди! Э, бир бўлак гўшт топилмайдими бу ерда, у сизга шунақанги бир ҳунар кўрсатадики, оғзингиз очилиб қолади, кулавериб ичагингиз узилиб кетади. Бир бўлак гўшт бўлса, бас. Наҳотки, топилмаса?

Штабс-капитан ирғиб ўрнидан туриб, даҳлиздан ичкарига ўтиб кетди, у томонда штабс-капитаннинг оиласи учун таом ҳозирламоқда эдилар. Коля эса вақтни ўтказмаслик учун қаттиқ шошиб Қўнғироққа қичкирди: “Ўл!” Ит бирдан гир айланди-да, оёқларини тепага кўтариб ерга ётди ва мутлақо тек қотди. Болалар хохолаб қулишар, Илюшанинг чехрасидан аламли жилмайиш аримас, аммо Қўнғироқнинг “ўлиши” ҳаммадан ҳам ойисига жуда маъқул келди. У итга қараб “қаҳ-қаҳ” уриб кулди-да, бармоқларини қасирлатиб, итни чақира бошлади:

– Қўнғироқ, Қўнғироқ!

– Ҳеч қачон турмайди, ҳеч қачон, – ғалабасидан ҳақиқатда мағрурланиб овози борича қичкирди Коля, – бутун дунё йиғилиб келиб қичқирса ҳам барибир турмайди, мана мен бир қичқирсам, бир зумда сакраб туради! Хўйт, Қўнғироқ!

Ит сакраб турди ва ўйноқлашга тушди, қувониб ҳақалак отди. Штабс-капитан кўлида қайнатилган мол гўшти бўлаги билан югуриб кирди.

– Иссиқ эмасми? – шошиб сўради Коля гўшт бўлагини олиб, – йўк, иссиқ эмас, биласизми, итлар иссиқ нарсани ёқтиришмайди, қаранглар, ҳаммаларинг қаранглар, Илюша, қара, қарасанг-чи, э, қарагин-да энди. Нега қарамайсан, оғайни? Мен уни олиб келдим-у сен қарамайсан-а?

Бу янги хунар шундан иборат эдики, кимирламай тумшуғини чўзиб турган итнинг бурни устига гўшт бўлаги қўйилиб, у эгаси қанча вақтга буюрса, ўшанча вақт қилт этмай туриши керак экан. Бу ҳатто ярим соатгача давом этса ҳам, жойидан асло жилмас экан. Аммо Қўнғирокни озгинагина вақт ушлаб туришди.

– Ол! – деб кичқирди Коля ва гўшт бўлаги шу заҳоти итнинг тумшуғидан унинг жағи ичига кириб кетди. Томоша қилаётганлар ҳайратдан ушлаб юборишди.

– Э-ҳа, сиз наҳотки, наҳотки итни ўйинга ўргатаман деб бу ерга келмай юрган бўлсангиз! – беихтиёр таънаомуз хитоб қилди Алеша.

– Ҳа, баайни шундай, – деди соддадиллик билан Коля, – мен унинг бутун хунарларини сизларга кўрсатмоқчийдим!

– Қўнғирок! Қўнғирок! – бирдан озгин бармоқларини шиқирлатди Илюша итни олдига чақириб.

– Нима демокчисан? Итнинг ўзи ёнингга, тўшагинга чиқиб олади, хуйт, Қўнғирок! – кафтини Илюшанинг тўшагига урди Коля, шунда Қўнғирок ёйда ушиб Илюшанинг ёнига чиқди. Болакай шитоб билан бағрини очиб итни кучоклаб олди, Қўнғирок эса бунинг эвазига дарҳол юзларини ялаб қўйди. Илюшечка итга юзини босди, тўшагида чўзилиб ётди ва итнинг пахмоқ жунлари ичига бетини яширди.

– О, худойим, о, худойим! – деб нидо қиларди штабс-капитан.

Коля яна Илюшечканинг тўшагига ўтирди.

– Илюша, мен сенга яна битта ўйин кўрсатаман. Мен сенга замбарак олиб келдим. Эсингдами, бир гал шу замбаракни айтиб бергандим. Сен эса: “Эҳ, қани энди бир кўрсайдим!” дегандинг. Мана, энди уни сенга олиб келдим.

Шундан сўнг Коля шоша-пиша сумкасидан мис замбаракни чиқарди. У ўзи ҳозир жуда ҳам бахтиёр бўлганидан шошилмоқда эди, бошқа пайт бўлса, қандай таъсир қилишини кўриш учун секин олган бўларди. Аммо ҳозир кутиб ўтиришга тоқати етмади: “Шундоқ ҳам бахтлимиз, яна бу – устига-устак бахт!” У ўзи ғоятда тўлиққан эди.

– Мен бу нарсани амалдор Морозовнинг уйида кўргандим, сенга олиб бермоқчийдим, оғайни, фақат сенга. Уникида бекор ётган экан, акасидан қолган, мен унга отамнинг жавонидаги китобни бериб, алмашиб олдим. “Мухаммаднинг қариндоши ёхуд шифобахш масхарабозлик” деган китоб. Чиққанига юз йил бўлган, жуда антиқа, цензура бўлмаган вақтларда Масковда чиққан, Морозов бунақа нарсаларга ўлгудай ишқибоз. Раҳмат айтди.

Коля замбаракни ҳамманинг кўз ўнгида қўлида ушлаб турар, барчалари кўриб ҳавас қиларди. Илюша тирсагига суяниб турди, ўнг қўли билан Қўнғирокни кучоклаб олганча, кўзлари чакнаб ўйинчокни томоша қиларди. Коля бу замбаракнинг порохи ҳам бор, агар хонимлар кўрқишмаса, ҳозирок ичига солиб отса бўлади, деб айтганда ҳамманинг ҳайрати яна юз баробар ортди. Онаси дарҳол ўйинчокни менга яқинроқдан кўрсатинглар деб туриб олди, унинг талаби дарҳол кондирилди. Кичкина ғилдиракли замбарак хоним ойимга жуда ёқди ва уни тиззаларида у ёқдан-бу ёққа ғилдирата бошлади. Замбаракдан отишга рухсат сўрашганда, нимани сўрашаётганини тушунмаса ҳам, тўла ризолик берди. Коля порох билан питрани кўрсатди. Штабс-капитан собиқ харбий

одам бўлгани учун зарядни ўзи қўлга олди, озгинагина порохни кафтига сепди, питрани кейинги сафарга қолдирамиз, деди. Замбаракнинг оғзини бўш жойга қаратиб ерга жойлаштиришди, уч порох заррачасини тиркишга жойлашди-да, гугурт билан ёндиришди. Фаройиб гумбурлаш янгради. Ойиси бирдан сесканиб кетгандай бўлди-ю, аммо шу заҳоти хандон отиб кулиб юборди. Болалар индамай тантанавор туришарди, аммо ҳаммадан ҳам Илюшечкага қараб штабс-капитан суюнар, ўзини еттинчи осмонда ҳис қиларди. Коля замбаракни ердан олди-да, дарҳол питра ва порох билан бирга Илюшага тортиқ қилди.

– Мен буни сенга бераман, сенга! Анча бўлди олиб қўйганимга, – яна бир бор такрорлади у бахтиёрликдан тўлиқиб-тошиқиб.

– Ох! Замбаракни менга берингла! Яхшиси, уни менга совға қилингла! – бирдан худди ёш боладай илтижо қила бошлади ойиси. Совғани менга бермайдилар деган хавотирда унинг чехрасини аламли ташвиш чулғаган эди. Коля хижолат чекди. Штабс-капитан хавотирланиб типирчилаб қолди.

– Ойиси, ойиси! – югуриб хотинининг қошига борди капитан, – замбарак сеники, сеники, аммо у ҳозир Илюшада турсин, чунки унга совға қилишди, лекин у, барибир, сеники. Илюшечка ҳар доим сенга уни ўйнагани беради. Ҳаммамиз, ҳаммамизнинг ўйинчоғимиз, умумий...

– Йўқ, умумий бўлишини хохламайман, йўқ, бутунлай меники бўлсин, Илюшечкага керакмас, – деб давом этарди ойиси кўзёшлари кўзларига лиқ тикилиб.

– Ойи, мана, олинг, мана, бутунлай ўзингизга! – деб қичқирди бирдан Илюша. – Красоткин, майлими уни онамга совға қилсам? – деб ёлворганнамо мурожаат қилди у Красоткинга, худди уни хафа қилиб қўйишдан чўчигандай, нега менинг совғамни бошқага тортиқ қиляпсан дейдими дегандай.

– Бу мутлақо мумкин! – шу заҳоти рози бўлди Красоткин ва замбаракни Илюшанинг қўлидан олиб, тавозе билан таъзим қилган ҳолда ўзи онага тутқизди. Хоним юраги эриб кетиб йиғлаб юборди.

– Илюшечка, шириним, ана ойисини қанчалар яхши кўради! – эриб кетиб нидо қилди у ва дарҳол яна замбаракни тиззаларида ғилдирата бошлади.

– Онаси, кел, сени бир ўпиб қўяй, – эри бир зумда унинг ёнида пайдо бўлди ва ўпиб қўйди.

– Ичингизда энг одобли йигитча ким экан, айтайми, қаранг, у мана шу йигитча! – юракдан миннатдорлик билдирди хоним Красоткинни кўрсатиб.

– Энди сенга қанча порох керак бўлса, шунча олиб келавераман. Порохни биз энди ўзимиз ясаёмиз. Боровиков таркибини билиб олибди: йигирма тўрт қисм селитра, ўн қисми олтингугурт ва олти қисми қайин кўмири, ҳаммаси бир қилиб майдаланади, сув солинади ва аралаштирилади, майин бўлгунча эзилади, кейин қалин терига ишқаланади – қарабсанки, порох тайёр.

– Сизнинг порохингиз ҳақида менга Смулов гапириб берди, фақат отам бу ҳақиқий порох эмас, деяпти, – фикрини айтди Илюша.

– Нега ҳақиқий бўлмасин? – қизариб кетди Коля, – бизда ёнди-ку. Яна билмадим...

– Йўқ, мен ҳеч нарса демадим, – ўзини гуноҳкор сезиб чошиб келди штабс-капитан. – Мен фақат ҳақиқий порох бундай тайёрланмайди дедим, холос, лекин бунинг аҳамияти йўқ, шундай қилса ҳам бўлаверади.

– Билмадим, сиз буни яхшироқ биласиз. Биз упанинг тош идишчасида уни ёқиб кўрдик, ҳаммаси чиройли ёниб битди, тагида озгина кули қолди. Лекин бу кукуни эди, аммо уни қалин терида ишқаласа... Майли, бўпти-ей, сиз буни яхши биласиз, мен билмайман... Булкиннинг отаси эса ўғлини порох учун адабини бериб калтаклабди, эшитдингми? – бирдан сўраб қолди у Илюшадан.

– Эшитдим, – деб жавоб берди Илюша. У Колянинг гап-сўзларини бутун жон қулоғи билан юракдан берилиб тингларди.

– Биз бир шиша порох тайёрлаб қўйган эдик, Булкин каравотининг тагига бекитиб қўйган экан. Отаси кўриб қолибди. Портлаб кетади-ку, дебди. Дарров қаттиқ калтаклабди. Гимназияга менинг устимдан шикоят қилиб бормоқчи бўлибди. Энди Булкинни менинг ёнимга йўлатмаяпти, ҳеч кимни йўлатмаяпти. Смуровни ҳам қўйишмаяпти. Жуда машҳур бўлиб кетдим, мен “ўт-олов” эмишман, – ижирғаниб иршайди Коля. – Бунинг ҳаммаси темир йўлдаги ўша ишқалдан бошланди.

– Ох, сизнинг бу жасоратингиздан ҳам андак хабаримиз бор! – ҳайратланди штабс-капитан, – қандай қилиб излар орасида шундай ётдингиз-а. Наҳотки поезд ўтаётганида ҳеч кўрқмай ётавердингиз, қаттиқ кўрққандирсиз?

Штабс-капитан Колянинг олдида ҳаддан ортиқ тулкилик қилар, жилпангларди.

– Унчалар эмас, – парвосига келтирмай деди Коля, – бу ерда менинг обрўйимга ҳаммадан кўпроқ анов лаънати ғоз зиён етказди, – деб у яна Илюшага бошини ўгирди. У ҳикоя қиларкан, гарчи ўзини жуда бепарводай кўрсатаётган бўлса ҳам, ханузгача ўпкасини босиб олмаган, доим хашакилаб кетаверарди.

– Ох, мен ғоз воқеасини ҳам эшитдим, – чехраси чарақлаб очилиб, шодон қулиб юборди Илюша, – менга айтиб беришди, лекин тушунмай қолдим, наҳотки сени ростданам суд қилишди?

– Ўтакетган каллаварамлик, ўзи ҳеч нарсага арзимайди, лекин шундан ҳам фил ясашди, – бетакаллуфларча бошлади Коля. – Бир куни майдондан кетиб бораётгандим, ғоз тўдалари ўтаётган экан. Тўхтаб ғозларга қараб турдим. Шу ерлик битта болани кўриб қолдим – Вишняков деган, у ҳозир Плотниковларда югурдак бўлиб хизмат қилади. Менга: “Нега бу ғозларга қараб турибсан?” – дейди. Мундай қарадим, бефаҳм, аҳмоқ, турқи совуқ, йигирмага бориб қолган ўсмир, мен, биласизми, ҳеч қачон халқнинг юзига тесқари қарамайман. Халқ билан бўлишни яхши кўраман... Биз халқдан орқада қолдик – бу аксиома – сиз чамаси, қулиб қўйдингиз, Карамазов?

– Йўқ, худо сакласин, жон қулоғим сизда, – соддафаҳмларча қиёфада деди Алеша ва бадгумон Колянинг кўнгли таскин топди.

– Менинг назариям жуда содда ва аниқ, Карамазов, – яна шу заҳоти шодон тилга кирди Коля. – Мен халққа ишонаман ва унга ҳақиқат кўзи билан қарайман, аммо ортиқча эркалатиш керакмас деб ўйлайман, бу sine qua<sup>1</sup>... Э-э, мен ғозни гапираётувдим. Анави аҳмоққа шундай дедим: “Ғозлар нимани ўйларкин? – деб ўйляяпман”. Анави бола оғзимга анг-

<sup>1</sup> Асосий шарт (*лат.*).

райиб қараб турибди: “А-а, ғоз нимани ўйлайди”, дейди менга. “Мана, кўряпсанми, сули ортилган арава турибди. Қопдан ерга озгина тўкиляпти. Ғоз бўлса бўйнини чўзиб, арава ғилдираги тагига тўкилаётган донларни териб еяпти – кўряпсанми?” – “Мен буни жуда яхши кўриб турибман”, дейди менга. “Хўп, кўраётган бўлсанг агар, билиб қўй, арава озгинагина силжитилса, ғилдираклар шу ғоз бечоранинг бўйнини шартта босиб ўтадим ахир, йўкми?” – “Албатта, босиб ўтади”, дейди, ўзи эса оғзини катта очиб қийшайиб кулади. “Унда, йигитча, юр, елкалашиб юбор”. “Олдик”, деди. Узок вақт талаб қилмади бу иш, у жуган олдида турди, мен бир ёнда – ғозни пойладик. Араванинг эгаси биров билан гаплашарди, сал ўтмай ғоз ғилдирак тагига донга бўйнини чўзди, ғилдирак жилди ва – қарс! – ғилдирак ғознинг бўйнини иккига бўлиб ўтди! Буни қара, шунақаям бўладими, шу захоти барча мужиклар бизга қарадилар ва ҳаммалари бирдан бакира бошладилар: “Сен атай қилдинг!” – “Йўқ, атаймас”. “Йўқ, атай!” Қий-чув! “Қозига олиб боринглар!” Мени ҳам кўлимдан ушлаб олишди: “Сен ҳам шу ерда эдинг, йўл кўрсатиб турдинг, сени бутун бозор билади!” Ҳақиқатан, мени негадир бутун бозорда билишади, – кибрланиб қўшиб қўйди Коля. – Ҳаммамиз тўда бўлиб қозига бордик, ғозни ҳам олиб бордик. Қарасам, анави йигитча кўркиб-қалтираб худди қизчалардай хўнграб йиғляпти. Подачи эса қичқиради: “Бунақа йўл билан юзталаб ғозни бўғизлаб ташлаш ҳеч гап эмас!” Орамизда гувоҳлар ҳам бор. Қози бирпасда ишни тугатди: ғоз учун подачига бир рубль берилсин, ғознинг ўзини бола ола қолсин. Бундай нарсалар иккинчи бор асло қайтарилмасин. Йигитчани десанг йиғлагани-йиғлаган уввос солиб, нукул: “Мен эмасман, манави бола мени йўлдан оздирди”, дейди мени қўли билан кўрсатиб. Мен парво қилмай жавобимни бериб турдим, яъни мен ўргатмадим, фақат пўсткалласини айтдим, лойиҳани баён қилдим. Қози Нефедов иршайди ва иршайгани учун шу захоти ўзидан жаҳли чиқди. Менга қараб деди: “Мен сизни зудлик билан бошлиқингизга ёзаман, бошқа бундай лойиҳаларга бош котириб ўтирманг, дарсларингизни тайёрлаб, китобларингизни ўқиб ўтириш ўрнига шунақа лойиҳалар қилиб юрасизми”. У бошлиқларга ёзиб ўтирмади, бу ҳазил, аммо бу гаплар овоза бўлиб кетиб, ростдан ҳам бошлиқлар қулоғига етиб борди: биласиз-ку бизнинг қулоқларимиз ниҳоятда узун! Айниқса, классик Колбасников айюҳаннос солди, яна Дарданелов сақлаб қолди. Ҳозир Колбасников кўк эшакка ўхшаб ҳаммани тишлайман, тепаман, деб юради. Сен эшитгандирсан, Илюша, у уйланди, Михайловлардан минг рубль қалин пули олди, қайлиқ жониворни кўрсанг, афти худди шудгорга ўхшайди, ўпоқ-сўпоқ. Учинчи синф болалари бирпасда шеър тўкиб ташлашди:

*Ҳамма ёқда гап дув-дув,  
Уйланибди анқов Колбасников.*

У ёғи ҳам жуда қизик, сенга ҳаммасини олиб келиб кўрсатаман. Мен Дарданелов ҳақида ҳеч нарса гапириб ўтирмайман, жуда билимдон, билимлари ниҳоятда кенг одам. Мен шундай одамларни хурмат қиламан, мени ҳимоя қилгани ўз йўлига...

– Бироқ Трояга ким асос солганлиги борасида уни оғиз очирмай қўйдинг! – дадил орага қўшилди Смуров шу тобда Колядан чексиз ифтихор қилиб. Унга ғоз ҳақидаги ҳикоя ҳам жуда ёқиб кетди.

– Наҳотки, оғиз очирмай қўйган бўлсангиз-ей? – ялтоқланди штабс-капитан. – Трояни кимлар курганими? Биз буни эшитганмиз, мот қилгансиз-ей. Илюшечка менга ўша пайтдаёқ сўйлаб берганди-ей...

– Ота, у ҳаммасини билади, ҳаммадан яхши билади! – қувониб илиб кетди Илюшечка, – у фақат атай ўзини шундай кўрсатади, барча фанлардан баҳолари аъло...

Илюша ўзини мислсиз бахтли сезиб Коляга термиларди.

– Троя ҳақидаги гаплар бари юзаки, жўн. Мен ўзим бу масалани арзимас деб биламан, – мағрурона камтарлик билан жавоб айлади Коля, у ҳар қалай ҳозир ўз овозини топган эди; лекин шу билан бирга ҳали андак ташвишланиб, безовталаниб ҳам турарди; у ўзини бирмунча қўпириб-тошиб бораётгандек ҳис қилар, мисолига, ғоз воқеасини жуда кўтаринки руҳда баён қилганлигини сезарди, бу орада Алеша унинг ҳикояларини бир сўз қўшмай эшитди, индамади: жиддий кулоқ солдики, ўзига бино қўйган болакай буни фахмлаб, кўксини нимадир тирнай бошлади: “Мендан нафратланаётгани учун индамай турмаганмикин, мени мактов кутяпти, деб ўйламаётганмикин? Шундай фикрга келаётган бўлса, у тақдирда мен...”

– Мен бу масалани мутлако арзимаган деб ҳисоблайман, – кескин инкор қилди у яна бир қарра.

Шу пайтгача орага гап қўшмаган индамас бир бола кутилмаганда тилга кирди:

– Мен биламан Трояга ким асос солганини. – Бу Карташов деган бола бўлиб, ғоятда уятчан, ўзи чиройли, ўн бирларга кирган. У эшик олдида ўтирарди. Коля унга ҳайрон бўлиб беписанд назар солди. Гап шундаки, “Трояга ким асос солган?” деган савол барча синфларда сир-синоатга айланиб улгурган, унга жавоб топиш учун фақат Смарагдовнинг китобинигина ўқиш керак бўларди. Аммо Смарагдов Колядан бошқа ҳеч кимда йўқ эди. Бироқ бир куни шу бола Колянинг кўзини шамғалат қилиб, унинг китобини очди-да, худди мана шу Троя асосчилари ҳақида ҳикоя қилинган жойига тўғри келиб қолди. Бунга анча бўлди, аммо болакай журъатсизлик қилиб, мен ҳам Трояга асос солганларни биламан, деб айтишга хижолат бўлиб юрди. Колянинг ҳам баногоҳ бирон нарса деб қолишидан чўчиди. Мана бугун негадир тилини тиёлмади, айтиб юборди. Ҳа, анчадан бери тили қичишиб юрарди.

– Хўп, ким асос солган экан? – кеккайиб, димоқ-фироқ билан сўради у болакайдан ва шундоқ башарасига бир қарагандаёқ билди боланинг бу сирни билишини; сўнг дарҳол бунинг оқибатларига ўзини тайёрлади. Умумий якдил кайфиятга пашша тушди.

– Трояга Тевкр, Дардаан, Иллюс ва Трос асос солишган, – бир нафасда жавоб берди бола ва шундоқ кизариб кетдики, шундай кизардики, қараган одамнинг раҳми келиб кетади. Аммо болалар бир дақиқа давомида ҳаммалари унга бақрайиб қараб қолишди, кейин бирдан улар Коляга ўгирилиб қарашди. Коля эса ҳамон болакайга нафрат ва ижирғаниш билан бошдан-оёқ назар солиб турарди.

– Яъники, қандай қилиб улар асос солишган? – ниҳоят тилга кирди у, – умуман, шаҳарга асос солиш ўзи нима дегани ёки айтайлик, давлатга

асос солиш? Нима бўлган экан: улар шундоқ ғишт кўтарган ҳолда келиб, кейин кўйиб чиқишибдми?

Айбдор болакай баттар кизариб бўзарди. Болалар кулишди. Болакай эса миқ этмасди. Йиғламоқдан бери бўлиб турарди. Коля уни шу аҳволда бир дақиқа ушлаб турди.

– Миллатнинг асосга келиши сингари масалаларда, тарихий ҳодисаларда фикр юритиш учун, аввало, тушунмоқ даркор, нималигини билмоқ даркор, – гапни тизиб ташлади у болаларга ўғит бўлсин деб. – Дарвоқе, мен бунақанги болаларнинг ҳикояларига кўп ҳам аҳамият беравермайман ва умуман, умумжаҳон адабиётини унчалар ҳурмат қилавермайман, – бирдан кўшимча қилиб қўйди у, туйқус ҳаммага бирма-бир қараркан.

– Умумжаҳон тарихи дейсизми-ей? – қандайдир ваҳимаси келиб қайта сўради штабс-капитан.

– Ҳа, умумжаҳон тарихи. У инсониятнинг бир қатор аҳмоқчиликларини ўрганишдан иборат бўлиб қолмиш. Мен фақат математика-ю, табиётни ҳурмат қиламан, – олифталик билан Коля кўз қирини Алешага ташлади: бу ерда у фақат Алешанинг фикридан хайиқарди. Аммо Алеша ҳамон миқ этмас ва жиддий қиёфасини ўзгартирмасди. Агар Алеша ҳозир бирор нима деганда, гап шу билан тугаган бўлурди, аммо у индамади, “унинг индамаётганида нафрат яшириниб ётмаётганмикин”. Инчунин, Коля бағоят тажангланди.

– Биздаги ҳозирги классик деб аталган тилларни олиб кўринг лоақал: ғирт телбалик эмасми буларнинг бари, бошқа ҳеч нарса эмас... Сиз яна менга кўшилмаяпсиз, шекилли, Карамазов?

– Кўшилмайман, – деб босиқ жилмайди Карамазов.

– Агар классик тиллар ҳақидаги менинг бутун фикримни билмоқчи бўлсангиз, шуни айтишим мумкинки, бу фақат полиция чоралари, фақат мана шу мақсад билан улар киритилган, – оз-оздан энди нафаси сиқила бошлади Колянинг, – жуда зерикарли фанлар бўлгани учунгина киритилган, бундан ташқари, улар қобилиятларни ўтмаслаштиради<sup>1</sup>. Зерикарли эди, ана энди қандай қилиб янада зерикарлига айлантириш даркор? Тушунарсиз эди, ана энди қандай қилиб янада тушунарсизроққа айлантирмоқ даркор? Ана шунинг учун классик тилларни ўйлаб топишган. Менинг улар ҳақидаги тўла фикрим шундай ва умид қиламанки, ҳеч қачон ушбу фикримдан асло қайтмайман, – кескин тугатди Коля. Унинг иккала юзида кип-қизил нуқта пайдо бўлди.

– Рост айтдинг, – деди жон қулоғи билан эшитиб ўтирган Смуrow ишонч билан жарангдор овозда.

– Ўзи эса лотинчадан аълочи! – қичқирди яна бир бола.

– Ҳа, отажон, ўзи шундай деяпти-ю, лотинчадан синфда биринчи ўринда, – кўшилди гапга Илюша.

– Бир гап айтайми сизга? – мақтовлар унга мойдай ёқаётган бўлсада, ўзини муҳофаза қилиб деди Коля, – лотинни ёдлаб олаётганимнинг боиси, онамга курсни тугатаман, деб ваъда берганман, менимча, бир ишга урингандан сўнг уни қойил қилиб адо этиш лозим. Аммо класси-

<sup>1</sup> 1860–1870 йилларда маорифни ислоҳ қилиш мақсадида гимназияларда лотин ва юнон тилларини ўргатиш кучайтирилган, табиий фанларнинг ўқитилиши сусайган. Бу ўз ўрнида жамиятда қатор норозиликларни келтириб чиқарган.

цизмни чин дилдан ёмон кўраман ва барча шу каби тубанликларни... Сиз кўшилмайсизми, Карамазов?

– Нега энди “тубанлик” бўлсин? – яна илжайди Алеша.

– Э, мана ўзингиз кўрмайсизми, классикларнинг ҳаммаси барча тилларга таржима қилинган, шунга қараганда, лотин классикларни ўрганиш учунгина керак бўлмаган ва фақат полиция чоралари учун ҳамда қобилиятларни ўтмаслаштиришга. Шундан сўнг тубанлик бўлмай нима бўлсин?

– Э, хўп-ей, сизга шунча нарсаларни ким ўргатди, ўзи, а? – охири хайрон қолиб сўради Алеша.

– Биринчидан, илм ўқимасам ҳам, ўзим тушунаман, иккинчидан, шуни ҳам билиб қўйингки, ҳозир мен сизга айтган таржима қилинган классиклар тўғрисидаги гапларни учинчи синф болаларига Колбасников устоз дарс тариқасида ўтган...

– Доктор келди! – боядан бери жимгина ётган Ниночка бирдан хитоб қилди.

Ҳақиқатан, уй дарвозасига хоним Хохлакованинг каретаси келиб тўхтади. Эрталабдан бери докторни тоқатсизлик билан кутаётган штабс-капитан оёғини кўлига олиб югурди. Онажон йиғиштириниб ўзини тузата бошлади. Алеша Илюшечканинг олдига бориб, унинг ёстиқ-тўшакларини тузатишга киришди. Ниночка ўз аравачасида ўтирганча унинг бу хатти-харакатларини кузата бошлади. Болалар шоша-пиша хайрлашдилар, айримлари яна кечки пайт келишга сўз бердилар. Коля итини чақирди, у Илюшанинг тўшагидан тушиб келди.

– Мен кетмайман, кетмайман! – шоша-пиша дерди тутулиб Коля Илюшага, – мен нариги уйда бўламан доктор кетгунча, кейин Кўнғирок билан яна келаман.

Аммо эшикдан доктор кириб келмоқда эди – у баланд бўйли, салобатли киши эди, бакенбардлари бағоят узун, ияги ярақлатиб киртишланган. Зинадан ўтиб бирдан тўхтаб қолди, у хайрон бўлиб ажабланди, чамаси, мен бошқа ёққа келиб қолдим, деб ўйлади: “Нима бу? Қаер бу?” деб тўнғиллади ва елкасидан пўстинни ташламади, мўйнали фуфайкасини ечмади, бошидан денгиз мўйнаси қопланган фуражкасини олмади. Уй-малашган одамлар, уйнинг ночорлиги, бурчақда арқонга ювиб илинган кийим-кечак уни гангиратиб қўйди. Штабс-капитан унинг қошида етти букчайиб таъзим ва тавозеда турарди.

– Сиз етиб келдингиз-ей, етиб келдингиз-ей, – эланиб эшилди бечора штабс-капитан, – сиз меникига келдингиз-ей, келинг, келинг...

– Сне-ги-рев! – баланд овоз билан жиддий деди доктор, – жаноб Снегирев, бу ўзингизмисиз?

– Ўзим, ўзим, бу мен...

– Э-ха!

Доктор уй ичини яна бир карра ижирғаниб кўздан кечирди-да, елкасидан пўстинни ташлади. Ҳамма унинг бўйнига осилган нишон ярқираб кетганлигини кўрди. Штабс-капитан иткитилган пўстинни чаккон илиб олди, доктор фуражкасини ечди.

– Қани касал? – баланд ва талабчан овоз билан сўради у.

## VI

## ЧИЛЛАКИ

– Сиз қандай фикрдасиз, доктор унга нима деркин? – бидирлаб сўради Коля, – мунча турки совуқ бўлмаса бу одамнинг, нима дейсиз? Тиббиётга асло тоқатим йўқ!

– Илюша ўлади. Менимча, бу аник, – маъюс жавоб берди Алеша.

– Муттаҳамлар! Тиббиёт – муттаҳамлик! Бироқ сиз билан танишганимдан хурсандман, Карамазов, анчадан бери яқиндан танишмоқчийдим. Афсус, биз мана бундай ҳасратли вазиятда учрашдик...

Коля бундан ҳам қайноқроқ, бундан ҳам ҳаяжонлироқ қилиб айтмоқчийди, аммо нимадир юрагини ғаш қилиб халал берарди. Алеша буни сезди, жилмайди ва унинг кўлини қисиб қўйди.

– Мен анчадан буён сизни топилмас ноёб одам бўлсангиз керак, деб ўйлаб юраман, – ғўлдиради яна Коля чалкашиб, тили тутилиб. – Эшитишимга қараганда, сиз мистик экансиз ва монастирда яшаган экансиз. Мен биламан, сиз мистиксиз, бироқ... бу мени тўхтатиб қололмади. Борлиққа ёндашсангиз, мурод топасиз... Табиати сизга ўхшаган одамлар бошқача бўлолмайдилар.

– Сиз мистик деганда нимани тушунасиз? Мени борлиқ нимадан даволайди? – бироз ҳайрон бўлди Алеша.

– Худо ва бошқаларни дейман-да.

– Нима, сиз худога ишонмайсизми?

– Аксинча, худо билан ишим йўқ. Билъакс, худо фақат бир фараз... аммо... тан оламан, у керак, тартиб-интизом учун керак... бутун дунёнинг тартиботи учун керак ва ҳоказо... агар худо бўлмагандайди, уни тўқиб чиқарардилар, – қўшиб қўйди Коля дув қизара бошлаб. Мана энди Алеша мени ўз билимдонлигини кўрсатмоқчи, қандай “қатта” бўлиб қолганлигини намоиш қилмоқчи, деб ўйлайди деган хаёлдан юзлари ёнди. “Мен эсам унинг олдида ўз билимларимни асло кўрсатмоқчи эмасман”, куфри қўзиб ўйлади Коля. Унинг дарди-дунёси бирдан қоп-қоронғи бўлди-кетди.

– Тан олишим керакки, мен бундай мужодалаларни жинимдан ҳам ёмон кўраман, – кескин деди у, – худога ишонмасдан туриб ҳам инсониятни севиш мумкин-ку, нима дейсиз? Вольтер худога ишонмасди, аммо инсониятни севарди-ку? (“Яна бошладим, яна бошладим”, ғижиниб ўйлади у ичида.)

– Вольтер худога ишонарди, аммо кам ишонарди, чамаси, у инсониятни ҳам унчалар кўп севган эмас, – секин, вазмин, мутлако самимият билан сўйлади Алеша, худди ўзига тенгдош, ҳатто ўзидан ёши улугроқ одам билан гаплашаётгандай оҳангда. Коляни Алешанинг Вольтер борасида ўз фикрини ишончсизроқ тарзда баён қилгани ҳайратга солиб қўйди, у худди мана шу масаланинг ечимини айтиб Коляга қолдираётганга ўхшарди.

– Сиз ахир, Вольтерни ўқиганмисиз? – ўсмоқчилади Алеша.

– Унчалар ўқимаганман... Айтмоқчи, мен “Кандид”ни ўқиганма эски русча таржимасида... жуда бемаъни, кулгили ағдарма эди... (Тагин, тагин!)

– Тушундингизми?

– Э, ха... хаммасини... яъни... мени тушунмаган деб ўйлаяпсизми? Албатта, чучмалликлар кўп... Мен, албатта, тушунишга кодирман, бу фалсафий роман, у ғояни илгари суриш учун ёзилган... – Коля бутунлай чалкашиб кетди. – Мен социалистман, Карамазов, мен ҳеч тузалмас социалистман, – у шундай деди-ю, бирдан негадир гапини шартта бас қилди.

– Социалист дейсизми? – кулди Алеша, – э, қачон улгура қолдингиз? Сиз ахир, эндигина ўн учга кирдингиз, шекилли?

Коляни чангак тутди.

– Биринчидан, ўн уч эмас, ўн тўрт, икки ҳафтадан сўнг ўн тўрт, – дувва кизарди у, – иккинчидан, мен мутлақо тушунмайман, бу ерда менинг неча ёшдалигимнинг нима аҳамияти бор? Гап менинг эътиқодимда. Йилимининг нима қизиғи бор, тўғрими?

– Ёшингиз қаттароқ бўлганда, одамнинг эътиқодига ёши қандай таъсир қилишлигини ўзингиз кўрасиз. Менга яна шундай бўлиб туюлдики, сиз ўзингизнинг сўзларингизни айтмаяпсиз, – камтарлик ва самимият билан оҳиста деди Алеша, аммо Коля жингиртоб бўлиб унинг гапини бўлди.

– Назаримда, сиз тобелик ва мистицизмга дахлдор сўзларни айтаяпсиз. Мисол учун, насронийлик дини бойлар ва киборларга хизмат қилди, қуйи табақаларни тобеликда сақлаб турди, тўғри эмасми?

– Ох, мен биламан буни қаердан ўқиб олганингизни, ундан кейин сизга кимдир ўргатган! – хитоб қилди Алеша.

– Унчаликмасдир, албатта ўқиб олишим керакмиди? Ундан кейин ҳеч ким ўратгани йўқ. Ўзим ҳам биламан... Билсангиз, мен Исо Масихога қарши эмасман. У хийла инсонпарар зот эди, мабодо бизнинг давримизда яшаганида, у инкилобчиларга қўшилган бўларди ва эҳтимол, жуда катта ишлар қиларди... Тайин гап.

– Қаердан, қаердан сиз буларни ола қолдингиз! Қайси аҳмоққа лаққа тушдингиз? – хитоб қилди Алеша.

– Кечиргайсиз, ҳақиқатни яшириб бўлмайди. Кези келганда мен жаноб Ракитин билан тез-тез гаплашиб тураман, аммо... Буларни илгари оқсоқол Белинский ҳам гапириб ўтган дейишади.

– Белинскийми? Эсимда йўқ. У буни ҳеч ерда ёзмаган.

– Ёзмаган бўлса ҳам, гапирган дейишади. Мен биттасидан эшитганман, дарвоқе, эҳ, жинни...

– Белинскийни ўқиганмисиз?

– Кечирингиз... йўқ... мен унча ўқимаганман. Аммо... Татьяна ҳақидаги жойини, нега у Онегин билан бирга кетмаган, буни ўқиганман.

– Онегин билан кетмаган дегани нима? Э, ахир, сиз буни... тушунасизми?

– Кечиринг-у, сиз мени Смуров деган болакайга ўхшатапсиз, – ғижиниб ишшайди Коля. – Ҳа, майли, сиз мени инкилобчи бўлиб қолибди, деб ўйламанг тагин. Мен, кўпинча, жаноб Ракитинга қўшилмайман. Татьяна деётган бўлсам, бу хотин-қизлар озодлиги тарафдориман деганим эмас, асло. Мен хотин-қизларни тобе одамлар деб биламан ва улар бўйсунушлари лозим бўлади. Les femmes tricotent<sup>1</sup>, Наполеон шундай деган, – иршайди Коля негадир, – лоақал мана шу нарсада ўша сохта буюк зотнинг қарашларига қўшиламан. Мисол учун, мен ҳам ота юртни ташлаб, Америкага қочиб кетишни – тубанлик деб биламан, балки ту-

<sup>1</sup> Аёл кишининг иши – бичиш-тўқиш (франц.).

бандан ҳам тубан, яъни аҳмоқликдир. Америкада нима қилади, ўзимизда ҳам инсониятга кўпдан-кўп фойдалар етказиш мумкиндир. Ҳа, аини кунларда. Қанчадан-қанча маҳсулдор фаолият майдонлари денг. Мен шундок жавоб берганман.

– Нимани жавоб бергансиз? Кимга? Наҳот сизни Америкага таклиф қилиб чақирган бўлсалар?

– Тан оламан, мени йўлдан урмоқчи бўлишди, аммо рад этдим. Айтганча, бу орамизда қолсин, Карамазов, эшитдингизми, ҳеч кимга айта кўрманг. Фақат сизга айтдим. Мен Учинчи бўлимнинг чангалига тушиб қолишни, Занжирли кўприкда дарслар тинглаб ўтиришни асло истамайман,

*Бино ёдингда турсин  
Занжирли кўприкдаги<sup>1</sup>.*

Эсингиздами? Улуғвор! Нега куляпсиз? Мени алдаяпти, деб ўйламаяпсизми? (“У отамнинг китоб жавонида бор-йўғи “Колокол”нинг фақат битта сони борлигини билиб қолса ва менинг шундан бошқа ҳеч нарса ўқимаганимни сезиб қолса, унда нима бўлади?” Буни ўйлаб Колянинг эти жунжикиб кетди.)

– Оҳ, мен кулаётганим йўқ ва сиз мени лақиллатаяпсиз, деб ўйлаётганим ҳам йўқ. Бор гап шу, ўйлаётганим йўқ, фақат булар бари, афсуски, бари чин ҳақиқат! Қани, айтинг-чи, сиз Пушкинни ўқиганмисиз, “Онегин”ни дейман... Сиз ҳозир менга Татьяна ҳақида гапиргандай бўлдингиз, шекилли?

– Йўқ, ҳали ўқиган эмасман, аммо ўқимоқчиман. Мен хурофотлардан жуда узокман, Карамазов. Мен у томонни ҳам, бу томонни ҳам эшитиб кўрсам дейман. Нега сўрадингиз?

– Шундай.

– Айтинг-чи, Карамазов, сиз мендан каттиқ нафратланасизми? – бирдан Коля Алеша қошида худди бўйи чўзилгандай нечукдир тиккайди. – Илтимос сиздан, аямасдан айтаверинг.

– Нега нафратланарканман? – ажабланиб қаради унга Алеша. – Нега энди? Фақат шунга ҳайронманки, сиздай ҳаётга энди кириб келаётган ажойиб бир йигитча ҳали тузук-куруқ яшаб ҳам улгурмайин дарров шундай бемаъни, беҳуда нарсалар билан бошини қотириб юради.

– Менинг табиатим борасида ташвишланмай кўя қолингиз, – димоқфироқ билан унинг гапини кесди Коля, – рост, мен бадгумон одамман. Кўполларча бадгумон, аҳмоқларча бадгумон. Сиз ҳозир кулиб қўйдингиз, менга шундан туюлдики, худдики...

– Оҳ, мен бутунлай бошқа нарсага кулиб қўйдим. Биласизми, мен нега кулдим: яқинда Россияда яшаган бир немиснинг бизнинг ватанимиз, ўқувчи ёшларимиз ҳақидаги фикрларини ўқиб қолдим: “Рус ўқувчи боласига харитани кўрсатинг, – деб ёзибди у, – шу пайтгача у юлдузли осмоннинг бундай харитасини ҳеч кўрмагани ва ҳеч тасавури ҳам йўқ эди. У эртанинг ўзидаёқ бу осмон харитасини сизга тузатиб, тўлдирилган ҳолда қайтариб беради”. Ҳеч қандай илми йўқ, фақат чексиз-чегарасиз манманлик – немис рус ўқувчиси ҳақида худди мана шу нарсани айтмоқчи бўлган.

<sup>1</sup> Номаълум муаллифнинг “Петербургдан Масковга” шеърдан. Шеър 1861 йилда Герценнинг “Қутб юлдузи” журналида босилган ва бутун Россияда машҳур бўлиб кетган. Петербургдаги Занжирли кўприкда ўта хавфли сиёсий жиноятчиларни таъқиб қилувчи муассаса биноси бўлган.

– Ох, бу қанчалар тўғри! – қах-қах урди бирдан Коля, – қойил, худди ўзи! Қойил, немис! Аммо у яхши томонини кўрмабди, сиз ўзингиз нима фикрдасиз? Майли, калондимоғлик бўлсин, буни тузатса бўлади, ёшлик-да шундай бўлади, фақат тузатишга иштиёқ ва хохиш бўлса, бас. Аммо бунда мустақил руҳ ҳам бор, қаранг, нақ болалиқдан-а, фикр ва эътикод жасорати бор, колбасамонанд эгилиб-букилиб турадиган кулларча мутелик йўқ-да бу ерда... Аммо немис бошлаб айтган! Қойил, немис! Лекин, барибир, немисларни бўғизлаш керак. Майли, уларнинг илм-фанлари зўр бўла қолсин, лекин, барибир, уларни бўғиш керак.

– Нега энди бўғиш керак? – жилмайди Алеша.

– Балки мен абас гапиргандирман, бунга қўшиламан. Мен баъзан жуда ёмон болаларга ўхшаб қоламан. Баъзан бирор нарсадан хурсанд бўлсам, ўзимни тўхтатолмайман ва ёлғонлаб қўяман. Менга қаранг, сиз билан бу ерда валдирашиб ўтирибмиз, анов доктор эса у ёқда узоқ қолиб кетди. Айтганча, у “ойижон”ни ва Ниночкани ҳам кўриши мумкин ҳали. Биласизми, Ниночка менга ёқиб қолди. Мен бу ёққа чиқиб келаётганимда, у қулоғимга шивирлаб қўйди: “Нега сиз аввалроқ келмадингиз?” деб. Гина қилди! Менимча, у жуда ҳам оққўнгил ва бечора бўлса керак.

– Шундай, шундай! Мана бундан буён келиб турсангиз, кўрасиз унинг қандай ажойиб хилқатлигини. Сиз бундай хилқатларни билишингиз жоиз, шунда кадрига етишни ўрганасиз ва яна бошқа кўп нарсаларни биласиз, баайни мана шундай хилқатлар воситасида ўрганасиз. Булар ҳаммадан кўра яхшироқ сизни ўзгартиради.

– Ох! Нега мен олдинроқ келмаган эканман, ҳеч ўзимни кечиролмайман! – аччиқ алам билан хитоб қилди Коля.

– Ҳа, афсус, афсус. Келишингиз шўрлик болакайга қанчалар таъсир қилганлигини кўрдингиз, сизни қанчалар ўрганиб-ёниб кеча-кундуз кутди, ахир!

– Айтманг менга буни! Юрагимни қон қилдингиз! Айтганча, менга жазо шу, уни олдим. Мен ўлардай худбин, манманлигимга бориб келмадим, ҳукмимни кўрсатиб қўяман уларга деб келмадим, энди бундан бир умр қутулолмай ўтаман, бир умр ҳаракат қилсам ҳам бунга эришолмайман. Энди буни аниқ кўриб турибман, мен баттол аблахман, Карамазов!

– Йўқ, сиз ажойиб йигитчасиз, гарчи анча бузилгансиз ва мен қандай қилиб бу нозик идрокли, варам болакайга нега бунчалар таъсир ўтказганингизни ҳам тушунаман! – кизғин деди Алеша.

– Буни менга сиз айтяпсизми? – қичқирди Коля, – мен эса, тасаввур қиласизми, мана шу ерда бўлганимда бир неча маротаба сиз мени ёмон кўрсангиз, мендан ёмон нафратлансангиз керак, деб ўйлагандим! Сизнинг фикрингиз мен учун қанчалар қимматли эканлигини билганингизда эди!

– Лекин наҳот сиз шунчалар бадгумон, восвос бўлсангиз? Сизнинг ёшингизда-я! Ўзингиз тасаввур қилинг, уй ичида гапираётган пайтингизда сизга қараб туриб, мунчалар бадгумон, шубҳачи бўлмаса, деган хаёлга келдим.

– Ўйлаб ҳам кўрибсиз-да, а, анавини қаранг-а! Гаров ўйнайман, бу ғозлар ҳақида гапириб бераётган пайтда бўлган. Худди шу жойга келганда мени ёмон кўрсангиз керак деб ўйладим; мақтанчоқ, олифта, қурук деб ўйлагансиз, сизни бунинг учун жонимдан ҳам ёмон кўриб кетдим ва валдирвасоқ гапларимни авжга миндирдим. Кейин анави худо ҳақида

гап кетган жойга келганда яна ўйладим, ўзимнинг билимдон эканлигимни тезроқ кўрсатишга бошдан-оёқ уриниб кетибман, холбуки, “Худо бўлмагандайди, уни, албатта, ўйлаб топишга тўғри келарди” деган иборани китобдан ўкиб билиб олганман. Бироқ қасам ичаманки, ўзимни шуҳрат учун кўрсатишга уринмадим, билмадим нимадан, юрагим қувончга тўлиб-тошиб кетдими ўша дамларда, худо ҳақи, хурсанчиликдан... лекин асли бу шармандалик, одам ўз хурсандчилигини ҳаммага тикиштираверса-я. Мен буни биламан. Аммо энди аниқ биламанки, сиз мендан нафратланмайсиз, бунинг ҳаммасини мен ўзим ўйлаб чиқарганман. О, Карамазов, мен шу қадар бахтсизман. Билмайман, баъзан нима хаёлларга бораман, бутун дунё менинг устимдан куляпти деб ўйлайман-да, ана ўшанда бутун борликни таг-туғи билан ёкиб, совуриб юборгим келади.

– Кейин атрофдагиларни қийнайсиз, – жилмайди Алеша.

– Атрофдагиларни қийнайман, айниқса, онам шўрликни. Карамазов, айтинг, мен шу қадар кулгилиманми?

– Э, ўйламанг буни, сира ўйламанг! – хитоб қилди Алеша. – Кулгили ўзи нима дегани? Одам қанчалик кулгили бўлади? Қанча кулгили туюлади? Қанчалик? Бунинг устига, қаранг, ҳозир қанчадан-қанча қобилиятли одамлар кулгили бўлиб кўринишдан кўрқадилар ва шу билан ўзларини бахтсиз қилиб юрадилар. Сиз буни жуда эрта хис қила бошлаганингиз мени ҳайратга солади. Ундай десам, мен буни бошқа одамларда анчадан бери сезиб юраман. Ҳозир ҳатто болалар ҳам шу нарсадан азоб чекадиган бўлиб қолишган. Бу телбаликка ўхшайди. Шайтон мана шу худбинлик ичига кириб олган ва бутун авлоднинг ичида юрибди, ҳа, бу баайни шайтоннинг ўзгинаси, – қўшимча қилди Алеша жилмайишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмай, аммо унга тик қараб турган Коля буни хаёлидан ўтказди. – Сиз ҳаммага ўхшаган одамсиз, – хулоса қилди Алеша, – яъни жуда кўп бошқа одамларга ўхшагансиз, фақат ҳаммага ўхшаб қолмаслик керак, гап шунда.

– Ҳамма шунақа бўлишига қарамасдан-а?

– Ҳа, ҳамма шунақа эканлигига қарамасдан. Сиз бир ўзингиз шунақа бўлмайсиз. Сиз ростдан ҳам шунақа эмассиз, ҳаммага ўхшаган эмассиз. Сиз мана – ёмонлигингизни тан олишга уялиб ўтирмадингиз, ҳаттоки кулгили эканлигини ҳам бўйнингизга олдингиз. Ҳозир ким буни бўйнига олади? Ҳеч ким, ҳатто ўзларидаги айбсиниш эҳтиёжини ҳам сезмай қўйишди. Ҳаммага ўхшаган бўлмангиз, фақат шунақа бўлмангиз, бир ўзингиз қолган тақдирда ҳам, барибир, шунақа бўлмангиз.

– Тасанно! Мен сизнинг борангизда хато қилмабман. Сиз таскин бероласиз. О, мен қанчалар сизга интилдим, Карамазов, қачонлардан бери сиз билан учрашишни орзу қиламан! Наҳотки, сиз ҳам мен ҳақимда ўйлаган бўлсангиз? Боя сиз ҳам мен ҳақимда ўйлаганингизни айтдингиз-ку?

– Ҳа, мен сиз ҳақингизда эшитган ва ўйлагандим... ҳамиятингиз боис сиз буни сўрадингиз, лекин ҳечкиси йўқ.

– Биласизми, Карамазов, бизнинг изҳорларимиз худди севги изҳорига ўхшайди, – қандайдир бўшашган ва уятсинган, қимтинган товуш билан деди Коля. – Бу кулгили эмасми, кулгили эмасми?

– Ҳечам кулгили эмас, кулгили бўлганда ҳам ҳечкиси йўқ, чунки бу яхши, – чиройи очилиб жилмайди Алеша.

– Биласизми, Карамазов, тан олинг, сиз hozир хам мен учун уялиб, хижолат чекиб турибсиз... Мен кўзингиздан биялпман, – қандайдир муғомбирлик ва шу билан бирга комронлик билан деди Коля.

– Нимаси уят?

– Нега кизариб кетдингиз?

– Сиз шундай қилдингиз, кизариб кетдим! – кулиб юборди Алеша ва ҳақиқатан дув кизарди. – Ҳа, майли, бироз хижолатдаман, худо билади нимадан, мен билмайман нимадан... – пичирларди у ҳатто жуда уялиб.

– О, сизни қанчалар севаман ва қадрлайман мана шу дамларда, зотан сиз хам мен билан бирга хижолатдасиз! Чунки сиз хам худди менга ўхшагансиз! – шоён хурсанд бўлиб хитоб қилди Коля. Унинг икки ёноғи ёнар, кўзлари порларди.

– Кулоқ солинг, Коля, сиз ҳаётда ҳар ҳолда жуда бахтсиз одам бўлиб қолсангиз керак, – деди бирданига нима учундир Алеша.

– Биламан, биламан. Қанчалар олдиндан биламан! – дарҳол тасдиқлади Коля.

– Аммо, умуман олганда, ҳаётнинг шукронасини қилгайсиз.

– Айни ҳақиқат! Ура! Сиз пайғамбарсиз! О, биз дўст бўлиб кетамиз, Карамазов. Биласизми, ҳаммадан ҳам нимага қойил қоламан, сиз мен билан ўзингизни теппа-тенг кўясиз. Ҳолбуки, биз тенг эмасмиз, йўқ, тенг эмас, сиз юксакроқсиз! Аммо биз дўстлашиб кетамиз. Биласизми, мен охириги ой ичида ўзимга-ўзим шундай дедим: “Ё у билан дарҳол дўстлашиб кетамиз абадулабадга, ёки биринчи кундан бошлабоқ то тобутга киргунча душман бўлиб айриламиз!”

– Шундай дея айтиб туриб хам мени севгансиз! – қувноқлик билан куларди Алеша.

– Яхши кўрганман, ўлардай яхши кўрганман, яхши кўриб орзулар қилганман! Ҳаммасини қандай қилиб олдиндан биласиз? Воҳ, ана доктор. О, худойим, у нима деркин, башарасини қаранг унинг!

## VII

### ИЛЮША

Доктор уй ичидан пўстинига ўралиб, бошига фуражкасини кўндириб чиқиб келди. Чехрасида жаҳлдорлик ва ижирғаниш акс этар, худди ёмон бир нарсани ўзига юқтиришдан кўрқаётгандай эди. У даҳлизда тезгина у ёқ-бу ёққа қараган бўлди, Алеша билан Коляга хўмрайиб қараб қўйди. Алеша остонадан туриб аравакашга қўл силкиб ишора қилди, шундан сўнг докторни олиб келган карета эшик олдига келиб тўхтади. Штабс-капитан доктор билан изма-из уйдан югуриб чиқди, унинг олдида етти букилиб, эшилиб-буралиб докторга охириги сўзини айтмоқчи бўлиб турди. Шўрликнинг юзи мурдадай оқарган, кўзларида кўрқинч акс этарди.

– Жаноби олийлари, жаноби олийлари, наҳотки?.. – тили тутилиб бошлади у гапини ва тугатолгани хам йўқ, фақат ўта умидсизликдан қўлларини чапак қилиб чалди, докторга охириги умид нигоҳи билан боқар, худди докторнинг hozир айтадиган сўнгги ҳукми шўрлик болакайнинг қисматини ўзгартириб юборадигандай эди.

– Наиллож! Мен худо эмасман, – беписандлик билан одатдагидай салмоқлиниб деди доктор.

– Доктор... Жаноби олийлари... оз қолдими, бу оз қолдими?..

– Хаммасига, ҳам-ма-сига тайёр туринг, – ҳар бир бўғинга алоҳида урғу бериб таъкидлади доктор ва нигоҳини ерга кадаб, остона ҳатлаб каретага чиқиш тараддудиди бўлди.

– Жаноби олийлари, Исо Масиҳо ҳақи! – уни яна бир карра тўхтатмоқчи бўлди штабс-капитан, – жаноби олийлари!.. Наҳотки, ҳеч нарса, ҳеч нарса, бутунлай ҳеч нарса кутқаролмайди?..

– Бу энди менга боғ-лиқ э-мас, – сабрсизлик билан деди доктор, – лекин, авваламбор, ҳм, – доктор бир зум тўхтаб қолди, – мабодо сиз, мисол учун... ҳозир касалингизни... зиғирча ҳам кечиктирмасдан (“зиғирча кечиктирмасдан” деган сўзларни доктор ҳатто қутуриб ғазаб билан айтдики, штабс-капитан бундан сесканиб тушди) Си-ра-ку-зига олиб борсангиз эди, унда ку-лай иқ-ли-мий шароитлар натижасида... эҳтимол... умид қилса бўларди...

– Сиракузига! – худди ҳеч нарсани тушунмагандай қичқириб юборди штабс-капитан.

– Сиракузи бу – Сицилияда, – тушунтириш бергандай баланд овоз билан деди Коля. Доктор унга қараб қўйди.

– Сицилиягами! Оҳ, отахоним, жаноб олийлари, – ўзини йўқотиб қўйди штабс-капитан, – ахир, ўзингиз кўзингиз билан кўрдингиз-ку! – қўлларини ёзиб ўзининг шароитини кўрсатди у, – ойижониси, оила аъзолари нима бўлади?

– Й-йўк, оила аъзолари Сицилияга эмас, уларни эрта баҳорда Кавказга... кизчангизни Кавказга, рафиқангизни бир курс сувларда даволатиб, сўнг бодларини муолажа қилгани Кав-каз-га... ана ундан кейин дарҳол Парижга, пси-хи-атрия доктори Ле-пель-летьенинг шифохонасига жойлаш зарур, мен сизга хат ёзиб бераман, унга тутқазасиз, ана унда... балки бир ижобий ўзгариш рўй бе...

– Доктор, доктор! Ахир, ўзингиз кўриб турибсиз-ку! – яна қўлларини кенг ёзиб, уйнинг харили деворларини ноумид ҳолда кўрсатди штабс-капитан.

– Бу ёғи энди менинг ишим эмас, – кулимсиради доктор, – сизнинг сўраганингиз учун илм-фандаги охириги чораларни айтиб ўтишни бурчим деб биламан, қолганлари, минг афсуски...

– Табиб жаноблари, кўрқманг, менинг итим сизни қопмайди, – докторнинг итга хавотир билан қараб қўйганини сезиб баланд овоз билан изоҳ берди Коля. Унинг овозида қаҳр-ғазаб акс этди. Доктор дейиш ўрнига табиб деб ҳам атай айтди, кейинчалик “унинг ғашига тегиш учун атайлаб шундай дедим”, деб юрди.

– Э-ҳа, баҳай? – бошини баланд силкиди доктор Коляга ҳайрон бўлиб қараб. – Э-ҳа, қандай бу, а? – бирдан мурожаат қилди у Алешага тушунтириб беришини сўрагандай.

– Бу мен, мана шу итнинг эгасиман, табиб, менинг ташвишимни қилиб ўтирманг, – яна гапни дўндирди Коля.

– Ит дейдими? – тушунмай сўради доктор.

– Бит дейдими? Хайр, табиб, энди Сиракузида кўришамиз.

– Ким ўзи бу? Ким, ким? – бирдан қайнаб кетди доктор.

– Бу шу ерлик мактаб ўқувчиси, доктор, шўхроқ бола, эътибор берманг, – қовоғини уйиб тишининг орасидан деди Алеша. – Коля, бас қилинг! – кичқирди у Красоткинга қараб. – Эътибор бериб ўтирманг унга доктор, – деб яна такрорлади у тоқатсизлик билан.

– Таёқ-лаш, таёқ-лаш, таёқ-лаш керак буни! – қаттиқ ер тепиниб кичқирди доктор негадир қутуриб кетиб.

– Биласизми, табиб, менинг итим ёмон тишлайди! – қалтираган товуш билан деди Коля ранги оқариб, кўзлари шохқосасидан чиқиб. – Хуйт, Кўнғирок!

– Коля, сиз яна бир оғиз сўз айтсангиз, сиз билан сўнг умрбод гаплашмайман! – жаҳл билан кичқирди Алеша.

– Эй, табиб, дунёда фақат битта одам бор-да Коля Красоткинга буйрук бероладиган, у ҳам бўлса мана шу одам, – Коля Алешани кўрсатди, – унга бўйсунаман, хайрингиз!

У жойидан сапчиб кўзгалди-да, эшикни очиб уй ичкарасига кириб кетди. Ити ортидан югурди. Доктор яна беш дақиқача худди шамдай қотиб Алешага қараб қолди, кейин жаҳл ичида тупурди-да: “Эҳ-ха, эҳ-ха, эҳ-ха, мен хайронман, нима бу, эҳ-ха!” деб тез каретага ўтирди. Штабс-капитан унга аравага ўтиришга ёрдамлашди. Алеша Колянинг орқасидан уйга кирди. Коля Илюшанинг тўшаги олдида турарди. Илюша унинг қўлидан ушлаб отасини чақирарди. Бир зумдан сўнг штабс-капитан ҳам қайтиб кирди.

– Ота, ота, бу ёққа келинг... биз.... – жуда қаттиқ хаяжонланган ҳолда деди Илюша, аммо, афтидан, давом эттиришга ҳоли келмади, бирдан иккала озиб кетган кўлларини олдинга чўзди-да, уларнинг ҳар икковларини бирданига маҳкам кучоқлаб олди, Коля билан отасини бағрига босди ва бутун вужуди билан уларни қисди. Штабс-капитан бирдан овоз чиқармай хўнг-хўнг йиғлади, титраб-қақшади, Колянинг эса лаблари, ияги титради.

– Ота, ота! Сизга жуда ачинаман, ота! – аччиқ ингради Илюша.

– Илюшечка, қароғим... доктор айтдики, соғайиб кетади деди, бахтли бўламиз... доктор... – зўрға сўзлай бошлади штабс-капитан.

– Оҳ, отажон! Янги доктор сизга мен ҳақимда нима деганини биламан... Ахир, ўзим кўрдим-ку! – хитоб қилди Илюша ва яна бор кучи билан уларни кучоқлаб бағрига босди. Отасининг елкасига юзини яширди.

– Отажон, йиғламанг... мен ўлганимдан кейин битта яхши болани олинг, уларнинг ичидан энг яхшисини танланг, отини Илюша деб қўйинг ва менинг ўрнимга уни яхши кўринг...

– Бас қил, оғайни, ҳали тузалиб кетасан! – худди жаҳли чиқандай бўлиб кичқирди бирдан Коля.

– Мени эса, отажон, мени ҳеч қачон унутиб юборманг, – давом этарди Илюша, – менинг мазоримга бориб туринг... ҳа, яна айтганча, отажон, сиз мени ўша икковимизнинг катта харсанг тошимиз ёнига кўминг, эсингиздами, у ерга сайр қилиб борардик, у ерга окшомлар Красоткин билан бирга боринглар... Кўнғирок ҳам борсин... Мен эса сизларни кутаман... Отажон, отажон!..

Унинг овози ўчди, учовлари кучоқлашганча индамай туришарди. Ўзининг аравачасида ўтириб мунграниб Ниночка ҳам йиғларди ва бирдан ҳамма йиғлаётганини кўриб онажон ҳам кўзёшларини дув тўкди.

– Илюшечка! Илюшечка! – нидо килди у. Красоткин бирдан Илюшечканинг кучоғидан сирғалиб чиқди.

– Хайр энди, оғайни, мени онам тушликка кутяпти, – тез-тез гапирди у. – Афсус, мен унга олдиндан айтиб қўймагандим! Жуда хавотир олади... Аммо тушдан кейин мен дарров олдинга келаман, кечгача бўламан, сенга анча нарсаларни ҳикоя қилиб бераман, бир дунё! Қўнғирокни ҳам олиб келаман, ҳозир ўзим билан ола кетаман, чунки мен бўлмасам, увиллашга тушади ва сенга халал беради, кўришгунча!

Шундай деб дахлизга отилиб чиқиб кетди. У йиғлашни хоҳламасди, аммо дахлизда ўкириб йиғлаб юборди. Алеша уни шу аҳволда кўрди.

– Сиз, албатта, сўзингизнинг устидан чиқишингиз ва келишингиз керак, акс холда, у қаттиқ хафа бўлиб қолади, – таъкидлаб деди Алеша.

– Албатта! О, олдинроқ келмаганим учун ўзимни кечиролмайман, – деди йиғи аралаш ва энди йиғлаётганидан сира хижолат чекмасдан Коля. Шу пайт уй ичидан отилиб штабс-капитан чиқди ва дарҳол орқасидан эшикни ёпди. Башараси ағдар-тўнтар бўлиб кетган, лаблари қалтирарди. У ҳар иккала ёш олдида тўхтади ва қўлларини ҳавога кўтарди.

– Яхши болани хоҳламайман! Бошқа болани хоҳламайман! – деб шипшиди у ва тишларини ғижирлатди. – Сени унутсам, Қуддус, тилим танглайимга ёпишсин...

У бўғилиб, сўзни охиригача айтолмади ва тахта сўри олдида чўккалаб тиз букди. У иккала қўли билан бошини қаттиқ сиқиб, қандайдир ғайритабиий товуш-ла увиллаб йиғлай бошлади, шу билан бирга жони борича овозини ичкаридагилар эшитмаслигига ҳаракат килди. Коля кўчага отилиб чиқиб кетди.

– Хайр, Карамазов! Сиз ўзингиз келасизми? – зарда билан кескин сўради у Алешадан.

– Оқшом, албатта, шу ерда бўламан.

– У Қуддус шарифни нима деяпти... Буниси нима бўлди энди?

– Бу Муқаддас китобдан: “Сени унутсам агар, эй Қуддус” ояти, энг муқаддас нарсага агар сени алишсам... деб онт ичгани...

– Тушундим, етар! Ўзингиз ҳам келинг! Юр, Қўнғирок! – жаҳл қилиб кичкирди у итига ва қатта-қатта қадамлар ташлаб, шитоб билан уйига йўл олди.

## Ўн биринчи китоб

### БИРОДАР ИВАН ФЕДОРОВИЧ

#### I

### ГРУШЕНЬКА ҲУЗУРИДА

Алеша Жоме майдонига, савдогар Морозова уйига, Грушенька хузурига қараб кетди. Қиз эрталаб барвақт Феняни унинг олдида жўнатган, менга, албатта, учрашиб кетсин деб, тайинлаб юборганди. Алеша Фенядан шуни суриштириб билиб олдики, ойимкиз кечадан бери бошқача қаттиқ хавотирда экан. Митя қамокқа олингандан буён, икки ойдан бери Алеша гоҳ ўз ихтиёри, гоҳ акасининг топшириқлари билан келиб-кетиб турарди. Митя қамокқа тушгандан уч кун ўтиб, Грушенька оғир бетоб бўлиб,

беш хафтача ётиб колди. Бир хафта эса тамомила хушига келмай ётди. Қиз мана энди – икки хафтадан бу ёғига ҳовли юзига чиқаётган бўлса-да, чехраси каттиқ ўзгарган, сарғайиб ориклаганди. Аммо Алешанинг назарида, унинг чехраси янада жозибалироқ бўлиб қолган ва у қиз хузурига кирганда кўзларига боқиб қувонарди. Қизнинг нигоҳи қандайдир собит, катъиятлироқ ва маънодорроқ бўлиб қолганди. Қандайдир маънавий эврилиш рўй берган, нечукдир энди ўзгармас, орқага қайтмас эзгу тоқат ва интилиш пайдо бўлганди. Икки қоши орасида бир тик чизикча тушган, бу унинг чехрасига тамкин ўйчанлик ифодасини бағишлар, бир қарашда, истараси иссиқ юзига жиддий диққатпаз тус берарди. Мисол учун, илгариги ҳавойиликдан ҳатто асар ҳам қолмаганди. Алешага яна шу нарса ғаройиб бўлиб туюлардики, бошига тушган шунча кўргиликлар: қайлиғига энди-гина етишганда уни дахшатли жиноят қилганликда айблаб қамаганлари, ўзининг оғир касалга чалиниб ётиб қолгани-ю, олдинда эса муқаррар суд ҳукми кутаётганига қарамай, Грушенька ўз ёшлик шўхликларини йўқотмаганди. Илгариги ғурур тўла кўзларида энди қандайдир сокинлик жилваланиб турар, гарчи... гарчи бу кўзларда ҳамон алланечук ёвуз бир ўт алангаланиб кетарди, у гоҳи-гоҳида, илгариги хавотирлари бостириб келган чоғларда кўриниш берар, бу хавотир унинг юрагидан асло ўчиб кетмаган, балки кучайган ҳам эди. Бу хавотир ҳамон ўша Катерина Ивановна билан чамбарчас боғлиқ эди, уни Грушенька ҳатто алаҳлаб ётган чоғларида ҳам эсларди. Грушенька ундан Митяни, қамоқда ётган Митяни жуда каттиқ рашк қилишини Алеша биларди. Ҳолбуки, Катерина Ивановна Митяни бир марта ҳам қамоқда ётганида бориб кўрмаган, инчунин, бориб кўраман деса бунга ҳар қанча имконияти бор эди. Буларнинг барчаси Алеша учун мушкул бир вазифага айланиб борар, зеро, Грушенька юрагидаги сирларини фақат унгагина ишонар ва тинмай ундан турли маслаҳатлар сўрарди: у эса нима дейишини ҳам билмай ожиз лол бўлиб турарди.

Алеша Грушенька қошига ташвишга ботган ҳолда кириб борди. Ойимқиз уйда эди, Митянинг олдидан қайтиб келганига ярим соатлар бўлганди. Қиз стол ёнидаги юмшоқ ўриндикдан сакраб туриб унга пешвоз юрди, шундан Алеша, мени жуда сабрсизлик билан кутаётган экан, деб ўйлади. Стол устида қарта очилган, аҳмоқ ўйин учун сузилганди. Столнинг орқа томонида саҳтиён диванга тўшак ташланган, унда бошида бумазей қалпоқ, устида халат Максимов ёнбошлаб ётар, афтидан у касал ва ғоятда беҳол, аммо ширин табассум қиларди. Бу бехонумон қария икки ойча бурун Грушенька билан бирга Мокроедан қайтиб келишгач, ўшандан бери шу ерда лангар ташлаб ётиб олганди. Ўшанда ойимқиз билан бирга ёмғир-жалада бўкиб қайтиб келгач, кўрка-писа шу диванга чўкди-да, ойимқизга жимгина мўлтайиб боқиб турди, лабидан ботинмаган синик бир ялтоқи илжайиш аримасди. Грушенька чидаб бўлмас аламизтироб ичида иситма бошланиб келаётган бир алфозда турли-туман ўй-ташвишлари билан овора бўлиб, уни унутаёзган ва бирдан кўзи тушиб тикилиб қолганди, Максимов шунда ночор ўзини йўқотиб ойимқизнинг кўзларига ких-кихлаб мўлтайди, ойимқиз Феняни чақирди-да, бунинг овқатини бер, деди. У уззукун шу жойда қимирламай ўтирди; қоронғи тушгач, деразаларнинг ташки тавақалари ёпилди, Феня ойимқиздан сўради:

– Бегойим, нима, бу кишим бу ерда ётиб қоладиларми?

– Ҳа, унга диванга жой солиб бер, – деб жавоб берди Грушенька.

Ундан сўраб-суриштириб, Грушенька шундан хабардор бўлдики, хозир унинг борадиган жойи йўқ экан, “валинеъматим жаноб Калганов бошқа сени қабул қилмайман, деб рўй-рост айтдилар ва менга беш рубль совға қилдилар”, деди. “Майли, худо хайрингни берсин, шу ерда колсанг қол”, деди юраги сиқилиб Грушенька унга ачиниб жилмайиб қараб. Қария унинг жилмайишидан зил кетди, лаблари миннатдорликдан қалтираб кўзёш тўкишга чоғланди. Ўшандан бери шу ерда сиғинди бўлиб қолди. Ойимқиз касал ётганда ҳам у уйдан кетмади. Феня билан оқсоч хотин ҳам уни қувиб юборишмади, диванга жой солиб бериб, озиқ-овқатига қараб туришди. Кейинчалик Грушенька ҳатто унга ўрганиб ҳам қолди, бироз тузалгач – ҳали касали бутунлай аримаёк Митянинг олдига қатнай бошлади ва унинг олдидан қайтиб келгач, дардини енгиллатиш учун “Максимушка” билан гаплашар, юрак чигилини ёзарди. Қария кўнгил кўтарадиган гапларни ҳам биларкан, у ойимқизга далда бўлди. Алеша кунда бўлмаса ҳам, кунора кириб бироз ўтириб кўнгил сўраб турар, Грушенька бошқа ҳеч кимни қабул қилмасди ҳам. Грушеньканинг анов қари савдогари эса ўлим тўшагида оғир ётар, буни шаҳарда ҳамма билар, ҳақиқатан ҳам, Митянинг суди бўлиб ўтгандан бир ҳафта кейин чол оламдан ўтди. У қазосидан уч ҳафта бурун ўлими яқинлашаётганини сезиб, ўғиллари, келинлари, набиралари – ҳаммаларини хузурига чақириб, тепасидан кетмай ўтиришларини сўради. Грушенькани эса шу дақиқадан эътиборан бошқа қабул қилмасликни хизматкорларига буюрди, мабодо келиб қолса, шу сўзларни айтишни тайинлади: “Умрингиз узоқ бўлсин, бошқа келиб йўқламас экансиз”. Шунга қарамай Грушенька қарийб ҳар куни унинг холидан хабар олиш учун одам жўнатиб турарди.

– Ана ниҳоят келдинг-ей! – хурсанд бўлиб қичқирди ойимқиз қўлидаги карталарни ташлаб Алеша билан саломлашаркан, – Максимушканинг келмайди деб кўрқитганини айтмайсанми. Оҳ, менга жудаям кераксан! Ўтир столга, қаҳва ичасанми?

– Майлингиз, – деди Алеша столга ўтираркан, – жуда ҳам очкадим.

– Ана, ана, Феня, Феня, қаҳва келтир! – қичқирди Грушенька, – анчадан бери қайнаб турибди, сени кутяпти, пирожкалардан ҳам олиб кел, қайноқ бўлсин. Йўқ, андак шошма, Алеша, бугун пирог пишириб борсам, тоза тўс-тўполон чиқди. Қамокка пирог пишириб олиб бордим, у эса ишонасанми, менга қайтариб улоқтирди, емади. Битта пирогни ерга отиб оёқлари билан роса тепкилади. Мен: “Қоровулга қолдириб кетаман, агар кечгача ҳам олиб емасанг, демак, ичинг захри қотилга тўлиб кетган!” дедим. Кейин кетвордим. Ишонасанми, яна уришиб қолдик. Қачон борсам жанжаллашамиз.

Грушенька буларнинг барини бирваракай тўликиб, тўлқинланиб сўйлаб берди. Максимов дарҳол юраги пўкиллаб, илжайиб кўзларини ерга тикди.

– Бу гал нима учун жанжаллашдинглар? – сўради Алеша.

– Ҳеч кутмагандим! Буни қара, “собик”қа рашк қилиб ўтирибди: “Нега уни боқяпсан. Сен уни боқа бошладингми?” дейди. Рашк қилгани қилган! Есяям, ичсаям рашк қилади. Ўтган ҳафта Кузьмага ҳам рашк қилиб ўтирибди.

– Ахир, у “собик”ни биларди-ку?

– Ана кўрдингми? Бошидан бошлаб то ҳозирги кунгача биларди, бугун бирдан оёкка туриб, сўкишга тушди. Оғизга олишга ҳам уяласан киши. Тентак! Мен кетаётсам, унинг олдига Ракитка келди. Балки уни Ракитка тинчлантирар-а? Сен нима деб ўйлайсан? – кўшиб қўйди у хаёли парижондай.

– Сени жуда яхши кўради, ўлардай яхши кўради. Ҳозир у жуда тажанг.

– Тажанг ҳам бўлмасинми, эртага суд қилишади, ахир. Унинг олдига эртаги гапларни аниқлагани боргандим, Алеша, эртага нима бўлишидан жуда кўрқаман! Сен мана у тажанг дейсан, мен тажанг эмасманми? У эса полякни айтади! Вой, тентак! Манов Максимушкага ҳойнаҳой рашк қилмаса керак.

– Мени рафикам жуда рашк қилиб қуйдирарди, – деб сўз қўшиб қўйди Максимов.

– Вой, сени ҳам рашк қиладими? – хуш бермай кулди Грушенька, – сени кимга рашк қилади?

– Ходима қизларга.

– Э, овозингни ўчир, Максимушка, кулгига бало борми, жоним чиқиб кетай деяпти ўзи. Пирожкаларга кўзингни лўқ қилма, сенга бермайман, сенга зарар, бальзам ҳам бермайман, тўғри келмайди. Манов ҳам бошимга битган бало бўлди, нима, менинг уйим худойихонами, тавба, – кулиб юборди у.

– Мен сизнинг марҳаматингизга арзимайман, мен ғарибу ғурабومان, – йиғламсираб деди Максимов, – яхшиси, яхшиликларингизни бошқа керакли одамларга қилсангиз соз бўларди.

– Эҳ, ҳар бир одам керак, Максимушка, ким-кимдан кераклироқ эканлигини қаердан биласан. Мана шу поляк ҳам бошимга ортиқча ғавғо бўлди, Алеша, бугун у ҳам касал бўлиб ётиб олди. Бориб кўриб келдим. Энди унга атай пирогларни жўнатаман, мен олиб борганим йўқ эди, Митя мени олиб боргансан деб айблади, ана энди атай юбораман, ҳа, атай! Мана, Феня ҳам хат кўтариб келиб қолди! Яна ўшалардан, поляклардан, яна пул сўрашапти!

Пан Муссялович одати бўйича хаддан ташқари узун ва жимжимадор хат жўнатиб, уч рубль қарз бериб туришни сўрагани. Хатга уч ой ичида қайтариб бериш ҳақида тилхат ҳам қўшиб қўйилган. Тилхат тагига пан Врублевский ҳам имзо чеккан. Грушенька бундай хатлар ва тилхатларни ўзининг “собик” қайлиғидан кўплаб олганди. Бу Грушенька икки ҳафта илгари тузала бошлагандан бери давом этиб келарди. Ҳар иккала пан ўзи касал чоғида ҳам келиб хабардор бўлиб туришганини Грушенька биларди. Грушенька олган биринчи хат катта почта қоғозига битилган бўлиб, улкан оилавий муҳри бор эди, хат ғоятда жимжимадор, мубҳам қилиб ёзилган, Грушенька уни ўқиб тушунмаган ва ярмига бормай ташлаб юборди. Бунақа хатлар кўзига кўринадиган пайт эмасди. Биринчи хатдан кейин кетма-кет иккинчиси келди, унда пан Муссялович Грушенькадан икки минг рубль қарз бериб туришни илтижо қилар, қисқа муддатда қайтараман деб ишонтирарди. Грушенька бу хатни ҳам жавобсиз қолдирди. Кейин хатлар кети узилмай келаверди, кунда бир хат, ҳаммаси жимжимадор ва жуда муҳим, хатдан-хатга сўралаётган қарзнинг миқдори ҳам аста-секин камая борди, юз рублга тушди, ундан йигирма беш рублга, кейин ўн рубл-

га ва ниҳоят Грушенька ҳар иккала пандан бир рубль сўралган хат олди, уларнинг ҳар бири тилхатга имзо чекишганди. Шунда Грушеньканинг жуда раҳми келиб кетди ва хуфтон чоғида ўзи уларнинг қошига югуриб бориб келди. Ҳар иккала пан қашшоқликнинг охириги нуқтасига етишган, на овқат, на ўтин, на папирос бор, бекадан қулоқларигача қарзга ботишганди. Мокроеда Митядан ютиб олганлари икки юз рубль қайгадир ғойиб бўлганди. Шунга карамай ҳар иккала пан димок-фироқ билан кеккайишиб, сиртларига сув юқтирмай, оҳанжамали одоб-икром, иззат-эҳтиром ила кутиб олишгани, бурама сўзлар айтишгани Грушенькани лол қилиб қўйди. Грушенька қажқаб кулиб юборди ва “собик” қайлиғига ўн рубль берди. Ўшандаёқ буни кула-кула Митяга сўйлаб берган, лекин бу унинг рашкини қўзғатмаганди. Аммо ўшандан бери ҳар иккала пан Грушенькага маҳкам ёпишиб олишди ва ҳар куни унга пул сўраб хат йўллар, Грушенька эса ҳар сафар оз-оздан жўнатиб турарди. Буни қарангки, бугун Митянинг қаттиқ рашки келиб, тўполон кўтарди.

– Мен аҳмоқ бўлиб унинг олдига ҳам кириб чикдим, Митянинг олдига кетаётган эдим, бир дақиқага кирдим, “собик” каллиғим ҳам оғриниб қолибди, – яна гап бошлади Грушенька наридан-бери шоша-пиша, – мен кулиб буни Митяга ҳикоя қилиб бердим: поляк ошиғим менга гитарада аввалги қўшиқларидан куйлаб берди, яна кўнглимни овламоқчи бўлди шекилли, шундай қилсам олдимга қайтиб келади деб ўйладими, дедим. Ана энди Митяни кўрсангиз, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб ўрнидан туриб кетса бўладими... Э, бор-е, нима бўлса бўлди, панларимга пирогларни жўнатаман! Феня, улар анов қизчани юборишибдими? Унга уч рубль бер, кейин пироглардан қоғозга ўраб қўлига тутказ, сен эса Алеша, мен полякларга пирог жўнатганимни, албатта, сўйлаб бер борганинга.

– Ўлсам ҳам айтмайман, – деди кулганча Алеша.

– Эҳ, сен уни азоб чекапти, деб ўйлайсанми; у ахир, атай рашк қияпти, аслида, унинг ўзига барибир, – аччиқ алам билан деди Грушенька.

– Атай деганинг нимаси? – сўради Алеша.

– Сен тентаксан, Алеша, билдингми, шунча ақлинг бўлгани билан буни ҳеч тушунмайсан, билдингми? Мени шу аҳволимда рашк қилганидан хафа эмасман, умуман рашк қилмай қўйганда ана унда ростдан ҳам хафа бўлардим. Мен шунақаман. Рашк қилганига оғринмайман, мен ўзим ҳам шундай тошбағирман, ўзим рашкчиман. Мени энди умуман яхши кўрмай қўйганига хафаман, мана энди *атайлаб* рашк қияпти, рост, рост. Нима, кўзим кўрми, кўрмайман? У менга бирдан анав Катъкасини гапириб кетди: ундок эди, бундок эди, дейди, мени кутқариш учун Масковдан доктор чақиртирди, энг зўр адвокатни топиб, олим экан, алломайи замон, чақиртириб келди, дейди. Менинг кўзимга қараб туриб ўшанисини мактаяптими, демак, ўшани яхши кўради, бетинг курсин, шарманда! Ўзи менинг олдимда айбдор, шунинг учун менга ёпишиб олган, ўзидан олдин мени айбдорга чиқармоқчи, ҳаммасини менинг устимга ағдармоқчи: “сен мендан олдин поляк билан бўлгансан, шунинг учун мен Катъка билан бўлсам, ҳеч нарса қилмайди”. Ана сизга оҳанжама! Бир ўзимнинг устимга ҳамма айбни ағдармоқчи. Атай ёпишиб олган, сенга айтяпман – ҳа, атай деб, фақат мен...

Грушенька нима қилишини охиригача айтмади, рўмолчаси билан кўзларини ёпди-да, ёмон хўнграб йиғлади.

– У Катерина Ивановнани яхши кўрмайди, – деди қатъият билан Алеша.

– Майли, яхши кўрадим, йўқми, тез орада буни ўзим билиб оламан, – овозига кўркинчлироқ тус бериб деди Грушенька кўзларидан рўмолчани олиб. Унинг юзи ўзгариб кетди. Алеша унинг мулойим, осуда, қувнок чехраси хўмайиб қахрли, зардали тус олганини кўрди ва дарди-алами ортди.

– Етар бу майнавозчиликлар ҳақида! – гапни шарт кесди у, – сени бунинг учун чакирганим йўқ. Алеша, азизим, эртага, ҳа, эртага нима бўлади? Мени мана шу кийнайди! Мендан бошқа ҳеч ким буни ўйламайди! Кимни кўрсам, парвойи фалак. Лоақал сен буни ўйлайсанми, ахир? Ахир, эртага уни суд қилишади! Сен менга айтиб бер, уни қандай суд қилишади? Ахир ўлдирган анов хизматкор-ку, хизматкор ўлдирди-ку! Ох, худойим! Нахот уни хизматкорнинг ўрнига жавобгар қилишса! Нахот ҳеч ким унинг ёнини олмаса! Хизматкор билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ-ку, а?

– Уни қаттиқ сўроқ қилишди, – деди ўйчан ҳолда Алеша, – аммо барчалари ўлдирган у эмас, деган қарорга келишди. Ҳозир у жуда оғир аҳволда касал ётибди. Ўша тутқанок тутганча ҳали ҳам ётибди. Ҳақиқатан, касал, – кўшиб қўйди Алеша.

– Ох, худойим, сен ўзинг ўша адвокатга бориб, юзма-юз туриб ҳаммасини айтиб берсанг бўлмайдами? Ахир, Петербургдан уч минг рублга чакириб олиб келишибди-я.

– Бу уч мингни биз уч киши бердик, мен, акам Иван ва Катерина Ивановна. Докторни эса Масковдан Катерина Ивановнанинг ўзи икки мингга чакиртирди. Адвокат Фетюкович ошиқроқ ҳам сўраши мумкин эди, зотан, бу иш бутун Россияга овоза бўлиб кетди, барча газета ва журналларда уни ёзишяпти, Фетюкович кўпроқ ном қозонишни кўзлаб рози бўлган, чунки бу ишнинг донғи ортиб боряпти. Мен кеча адвокатни кўрдим.

– Хўп, нима бўлди? У билан гаплашдингми? – чакчайди бирдан Грушенька.

– У гапимни эшитди, аммо ҳеч нарса демади. Менда маълум бир фикр ҳосил бўляпти, деди. Лекин менинг сўзларимни эътиборга олишини айтди.

– Эътиборга олиш нима дегани экан? Вой, бу муттаҳамлар! Уни гўрга тикишади! Хўп, анави докторни, ҳа, ўша докторни анави нега чакиртирган экан?

– Уни эксперт сифатида чакиришган. Акамни телбага чиқаришмоқчи, жиннилик қилиб ўлдирган, ҳуши ўзида бўлмаган дейишмоқчи, – секин қулиб қўйди Алеша, – фақат акам бунга асло рози бўлмайди.

– Ох, агар у ўлдирган бўлганда бу рост чиқарди! – хитоб қилди Грушенька. – Ўшанда унинг эс-ҳуши ўзида эмасди, телбасаро эди. Бунга мен юзсиз айбдорман! Фақат у ўлдирмаган, ҳа, ўлдирмаган! Нега ҳамма уни ўлдирди дейди, бутун шаҳарнинг гапи яккаш шу. Ҳатто Феняни айтмайсизми, худди айни у ўлдиргандай кўрсатма бериб ўтирибди. Дўкондагиларчи, анави мансабдор киши-чи, ҳамма олдин қовоқхонада эшитиб бўлган экан! Ҳамма, ҳамма унга қарши, бир бўлиб вағирлашади.

– Ҳа, кўрсатмаларнинг бош-кети кўринмай қолди, – қовоғини солиб деди Алеша.

– Э, Григорий-чи, Григорий Васильич оёғини тираб туриб олган, унинг эшиги очиқ қолган дейди фақат, гапидан қайтай демайди, у билан ҳам гаплашиб келдик, ўзим сўзлашдим. Яна сўкинганига бало борми!

– Ҳа, бу акамга қарши балки энг оғир кўрсатма, – деб қўйди Алеша.

– Митя эсдан оғанлиги бу ҳозир бор гап, худди ўзгинаси, – алланечук ташвишли ва сирли оҳангда сўз бошлади бирдан Грушенька. – Биласанми, Алешенька, мен сенга анчадан бери айтаман деб юраман шуни, ҳар куни унинг олдига бориб тилимни тишлаб қоламан. Сен менга айт-чи, нима деб ўйлайсан: у ҳозир нуқул нимани гапиряпти? Гапираверади, гапираверади – ҳеч нарсани тушунмайман, жуда ақлли бир нарсаларни айтаётганга ўхшайди дейман, ақлим заиф, ўла қолай, қаёқдан билай; яна бир чурвақани айтадим-ей, қандайдир чулдирвоқини дейдим-ей, “нега қашшоқ бу чурвақа?” “Шу чурвақани деб мен энди Сибирга сургунга кетаман, мен ўлдирганим йўқ, аммо мен Сибирга боришим керак!” дейди. Бу нима ўзи, қанақа чурвақа – ҳеч вақони тушунмадим. У гапиряпти-ю мен йиғлайман, негаки у буни жуда таъсирли қилиб гапиради, ўзиям йиғлайди, мен ҳам кўз ёшларимни тиёлмайман, кейин бирдан у мени ўпди ва қўли билан чўкинтириб қўйди. Бу нима ўзи, Алеша, сен менга айтиб бер-чи, бу қандайин чурвақа?

– Ракитин унинг олдига тез-тез қатнайдиған одат чиқарди, – жилмайди Алеша, – дарвоқе... бу Ракитиннинг иши эмас. Кеча акамнинг олдига борганим йўқ, бугун бораман.

– Йўқ, бу Ракитин эмас, уни укаси Иван Федорович кўзғаяпти, унинг олдига бориб турибди, ана шу... – деб оғзидан чиқиб кетди Грушеньканинг ва бирдан тилини тишлаб қолди. Алеша унга ҳайратланиб тикилди-қолди.

– Қанақасига бориб туради? Ахир, унинг олдига ҳеч борганми? Митя менга ўзи айтган, Иван бир марта ҳам келмади деб.

– Ҳўп... мен ана шунақаман-да! Оғзим бўш! – хижолатдан кип-қизариб хитоб қилди Грушенька. – Тўхта, Алеша, жим бўл, ҳамон оғзимдан чиқиб кетган экан, энди тўғриси айтиб қўя қоламан: Иван унинг олдига икки марта борди, биринчи марта – эндигина Масковдан қайтиб келганида, мен унда ҳали ётиб қолмаганим; иккинчи маротаба бир ҳафта аввал борди. Митяга келганини сенга айтмасликни тайинлаган, айтиб юрма, умуман, ҳеч кимга айта кўрма деган, яширинча борган.

Алеша теран хаёлга чўмганча ўтирар, нималарнидир фикрларди. Бу хабар уни лол қилиб қўйганди.

– Иван акам Митянинг иши бўйича мен билан гаплашмайди, – деди у оҳиста, – умуман, кейинги икки ой мобайнида мен билан жуда кам гаплашди, олдига кўргани борсам, келганимдан норози бўлаверди, шунинг учун уч ҳафтадан бери унинг олдига бормай қўйдим. Ҳм... Агар бир ҳафта аввал борган бўлса, унда... шу ҳафта мобайнида Митя ҳақиқатан қандайдир ўзгариб қолди...

– Ўзгариш, ўзгариш!... – тез илиб кетди Грушенька. – Уларнинг бир сир бор, сир тутишяпти! Митянинг ўзи менга айтди сир деб. Бу шунақанги сирки, Митя ҳеч тинчимай безовта бўляпти. Ахир, у аввал жуда қувноқ эди, ҳозир ҳам қувноқ, фақат биласанми, у бошини сарак-сарак қилиб хонанинг у ёғидан-бу ёғига бориб кела бошлаганда, манави ўнг бармоғи билан чаккасидаги сочларини қавлаб тўзғитганда, ана унда биламан юрагини нималардир тирнаётганини... биламан, ҳа... Бўлмаса, у қувноқ ўзи, бугун ҳам қувноқ эди!

– Сен уни тажанг деб айтдинг-ку?

– Ҳа, тажанг ва шу билан бирга кувнок. У ўзи доим тажанг, бу бирпас давом этади, холос, кейин яна кувнок бўлиб қолади, кейин яна тажанглиги тутади. Биласанми, Алеша, мен доим унга хайрон қоламан: олдинда шунча кўркинчли ишлар қалашиб ётибди, у эса баъзан арзимаган нарсалардан хохолаб кулгани-кулган, худди ўзи ҳам чурвакага ўхшайди.

– У менга Иван ҳақида гапирмасликни тайинлагани тўғрими? Шундай деб айтдими, гапирма дедими?

– Худди шундай, гапирма деди. Митя ўзи ҳаммадан ҳам сендан кўпроқ кўркади. Шунинг учун сир тутади гапини, ўз оғзи билан айтди, сир деди... Алеша, азизим, ўзинг бориб билиб кел қанақа сирлари бор экан, кейин келиб менга айтиб берасан, – чўччайиб ёлворди бирдан Грушенька, – менинг азобимни енгиллат, кўнглимга таскин бер, ахийри билай мен бу куриб кеткур қисматимни! Сени шунинг учун чақирдим.

– Нима, сен ҳақингда бирор гап-сўз бор деб ўйлайсанми? Унда сенинг олдингда сир тўғрисида гап очмаган бўларди.

– Билмадим. Балки менга айтишни хоҳлар, лекин журъати етмас. Фақат огоҳлантиради, сир бор, лекин қандай сирлигини билдирмайди.

– Сен ўзинг нима деб ўйлайсан?

– Нима деб ўйлардим? Мен тугаб битдим, шекилли, шуни ўйлайман. Улар учовлари мени тамом қилишмоқчи, чунки ўртада Катька турибди. Ҳаммаси Катькадан, унинг иши. “Ундоғу мундоқ”, демак, мен ундок эмасман. Митя буни олдиндан айтиб қўйяпти, олдиндан огоҳлантиряпти. У мени ташлаб кетмоқчи, ҳамма сир мана шунда! Буни учовлари – Митька, Катька, Иван Федорович ўйлаб топишган. Алеша, мен сендан анчадан бери сўрамоқчи бўлиб юраман: бир ҳафта бурун у бирдан менга Иван Катькани севиб қолибди, деган гапни айтди, Катьканинг олдига тез-тез бориб турармиш. Шу гап ростми, йўқми? Виждонан айт, мени пичокла.

– Сени алдамайман. Иван Катерина Ивановнани севмайди, менимча, шундай.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим! Уятсиз мени алдаяпти, ана шунақа! У кейин менга ағдаради, шунинг учун мени рашк қиляпти. Ахир, у тентак, ахир, у орқасини ёпиб юролмайди, ҳамма нарсаси очиқ-сочиқ... Фақат мен унга, фақат мен унга!.. “Сен мен ўлдирганимга ишонасан-ку”, дейди, менга-я, у буни менинг юзимга соляпти! Майли, худо хайрини берсин! Ҳали шошмай турсин, анави Катькага суд пайтида ёмон бўлади, жонини оламан! У ерда биттагина сўз айтаман... У ерда ҳаммасини айтаман!

У яна аччиқ-аччиқ йиғлади.

– Сенга бир нарсани катъий айтишим мумкин, Грушенька, – деди ўрнидан кўзғалатуриб Алеша, – аввало шуки, у сени севади, дунёда ҳаммадан ҳам сени яхши кўради ва фақат сени дейди, гапимга ишон. Мен биламан. Яхши биламан. Иккинчидан, сенга айтиб қўяй: мен ундан сирини сўраб-суриштириб ўтирмайман, агар бугун менга оғиз очса, унга тўғриси айтман: буни сенга билдиришимни маълум қиламан. Унда шу бугуноқ келиб сенга айтаман. Фақат... менимча... бунинг Катерина Ивановнага алоқаси йўқ, асло; бу сир бошқа бир нарса устида бўлса керак дейман. Эҳтимол шундайдир. Ҳеч Катерина Ивановна тўғрисида эмасга ўхшайди, менга шундай туюляпти. Энди ҳозирча хайр-хўш!

Алеша унинг қўлини сикиб қўйди. Грушенька ҳамон кўзёшларини тўкарди. У Алешанинг таскинларига ишонмаганлиги шундоқ кўриниб

турар, аммо юрагини бўшатиб олганлиги, дардисарини ёзганлигининг ўзи ҳам унга енгиллик келтирган эди. Алеша уни шу аҳволда ташлаб кетаётганига ачинарди, аммо у шошиларди. Олдинда иш-юмуш кўп.

## II

## ОЁҚЧАСИ ОҒРИЙДИ

Зудлик билан қилинадиган юмушлардан бири Хохлакова хонимнинг уйига кириб ўтиш эди. У Митянинг олдига кечикмаслик учун шу ёкка шошилди. Хохлакова хоним уч ҳафтадан буён тоби қочиб ётарди, унинг негадир оёғи шишиб кетди, хоним гарчи ўрин-тўшак қилиб олмаган бўлсалар-да, озода-ораста кийимларда ўз хосхоналарида кушеткада ён-бошлаб ётарди. Алеша бир сафар мийиғида маъсумгина жилмайиб, Хохлакова хоним гарчи бетоб бўлсалар-да, ғоятда пўрим кийинадилар деб назаридан ўтказиб қўйди. Мўъжаз латта-путталар, тасмачалар, этакчалар атрофларида тўлиб кетганди, Алеша нимага шундай экан-а, деб хаёлидан ўтказар ва яна шу заҳоти бундай бекорчи ўйларни ўзидан нари қуварди. Кейинги икки ой ичида Хохлакова хонимни бошқа меҳмонлар қаторида ёш мансабдор йигит Перхотин ҳам тез-тез йўқлаб турарди. Алешанинг бу ерга келмаганига тўрт кунча бўлиб қолган, у уйга кирган заҳоти тўғри Лизанинг хонасига ўтишга шошилди, зеро, аввал уни кўрмоқчи эди. Бинобарин Лиза хизматкор қизчани юбориб, “жуда зарур иш” туфайли пайсалга солмай, албатта, ўз олдига кириб ўтишни тайинлаганди, бу баъзи бир сабабларга кўра Алешани ғоятда қизиқтириб қўйганди. Бироқ хизматкор то унинг келганини кириб айтгунча, Хохлакова хоним йигитчанинг шу ерда эканидан қандайдир хабардор бўлиб, дарҳол ўз хузурига кириб ўтишини сўраб одам жўнатди. “Фақат бир дақиқага, холос”, деб писанда ҳам қилибди. Алеша, яхшиси, олдин ойисининг илтимосини бажара қолай, бўлмаса Лиза қошида ўтирганимда тинмай одам жўнатаверади, деб ўйлади. Хохлакова хоним қандайдир байрамона ясан-тусан қилиб юмшоқ кушетка ўриндиқда ётар, у қандайдир асабий, ҳаяжонли ҳолатни бошидан кечираётганга ўхшарди. Алешани шодон қийқириб кутиб олди.

– Сизни бир аср, бир аср бўлди кўрмаганимга! Бир ҳафта йўқламадингиз, ох, бор-йўғи тўрт кунгина бўлди-я, эмасам, чоршанба эдими. Ёсени йўқлаб келибсиз-да, ишончим комил, унинг олдига оёқ учида юриб ўтиб кетмоқчи бўлдингиз, мени эшитмасин деддингиз. Азизим, азизим, Алексей Федорович, у мени қанчалар ташвишга солаётганини билсангиз эди! Аммо бу ҳақда кейин. Бу ғоятда муҳим бўлса-да, аммо кейин. Азиз Алексей Федорович, мен сизга Лизамни тўла ишонаман. Валий ота Зосиманинг ўлиmidан сўнг, худо уни раҳматига олсин (у чўқиниб қўйди), у зоти муборак ўтганидан сўнг мен сизга худди авлиёдай қарайман, сиз оҳорли либосларда чиройли бўлиб юрганингиздан қатъи назар. Бундай зўр уста тикувчини қаердан топдингиз? Аммо, йўқ, йўқ, муҳими бу эмас, бу кейин. Мен баъзан сизни оддий қилиб Алеша деб чақираман, маъзур кўринг, мен кампир бўлиб қолдим, баъзан ҳақим бор, – ишва-ноз қилиб кулди у, – лекин бу ҳам кейин. Муҳими, мен энг муҳимини унутиб қўймасам бўлди. Барака топинг, мен ўзимдан кетиб қолсам, албатта, эсимга солинг: “Қани муҳими?” денг. Ох, мен энди қаердан билай муҳими нима эканлигини!

Lise ўзининг сизга берган ваъдасини қайтариб олгандан сўнг – биласиз, Алексей Федорович, сизга турмушга чиқиш унинг болаларча орзуси эди, холос – сиз бу хаста қизчанинг хаста хаёли эканлигини яхши тушуниб етдингиз, ахир у ногирон бўлиб аравачада озмунча ўтирдими, худога шукур, энди тузалди, ўзи юриб кетди. Катя сизнинг шўрлик акангиз учун Масковдан чақиртирган анави доктор... акангиз бечоранинг эртага суди-я?.. Хўп, нима бўлади эртага! Мен эртага нима бўлади деб ўйлаб ўлай деяпман! Мен қизиқмай ўла қолай... Қисқаси, ўша доктор бизникига келди ва Lisени кўрди... Келиб кўргани учун мен унга элик рубль тўладим. Аммо бу эмас, яна тагин бу эмас... Кўряпсизми, яна гапимдан чалғиб кетдим. Ичимга сиғмаяпман. Нега сиғмаяпман ичимга? Билмадим. Жуда ёмон билмасвой бўлиб қолдим. Ҳаммаси келиб бўғзимда бир тугунча бўлиб туриб қолди. Мен сиз ҳозир шартта ўрнингиздан туриб кетиб қоласиз деб жоним ҳалак, ана ундан сўнг сизни яна қаердан топаман? О, худойим-ей! Нега биз бундоқ ўтирибмиз, биринчидан – қаҳва, Юлия, Глафира, қаҳва!

Алеша шошиб раҳмат айтди ва ҳозиргина қаҳва ичдим деди.

– Қаерда?

– Аграфена Александровнанинг хузурида.

– Анув... анув қизнинг олдидами? Ох, ҳаммани у адойи тамом қилди, айтганча, билмадим, у авлиё бўлиб қолганмиш дейишади, кеч эмасмикин. Аввал керак бўлганда қилса яхши эди, энди бундан нима фойда? Жим бўлинг, жим бўлинг, Алексей Федорович, чунки мен шунчалар кўп гапларни айтмоқчиманки, қарасам, ҳеч вақони айтолмайдиганга ўхшайман. Бу даҳшатли суд... мен, албатта, бораман, тайёргарлик кўряпман, юмшок креслода олиб киришади, мен ўтиришим мумкин, атрофимда одамларим бўлади, сиз ахир, биласиз-ку, мен гувоҳларданман. Бир сўзлай, бир сўзлай! Мен нима дейишимни билмайман. Қасамёд қабул қилиш керак-ку ахир, шундай эмасми, шундайми?

– Шундай-ку-я, лекин билмадим, боришингиз шартмикин.

– Мен ўтириб тураман, ох, сиз мени чалғитиб юбордингиз! Бу суд, бу ваҳший қилик, кейин ҳамма Сибирга жўнаяпти, баъзилар уйланишяпти, бариси жуда тез ва бариси ўзгаряпти, ниҳоят, охири ҳеч нарса, ҳаммаси қари-қартанглар, икки кўзлари тобутда. Э, майли, мен чарчадим. Анув Катя – *cette charmante personne*<sup>1</sup> менинг барча умидларимни чилпарчин қилди: у энди битта акангизнинг орқасидан Сибирга боради, бошқа бир акангиз унинг кетидан жўнайди, бошқа қўшни шаҳарда туради ва ҳаммалари бир-бирларини қонини ичишади. Мен шуларни ўйлаб жинни бўлиб қолаяпман, энг муҳими, овозанинг тарқалганини қаранг: Масков ва Петербургнинг барча газеталари миллион марталаб ёзишяпти. Ох, қаранг, мени ҳам ёзиб чиқишибди, мен акангизнинг “азиз дўсти” эканман, мен ифлос бир сўзни айтгим келмаяпти, қаранг ахир, ўзингиз қаранг!

– Бундай бўлиши мумкин эмас! Қаерда, қандай ёзишибди?

– Ҳозир кўрсатаман. Кеча олдим – кечанинг ўзида ўқиб чиқдим. Мана, Петербургда чиқадиған “Слухи” деган газета. Бу газета шу йилдан чиқа бошлади, мен шов-шувларни ёмон яхши кўраман, қаранг, шу газетага ёзилдим, бошимга орттириб олдим: шов-шувлар ана шунақа бўларканда. Манави ерда, ана шу, ўқинг.

У Алешага ёстиқнинг тагидаги газетани олиб узатди.

<sup>1</sup> Бу латофатли зот (франц.).

Унинг холи ғоятда паришон, бағри чилпора, ҳақиқатан, буларнинг ҳаммаси унинг бошида бир тугунга айланган эди. Газета хабари жуда ўзига яраша бўлиб, чамаси, хонимнинг китик пастига қаттиқ текканди. Лекин хонимнинг омади бор эканми, шу дақиқаларда хаёлини бир нуқтага жамлаб ололмас, шунинг учун бир сониядан сўнг ҳатто газетанинг ўзини ҳам унутиб кўяр ва диққати бутунлай бошқа бир нарсага оғарди. Даҳшатли воқеа ҳақида бутун Россияда шов-шув кўтарилганини Алеша анчадан бери биларди, ох, худойим, кейинги икки ой ичида қанчадан-қанча асло куракда турмайдиган хабару мақолаларни кўрмади дейсиз, уларнинг ичида акаси, умуман, Карамазовлар ҳақида тўғри ёзилганлари ҳам йўқ эмасди, яна ўзи тўғрисида ҳам нима-нималарни ўқимади шу пайт ичида. Бир газетада ҳатто у акасининг жиноятдан сўнг кўрққанидан мияси айниб, хилватга яшириниб олди, деб ёзилганди; бошқасида буни рад этишар, у, аксинча, ўзининг устози қария Зосима билан монастир яшигини бузиб, қочиб кетишди деб битилганди. “Слухи” газетасидаги хабар эса “Кўйқўтонлидаги Карамазов иши” деб номланган (бизнинг шаҳарчамиз, таассуфки, мана шундай аталар, мен анчадан буён унинг номини яшириб келмоқда эдим). Хабарнинг ўзи қисқагина бўлиб, Хохлакова хоним борасида унда ҳеч нарса деб ёзилмаган, умуман, барча исмлар яширилганди. Хабарда айтилишича, суд қилинувчи – доврўғи дoston бўлган жиноятчи ҳарбий хизматдан истеъфога чиққан капитан бўлиб, ўтакетган сурбет, танбал ва крепостник, ошиқ-маъшукликка ишқибоз, айниқса, “бекорчиликдан зерикиб ўтирган баъзи хонимларни йўлдан урар”, ҳоли-жонига қўймас экан. Шундай “бекорчиликдан зерикиб ўтирган”, “ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган”, олдида бўй етган кизи турган хонимлардан бири собиқ капитанга шунчалар илакишиб қолибдирки, жиноят содир бўлмасидан икки соат олдин капитанга уч минг рубль таклиф этиб, Сибирнинг олтин конларига мен билан бирга қочиб кетасан, дея оёқ тираб туриб олган. Аммо золим бунинг ўрнига отасини ўлдириб, унинг уч минг гини ўмаришни афзал кўрган, Сибирга бориш ўрнига шу ернинг ўзида таралла-ялло қилиб, ўзининг зерикиб ўлай деб юрган, қиркка кириб тийилмаган бекорчи маъшуқаси билан айшу ишратда бўлишни маъқул кўрган. Бу ўйинқароқ хабар одатдагидай падаркушликнинг ахлоқий тубанлиги борасидаги дарғазаб сўзлар билан яқунланар, ўтмиш крепостной хуқуқни қаттиқ қораларди. Алеша хабарни қизиқиб ўқиди-да, газетани буклаб, Хохлакова хонимга қайтариб берди.

– Ҳа, мен эканманми, кўрдингизми? – бидирлаб деди у яна, – ахир бу менман-ку, мен унга бир соат олдин олтин конларига жўнашни тавсия қилганман, ана энди “қирқ ёшли тийиқсиз” эмишман! Мен ахир шунини ўйлабманми? Буни у атай қилган! Мангу суд уни кечирсин, “қирқ ёшли тийиқсиз” деганини мен ҳам кечирдим, аммо бу биласизми... биласизми... ким? Бу сизнинг ошнангиз Ракитин.

– Эҳтимол, – деди Алеша, – лекин ҳеч нарса эшитмадим.

– Ўша, ўша! Эҳтимол-пехтимоли йўқ! Ахир, мен уни қувиб чиқарувдим... Сиз ахир биларсиз бунинг бутун тарихини?

– Сиз унга бошқа уйимга кадам қўйма, деганингизни биламан, лекин айнан нима учун... – мен буни сизнинг ўз оғзингиздан эшитганим йўқ.

– Унда ўзидан эшитибсиз-да! Нима, мени ёмон сўқяптими? Валдира-яптими?

– Ҳа, сўкиняпти, лекин у ҳаммани сўкиб юради. Аммо нимага ҳайдаганингизни унинг ўзидан эшитмадим. Умуман, мен у билан жуда кам учрашаман. Биз дўст эмасмиз.

– Майли, илож қанча, бунинг ҳаммасини сизга очик-ойдин айтиб бераман, тавба қилдим, чунки бу ерда битта чизикча бор, унга балки мен ўзим айбдорман. Фақат жуда кичкина, жуда кичкина чизикча, ҳаммадан ҳам майда, шундоқки, ҳатто йўк бўлса ҳам керак. Буни кўрингким, сиз азизим, – Хохлакова хоним бирдан шўх, ўйноки киёфага кирди, дудокларида ширин, балки сирли бир илжайиш зухур этди, – буни кўрингки, менинг шубҳам бор... сиз мени кечиринг, Алеша, сизга худди онадайман... о, йўк, йўк, аксинча, мен сизга худди ўзимнинг отамдай қараб... чунки бу ерда она сўзи сира ярашмайди... Худди валий қария Зосима қошига изхори дил учун боргандай сезаман ўзимни сизнинг олдингизда, энг тўғриси шу, ҳам ярашади: боя сизни авлиё дедим-ку – сизнинг ҳалиги шўрлик ошнангиз Ракитин (ох, худойим, мен ундан ортиқ хафа эмасман! Жаҳлим чикяпти, аламим келяпти, лекин унчалар эмас-да), хулласи калом денг, ана шу ёш йигитча бирдан менга ошиқ бўлиб қолибди, мен буни кейин, кейин сезиб қолдим, лекин бундан бир ойча илгари уйимга тез-тез келадиган бўлди, кунда-шунда, ўзи аввалдан ҳам танишлигимиз бор эди. Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўк... бирдан ярқ этиб миямга урди ва ажабланиб диққат билан эътибор бера бошладим. Биласизми, мен икки ойдан бери анави камтарин, одоб-икромли, жиддий ва муносиб ёш йигит Петр Ильич Перхотинни уйда қабул қила бошлагандим, у шу ерда хизмат қилади. Сиз ўзингиз ҳам уни кўп марта кўргансиз. Жиддий, муносиб йигит, тўғрими? У уч кунда бир келади, ҳар куни эмас (ҳар куни келса кошкийди), доим яхши кийинади ва умуман, мен ёшларни яхши кўраман, камтарин, истеъдодли, мана сизга ўхшаган ёшларни, Алеша, унинг ақли давлат ишларига бало, лафзи ҳам ширин, мен, албатта, албатта, уни қўллайман. У келажаги бор дипломат. У ўша кўркинчли кунда кечаси олдимга келиб мени сал бўлмаса ўлимдан кутқарди. Анави ошнангиз Ракитин эса доим этикда келади ва гиламда чўзилиб-судралиб юради... хулласи калом, у менга бир нарсаларни ишора ҳам қилишга тушди, бир марта эса кетатуриб қўлимни жуда қаттиқ қисди. Қўлимни шундай сиқиши билан бирдан оёғимда қаттиқ оғриқ турди. У илгари ҳам Петр Ильични уйимда кўрганди ва ишонасизми, уни нукул чимдийди, тинмай чимдийди, нима учундир унга ўкраяди, ғудранади. Мен эса икковларига қараб ўтираман, қани булар нима қиларкин дейман, ичимда эса куламан. Мана, бирдан бир ўзим ўтирибман денг. Йўк, унда ётган эканман, бир ўзим ётувдим, Михаил Иванович кутилмаганда келиб қолди, тасаввур қилинг, шиғир ёзиб келибди, қисқагина қилиб, менинг касал оёғимга бағишлабди, шиғирда касал оёғимни ёзибди. Тўхтанг, у мана бундай:

*Вой бу оёқ, вой бу оёқ,*

*Касал бўлиб қолди чатоқ... –*

яна нимайдиям – шиғир ҳеч эсимда турмайди-да, – қайдадир ётувди шу ерда, майли, сизга кейин кўрсатаман, жуда антиқа, антиқа денг, биласизми, яна фақат оёқ ҳақидагина эмас, ахлокий ғояси ҳам йўк эмас курғурнинг, жуда ширин, фақат эсимдан чиқди, хулласи калом, дафтар-

га кўчириб оладиган. Мен, албатта, ташаккуримни билдирдим, унга эса бу жуда ёкиб тушди. Раҳмат айтиб бўлмасимдан бирдан Петр Ильич кириб қолди, Михаил Иванович эса бирдан тўрсайиб олди, зимистон дейсиз. Кўриб турибман-ку Петр Ильич унга нимагадир халал берди. Чунки Михаил Иванович шиғирдан кейин қандайдир бир сўз айтмоқчи бўлганми, хойнахой, мен-ку буни сезиб турган эдим, ана шунда Петр Ильич қутилмаганда кириб қолсами денг. Мен бирдан Петр Ильичга шиғирни кўрсатдим, лекин ким ёзганини айтмадим. Аммо ишончим комил, ишончим комил, у дарров фахмлади, лекин ҳозиргача буни тан олмайди, мен дейди, ким ёзганлигини билганим йўқ; атай шундай деяпти. Петр Ильич ўша заҳоти хохолаб қулиб юборди ва танқид қила бошлади: икки пулга қиммат шиғир, биронта талабача ёзгандир-да дейди, яна шунча қизишиб-қизишиб айтади денг! Ана шунда сизнинг ошнангиз қулишнинг ўрнига батамом қутуриб кетса бўладими... Ох, худойим, уришиб қолишадими, деб ўйладим. “Буни мен ёзганман, деб бақиради. Бу ҳазил шеър дейди, чунки дейди, шеър ёзишни пасткашлик деб биламан... Фақат менинг шеърим яхши. Сизнинг Пушкинингизга оёқчалар ҳақида шеър ёзганига ҳайкал қўйишмоқчи, менинг шеъримнинг эса йўналиши бор, э, сиз ўзингиз крепостниксиз; сизда ҳеч қандай одамийликдан асар ҳам йўқ, сиз ҳозирги маърифатли хиссиётларни мутлако тушунмайсиз, сиз тараққиётдан бир чеккада қолиб кетгансиз, сиз бир амалдорсиз ва порахўрсиз дейди!” Шу ерга келганда мен ўртага тушиб бақирдим, уларга ялиниб-ёлвордим. Биласиз-ку, Петр Ильич унақа кўрқок эмас, бирдан жуда олижаноб муомалага ўтди; унга қулимсираб боқди, қулок солиб туриб, кечирим сўради: “Мен билмабман, – деди, – агар билганимда гапирмаган бўлардим, мен мактардим... Шоирлар ҳаммаси шунақа таянган бўлишади”. Қулгисини олижаноблиги остига яширди. Буни кейин менга унинг ўзи тушунтириб берди, ҳаммаси киноя эди деди, мен эса ҳақиқатан шундай бўлса керак деб ўйладим. Фақат мен мана шундай сизнинг олдингизда ётгандай ётувдим, нуқул ўйлайман: Михаил Ивановични менинг уйимдаги меҳмонимга кичкиргани учун қувиб чиқарсам, бу олижанобликдан бўладими ёки бўлмайдими? Ишонасизми, мана шундай ётибман, кўзларимни чирт юмиб олганман: олижаноблик бўладими, бўлмайдими, дейман нуқул, ҳеч ҳал қилолмайман, ҳеч, қийналиб кетдим, қийналиб, юрагим гурсиллаб уради: кичкирайми, йўқми? Ичимдан бир овоз кичкир дейди, бошқаси йўқ, кичкирма дейди! Шу бошқа овоз келган заҳоти мен кичкириб юбордим ва бирдан ҳушимдан кетиб қолдим. Тўстўполон бўлиб кетди. Бирдан ўрнимдан сакраб турдим-да, Михаил Ивановичга дедим: аччиқ бир гапни сизга айтишга мажбурман, аммо чиқиб кетинг менинг уйимдан. Шундай ҳайдаб юбордим. Ох, Алексей Федорович! Биламан, чатоқ иш қилиб қўйдим, мен ёлғон гапирдим, ундан сира жаҳлим чиққани йўқ эди, лекин бирдан бу нарса жуда яхши чикса керак деб ўйладим, нима дейсиз... Фақат ишонасизми, бу нарса жуда табиий, чиройли чиқди, чунки мен ҳатто таъсирланиб йиғлаб юбордим ва бир неча кунгача йиғлаб юрдим, кейин бирдан тушлиқдан сўнг ҳаммаси эсимдан чиқиб кетди. Мана энди икки ҳафтадан бери қорасини кўрсатмайди, наҳотки энди бутунлай келмай қўйса-я, деб ўйлаб ҳам қўяман? Булар кеча бўлган воқеалар, кейин бирдан кечга яқин манави “Слухи” келиб қолса бўладими. Ўқидиму ох, деб юбордим, ким ёздийкин буни, худди унинг

ўзи ёзган, уйга келувди-ку, ўтириб ёзиб ташлаган-да, алқисса, жўнатгану босиб чиқаришган-да дедим. Ахир, унга ҳам икки ҳафта бўлди-да. Фақат, Алеша, менинг бу гапларим бари васваса, умуман, нимани гапирмаслигим керак? Ох, ўзидан-ўзи гап келаверади!

– Мен акамнинг олдига кечга қолмай боришим керак эди, – бидирлагандай бўлди Алеша.

– Айнан, айнан! Сиз яхши эслатдингиз менга! Кулок солинг, бу аффект дегани нима?

– Қанақа аффект? – хайрон бўлди Алеша.

– Суд аффекти. Судда уни деб ҳаммасини кечиришармиш. Нима килманг – ҳаммасини кечиришармиш.

– Сиз ўзи нималар деяпсиз?

– Нима дердим, анави Катя... Ох, бу жонон, жонон киз, фақат ўла қолай билсам, у кимни севади. Яқинда уйимга келди, юрагига қўл солиб ҳеч нарсани билолмадим. Бунинг устига мен билан жуда юзаки гаплашадиган бўлиб қолган, хулласи калом, соғлигимни сўрайди, бошқа ҳеч вако, шунақа индамай тураверади, кейин мен ўзимга айтдим: бўпти, майли, худо хайрингизни берсин... Ох, ҳа, ўша аффект: анави доктор келди. Сиз доктор келганини биласизми? Билмаслигингиз мумкин эмас, у ақлдан озганларни биларкан, сиз ўзингиз чақиртирдингиз-ку, яъни сиз эмас, Катя. Ҳаммаси Катя! Буни қарангким, бир одам ўтирибди, сираям ақлдан озган эмас, бир қараб қўйсангиз, унда бари аффект бўлиб чиқади бирдан. Унинг эс-хуши жойида, нима қилаётганини билади, ҳолбуки, аффект. Мана шу Дмитрий Федорович билан ҳам аффект бўлса керак балки. Буни янги судлар кашф қилишибди, ҳозир аффект нималигини билиб қолишибди. Бу янги судларнинг яхши томони. Доктор билан гаплашдим, мендан ўша кеча ҳақида сўради. Олтин конларидан гап очди, ўша кечада у ўзини қандай тутганини суриштирди. Аффект дегани шудир-да – келиб менга қичқиради: уч минг бер дейди, уч минг, кейин бориб ўлдирган-қўйган бирдан. Уни худди мана шунинг учун кечириб юборишади, хоҳламай туриб ўлдирган дейишади.

– Э, у ахир ўлдирмаган, – бироз кескинлик билан унинг гапини бўлди Алеша. Унда безовталиқ ва сабрсизлик тобора ортиб борарди.

– Биламан, уни анави қари Григорий ўлдирган...

– Қанақасига Григорий? – қичқирди Алеша.

– Ўша, ўша Григорий. Дмитрий Федорович ургандан кейин ағдарилиб ётган, сўнг ўрнидан турган, қарасаки, унинг эшиги очик, шартта бориб Федор Павловични ўлдирган-қўйган.

– Нимага? Нимага?

– Аффект-зарб олган-да. Дмитрий Федорович унинг бошига ургандан сўнг, у аффект олиб, кейин кўзини очиб, сўнг бориб ўлдирган. Ўзи мен ўлдирмадим деб турган бўлса ҳам, буни у эслолмайди-да. Фақат мана ўзингиз қаранг: агар Дмитрий Федорович ўлдирган бўлса, яхши бўлади, анча яхши бўлади. Э, ўзи шундай бўлган, ҳолбуки, мен Григорий деяпман, лекин бу Дмитрий Федорович бўлса керак, бу жуда яхши, анча яхши! Яхши деганим ўғли отасини ўлдиргани учун эмас, мен мактамайман, болалар, аксинча, ота-онани ҳурмат қилиши лозим, агар котил у бўлиб чиқса, барибир, бу яхши, чунки бундай бўлган тақдирда йиғлаб ўтиришингизнинг ҳам ҳожати йўқ, чунки эс-хуши жойида бўлмай

ўлдирган ёки ҳаммаси эсида бўлса ҳам, қандай қилиб бундай бўлганини билмай қолган. Йўқ, қўйинг, уни кечиришсин; бу шунақа инсонпарварликки, янги судларнинг яхшилигини ҳамма кўрсин, мен эса билмас эканман, айтишларича, бунга анча вақт бўлибди, мен кеча билиб қолдим ва жуда хайратга тушдим, дарров сизга одам юбормоқчи бўлдим; кейин уни кечиришса, суддан тўғри менинг уйимга олиб келишсин зиёфатга, танишларимни чакираман, сўнг биз янги судлар учун қадах кўтарамиз. Уни хавфли одам деб ўйламайман, боз устига мен кўп меҳмонлар чакираман, агар у бирон ишқал чиқармоқчи бўлса, чиқариб юборишга қурбимиз етади. Кейин у бошқа бир шаҳарга бориб қози бўлиб ишлаши мумкин ёки бошқа бир иш, чунки бошидан кўп бахтсизликларни ўтказган кишилар ҳаммадан кўра яхшироқ суд қиладилар. Энг муҳими, ҳозир ким аффектда эмас, мен, сиз – ҳаммамиз аффектдамыз, қанчадан-қанча мисоллар бор: бир одам ўтириб ашула айтяпти, бирдан унга бирон нарса ёқмай қолади, тўппончани олади-ю дуч келган одамни отиб ташлайди, ана ундан кейин уни кечиришади. Яқинда мен буни ўқидим, барча докторлар буни тасдиқлашган экан. Докторлар энди тасдиқлашади, ҳамма нарсани тасдиқлашади. Билсангиз, Lise жазава-аффектда, кеча уни ўйлаб роса йиғладим, уч кун илгари ҳам йиғладим, мана бугун алоҳа тушундимки, у аффектда экан. Lise мени, оҳ, хафа қиляпти! Унинг мияси бутунлай чалқашиб кетган деб ўйлайман. У сизни нега чақирибди? У сизни чақирдимми ё ўзингиз келдингизми?

– Ҳа, у мени чақирган, ҳозир ёнига бораман, – қатъият билан ўрнидан тура бошлади Алеша.

– Оҳ, азиз, азиз Алексей Федорович, энг муҳими ана шу ерда бўлса керак, – чинқириб юборди хоним Хохлакова бирдан йиғи-сиғи бошлаб. – Худойим кўриб турибди, мен сизга Lisени ишониб топширганман. Майли, ҳечқиси йўқ агарда у сизни онасига айтмай чақирган бўлса. Лекин акангиз Иван Федоровичга мен қизимни бунчалар осонлик билан ишонмасдим, мени кечиринг. Шунга қарамасдан, мен у кишимни энг асл валломат йигит деб ҳисоблаб келаман. Буни қарангки, у кутилмаганда Lise олдига келибди, мен эсам бундан тамом беҳабарман.

– Қандай? Нима? Қачон? – батамом хайратланди Алеша. У энди бўлаётган гапларни тик оёқда туриб эшитарди.

– Сизга айтиб бераман, сизни балки айни шунинг учун чақиргандирман, чунки энди сизни нимага чақирганимни ҳатто билолмай қолдим. Гап бундай: Иван Федорович Масковдан қайтгандан кейин икки марта меникига келди, биринчи марта таниш-билишчилик учун келди, яқинда эса у Катя менинг олдимда ўтирганини билиб қолиб келди. Ростини айтсам, унинг келишига кўз тутганим ҳам йўқ эди, ташвиши бошидан ортиб ётганлигини биламан, – *vous comprenez cette affaire et la mort terrible de votre papa*<sup>1</sup> – ҳозиргина яна билиб қолдим, у тагин келибди, менинг олдимга эмас, Lisega, бунга олти кун бўлди, келиб беш дақиқа ўтириб, кейин кетибди. Буни уч кундан кейин Глафирадан эшитдим, бундан лол бўлиб қолдим. Дарров Лизани чақирдим, у эса нуқул кулади, сизни ухлаб ётибди деб ўйлабди, менинг олдимга сизнинг соғлигингизни сўрагани кирди, дейди. Албатта, бу шундай бўлгандир. Фақат, Лиза, Лиза мени қанчалар хафа қиляпти, оҳ, худойим! Ўзингиз тасаввур қилинг бир кечани – бун-

<sup>1</sup> Биласизми, бу иш ва отангизнинг даҳшатли ўлими (франц.).

га тўрт кун бўлди – сиз охирги марта келиб кетган эдингиз, бирдан кечаси тутқаноқ тутса бўладими, бакир-чакир, дод-вой, жазава! Нега мен ҳеч қачон жазавага тушмайман? Эртасига тутқаноқ, кейин яна учинчи кун, яна кеча, мана кеча ўша аффе́кт бўлди. Лиза бирдан менга кичкира бошлади: “Мен Иван Федоровични ёмон кўраман, уни уйга киритмас-лигингизни талаб қиламан, келмасин уйимизга!” Мен томдан тараша тушгандай бу гапдан анг-танг бўлиб қотдим ва унга эътироз билдирдим: қандай қилиб шундай муносиб йигитни уйдан қуваман, у шундоқ билимдон, бошига шундоқ ишлар тушган, бу воқеаларнинг ҳаммаси бахтсизликдан бошқа нарса эмас, бахт бунақа бўлмайди, тўғрими? У бирдан менинг сўзларим устидан қаҳ-қаҳ отиб кулди, биласизми, одамга жуда ҳақоратли туюларкан. Унинг кулгисини келтирганимдан қувондим, енгиллик бўлар, деб ўйладим, энди тутқаноқлари ҳам балки ўтиб кетар, бунинг устига, ўзим Иван Федоровичга айтиб, розилигимсиз уйимга келиб-кетаётганини тушунтириб беришини сўрамоқчи ва бу ғалати келиб-кетишларга барҳам бермоқчийдим. Мана бугун эрталаб Лиза уйқудан туриб, Юлиядан жаҳли чиқибди-да, юзига шапалоқ тортиб юборибди, бир тасаввур қилинг-а. Аммо бу жуда даҳшат-ку, а, мен ходима қизларимнинг хурматини сақлайман, уларни сизлаб гапираман. Энди қаранг, у бир соатдан кейин Юлиянинг оёқларини кучоқлаб ўпармиш, бағрига босармиш. Менга эса энди сизнинг олдингизга ҳеч ҳам бормаيمان, деб айттириб юборибди, мен ўзим унинг олдига судралиб бордим, бўйнимга осилиб йиғлаб ўпди, ўпиб-ўпиб бир оғиз сўз демай, эшикдан итариб чиқариб юборди, ҳеч нарсадан хабарим бўлмай қолавердим. Энди азиз Алексей Федорович, бутун умидим сиздан, бутун тақдирим сизнинг қўлингизда. Лизанинг олдига боринг, илтимос қиламан, ҳаммасини билиб келинг, буни фақат сизгина эплай оласиз, кейин менга барини айтиб беринг, мен, онага айтиб беринг, чунки сиз жуда яхши тушунасиз, агар яна шундай давом этаверса, ўлиб қоламан, ўламан ёки уйни ташлаб кочиб кетаман. Энди бошқа чидолмайман, сабр-тоқатим ўзимга етарли, лекин сабр косам тўлиб кетиши мумкин, ана унда... ана унда ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетади. Оҳ, худойим, ниҳоят Петр Ильич келдилар! – кичкириб юборди, бирдан ял-ял очилиб Хохлакова хоним Петр Ильич Перхотиннинг кириб келаётганини кўриб. – Кечикдингиз, кечикдингиз! Хўш, қалай? Ўтиринг, гапиринг, тақдиримизни ҳал қилинг, нима бўлди анави адвокат? Алексей Федорович, ахир қаёққа кетяпсиз?

– Лизанинг олдига.

– Оҳ, ҳа-я! Сиздан илтимос қилганимни унутмайсизми, унутмайсизми? Бу тақдир, тақдир!

– Албатта, унутмайман, агар мумкин бўлса.... аммо жуда кечга қолдим, – деб тўнғиллади Алеша тезроқ хонадан чиқишга ошиқиб.

– “Мумкин бўлса” деманг, албатта, албатта, келинг, бўлмаса мен ўлиб қоламан! – деб Алешанинг орқасидан кичкириб қолди Хохлакова хоним, аммо Алеша аллақачон хонадан чиқиб кетганди.

*(Давоми келгуси сонда)*



## Шоҳ Исмоил ХАТОИЙ

(1486–1519)

Қадимий озарбайжончадан  
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ  
таржимаси

1486 йилда Ардабил шаҳрида шайх хонадонида туғилган. Шоҳ Исмоил Хатойй ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ўз ҳаётида салтанат ва ижодни мужассам этган шоирдир.

Оқ кўйинлилар ўртасида тахт учун кечган жангларда унинг лашкари ғалаба қилиб, сафавийлар салтанатини барпо этади. Табриз шаҳри шавкатли пойтахтга айланади. Аммо Исмоилнинг қалби ҳукмдорликдан кўра ижодга кўпроқ мойил эди. Вужуди шеърият ишқи билан ёнарди. Шу боис, бир йил ўтмаёқ, подшоҳликни ўғли Тахмасибга топширади ва ижодга астойдил киришади.

Ўша пайтда у бор-йўғи 37 ёшда эди. Ажабки, орадан бир йил ўтиб, ҳам ижодда, ҳам ҳаётда айни қайноқ, навқирон (38) ёшида вафот этади. Шунга қарамай у Озарбайжон мумтоз адабиётининг атоқли намояндасига айланиб улгурган эди...

Хатоййдан салмоқли ижодий мерос қолди. Туркум ғазаллари шоир Файзи Шоҳисмоилов томонидан ўзбек тилига ҳам ўгирилган эди. Биз ана шу хайрли ишни ҳоли қудрат давом эттириб, шоирнинг моҳиятан диний аммо тарбиявий аҳамиятга молик, сўфиёна руҳдаги асарларидан айримларини ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилдик. Сахву хатолари бўлса, Аллоҳнинг ўзи кечирсин.

**Таржимон**

\* \* \*

О дило, майли хуш кутולי дамни,  
Ким билар, келишин не алпоз била.  
Чекмоқ насибангда экан шу гамни,  
Ҳар нимаки келса, у Ҳақдан келар.

Сўфийдир кўролса аввал, охирни,  
Ва байъат-ла тутса бир вали пирни,  
Ҳеч йўқ бир йўлчини қўлидан тутиб,  
Тариқати сори йўллашни билар.

Ва яна биларки, дўстни, қардошни,  
Қора кунда ҳамдаму роз, сирдошни,  
Ҳақ йўлидан юра билмас йўлдошни,  
Бир пулга қиммат деб, сотмойи билар.



Кишики ҳалолдир, дили, юзи оқ,  
Ва яна кўнглининг беклигига боқ,  
Яратган ишиқида бўй-ла йиғларки,  
Қиёматнинг унга малолати йўқ.

Сўфий умидлидир Ёрдан айрилмас,  
Ноумид қалбларда Ҳабиби кулмас,  
Хонумон сарф этиб едирсанг билмас,  
Бундай зотлар элда ярамас келар.

Хатойй, бу дунё ўтругу фоний,  
Разм сол, илгари келганлар қани?  
Инжима, кофирни шодумон кўрсанг,  
Унинг-да бир куни урёни келар!

\* \* \*

Кўнгил, майли, қўй ранжима,  
Қолсин, кўнгил, йўл қолмасин!  
Авал-охир йўл қадимдир,  
Қолсин, кўнгил, йўл қолмасин!

Эранлар элнинг хосидир,  
Ким ёлгон айтди, осийдир,  
Бу, кўрганнинг дил розидир:  
Қолсин, кўнгил, йўл қолмасин!

Гунча лаб очмоғи гулдир,  
Ҳам чиройи бўлса – дилдир.  
Хослар келса йўл қадрли,  
Қолсин, кўнгил, йўл қолмасин!

Боши элнинг олтин тожи,  
Шудир, эранлар меърожи,  
Ҳақ йўлига йўллар очиб,  
Қолсин, кўнгил, йўл қолмасин!

Ай, девона, ай девона,  
Ошиқ бўлиб куйди, жон-а!  
Хатойй дер, Тоғли хона,  
Қолсин, кўнгил, йўл қолмасин!

\* \* \*

Баҳор насиймлари ила гўзалдир,  
Гул тиконда битса, булбул толдадир.  
Аюбнинг танида икки қурт қолди,  
Бири ипак тўқир, бири болдадир.

Кўнгилни босмасин шак ила гумон,  
Саййид Насимийга ҳулал шараф-шон.  
Тангри каломини билди нурафшон,  
Али Мадинада, Мусо Турдадир.

Ваҳдоният илмин Муҳаммад очди,  
Тариқати уза Али гул сочди,  
Дунёдан неча минг эранлар ўтди,  
Бари иттифоқда, Маҳдий йўлдадир.

Одаму Хотамнинг зоти Фазлуллоҳ,  
Ашёлар фазлининг оти сируллоҳ,  
Шаҳанишоҳи-кутби-олам зиллуллоҳ,  
Мўмин қалблар тотти гул кўнгилдадир.

Шоҳ Хатойй деюр: сиррингни ёйма,  
Беш вақт намозингни қазога қўйма,  
Бу ёлгон дунёни дунёга йўйма,  
Танинг таноширда, сирринг солдадир.

\* \* \*

Ҳақ йўлида элчи бўлайин десанг,  
Дилда айро маслак тутмагил асло.  
Дарвешлар либосин кияйин десанг,  
Бир илдингми, ечиб отмагил асло.

Новмиднинг богида гунча гул очмас,  
Ким комил йўлчидир гурбатдан қочмас,  
Иккита махлуқ бор, ҳаққа ноёрон,  
Кеккайма, кибрга кетмагил асло.

Кибрнинг аслию маслаги ёлгон,  
Ёлгоний маслаклар йўлларда қолган,  
Ҳаққа интилмогим чин бўлсин десанг,  
Кўринган ҳар йўлдан кетмагил асло.

Ҳўкиз ҳам наслини сўраб тўрайди,  
Қўй-қўзилар аслим дея барайди,  
Булбул тиконгулга қўниб сайрайди,  
Бурди айролиқда ўтмагил, асло.

Шоҳ Хатойй имом Жаъфар мухбири,  
Ўз Ҳаққи ёрони, Вайсулгарони.  
Ҳақнинг ёзгутидан ёдгор гуҳарни  
Ҳақсиз харидорга сотмагил, асло!

\* \* \*

Эранлар-да бўлар улардан ҳазир,  
Бун мусоҳиблар лавҳи ҳам ёзур,  
Уялмай ким сўрар минг карра узр,  
Бундайлар ила еб-ичганга лаънат.

Ақлдан айрилса, иқрорни кўйиб,  
Кўкси ҳаволаниб, нафсига тойиб,  
Фосиқлар кўйлагин дорларга ёйиб,  
Азозил тўнини бичганга лаънат.

Эламайин эранларнинг сўзини,  
Манманларга элдош бенгзаб ўзини,  
Ҳақ сўзлик аҳлидан буриб юзини,  
Азозил элига кўчганга лаънат.

Азал орифлардан келадир бу гап:  
Азозилда не айб, дилки хира таъб,  
Ҳамонки, лавҳини битди сакталаб,  
Ундайлар сўзига учганга лаънат!

\* \* \*

Оқ бошли ҳов тоққа айлагил назар,  
Сенинг чанқогинг деб эриб ётар қор.  
Равон сувларининг ибратига боқ,  
Эрни юзи билан эркалаб оқар.

Эй, қодир Худойим, Ўзинг қодирсан,  
Ҳар нега ки боқсам, унда ҳозирсан.  
Раҳмат соябонли буюк чодирсан,  
Нигоҳинг ҳар ердан, ҳар онда боқар.

Улуғ қуш сафларни сафарга бошлар,  
Ажаб, куйдирмагай уни қуёшлар.  
Бир замонлар мева туккан оғочлар,  
Чирийди, кесилар, эл уни ёқар.

Шоҳ Хатойий нолийверма ўзингдан,  
Дарвишларнинг ҳоли турсин кўзингда,  
Бўлар-бўлмас айтиб кетган сўзингда,  
Замоннинг кўнгли-ю, атвори ҳам бор!

## ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

Даги муштоғ эдим сен маҳлиқоя,  
Кўзим кўрди, кўнгил тушди хатоя.

Кўрдимки қай ондин сени жамолинг,  
Гирифтор ўлмишам юз минг балоя.

Тушди-ку, анбар-афшон кокилингдан,  
Сенингдак бир гули ҳамроя соя.

Солда-е наззора ҳолима ай, дўст,  
Қолдирма ошигинг оҳ ила воя.

Хатоли қулингман, раҳм айла эй ёр,  
Хатойни етурмагил хатоя.

\* \* \*

Эй мусулмонлар, асири-зулфи ёрам, тўғриси,  
Бу ситамворлик элида беқарорам, тўғриси.

Дердим ул дилбар ёнида эътиборим бор мани,  
Қанчалар қилдимки жаҳд, беътиборам, тўғриси.

Бу сабил жондан кечиб, қурбон ўлам жононима,  
Ул пари рухсорадан чўх шармисорам, тўғриси.

Шоҳ Хатой сайра чиқди, бузди хурлик қабрини,  
Бир илоҳий авфи қилким, тавбакорам, тўғриси.

## МУРАББАЪ

Бодаи васл аҳдида бир қилча қолди жонимиз,  
Етди олам тоқига то, нолаву афғонимиз.  
Оқди жолам ваҳ йўлингда дийдайи гирёнимиз,  
Қани, эй золим, сенинг-ла аҳд ила паймонимиз?

Беҳишти боғи жаҳонда, ошигам дийдорина,  
Мен даги бир булбули шўридаман гулзорина,  
Э, воҳки, ул ёрим вафо қилмади иқрорина,  
Қани, эй золим, сенинг-ла аҳд ила паймонимиз?

Ҳар қачонки жон шаробин шевайи нўш айладинг,  
Этганинг аҳду қароринг, хап, фаромуш айладинг,  
Чашими маҳмуринг-ла мен мискинни сархуш айладинг,  
Қани, эй золим, сенинг-ла аҳд ила паймонимиз?

Ул саҳобий рўйиданки, мунаввар рўйи жаҳон,  
 Меҳри-ла тўлсин меним моҳим замину осимон,  
 Гоҳи-гоҳда кўнглим учун айтдигинг қулли ёлон,  
 Қани, эй золим, сенинг-ла аҳд ила паймонимиз?

Абру борон кими йиғлар бул Хатойй зори зор,  
 Кўз ёшин шаҳди мудом дардини айлар ошикор,  
 Ҳар кеча кўйингда субҳи содиққача мен интизор,  
 Қани, эй золим, сенинг-ла аҳдимиз, паймонимиз?

## ҚАСИДАЛАР

Эй ки, йўқдан бу жаҳонни бор қилган парвардигор,  
 Еру олам кўкларин даввор қилган парвардигор,

“Кунту канз”и ояти васфида ўлмишидир нузул,  
 Борлигини “кун факон” иқрор этган парвардигор.  
 Жумлаи оламда сен кундан дағи зоҳир, вале,  
 Дилда доим отини Саттор этган парвардигор.

Мўминлара маскан қилиб, боғи-ризвонин наим,  
 Кофиру мункир ҳисобин хор этган парвардигор.

Жумла ашёлиғ кўзин гофил битиб тун кечалар,  
 Кўкда кавкаблар кўзин бедор этган парвардигор.

Бир қулини ўтда ёқиб, қилди фи-нари-сагар,  
 Бир қулини махрами асрор этган парвардигор.

Миср элида қул Юсуфни ногаҳон султон этиб,  
 Дард ила Ёқубини бемор этган парвардигор.

Юнусини дарёга зарқ, ем қилиб балиқларга,  
 Оташи Иброҳимин гулзор этган парвардигор.

Ёғдириб дарёга кўкдан, абру найсон ёмғирин,  
 Қатрасидан марварид шаҳвор этган парвардигор.

Анбиёлар ҳаққиға дарж этиб аъло мартаба,  
 Мустафони жумладан мухтор этган парвардигор.

Лутф айла бу Хатоййнинг ҳолина қилгил назар,  
 Ашк ичинда волайи-дийдор этган парвардигор.

\* \* \*

Ғунчадек лаълини хандон этдигинг, яъни ки, не?  
 Лаълидек бағрини пур қон этдигинг, яъни ки, не?

Қаро зулфин оқ юзи устида афшон айлабон,  
Қон дилим гамдан паришон этдигинг, яъни ки, не?

Қилмоқ учун тоза ҳуснин богин, эй сарви равон,  
Кўзимни кўйига кирган этдигинг, яъни ки, не?

Тўкмак учун қоними, бошим кесарга дамба-дам,  
Шаҳсуворим азми майдон этдигинг, яъни ки, не?

Маъшугин васли била бир кўнглини шод этмаюб,  
Бу ҳароб ободни вайрон этдигинг, яъни ки, не?

Гулишан ичра жилваланмишсан яна гаит этмага,  
Жон қушин тутқинда сайрон этдигинг, яъни ки, не?

Бетараҳҳум ҳар бало ўқинки отиб ҳар ёна,  
Лошимни қуришовда қолгон этдигинг, яъни ки, не?

Гарчи юз йил кўйида ён, меҳри йўқдир бир даме,  
Эй кўнгил сен мунча афгон этдигинг, яъни ки, не?

Оёгин чанги бўлай, дедимки мен, сен бўл дединг:  
Мушкулумни бўйла осон этдигинг, яъни ки, не?

Дил қушина донан ҳол узра дам этмиши сочин,  
Ёраб, они банди зиндон этдигинг, яъни ки, не?

Чун қиларсан менга минг атвор ила жавру жафо,  
Ашкини кўнглимда меҳмон этдигинг, яъни ки, не?

Оразини зулфлари бирла ҳижоб айлаб мудом,  
Ай, қуёш юзини пинҳон этдигинг, яъни ки, не?

Бир меҳр ила раҳми қилмай, қаҳри бирла ўлдируб,  
Бу банданга лутфинг эҳсон этдигинг, яъни ки, не?

Истамшики қатлими, мардона жон мужда вердим,  
Кўнгли кўксимни пешиман этдигинг, яъни ки, не?

Гунча гул хандон ўлиб, нарғиз-ла савсан битмаса,  
Оразин богин гулистон этдигинг, яъни ки, не?

Парда сендин кашф этиб, ул ёйди аҳмар юзина,  
Булбули оламда достон этдигинг, яъни ки, не?

Чунки жон вергунг гумон, умреки жонсиз жисмима,  
Суйи лаълин оби ҳайвон этдигинг, яъни ки, не?

Келгил эй, боди сабо, ул анбарафшон зулфида,  
Бу қамар даврида даврон этдигинг, яъни ки, не?

Истарамки бор гамдин фориг этарсан раҳм этиб,  
Кун-бакун дардинг фаравон этдигинг, яъни ки, не?

Лашкари ашкингни келтир, устима кўнглим тилар,  
Хонайи кўнглимни толон этдигинг, яъни ки, не?

Холларинг филфил, юзинг гул, лабларинг май, эй санам,  
Хатларингдан даста райҳон тутдигинг, яъни ки, не?

Баҳра дўнди жаврида, ашки нобим обиравон,  
Кўз ёшимдан бўйла уммон этдигинг, яъни ки, не?

Отмак учун бошими капток мисол, майдон аро,  
Қасд этиб зулфингни чавгон этдигинг, яъни ки, не?

Чунки зулматдан чиқолмас, кўнглими шаъми, аён,  
Сен уни шаъми-шабистон этдигинг, яъни ки, не?

Мен гадога йўқ-да раҳминг, баски эй жон, кўнглими  
Ашкининг тахтида султон этдигинг, яъни ки, не?

Бўлди замзам Каъбаи-васлин сафосиндан кўзим,  
Тоби дил, дардина дармон, этдигинг, яъни ки, не?

Ҳар устуннинг қасри-боғи, дилда жон миқдорини,  
Нисбати Ҳаннону Маннон этдигинг, яъни ки, не?

Бу Хатойи кўнглини, эй нарғизи жоду нигор,  
Ўзинга сеҳр ила ҳайрон этдигинг, яъни ки, не?

## РУБОИЙ

Бу Хатойи банданинг кўр ҳолини,  
Ким йўлига қўйди бошу молини.  
Пургуноҳман, таъна қилма зоҳида  
Бандасининг ҳар билур аъмолини.

## БАЙТ

Келган биру, кетган биру, қолган бир,  
Ҳамон бирдир, ҳамон бирдир, ҳамон бир.





Ойсулув АХАН қизи

## ОҚҚУШЛАР АРМОНИ

Қисса<sup>1</sup>

Қозоқ тилидан  
Меҳмон ИСЛОМҚУЛ ўғли  
таржимаси

Дунёда аёл зоти борки, жуфти ҳалолим, деб танлаган эрнинг вафодор ва оқибатли бўлишини, шириндан-шакар фарзандларни ардоқлаб, вояга етказишни бу фоний дунёнинг энг буюк бахти деб билади. Бевафо эр, сабр-бардошсиз аёл – оиланинг тотувлигига раҳна солувчи офат.

Ўзувчи Ойсулув Ахан қизининг мазкур асари аёл қисмати ҳақида, бош қаҳрамони ишонувчан Ойнурнинг бошидан кечирганлари, ҳаёт сўқмоқларидаги кўргиликлари, “яқиним” деган кишининг ёвузлик ва хиёнати, аёлнинг ўз бурчига садоқати ва турмушнинг ҳар қандай зарбаларини сабр-тоқат билан қабул қилиши ҳақида ҳикоя қилади. Асарни ўқир экансиз, оҳудай беозор Ойнурнинг тошбағир, қашқирфеъл кишилар хонадонига келин бўлиб тушиши-ю, унинг бошидан кечган хўрлик ва зўрликлар, у чеккан ёвузликлар-у ноҳақ таҳқирлашлардан сиз ҳам изтироб чекасиз, қаҳрамон қайғусига қайғудош бўласиз. Асар тили жонли, воқеалар қизиқарли ва энг муҳими, у улкан тарбиявий аҳамиятга эга.

**Кимлар ёмонлик кўрмаган, дейсан? Ноумид – шайтон. Умид узмоқ – гайратсизлик. Дунёда ҳеч нарсада поён йўқлиги рост, шундай экан, ёмонлик поёнига етиб, тугаб қолармиди? Қалин қорли кишининг изидан майсаси мўл, булоғи равон ёз келмайдими?**

**АБАЙ**

I бўлим

### 1. ОЙДИНДАГИ ОЙҚИЗ

Қиз – элнинг кўрки, деганларидай, Ойнур Олимовнанинг қизи бу йил ўн еттига тўлиб, элнинг кўркига айланди. Тим қора сочлари хипча белини кучиб турадиган, кийғоч қош, бўтакўз, хушқомат қизни кўрганлар

<sup>1</sup> Давоми кейинги сонда.

унинг хусну жамолидан акли шошиб, беихтиёр: “Ёпирай, бу киз бунча чиройли?! Қиз эмас – фаришта! Бир култум сув билан ютиб юборгудай нозиккина бўлмаса!” дейишарди.

Ойну Олимовна ҳам қизини ўзгача меҳр билан, ер-кўкка ишонмасдан, аллада азиз, тўрвада майиз қилиб, эркалатиб ўстирса-да, Нигина тантиқ бўлмади, иболи, зукко, онасининг кўнгидагини қош-қовоғидан англайдиган фаросатли киз бўлиб улғайди. Шунинг учунмикан, Ойну ҳаётининг қувончи бўлмиш Нигинани кейинги пайтда ҳаммадан қизғанар, унинг боғидаги бу нозик гулни гўё бирорта ёвуз кўл юлиб кетадигандай ҳадиксирайдиган, унинг эртанги куни ҳақида кўрқув билан яшайдиган бўлди. Ўзининг аччиқ ўтмиши, бошидан кечган кўрғиликларига кизи ҳам дучор бўлиши мумкинлигини ўйлаганида, вужуди музлаб, юраги орқага тортиб кетар эди. Ана шундай онларда кўзда ёш билан қизини бало-қазолардан, ёмон кўзлардан асрашни Яратгандан илтижо қилиб сўраб, тунларни тонгларга уларди. Бугунги тунда ҳам яна кизи ҳақидаги ўйлардан уйқуси қочди. У қанчалик ўйлардан халос бўлишга уринмасин, улар ёпирилиб келиб, бутун хаёлини банд қилиб улгурган эди.

Нигина унга шунчалик ўхшаш эдики, бундан ҳайратланганлар: “Тавба, бу киз худди онасининг бурнидан тушгандай-я!” дейишарди. Бу гаплардан Ойну янада ҳадиксираб, “Парвардигор, қизимни ўзимга ўхшатибсан, фақат тақдири ўхшамасин! Бошимга нелар тушмасин, “Қисматим шу экан!” деб нолиб, ношукурлик қилмадим! Яратган Эгам илтижо қиламан, қизимнинг бахтини бутун қилгайсан, мунисгинамни бағри тош, қашқирфеъл, ёмонларга дучор қилмагайсан!” деб яширинча йиғлаб ҳам оларди.

Бугун кечаси ҳам Ойну шу хаёллар билан ўрнида у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб анча ётди-да, оғир тин олиб, ниҳоят турди, настарин гулли халатини кийди ва журнал столчаси устидаги магнитофон тугмачасини босди. Хонага Тўхтар Серикнинг армонга айланган муҳаббат ҳақидаги маҳзун қўшиғи таралди.

*Кўкайда армон, кўнгилда алвон маржон бор,  
Айтилаверса туйғу ҳам, сўз ҳам арзонлар,  
Хон саройидай жонимнинг жавҳар ёғдусин  
Қайдан ҳам билсин қалб кўзи кўр жонлар!  
Қайдан ҳам билсин қалб кўзи кўр жонлар!*

Хонанда Ойнунинг шу дамдаги холати, унинг хижронлари, армонлари ҳақида қуйлаётгандай эди. Чавқар отда учгандай, унинг ҳам ёшлиги ўтди-кетди... Қандай ажойиб, беғубор эди унинг ёшлик баҳори. Назарида, бу баҳор уни ҳеч қачон тарк этмайдигандай, ҳамиша тепасида қуёш қулиб, ҳар доим атрофида уни севадиган, тушунадиган меҳрибонлари бор эди. Назарида олам севги ва меҳрга лиммо-лим эди...

\*\*\*

У гуллар ифорида маст булбуллар тонгларни чаҳ-чаҳлаб уйғотадиган май окшомида дунёга келди. Осмондаги тўлин ой эса, нотаниш олам сурониданми ёки қирқилган киндик оғриғиданми ғужанак бўлиб, чириллаб

йиғлаган чақалокка махлиё бўлиб, деразадан мўралаб, жилмайди. Доя хотин ҳам шоиртабиат эканми, тўлин ойнинг сутдай нурларига чақалокни тутиб, Ойжон опага: “Мана, кизчангизни ой нурига чўмилтирдим, энди у Ойнуур бўлди!” деди. Дояннинг шу гапи гап бўлиб, унга “Ойнуур” деб исм кўйишди.

Ойнуур исми-жисмига монанд, ой чехра, хушқомат киз бўлди. Отаси Олим оға ёши бир жойга борганида кўрган кенжа қизини: “Ойдинда туғилган Ойқизим!” деб эркалатиб, кўнглига қараб ўстирди, киймаганини кийдирди. Бунга Ойжон опа баъзан: “Бой бўлгур, бошқалардан тежаб, кенжамизни бежаб, болаларни бир-бирларидан ажратиб қўйманг тагин”, дерди. Бунга жавобан Олим ака: “Ким билади дейсан, ўнта бўлса – ўрни бошқа дегани билан, тўрва тагидаги майиз ширин бўлар экан”, деб кулиб кўярди. Катта ўғил Бекжон кенжа сингилнинг оиладаги алоҳида “имтиёзлари”га эътибор бермас, лекин Розиянинг баъзида: “Ой туғсаям – шу кизга, кун туғсаям – шу кизга экан-да!” деб минғирлаб кўйиши бор эди.

Ойнуур эрка бўлса-да, мактабда аъло баҳоларга ўқир, кичкиналигидан кўшиқ айтиб, кўнғироқдай овозда шеърлар ёд айтиб, уйдагиларни завклантирса, кейинчалик кичик-кичик ҳикоялар ёзадиган бўлди. Ёзган айрим ҳикоялари газета-журналларда чиқиб ҳам турди. У журналист бўлишни хоҳларди. Ота-онаси ҳам қизининг қобилиятидан кўнгиллари тўлиб, унинг келажагига катта умид билан қарашарди. Ойжон опа баъзан қизининг тим қора, тақимига тушадиган узун сочларини силар экан, меҳри товланиб:

– Ойнууржоним! Чиройингга қараб туриб кўзим қувонади. Яратганнинг ўзи сенга табиий чирой ато этган. Юзинг умуман пардозга муҳтож эмас, унга упа-элик, бўёқ суркаб, бузиб юрмагин. Қошу кўзларингга ҳам қалам теккизма. Аксарият киз-жувонлар чиройли бўлсин деб қошларини ингичка қилиб териб ташлашади. Минбаъд уларга таклид қилувчи бўлма. Қалдирғоч қанотидай кийғоч қошларингни асра... Шаршарадай товланиб, тақимингга тушган сочларингни замонавий бўламан деб қирқиб, думсиз-ёлсиз қолган қирчанғига ўхшаб қолмагин. Билсанг, сочнинг узунлиги – киз боланинг кўрки. Гўзаллик табиийликда эканини унутмагин, ой қизим! – деб насиҳат қиларди.

Ойнуур мактабни олтин медаль билан тамомлади. Ундан ҳам кўра ота-онаси хурсанд эди. Лекин оилавий кенгашда у Алмати университетининг журналистика факультетига бормоқчи эканлигини айтганида, уйдагиларнинг тепа сочи тикка бўлди.

– Манов турган Тошкентни ташлаб, шунча йироқдаги Алматига бориш шарт эканми?! – деди онаси энсаси қотиб. “Қиз бола уйда яхши”, деб бекорга айтилмаган. Биз сени шунча йироққа қандоқ ишониб юборамиз? Алматидаги ўқиш Тошкентдаям бўлса керак?!

Ойнуур ҳар сафаргидай тарафимни олармикан, деб отаси томонга қаради.

– Онангни гапи тўғри, Тошкентда ўқисанг яхши бўларди, ой қизим, – деди Олим ака биринчи бор эрка қизининг хоҳишига қарши гапирганидан кизариб. – Бу ерда, кўзимиз олдида бўлсанг, биз ҳам кўнглимиз тинч, хотиржам бўламиз. Мана, аканг Бекжон билан Розия ҳам шу ерда ўқиб, кам бўлишмади...

Хуллас, Ойнур ота-онасининг хоҳиши билан Тошкент педагогика институтининг тил-адабиёт факультетига ҳужжатларини топшириб, хайтовур йўли очик экан, ўқишга кириб кетди.

## 2. ЭЛМУРОД

Талабалик йиллари худди баҳор сингари серзавқ ва фусункор, мўъжизага бой фасл эканлигини талаба бўлганларгина билади. Бу фаслда ўзингни серқуёш бир сайёрага тушиб қолгандай ҳис қиласан, уни сенга тақдир ҳадя этган поёнсиз қувонч деб ўйлайсан. Афсуски, у ўткинчи эканлигини кейин англаб етасан ва умр бўйи ўша бебаҳо, қайтмас кунларингни кўмсаб, соғиниб яшайсан. Талабаликнинг дастлабки палласида лекциялар, семинар машғулотлар, курс ишлари, ҳатто зачёт-имтиҳон топширишнинг машаққатлари ҳам худди қизиқарли ўйиндай туюлади.

Ойнур талабалик фаслига қадам қўйганида худди ана шу туйғуларни бошидан кечирди. Талабаликнинг завқу шавқидан у янада очилиб, не-не йигитларни мафтун қилиб, эс-хушини ўғирламади, дейсиз. Курсдош йигитларнинг деярлик барчаси унга ғойибдан ошиқ бўлиб, гулга интилган асаларилардай атрофида уймалашиб қолишарди. Лекин Ойнур курсдош йигитлар билан бир хилда, дўстона муносабатда бўлиб, бутун вақтини ўқишга бағишлар, лекциялардан бўш пайтларини китоб ўқиш билан ўтказарди. Гуруҳидаги Гулнор, Райҳон ва Лаззат исмли қизлар билан иноқлашиб, дўст тутинди. Тўрт курсдош дугона худди сара гуллардан ясалган гулдастадай хушқомат, хушчиroy, ўқишда ҳам, одобу ахлоқда ҳам ҳамма ҳавас қиладиган, юрган ерига файз, нур бағишлайдиган чакмоқдай қизлар эди. Айниқса, Гулнорни гапга чечанликда, айтишувда улоқни тақимга олиб, бировга бермайдиган олов қиз деса бўлади.

Бу воқеа учинчи курсда содир бўлди.

Февраль ойининг охири, кишининг сўнгги – ёқимсиз, қора изғиринли кунлари. Ойнурнинг кўнглида эса баҳор. Худди гул-чечаклар очилиб, булбуллар хониш қилаётгандай. У ўша кунлари, кишки сессия имтиҳонларини аълога топшириб, қушдай енгил тортиб, учиб-қўниб юрарди. Шанба куни Гулнор билан Лаззат дарслардан вақтлироқ чиқиб, овулларига кетишган, аудиторияда ҳам, ижара уйда ҳам Райҳон билан Ойнур икковигина қолишган.

Иккинчи сменаниннг сўнгги машғулоту яқунланганидан хабар берувчи кўнғироқ янгради. Институт йўлакларига аудиториялардан талабалар чиқиб кела бошлади. Юқори қават зиналаридан вестибюлга тушаётган талаба йигит-қизларнинг тапир-тупир қадам товушлари, ҳазил-хузил гаплар, кулгилар эшитилди.

Ойнур билан Райҳон ҳам аудиториядан чиқиб, зинадан вестибюлга туша бошлашди. Вестюблнинг бурчагида қизлардан кўз узмай, тикилиб турган икки йигитни улар пайқамасдан, ўзаро нималарнидир гаплашиб, қулишиб, эшикдан ташқарига йўл олишди.

Қизларнинг дарсдан чиқишини кутиб турган йигитлардан бири, Лаззатга она томондан туғишган – Элмурод, иккинчиси – унинг дўсти Рустам эди. Иккови ҳам Чордарадан. Норғул бўйли, жингалак сочли Элмурод мана икки ой бўлдики, ҳар шанба, худди мана шу жойда Ойнурнинг дарсдан чиқишини пойлайдиган бўлган. Унинг ошиқлиги янги йил арафаси-

да, синглисини узатиш тўй кечасига Лаззат дугоналари билан борганида, илк бора Ойнурни кўрганидан бошланган. Ўшанда Элмурод эндигина ҳарбий хизматдан қайтган кунлар эди. Лаззат даврада хизмат қилиб юрган Элмуродга ишора қилиб:

– Манови, сочи қорақўл кўзиникидай жингалак соч, Алпомишга ўхшаган йигит, холамнинг ўғли – Элмурод, хозирча олий тоифали бўйдоқ, шунинг учун ҳам овулимизнинг манаман деган қизлари бунга кўз тикиб, қай биримизга қиё боқар экан, деб пойлаб юришибди! Шулардан бирови бўйнига сиртмоқ ташлаб, эгаллаб олмасидан бирортанг тегиб кўя колсаларинг-чи!

Қизлар йигитнинг ҳар елкасида бир одам ўтирадиган кенг яғринига, норғул гавдасига қараб, унинг сиртмоққа тушишини тасаввур қилиб кулишди. Ойнурнинг кўнглидан: “Чиндан ҳам Алпомишдай йигит экан!” деган гап ўтди. Тўй оқшомида Элмурод югуриб-елиб хизматда юриб, қизлар билан гаплашгани ҳам йўқ. Лекин Ойнур унинг узоқдан ўзига тикилиб туришини бир-икки бор илғаб, ўзини ноқулай сезиб ўтирди.

\* \* \*

Тўйнинг эртасига Элмурод синфдоши Рустамнинг “Рафик” машинасида қизларни “ўзимиз кетамиз” деганларига кўнмасдан Тошкентгача элтиб қўйишди. Рустам очик-ёруғ, гапдонгина йигит экан, йўл бўйи қизик-қизик хангома, латифалардан гапириб, қизларни кулдириб келди.

– Имтиҳонда домла талабадан: “Имтиҳон нималигини биласанми?” деб сўрабди. “Имтиҳон бу икки ақлли одамнинг ўзаро суҳбати”, дебди талаба.

“Агар суҳбатдошлардан бири тентак бўлса-чи?” дебди домла.

“Унда чатоқ, – дебди талаба, – иккинчи суҳбатдош стипендиясиз қолади!”

Унга жавобан Гулнор рулга ичиб ўтирадиган ҳайдовчилар ҳақида латифаларни бошлаб қолди.

Кулги билан Тошкентга қандай қилиб кириб келишганларини ҳам сезишмади. Институтга яқин қолганида Рустам йўл бўйи чурк этмай келатган Элмуродни гапга тортмоқчи бўлиб:

– Элик, нима бало, оғзингга талқон солиб олганмисан, нега гапирмайсан?! – деб қолди.

– Ҳамма гапни айтиб бўлдинг-у, нимани гапираман? – деди Элмурод кизариб.

– Яқинда ҳарбийдан келдинг, у ерда кўрсатган қахрамонликларингдан гапир, қизлар қахрамон йигитларни яхши кўришади.

– Ҳа, ҳа, гапиринг, – деди Лаззат, – а-то қизлар: “оғанг соқов экан”, дейишяпти. Мен эса: “Оғам армияда роса қахрамонликлар кўрсатган”, деб сизни мактаб юрибман.

– Урушга борибманми қахрамонлик кўрсатадиган? – деди ажабланиб Элмурод.

– Эҳ! – деди Гулнор ҳафсаласи пир бўлиб. – Ёлғонни чиндай – чинни Худо ургандай гапиришни эплоймайдиган йигитга сафардош ҳам, ёстикдош ҳам қилмасин!

Гулнорнинг кутилмаган хулосасидан Ойнурдан бошқалар кулиб юбор-

ди. Элмурод бўлса кулоғигача қизариб, ер остидан Гулнорга караб қўйди.

Ойнурга бу жингалак соч, жуссасидан куч ёғилиб турган, содда йигитнинг камгаплиги ёқа бошлаган эди.

\* \* \*

Кейинги якшанбада қизлар Лаззатни туғилган куни билан табриклагани овулдаги уйига боришди. Туғилган кунга Лаззатнинг синфдошлари ҳам жам бўлишди. Чордарадан Элмурод билан Рустам ҳам етиб келишди. Ойнур Элмуроднинг қўлтиғида дўмбира билан кирганини кўриб, нахотки шу камгап йигит ўлан айтса, деб ўйлади. Зиёфат пайтида Лаззатнинг ўланчи синфдоши билан мусобакалашиб айтган айтишувидан роса яйради, ҳайратланди. Кейин Элмурод Шамши Қолдаёқовнинг “Қора кўзлар, қора қошлар”, “Олисдаги армон” каби кўшиқларини ҳаяжон билан ижро этганида шу йигит унинг кўзига оловдай кўриниб кетди. Кейин... Элмурод Ойнурни вальсга таклиф қилди. Улар куй, кўшиққа монанд хонада гир айлана бошладилар. Йигит ўзи билан капалакдай енгил учаётган бу хушчиroy, бўтакўз қизни энди ҳеч қачон қўлидан чиқармаслик учун хозирнинг ўзида олиб кетишга ҳам тайёр эди. Рустам йўл-йўлакай унга: “Агар темирни қизиғида босиб, севиб қолганингни маҳкам тутмасанг, бурнингни ушлаб қоласан!” деган гапи кулоқлари тагида қайта-қайта янграрди. Куй тугагач, Элмурод қизни бир чеккадаги ўриндикқа ўтказиб, ўзи ҳам унинг ёнига ўтириб, кулоғига оҳиста:

– Ойнур, агар хозир шуни айтмасам, кейин айтолмайман, – деди ҳаяжондан титраб.

Қиз йигитнинг ҳаяжондан қизарган юзига хавотир ва ҳайрат билан қаради.

– Ўша тўйда кўрган лахзадан сансиз яшолмаслигимни тушунганман. Менга турмушга чиқсанг-чи! – деди дабдурустан ва ўзининг гапидан ўзи чўчигандай, атрофга аланглаб қўйди.

Ойнур йигитнинг изхори томдан тараша тушгандай бўлишини сира кутмаган эди, шунинг учун худди бошига тўқмоқ урилгандай эсанкираб қолди, кулоқларигача ловуллаб, қизариб кетганини ҳис қилиб, бошқалар сезмасин учун бошини қуйи эгди.

Элмурод унинг қизариб кетганлигини ризолик аломати деб ўйлаб, дадиллашди:

– Майлими?

– Йўқ.

– Нега?! – деди Элмурод ҳайратланиб.

– Ўқишни тугатмагунимча турмушга чиқиш ниятим йўқ, – деди Ойнур ва ўрнидан дик этиб туриб, Райҳон билан Лаззатнинг ёнига бориб ўтирди. Элмурод қўлтиғидан тарвузи тушгандай боши эгилганича ўтириб қолди.

Ўша кундан бери Элмурод хар шанба окшомида институт вестибюлида Ойнурнинг дарсдан чиқишини пойлайдиган бўлган. Лекин Ойнур Элмуродга кўзи тушиши билан бўрини кўрган оҳудай хуркиб, гаплашмасдан кетадиган одат чиқарди. Элмурод дардини Лаззатга ёрган эди, у: “Қиз боланинг кўнгил қушини бировнинг қўли билан овлаб бўлмайди, бунинг уддасидан ўзинг чиқишинг керак, қолаверса, Ойнурнинг юрагига

ўқишдан бошқа нарса сиғмайди”, деб бу ишни ўзидан соқит қилди.

\* \* \*

Бугун ҳам Ойнур Элмурод билан Рустамни кўра туриб, ўзини кўрмаганга солиб эшикдан чиқа бошлади. Элмурод қадамини тезлаштириб, йўлакда кетаётган қизларнинг орқасидан бориб, жон-жаҳди билан:

- Ойнур, бир зумга тўхтагин! – деди.
- Нима демокчисиз?! – деди Ойнур йигитнинг кўзига тик қараб.
- Райхон, мумкин бўлса дугонангга айтадиган икки оғиз гапим бор эди, – деди Элмурод “бизни холи қолдир” деган маънода.
- Гапини тинглайми-йўқми? – ҳовлиқиб сўради Ойнур дугонасидан.
- Тингласанг тингла, фақат хушёр бўл! – деди Райхон қулиб. – Қозок йигитларидан ҳар нарса кутиш мумкин. Лекин сен кўркма, ёнингда мана мен борман!

Райхон Ойнурнинг билагидан қаттиқ сиқиб, бошини силкиди.

Қизлар қадамларини секинлатганини кўрган Рустам дўстига кўзини қисиб, “бардам бўл!” дегандай елкасига туртиб қўйди.

– Хўп, нима демокчисиз? – деди Ойнур дугонаси орқада қолгач, юришда давом этиб.

- Ойнур... бугун мен сени тўйга айтгани келдим! – деди Элмурод
- Қанақа тўй? – деди Ойнур ҳайратдан қошини чимириб.
- Ўзимни тўйимга айтгани келдим... уйланыпман!.. Билсанг, сенга қасдма-қасд уйланыпман! – деди у алам билан.

“Уйланыпман!” деган сўз қизнинг юрагини мих билан чизгандай жазиллатиб юборди. У йигитнинг бошқа бир қизга уйланиши унинг учун ҳам, ўзи учун ҳам изтиробли эканлигини англаб, алами келди. Аввалига “Йигит дегани ҳам шунчалик беқарор бўладими?!” деган гап кўнглидан кечди. Шундай бўлса-да, ичидаги изтиробни, аламини сездирмаслик учун ўзини бепарво тутиб:

– Жуда яхши, табриклайман! – деди, лекин лаблари титраб, ҳолатини ошқор қилиб қўйди. Шу тобда у Элмуроднинг кимга уйланаётганлигини билгиси келса-да, орияти йўл бермай, нигоҳини ерга тикканча юришдан тўхтади. Элмурод ҳам қизнинг келишган қомати, чиройли турмакланган сочи, узун киприklarига маҳлиё бўлиб, энди нима дейишни билмасдан бир зум унсиз қолди. Агар у шу тобда бирор нима дейдиган бўлса, қиз ҳозир хуркак оху сингари тутқич бермай кетадигандай туюлди. Уйланишини эшитган қизнинг чехрасидаги маъюслик, унинг қаршисида бош эгиб туришидан Элмуроднинг юраги энтиқиб кетди, Ойнурнинг унга бепарво-лоқайд эмаслигидан дадиллашиб:

– Лекин мен суймаганимга уйланомайман-ку! – деди йиғлагудай бўлиб. – Сендан ўзгага ўлсам ҳам уйланмоқчи эмасман, Ойнур! Мен фақат сени дейман!

Ойнур йигитнинг нега бунчалик куйиб-ёниб гапиришини, унинг нимадан бунчалик асабийлашаётганини тушунмади. Элмуроднинг ҳолати маст одамга ўхшарди. Илгари йигитлардан турли хил изҳори дилларни эшитмаган Ойнур бу гал ҳам саросимага тушиб, мадад сўрамоқчидай орқада келаётган дугонасига қаради. Анча нарида қолган дугонасини Рустам нималардир деб қулдирарди. Ойнур Райхоннинг “Кўркма, ёнингда

мана мен борман!” деб, энди эса Рустам билан лақиллашиб, кулишиб турганига энсаси қотди.

– Ойнур, тушунсанг-чи, мен фақат сенгагина уйланишим мумкин! – деди Элмурод ўша девонаваш оҳангда.

– Бу ҳақда ҳали биз гаплашмаганмиз, – деди қиз ўзини қўлга олиб. – Ҳали бир-биримизни яхши билмаймиз ҳам.

Қиз шундай дейиши билан йўлак четига сутранг “Волга” ғийқиллаб келиб тўхтади. Шу пайт Рустам чопиб машина ёнига келди-да, унинг орқа эшигини очиб, бир машинага, бир Элмуродга ажабланиб қараган Ойнурнинг қўлтиғидан қаттиқ тутиб, ичкарига итариб киритиб юборди.

“Эй!” деганча машинага кириб кетган қиз орқа ўриндиқда икки йигитнинг ўртасида типирчилаб, юлқина бошлади. Бу пайтда машина силкиниб, қатта тезлик билан юриб кетган эди. Шундагина ўзига келган Райҳон саросимага тушиб:

– Ойнур, Ойнуржон! – деб бақира бошлаганида “Волга” кўздан ғойиб бўлган эди.

\* \* \*

Рулда ўтирган барзанги йигит йўлдан кўзини узмасдан:

– Хўш, энди қизни қайга олиб борамиз? – деди хириллаган йўғон овозда.

– Чордарага ҳайда! – деди Элмурод.

– Йўқ, йўқ! – овозининг борича дод солди Ойнур. – Йигитлар, бу нима қилганинглар?! Менга зўрлик қилишга қандай ҳадларинг сиғди?! Мен бундай кетолмайман! Ота-онамнинг юзига оёқ қўя олмайман! Бизда қочиб кетиш деган бўлмаган! Бу кунимдан ўлганим яхши! Машинани орқага қайтаринглр, йигитлар!

Қиз шундай деб гоҳ ялиниб, гоҳ йиғлашга тутинди. Элмурод бошини куйи эгганича, Ойнурнинг зорланиб айтган сўзлари юрак-бағрини эса-да, тишини-тишига қўйганича, қизни кучоқлаб, унсиз ўтирарди. Фақатгина қизнинг ўнг томонида ўтирган Рустам:

– Азизим Ойнур, йиғини бас қилақол! Айланайин, йиғлама-чи! Бу ахир, ҳар бир қизнинг бошида бўладиган иш. Ёмон ерга бормаяпсан, униб-ўсадиган, қутлуғ хонадонга кетяпсан, қоидаси шунақа, – деб юпатган бўлди.

Ойнур йиғлай-йиғлай, юлқина-юлқина ҳолдан тойди. Тинмай қилган нолалару, илтижоли йиғидан овози ҳам бўғилиб, гапиролмай, унсиз йиғлаб борарди.

Ниҳоят, машина Элмуроднинг овулига етиб, хаш-паш дегунча бўлмай оқ деворли уй дарвозасига тумшуғини тиради. Ҳайдовчи кетма-кет сигнални “бип-бип”латгач, ичкаридан югуриб чиққан болалар, хотин-халажларнинг шовқини ҳамма ёқни тутиб кетди. Бировлари:

– Келин кеб қолди, келин кеб қолди! – деб ховлиқишса, бошқалари:

– Эй, Нағима, нега анграйиб турибсан, келиннинг бошига соладиган рўмол қани?! Тезроқ келтирсаларинг-чи! – деб ҳайқирарди.

– Тезроқ қимирламайсанми?! Ҳой, бор, машинанинг эшигини оч, келинни тушир!

– Мана, боряпман-ку! Ўланчи йигитни чақиринглр-ов!

Бир барвастагина аёл “Волга”нинг эшигини очиб, гужанак бўлиб

йиғлаётган қизга кулиб, бош чайқади:

– Вой, айланай, қизим, қани, машинадан туш! Мана, остонаси тилло уйга келиб турибсан. Йиғламасдан чиқақол. Бу ҳаммамизнинг бошимиздан бир ўтган. Мениям қўл-оёғимни боғлаб, отга ўнгариб олиб келишган. Кам бўлмадим. Ўсиб-ундим, ўзимдан кўпайдим!

Лекин аёлнинг гапи Ойнурнинг кулоғига кирмас, у тинмай юзини яшириб, бошини силкиб, йиғларди.

– Бўлди энди, йиғлайверасанми? – деди аёл тоқатсизланиб. – Элмуродай асил йигит пешонангга битиб турибди-ю, йиғлашингни қара! – деб аёл каттакон қўлини қизнинг қўлтиғига тиқиб, бир юлқишда уни ичкаридан тортиб олди-да, даст кўтариб, дарвозахонада саросимада турган аёллар томонга ўтказиб юборди. Кейин йўғон овозда амр қилди: – Опкирларинг ичкарига! Ҳаммамиз ҳам келгунча йиғлаб келганмиз! Шуниси тузук, охири кулгига улансин!

\* \* \*

Аёллар Ойнурни оёғини ерга теккизмасдан ичкарига, катта хонага олиб киришди. Шу пайт хонага бир қора кампир қўлида оқ рўмол кўтарганча, ховлиқиб кириб келди. Ойнурнинг кўзларини ғубор босган бўлса-да, кампирни таниди. Бу ўша – янги йил арафасида тўйга келишганида Лаззат “холам” деб таништирган Чинор опа – Элмуроднинг онаси эди. Кампир кулимсираб келиб:

– Чироғим, бахтли бўлгин! Қўй энди, юрагимни эзиб, йиғлаб-сикташни бас қил! Қиз бола – бировнинг хасми! Тез кунда кўниқиб ҳам кетарсан, ўшанда бекор йиғлаган эканман, дейсан ҳали. Илойим шу уйга қум-тош бўлиб сингиб, шу уйда ўсиб-унгайсан! – деб кўлидаги оқ рўмолни Ойнурнинг бошига солишга уринди.

Туппа-тузук, ақли-ҳуши жойида бўлган аёллар унинг арзини тинглаш ўрнига фақат ўзларининг гапларини маъқуллашганларида қиз баттар таҳқирлангандай бўлди, у додлаб ўзини ҳар томонга ташлар, кампирнинг тутган рўмолидан бошини олиб қочарди. Чинор опанинг ёнида турган оқ сарик, новчабўй аёл лабини жийириб:

– Бу нимаси?! – деди зарда билан. – Қайнонанинг қўлига урғанинг нимаси?! Айнанайин-ов, бундай қилиб бахтингни боғлама! – деб оқ рўмолни Ойнурнинг бошига солмоқчи бўлганида Ойнур унинг қўлини ҳам силтаб ташлаб:

– Опажон, бу ерга мен ўз ихтиёрим билан келмадим, уйимга кетишга рухсат беринглар! – деб нола қилиб ялинди. – Мен келин бўлиб келмаганман! Ўламан! Бошимга рўмолни ташламанглар!

Аёллар унинг ялинишларига кулоқ солмас, уни ўз эркига қўймасдан бошига рўмол ўрашди. Қиз хонада ўзини у ёқдан-бу ёққа уриб кўрди, худди тўрға тушган тўрғайдай чириллаб, роса толиққан Ойнур энди бошқа олишишга кучи етмас, дардини биров тингламаслигини англагач, бўшашиб хонанинг бурчагига бориб, тиқилиб олди. Яна бир аёл унинг ёнига яқинлашиб, ялинган оҳангда деди:

– Айланайин сендан! Сиртмоқ кўрмаган қулундай ҳар томонга сапчи-

масдан мана шундай тинч ўтиргин энди... Эслигина киз экансан. Мана шундай одоб сақлаб турганинг бирам ярашиб турибди. Энди асовликни бас қил, уят бўлади! Овулимизнинг энг яхши хонадонига келин бўлиб келдинг, бундан ортиқ бахт борми?! Гулниса, рўмолни менга бер-чи! Ўзимок келинимнинг бошига солайин! – деб Ойнурнинг бошига оқ рўмолни ташлади.

\* \* \*

Ўртага дастурхон ёзилиб, нон, қатлама, чалпак, бўғирсок, ширинликлар қўйилди. Хонага: “Келин қутлуғ бўлсин!” деб кириб келаётган йигит-қизлар кўпайди. Ҳамма дастурхон атрофига ўтирди. Фотиҳа ўқилгач, шўрва тортилди, новча-пакана шишалар очилиб, қадахларга ичимлик қўйилди. Давра ёшларнинг гурунги, ҳазил-аскияларидан тезда жонланиб кетди. Йигитлардан кимдир:

– Эркинбек, тўйнинг кўрки куй-қўшиқ эмасмиди?! Қани, шўхидан бошла! – деб қолди.

Ярим тунга борганда Ойнурни хонанинг тўрига мажбурлаб ўтқизган йигитлардан бири дўмбирани гумбурлатиб, тўй базмини бошлаб юборди.

Бу элнинг иноқлиги, дўстларнинг Элмуродга нисбатан меҳрибонлигини сезган Ойнур қисматига кўнгандай, юрагидаги алами сўна бошлагандай туюлди. Ана шу алпозда у анча ўтирди, лекин уйдагиларнинг шу тобда йиғлаб-сикташаётганини ўйлаган заҳоти, яна юраги ғулғуладан сиқилар, боши айланиб, кўз олди қоронғилашарди.

“Қочиб кетганимни эшитган онам нима куйга тушди экан? Кўзи ёшга тўлиб ўтиргандир? Эртага отамнинг, оғаларимнинг, қўни-қўшниларикининг юзига қандай қарайман?” деган хаёлдан бўғзига тош тиқилар, нафаси бўғилар, бутун вужуди иситмадан ёниб, бошидаги оқ рўмолни юлқиб, ерга отганича, сапчиб ўрнидан туриб кетгиси келарди. Лекин хонадаги шовкин-сурондан, дўмбиранинг шўх сайрашидан ўзига келиб, таққа тўхтар, атрофига телбанома аланглаб, ўзига қадалган ҳайратомуз кўзлардан сесканиб, дастурхонга отиб ургиси келган рўмолни қайта кўлига олиб, юзига босар, девор томонга ўтирилиб оларди.

Ўтирган қизлардан бири унинг ёнига келиб, тўзғиган сочларини қўли билан тузатди, рўмолни унинг қўлидан олиб, юзига тушириброк қўйди-да, босиқ овозда юпата бошлади:

– Қўй, дугонажон, бунчалик ўксийверма, бу ҳар бир қизнинг бошида бор савдо, бўладиган иш. Бизам қочиб келганмиз. Ёмон бўлмадик-ку. Қиз бола – палахмон тоши, отилдими, қайтиб келмайди. Пешонамизга ёзилганини кўрамиз-да. Элмурод ажойиб йигит, тилла. Ҳамма қизгаям бундай йигит насиб қилавермайди. Гапимни тўғри тушунгин, элимизнинг обрўли хонадонига келин бўлиб тушдинг. Йиғлаб-сиктаганинг нимаси?! Энди ўзингни қўлга ол!

Қиз шундай деб Ойнурни қайта жойига ўтказиб, ўша насиҳатомуз оҳангда гапини давом этди:

– Айланайин, сендан! Мана энди ақлли қиз бўлдинг. Шу овулнинг талай қизлари, қани энди сени ўрнингда мен бўлсам, деб оғизларидаги суви куриб ўтиришибди. Сен бўлсанг икки-уч соатдан бери юлкинишдан тўхтамайсан. Қўй энди, жоним, пешонангга Элмурод ёзилган экан. Шун-

дайми? – деб атрофидагиларга қараган эди, ўтирганлар:

– Ҳа, шундай, шундай! – деб жўр бўлиб жавоб қилишди. Нарирокда ўтирган оқ-сарик йигит Элмурод томонга юзини буриб:

– Эй, Элик, нега Тошкентга серкатнов бўлиб қолдинг десам, гап буёқда экан-да! – деди овози дўриллаб. Бало экансан! Тошкентдай жойдан қиз олиб келиб, ҳаммамизни димоғимизни чоғ қилиб ўтирибсан. Майли, бахтли бўлинглар! Чинакам азамат йигит экансан! Ҳавасим келаяпти! Сизлар учун шуни кўтараман! – деб кўлидаги қадахни бир кўтаришда сипқорди. Яна давра кизигандан кизиб, ўйин-кулги авжига чиқди.

\* \* \*

Тонгга яқин меҳмонлар уй-уйларига тарқаб, Ойнур хона ичида ёлғиз қолди. Уй ичи жимжит. Элмурод ичкарига бир бош сукди-да, Ойнурнинг хурпайиб ўтирганини кўриб, ёнига киришга юраги дов бермай дахлиздаги кўрпачага чўзилди. Орадан бир соатча ўтиб, янгалардан бири дахлизда ётган Элмуродга ажабланиб қараб:

– Тўра йигит, бу қандай ётиш?! – деди қиқирлаб кулиб. – Ичкарида суп-сулув келинчак сени кутиб ўтирганида бу нимаси?! Қани, тур, ёнига бор, мен ўзим оқ тўшак солиб берайин, – дегандан кейингина Элмурод Ойнур ўтирган хонага кириб келди.

Йигитнинг кириб келишидан ўтақаси ёрилай деган қиз ўрнидан сапчиб туриб, орқасига чекина бориб, девордаги қозоқи нақшли гиламга елкаси тақалиб, тўхтади. Элмурод аста унга яқинлашар экан:

– Ойнур, илтимос, қилган ишим учун мендан хафа бўлма! – деди ялинган оҳангда. – Сенсиз яшай олмаслигимни билганимдан кейин мана шу номаъкул ишни қилдим! Энди кечирсанг ҳам, бошимни олсанг ҳам – ихтиёр ўзингда. Бошда: “Сенга қасдма-қасд уйланаман!” деганим – сени олиб қочаман, деганим эди...

\* \* \*

Бир пайт дарвоза қаттиқ тақиллаб:

– Дарвозани очларинг! – деган таҳдидли овозлар эшитилди. Кейин ховлидан тапир-тупир қадам товушлари келди. Боя Элмуродни уйғотиб, ичкарига киритиб юборган янга хонага отилиб кириб:

– Вой-бўй, Тўражон!.. Тез бўл! Қоч уйдан. Қувғувчилар келиб қолишди! Тезроқ бўл! – деб қиқирди-да, яна эшикни тарс ёпиб, кўздан ғойиб бўлди.

Элмурод деразадан ташқарига сакраб тушиб, кўздан ғойиб бўлди.

Ташқаридан отасининг дағдағали овозини эшитган Ойнур саросимада, нима қилишини билмай, охудай хурпайиб, бурчакка тикилиб туриб қолди.

– Сенлар кимни хўрламоқчи бўлдиларинг, кимни оёкости қилдиларинг?! – деди Ойнурнинг отаси жон-жаҳди билан. – Қани, қизим қаерда?! Тезда топларинг! Ҳозир милицияни оёққа турғизаман! Зўрлик қанақа бўлишини мана энди кўрсатаман!

Ғазаби тошган Олим ака ўртага тушмоқчи бўлган овул оқсоқолларининг

гапларига кулоқ ҳам солмасди.

– Иним-ов, бир жаҳлингизни бизга беринг! – дейишди овул қариялари.  
– Ёшлар болалик қилиб қўйишибди, уларни кечиринг, кудажон!

Аввалдан отасининг гапидан қайтмайдиган, кесиб сўзлаш одатини яхши билган Ойнур хушсиз бир алпозда қотиб ўтирарди. У болалигидан оддий сўзларни ҳам отасининг кўзига қараб гапиролмасди. Худди шу онда унинг юраги бўғзига тиқилиб, энди отамга нима дейман, деган хаёлда қалтираб, ўзидан кетиб қолди.

Хонага биринчи бўлиб отилиб кирган Райхон тўрга – Ойнурнинг ёнига югуриб келиб, бошидаги оқ рўмолни юлқиб олиб, ерга улоқтирди. Унинг ортидан кўринган опаси Розия хавотир билан:

– Соғмисан, ишқилиб? Худо уриб қўймадимми?.. Нега гапирмайсан? Хушингдан айрилиб қолдингми? Соғмисан, дедим?! – деб такрорлар, сингисининг биқинига қаттиқ-қаттиқ туртар, юзига шапалатиларди. – Сув олиб келинглар, ҳой, сув!..

Ойнурдан садо чикмади. У девордаги гиламга суянган бўйи хушини йўқотган, буғудай кўзларини мўлтиратиб, бир очиб, яна боши, қўлларини шалвиратиб ётаверди. Райхон уни икки елксидан тутиб, жон-жаҳди билан силкитди:

– Ҳой, Ойнур! Сенга нима бўлди?! Нега индамайсан? Ёки тилдан қолдингми? – дегандагина, у хушини йиғиб, дугонаси Райхон билан опаси Розияни таниди.

Шу орада хонага кириб келган ҳалиги янга гапга аралашди:

– Ҳой, бунча ваҳима қилмасаларинг? Эл-юртда қиз фақат сенлардамиди? Мана, кизларинг, соғ-омон! Ҳали тўшак ҳам солиб улгурмадик. Меҳмонлар эндигина тарқалишди. Бегона эмасмиз-ку, ахир, бурундан таниш жонлармиз. Ўртада борди-келдимиз ҳам йўқ эмас. Сен аёлсан-ку, – деди у Розияга, – қайтанга анов эркакларни тинчлантурсанг бўларди!

У шундай деб Розияни кучоқламоқчи эди, Розия уни силтаб ташлади.

– Мана шу ишларинг иш бўптими?! – деди у алам билан. – Одамларга ўхшаб, айттириб, куда тушиб олсанглар бўлмасмиди? Манов кизнинг аҳволини кўрларинг! Буғунинг ўладиган боласидай роса бўладигани бўпти-ю, сингилжоним! – деб фарёд чека бошлади.

– Ҳой, Ойнуржон-ов! Онамни гўрга тикмоқчимидинг, уни бутунлай адойи тамом қилдинг-ку! Ўрнидан туролмайдими. “Юр” деса сумрайиб кетавердингми? Шунчалик ўлиб турувдингми-я, сингилжоним-ов?! – деди куйиниб. – Булар бизни оёкости қиламиз дейишган. Бўлмаса бу нима қилганлари? Айттириб олишса бўлмасмиди? Сени овулга олиб кетамиз! Бошқа гап йўқ! – деб Ойнурнинг кўлидан ушлаб, ташқарига судрай бошлади.

Овул оксоқолларидан бири:

– Ҳов, кудағай, бунингиз қандоқ бўлди? – деди ўртага тушиб Розияни тинчлантириш учун. – Қизнинг бахтини боғламанглар. Босиб ўтган олтин остонасидан айирманглар! Сизларнинг кизинглар – бизнинг келинимиз бўлди. Қиз олиб қочиш бурундан келаётган ота расмимиз. Қўйинглар! Келинимизга азоб бераверманглар. Бўлди қилинглар!

Оксоқол шундай деб Ойнурга қўл узатганида Райхон унинг олдига туриб олди.

Ойнурнинг оғаси Бекжон чолнинг кўксидан итариб, сингисининг би-

лагидан тутди-да, ташқарига судраб олиб чикиб, кўчада турган микроавтобусга ўтказди. Ор-номусдан ер ёрилса, ерга киргудай бўлиб ўртанаётган Ойнуур гоҳ шалвираб, хушидан кетар, гоҳ ўзига келарди.

Қизнинг орқасидан қувиб келганлар автобусга тапир-тупир чикиб, овулдагиларнинг “хай-хай”ига қулоқ солмасдан юриб кетишди.

Катта йўлга чиқишлари билан Олим ака ҳайдовчига бор овози билан:

– Тўғри милицияга ҳайда, қани, булар кимни оёқости қилишар экан! – деб ҳайкирди.

– Йўқ, ота, керак эмас! – деди Ойнуур ва отаси унга “ялт” этиб қараганида юзларини кафти билан беркитди.

Бир зум автобус ичига сув қуйгандай жимжитлик чўкди. Доим айтганидан қайтмайдиган Олим оға қизига ўқрайиб қараб, аламидан:

– Эҳ, шўрлик қизим, Ойнуурим-а, нега сен ўғил бўлиб туғилмадинг? – деб бош чайқаб, хўрсинди.

Микроавтобус кўзгусидан гоҳ Олим оғага, гоҳ Ойнуурга кўз ташлаётган ҳайдовчи йигит:

– Олим оға, энди қаёққа ҳайдай? – деди автобус тезлигини пасайтириб.

– Қайга бўларди, уйга ҳайда! – деди ниҳоят Олим оға.

\* \* \*

Чордарадан эрталаб йўлга чиққан микроавтобус шу юрганча туш пайти Тошкент яқинидаги овулга кириб келди. Ойнуурларнинг кўчасига бурилиб, катта, яшил дарвоза қаршисига келиб тўхтади.

Изғиринли февралнинг аёзи ўтганиданми ёки алам ва қасос туйғуси ҳалиям сўнмаганиданми, машинадаги беш-олти одам апил-тапил пастга тушиб, яшил дарвозадан ичкарига кириб кетишди. Автобусда фақат Райҳон билан Ойнуургина қолишди.

– Қани, Ойнууржон, турақол, – деди Райҳон кулимсираб. – Ё, Элмуроднинг овулига яна қайтиб кетмоқчимисан?

Ойнуур бир зум чурқ этмай ўтирди, кейин ёш тўла кўзларини дугонасига тикиб:

– Бу шармандалиқдан кўра, ўлганим яхши эди! – деди зор қақшаб. – Энди қандай бош кўтариб юраман?!

– Қўй энди, Ойнууржон, ўзингни бошқа қийнама, бўлари бўлди, тўпори бир нодондан кўрганинг шу бўлди! – деди Райҳон унинг қўлтиғидан ушлаб, ўриндиқдан туришига кўмаклашар экан. – Айланай сендан, совуқдан қотиб қолай дебсану, турақол, тезроқ ичкарига кирайлик, уйда бемалол гаплашамиз.

Йиғидан кўзлари шишиб, совуқдан ранги ўчиб, ҳолдан тойган Ойнуур дугонасининг кўмагида, жонсиз оёқларини аранг судраб, даҳлизга кириб келганида Розия пальтосини ҳам ечмасдан, диван ёнида чўнқайиб, онасининг бошини силар экан: “Ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида, ҳеч куядиган, йиғлайдиган иш бўлмабди, эрка қизингизни соғ-омон олиб келдик, ойижон”, деяётган эди. Ранги оқариб, кетган қизига кўзи тушиши биланок, Ойжон опа ёстиқдан бошини кўтариб:

– Ҳай, болам-ай, сендан кутганим шумиди?! Қиз асрагунча, туз асра, деб шуни айтишар экан-да! Сени тукқандан кўра, ит туғсам бўлмасмиди-я! – деб “ув” тортиб, ўкраб юборди.

Бир кунда кўп йил дард чеккандай кўзлари киртайиб, нурсизланиб ул-

гурган онанинг бу ноласи қаноти синган қушдай ожиз Ойнурнинг юрагига ўқ бўлиб қадалди. Кўз олди қоронғилашиб, кўкка парвоз қилмоқчи бўлган ярадор қушдай жонсиз қўлларини силкишга уринди, лекин мажоли етмади, назарида шувуллаб тубсиз, қоп-қоронғи жар ичига қулаб тушгандай бўлди...

\* \* \*

Ойнур димоғида қандайдир дори, спирт хидини сезди. Кейин билагида игна санчилгандай жазиллаган оғриқни ҳис қилиб, кўзини очди-да, тепасида турган оқ халатли аёлни кўриб, ажабланди. Ўрнидан турмоқчи бўлди. Оқ халатли аёл:

– Уйқудаги малика уйғондилар, – деб тилла тишларини яркиратиб илжайди.

Каравотнинг оёқ томонида йиғлаб ўтирган Райҳон ўрнидан дик этиб туриб, унинг тепасига келиб:

– Ойнуржон, тузукмисан?! – деди кўздаги ёшини кафти билан артар экан.

Ташқаридан қандайдир гангир-гунгир, асабий овозлар эшитиларди.

– Қаердаман? – деди Ойнур нима бўлаётганини тушунмасдан.

– Уйдасан, – деб жилмайишга уринди Райҳон. – Ҳаммани кўрkitиб юбординг-ку...

– Ойим тузукмилар?

Ташқарида кимларнингдир: “Энди оға, бир жаҳлингизни бизга беринг, ёшларга бахт тиланг, тўй қилайлик!” деган овозлар, кейин Олим оғанинг:

– Уйдан чиқларинг, гап тамом-вассалом! – деган кескин овози эшитилди.

Салтанат янга буғи чиқиб турган косани кўтариб кириб:

– Ойқиз, қайноқ шўрва келтирдим, – деди каравот ёнига келиб.

– Раҳмат, янга, ичгим келмаяпти, – деб бош чайқади Ойнур. – Нима бўляпти... ташқарида...

– Жуда бўлмаса бир-икки хўпланг, – деди Салтанат қайинсинглисининг киртайган кўзлари, сўлғин рангидан юраги эзилиб. – Эй, кўни-кўшниларики шовқинидир-да...

– Йўқ, нимадир бўляпти... Кимлар келишди? – сўради Ойнур.

– Эй! – яна қўл силтади янгаси. – Анов ярамаснинг овулидан оқсоқоллар кечирим сўрагани келишибди... Дадам тўнини тесқари кийиб, кўнадиган эмас. Ойим ҳам: “Сенларга қиз у ёқда турсин, бир сиқим тузимни ҳам бермайман!” деяпти...

Кечирим сўраб келган оқсоқоллар Олим оға билан Ойжон опани кўндиролмай, тарвузлари қўлтиқдан тушиб, охири қайтиб кетишди. Райҳон ҳам хайрлашиб, ўқишини баҳона қилиб, шаҳарга жўнади. Олим оға хонасига кириб кетди. Бошқалар ҳам худди аразлашган қўшнилардай қовоқлари солинган, бир-бирларига гапирмай унсиз ўтиришар, юрганда гўё бировни уйғотиб юборадигандай оёқ учида юришарди, дахлиздаги осма соат қапкирининггина “чиқ-чиқ”и қулоққа эшитиларди, холос.

### 3. ТАБАССУМИ ЎҒИРЛАНГАН ҚИЗ

Кечга яқин Ойнурнинг ахволи оғирлашди, иситмаси кўтарилиб кетди. Туни билан алаҳсиб, тепасида ўтириб чиққан Розия билан Салтанат кўрқиб қолишди. Тонгга яқин ўзига келди. Боши сирқираб оғриси-да,

ўрнидан туриб, ювиниб-таранди, сочларини тартибга келтирди. Институтга бориш учун жавондан дафтарларини олиб, дипломатига сола бошлади. Лекин боши айланиб, кўз олди тиниб, гилам устига ўтириб қолди.

Қизининг ўрнидан турганини пайкаган Ойжон опа аста унинг хонасига бош суқди ва Ойнурнинг гилам устида қунишиб ўтиришини кўриб:

– Чирогим, тузукмисан, ишқилиб? – деди. Қизининг пешонасига кафтини қўйди. – Худога шукр, иситманг тушгандай, келиннинг айтишича, туни билан иситмалаб, алаҳсиб чиқибсан...

– Ҳозир тузукман, ойижон!

– Ошхонага чиқақол, нонушта тайёрладим, – деди онаси.

– Ҳозир, китобларимни жойлаштириб чиқаман.

Ойнур ошхонага кирганида Ойжон опа ёлғиз ўзи чой ичиб ўтирган эди. Ойнур газўчоқ устидаги қозонда қайнаб турган шўрвадан икки косага сузиб, дастурхонга қўйди-да, онасининг ёнига келиб, болалик пайтидагидай, қучоғига тикилиб ўтирди, эркаланиб елкасига бошини қўйди. Одатда, Ойнур бундай пайтларда онасига бирор қизиқ гап айтиб кулди-рарди. Онаизор елкасига бошини қўйганича чурқ этмай ўтирган қизининг сочини силади ва: “Бечора қизгинам-эй, кўнглингни ўкситишдими?! Гулдай очилиб, яйраб-яшнаб, кулиб юрардинг, энди худди сўлиган гулдай рангинг сарғайиб кетибди...” деди қизининг юзига яна бир қараб:

– Ойнуржон, шўрвангни совитмасдан, иссиқлигида ичсанг-чи! – деди. – Бугун ўқишга бормаи кўя қол. Уйда, ёнимда бўл. Айтмоқчи, ҳалиги нодон яна келиб юрмасин. Эндиям келиб, йўлингни тўсадиган бўлса, биздан яхшилик кўрмайди!

Ойнур олдидаги косани ўзидан нарига суриб қўйди.

– Ич овқатнингни совимасидан, – деди онаси энсаси қотиб.

– Тортмаяпти, – деди Ойнур кўзлари ёшланиб. – Қорним тўқ...

– Қорним тўқи нимаси?! Кечадан бери туз тотмаган бўлсанг, қандай қилиб қорнинг тўқ бўлар экан? Энди бўлар иш бўлиб, бўёғи синди. Нимасини ўйлаб, нимасига куясан?! Сени деб тонг отмасдан акангга товуқ сўйдириб, шўрва қайнатиб қўйсам, бир қошиқ ҳам ичмаяпсан. Ичмасанг дастурхондан турмайсан! – шундан кейингина Ойнур ноилож шўрвадан бир-икки қошиқ тотингандай бўлди.

Ойжон опа қизидан ҳамон кўз узмасди: “Манов қиз тушмагур, бир куннинг ўзида қашқир талаган кўзидай юрагини олдириб қўйибди. Бу аҳволда касалга чалиниб қолмаса эди...” Шундай безовта хаёлдан кўзлари ёшланиб, уни сездирмаслик учун, бир ютиниб олди-да, қизига:

– Болам, сен бундай ўзингни ўзинг эговлайверма. Энди бошингни ғоз тутиб юр, ёмонлик кўрган одамларга ўхшаб умидсизликка тушма. Ановманов сўзларга учма. “Яхши қизнинг ортидан сўз илашар, ёмон қизнинг ортидан чўп илашар”, деганлар. Аввал қандай бўлсанг, шундай ўйнаб-кулиб юр. Ким нима деса деяверсин. Оғзига кучи етмаганлар ҳар хил гапларни айтиши мумкин. Рухингни тушириб, юраверсанг одамлар ҳам: “Бу қизга нимадир бўлган”, деган хаёлга боришади, – деди-да, яна унга тикилиб туриб, бошқалар эшитмасин дегандай аста шивирлаб: – Ойнуржон, ўзинг... соғмисан? Ишқилиб, тўғриси айтавер, – деди.

Кечадан бери онасининг бетига қарашга юраги дов бермаган Ойнур,

бирданига:

– Ойи! Бу нима деганингиз?! – деб, икки кўзи ёшга тўлиб, ўрнидан сапчиб турди-да, ошхонадан чикиб кетди.

\* \* \*

Эртасига Ойнур дарс бошланишидан бир-икки соат олдин дугонларининг институтга яқин жойдаги ижара уйига борди. Қизлар Ойнурни кўриб, қувониб кетишди. Фақат Лаззат кип-қизариб, ўзини каерга кўйишни билмай қолди. Гулнор унинг кўлидан пальтони олар экан:

– Келганинг яхши бўлди, кеча дарсда бўлмаганингга хавотирланиб, бугун уйингга ўтмоқчи эдик, – деди қувониб. – Бошингга нелар тушганини эшитиб, лол бўлиб қолдик.

– Ойнурнинг бошига тушган кўргиликларга мен сабабчиман, – деди Лаззат куйиниб. Агар мен сабабчи бўлмаганимда Чордарадаги Элмурод қаёқда эди-ю, Тошкентда ўқиб юрган Ойнур қаёқда эди!

– Айб сенда эмас, айб ўзимда, – деди Ойнур кўзлари ёшга тўлиб. – Болалигимда маҳалламизда Тожинисо деган девона аёл бўларди. Ўша девона юрган йўлида: “Қаттиқ бўлсанг, туфлаб ташлашади, юмшоқ бўлсанг, чайнашади, ўртача бўлсанг, туflanмайсан, чайналмайсан!” деб юрарди. Биз бу бир жиннича гап, деб кулардик. Энди билсам, доно гап экан. Юмшоқ бўлганим учун чайналдим!

– Э, бўлди, Ойнуржон, бир аҳмоқнинг қилғилиғи деб ўзингни-ўзинг еб тамом қилмоқчимисан?! – деди Райҳон дугонасининг ҳолатидан эзилиб.

– Бир кечада минг кечалик воқеа бўлганини Райҳондан эшитдик, – деди Гулнор. – Наҳотки Райҳон айтган гапларнинг ҳаммаси рост бўлса?

– Мен бўлмаганимда Ойнур ҳозир биз билан ўтирмаган бўларди. Орқасидан бир автобус одамни бошлаб бориб, буни чордараликлар чангалидан аранг қутқазиб келдик, – деди Райҳон мақтангандай бўлиб.

– Бунинг нимасига мактанаяпсан?! – деди ҳазилсиз сўзламайдиган Гулнор унга тик қараб, кўлини силкиб давом этди. – Ойнурни эрсиз қолдирганингга мактанаяпсанми? Бу ердагилар не-не қизлар эрсиз юрганида бу нима қилганинг? Нақ Ойнурнинг уволига қолибсан. Между прочим, Элмурод ёмон йигит эмас эди. Нимага бу бечорани ўша ёқда қолдирмасдан, асир олгандай олиб келдиларинг?!

– Сен ҳеч жиддий гапирасанми ўзи?! – деди Райҳон, кейин “жим ўтир” дегандай лабига кўрсаткич бармоғини босди.

– Тўғри-да – деди Гулнор. – Райҳон, сен иккинчи бундай қахрамонлик қилма! Бундай қилаверсанг, ҳаммамиз эрсиз қоламиз. Нима бало, сен қизларнинг бари сўққабош, тиззасини кучоқлаб ўтсин демоқчимисан?! Агар мениям биров олиб қочадиган бўлса, билиб қўй, изимдан бутун бошли армияни бошлаб бориб юрма тағин! Пре-ду-преж-даю! – деб унга муштини дўлайтирди.

Қизлар кулиб юборишди. Ойнур ҳам бу ҳангома унинг кўнглини кўтариш учун тўкилаётганини ҳис қилиб, Гулнордан миннатдор бўлгандай, жилмайиб қўйди.

\* \* \*

Орадан икки ҳафта ўтгач, Ойнуր Элмуроддан хат олди. Унда йигит “Мен учун сен – ҳаёт гулисан! Ўзгалар учун – ўчоқ кулисан!” деб бошланган мактубнинг давомигади шеърӣ сатрларда изҳор этилган оловли сўзлар Ойнурунинг вужудини ёндириб, аввалгидан баттар изтиробга солди. Унинг хаёлидан: “Нега ўзи келмайди, унинг ҳоли нима кечди экан, деб нега ўйламайди?” деган ўйда ўкинч ва қайғули кунларни бошидан кечирди.

Кейинги пайтда Ойнур, худди биров уни алмаштириб қўйгандай, ўзгариб кетди. Бутунлай озиб-тўзган, кўзлари мунгли, кундузлари лабига кулги, тунлари кўзига уйқу келмайдиган ҳолга тушган эди. Шунинг учун ҳам курсдошлари уни “Табассуми ўғирланган киз” деб чақирадиган бўлишди. Кун кетидан кун, ой кетидан ой ўтаверди. Ниҳоят, Ойнур Элмуроднинг хатига жавоб ёзиш учун столга ўтириб, қўлига ручка олиб, хатни шундай бошлади:

*“Элмурод!*

*Сен мени қай кўйларга солдинг? Нега бир бора бўлса-да, ҳол сўраб келмадинг? Нега? Менинг шунчалик хўрликларга дуч бўлгудай нима айбим бор эди? Менда қасдинг бормиди? Айбим нималигини ўйлаб ўйимга етолмаяпман. Элда бош кўтаролмайдиган бўлдим. Ота-онамнинг олдидан юриб-туришим қанчалар мушкул эканини бир тасаввур қилиб кўрсанг эди! Олиб кет мени!”* деб ёзди-да, йиғлаб юборди, сўнг қоғозни ғижимлаб-ғижимлаб, йиртиб ташлади. Кўзларидан оқиб тушаётган мунчоқдай-мунчоқдай ёшларни кафтлари билан артиб, оқ қоғозга тагин ёза бошлади.

Ёзган хатини уч-тўрт қайта ўкиб чиқиб, қўли қалтираб, тўрт буклади-да, хатжилдга солди. Бошдан охиригача текис бўлмаган, баъзи сўзлар уйкашмаса-да, алам-ўкинч, пинҳоний ранж-гина билан битилган мактуб солинган хатжилдга узоқ тикилиб ўтирди. Ичида “У мени тушунармикан? Ишқилиб, ўз қўлим билан ўзимга ҳукм чиқармадиммикан?” – деган минг хил хаёлларни енгиб, хатжилдни ёпди.

\* \* \*

Қиш ўтиб, баҳор келди. Она табиат ўйғониб, бутун олам яшнаб, яшил либос кийди. Ойнур дарсдан чиқиб, уйга йўл олди. Автобусдаги ўриндиқда ўтирганича яна хаёлларга берилди: “Мана, яна келинчак баҳор келди. Кўкламнинг хушбўй нафаси, мусаффо ҳавоси нақадар ёқимли! Ҳамманинг кўнглида кўтаринкилик. Қишлик калин кийимлардан халос бўлиб, енгил либос кийган қиз-жувонларнинг чиройидан йигитларнинг кўзлари чакнайди. Уларнинг ўтли нигоҳидан кизлар ҳам ўзларини сархуш ҳис этиб, чехралари гулдай яшнайдди. Лекин менинг юрагим қора тугунга айланган...” деб ўйлаб, оғир хўрсинди-да, кўнглида маъюс-махзун сатрлар уйғонди:

*Бахтим-а, нега кулмайсан?*

*Ё, мени кўзингга илмайсан?!*

*Кувончим, нега келмайсан?*

*Бу дардли юрак ёнганда,*

*Нега тасалли бермайсан?*

Қайтадан келса ўша Бахт,  
Унга термилиб не дердим?  
Мен қандай қилиб адашдим?  
Бахтимни мен асраб ўтардим!

\* \* \*

Элмурод шу кетгандан бадар кетди. Ундан хат ҳам, хабар ҳам келмади. Ойнурнинг кўнглидан: “Мени чиндан унутганми?.. Нега хабар олмайди? Бу нимаси? Ҳозир ким кўп, сулув қиз кўп. Бошқа бировни топгандир. Мен ҳам унга хатимда, “бошқасини топ”, демаганмидим? Яхши билмасдан туриб, нега энди мен унга боғланиб қолдим?” У эса мени унутди. Унутса унутгандир. Аммо шу инсофданми? – деган ўйлар уни беҳаловат қиларди.

Бугун ҳам ана шу ўйлар билан бўлиб, тушадиган бекатидан ўтиб кетганини сезмабди. Ҳайдовчи: “Байитқўрғонда тушадиганлар борми?” деган саволидан хушига келиб, ўрнидан сапчиб турди. Йўловчилар билан зич автобуснинг олд эшигига бир амаллаб сирғалиб ўтиб, пастга тушиб олди. Автомобиллар ғизиллаб катнаб турган катта йўлнинг нариги томонига ўтишга ҳам анча вақти кетди. Бу тарафдаги бекат кимсасиз, демак, автобус яқинда кетган. Қоронғилик қуюқлашгани сайин Ойнур дадаси билан онасининг хавотирланиб, йўлга кўз тикиб ўтирганларини тасаввур қилиб, юраги сиқилди. Қоронғилик тобора қуюқлашмоқда. У автобус келишини кутишга сабри чидамасдан, йўлқадан тез-тез юриб кетди. Уйига яқинлашар экан, дарвозахона олдида дадаси билан онасининг йўлга кўз тикиб, мунгайиб турганларини кўриб, ўзидан нафратланиб кетди. Ичида: “Қариганда бола ота-онанинг белига суянч бўлади, дейишарди, мен суянч эмас, бошларига бало бўлдим, шекилли?!” деб кўзлари ёшланди. Яқин қолганида уни биринчи бўлиб онаси таниб:

– Э, ана, Ойнуржон келяпти! – дея қичқирди. Кувончини яширолмастан.

– Бугун кечикдингми, болам? – деди Олим оға қизига бошдан-оёқ тикилиб.

– Дарс кеч тугади, дада, – Ойнур хижолатдан кизарди.

– Вой, шуни сим қоқиб, айтиб қўйсанг-ку, юрагимизни ховучламасдан, ҳар хил хаёлларга бормасдан ўтирардик! Шуни айтади-да, онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деб...

Ойжон опа яна боланинг она ҳасратини она бўлганида, ота ҳасратини ота бўлганда билиши ҳақида гап бошлаётган эди, Олим оға:

– Онаси, лекцияни балки уйда давом эттирарсан? – деди истехзо билан.

– Ҳай, эсим кўрсин, лекция эшитиб, чарчаб келган боламни яна лекция билан қарши олганимни қаранглар! – деб кулиб юборди Ойжон опа.

\* \* \*

Дастурхон устида Олим оға қизига кўз кирини ташлар экан, унинг озиб-тўзиб кетганини кўриб, юраги эзилди. “Манов қизнинг силласи қуриб бўпти-ю. Сиртидан сездирмагани билан ичдан куйиб юрган экан-да. Ўйнаб юриб чўғни босиб олдинг-а, шўрликкинам!.. Туғилган кунинг ҳам яқин қолди. Онанг шуни бир яхшилаб ўтказсак, тенгқурлари билан

ўйнаб-кулса, кўнгли кўтарилармиди”, деганди. “Йўк, нима қилсак ҳам, бунинг кўнглини кўтармасак бўлмас”, деган тўхтамага келди.

Эрининг ўйларини сезгандай Ойжон опа ҳам:

– Ҳой қиз, сенинг бу юришинг нимаси? – деди куйиниб. – Бундай қилиб ўқигандан кўра ўқимай кўя қол. Шу аҳволда юрсанг, мени ажалимдан беш кун олдин ўлдирасан-ов...

Олим оға аёлига қовоғини уюб, қараб қўйди. Ойжон опа эрининг жаҳли чиққанини англаб, гапиришдан тўхтаб, оғир хўрсинди-да:

– Дадаси, чой ичасизми? – деб пиёлага чой қуйиб узатди.

– Лекция мазмунли бўлди, чойга ўрин қолмади, раҳмат, – деб Олим оға ўрнидан туриб, тоқчадаги газеталарни олиб, нариги хонага кириб кетди. Ойжон опа кизи билан қолгач, оналик меҳри ийиб:

– Ўзингни-ўзинг ичингни еб, адойи тамом қилаётганингга куйиниб гапираман-да, Нур қизим! Бўлди қил, ўтган ишларни унут. Яқинда туғилган кунинг бўлади, ўшани катта қилиб ўтказишни даданг билан келишиб қўйдик. Кўнглингга яқин тенгдошларингни чақир, ўйнаб-қулинглар...

Бугун кечикиб келганингга отанг билан икковимиз адойи тамом бўлишимизга оз қолди... Ҳеч қачон бундай кечикмасдинг, қизим, ростини айт, нима бўлди?

– Айтдим-ку, лекция чўзилиб кетиб, кечроқ чиққанимга автобусдан қолиб кетдим, кейингиси келгунича кутиб қолдим...

Ойну аслида хаёлга кўмилиб ўтириб, икки бекат ўтиб кетганини айтмади, тўқиган бу ёлғонидан ғалати бўлиб кетди.

– Домлалар қизиқ, қизларга эртароқ рухсат берса бўлмасмиди? Ўзинг ҳам: “Уйимиз узоқда, қоронғига қолишдан кўрқаман, онам хавотирланади демабсан-да?”, деб бироз жим қолди сўнг давом этди. – Биз ҳам бировнинг арзанда кизи эдик. Энди мана, сенларнинг ташвишларинг билан бўлиб, ота-онамизни эслашга ҳам вақтимиз қолмаяпти... Айтмоқчи, Улжон опанг бору, ўша сени кичкиналигингда: “Ўзим келин қиламан!” деб юрарди. Бугун ҳам келиб кетди. “Бу йилдан қолдирмай қизингни берасан!” деб хол-жонимга қўймапти. Туғилган кунингга ўғлини ҳам юборадиган бўлди. Ўзинг ҳам биласан, боласи ёмон йигит эмас. Институтни битирди, армияга ҳам бориб келди. Келганида яхшилаб кўр, гаплаш...

– Анов, Асад оғами?.. Ойи, қўйсангиз-чи уни, – деди кизи энсаси қотиб.

– Хўш, унга нима бўпти?! – деди Ойжон опа жаҳли чиқиб. – Яхши йигит! Ўзиям сени бурундан ёқтирар экан. Шунинг учун онасини холжонига қўймай, қайта-қайта юборяпти экан. Сен бўлсанг, афтингни буриштирасан!

– Йўк, ойижон! – деди Ойну бош чайқаб. – Қўйинг. Керак эмас. Аввал ўқишни тугатай.

– Сен ундай дема, – деди Ойжон опа бош чайқаб. – Ўқиган десанг, ўқиган, бурундан таниш, синашта одамларнинг боласи. Ёмон жой эмас.

– Вой, ойижоним-эй! Қаёқдаги бўлмайдиган хангомани айтаверманг, деди Ойну охири бетоқат бўлиб.

– Ҳой, қиз, бу қилиғингни ташла! Сени “қарикиз” бўлиб, ўтириб қолмасин десам, фироқ қиласан! Ўзи сенга ким керак?! Ёки яна Элмуродинг келиб, бошингни айлантириб олдими?!

Ойну бу гапни эшитиб сесканиб тушди.

– Йўк, ойижон, ўшандан бери Элмуродни кўрмадим-билмадим. Ўқишимни битириб олай деяпман! – деди ўксиниб.

– Эҳ, кизим-а! Ўқишингни ҳали бир ярим йил деганда битирасан. Унгача манов миш-мишларга чидаб юраверасанми? Ҳайтовур, бошингни боғлаб кўйишса, дегандим-да. Ановни айтса манов дейсан, мановни айтсам, анов дейсан... Шунча йигитдан нахотки бирортаси кўнглингга ўтиришмаса?!

– Шунча йигит, деб кимларни назарда тутяпсиз?

– Масалан, Ғалимжон. У кимдан кам эди? Бўй десанг бўйи, ўй десанг, ўйи бор! Кўрк десанг, кўрки бор! Обрули оиладан. Искандар-чи? Уям ёқмайдами? Қандай маданиятли йигит. Савлатли, салобатли. Ақл-фаросатига гап йўк, – дея Ойжон опа йигитларнинг мақтовини келтиришга тушиб кетгандан, Ойнур “пик” этиб кулиб юборди-да, овозини онасига ўхшатиб:

– Ҳаммасидан салобатлиси, учи гажак мўйловини кўрсанг кўзинг қувонади, – деб бошлаган эди, Ойжон опа қизининг калака қилишидан жаҳли чиққан бўлиб:

– Сен нимага мени мазах қилаяпсан?! – деб қизининг елкасини муштлаб кўйди.

– Илтимос, ойижон, улар сиз айтгандай яхши йигитлардир, лекин уларнинг бировигаям тегмайман! Ўқишим битсин, кейин буюрганини кўрармиз...

– Нега тегмайсан?! – қизишди она. – Сен ўзинг шунчалик кеккайиб кетдингми, ким бўпсан ўзи?! Осмондаги оймидинг?! Ёки кўкдаги кунмидинг?! Ановни айтса кўнмайсан, мановни айтса, мазах қиласан! Ҳозир совчилар ёмғирдай ёғилиб турганда бировини танла. Ёки яна... бошқаси борми? Ўзи қиз болага бахт бир мартагина келади. Кейин ҳеч ким сўрамай кўйганида, “қариқиз” бўлиб ўтирмоқчимисан?! Бу нимаси?! Ўз бахтингни ўзинг боғлама!

– Элмуроддан ҳам совчи келди-ю, нега уни айтмаяпсиз... – деди-ю, тилини ютиб яна нигоҳини ерга қадади. Бу гап онасига ёқмади, у жаҳл билан қўл силтади:

– Сен уни ёдингдан чикар! Ундай олис ерга киз бермайман! Ўзинг биласан, соғлиғим яхши эмас. Сени шунча олисга берсам, ҳолингдан ким хабар олади? Лекин мен айтаётган йигитнинг турган жойи бизга яқин. Иссиқ жон бўлгандан кейин, мен ундай-бундай бўлиб кетсам, еттим ўтгандан кейин келасанми? Халқда: “Ота-онанинг қадрини болалик бўлганда биларсан, тукқан-қардош қадрини ёлғиз қолсанг биларсан”, деган нақл бор. Ҳали сен ёшсан. Ҳеч нимани ўйламайсан. Фарзанд дегани онанинг юрагидан бунёд бўлади. “Бола – жигар гўшти”, деб бекорга айтилмаган. Буни эртага бошингга тушганда биларсан!

Онанинг бу гаплари Ойнурни ўйлантириб қўйди. У бир зум индамай турди-да, сўнг:

– Тўғри ойижон... Лекин мен фақат ўшанга турмушга чиқишим керак... – деди-ю, онасига ялт этиб қараб олиб, кўзини олиб қочди.

– Сен нима деяпсан?! – деди чинакамига ғазабга минган она. – Сенга бир нима бўлганми ўзи?! Бу нима деганинг? Иснодга қолмаганмисан, ишқилиб? Ҳой, менга қара, дейман. Кўзимга қара-чи! Айт! Тўғрисини айт! Қуйдирма мени! Ўзинг соғмисан деяпман?!

Ойжон опанинг қон босими кўтарилганида ранги қорайиб кетарди.

Ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Ойнур кўрқиб кетди. Онасини кучоклаб, икки юзидан навбатма-навбат ўпар экан:

– Ойижоним, меҳрибоним менинг! Кечиринг мени! Ўйламай гапириб қўйибман. Менга ҳеч нима бўлмаган. Сиздан қандай туғилган бўлсам, шундайман. Ундай ёмон хаёлга бораверманг. Сиз нима десангиз шу бўлади, – деб онасига хушомад қилишга тушиб кетди. Шунда Ойжон опа:

– Унда, туғилган кунингга Асад келаверсинми? – деди илтижо билан қизига қараб.

– Ойижон, уни яхши танийман, нимасини кўраман? – кулди Ойнур. – Кейин, ўша куни фақат қизлар келишади. Унинг бир ўзи қизларнинг орасида нима қилади? Яхшиси, бу ҳақда кейин гаплашармиз. Ойижон, сиз ҳам чарчадингиз, соат ҳам ўн бирдан ошиб қолди. Энди дам олайлик.

Ойжон опа қайсар, эркатой қизига бошқа ҳеч нарса демади. Ўзи ҳам толиқди, шекилли, ўрнидан туриб, чурк этмасдан чиқиб кетди.

\* \* \*

Ойнур хонасига кириб иссиққина, юмшоқ тўшакка ўзини ташлади. Жудаям толиққан бўлса-да, кўзига уйқу келавермади. Элмуроднинг “Сен мен учун – гулсан, ўзгалар учун – ўчоқдан чиққан кулсан”, деган гапини эсга олиб, ўйга чўмди. Бу нима дегани? Ростдан ҳам шундаймикан? Ўйлаб-ўйлаб ўйига етолмади. Кейин, фақат ўшанга турмушга чиқишим керак, деган фикр яна миясида жавлон урди.

“Хўш, унинг ўзи қаерда? Шу кунгача бир марта бўлса-да, мендан хабар олдимми?! Тўғриси, айтган гапларининг ҳаммаси ёлғон бўлса керак. Бўлмаса, нима қилиб бўлса-да, бир бор хабар олган бўларди. Дадамнинг: “Тошкентга оёқ босса, қаматаман”, деган сўзини эшитиб, кўрқиб келолмай юрганмикан?! Нима бало, йигит дегани ҳам шунчалик кўрқок бўладими? Лоақал бирор марта келиб кетса бўларди-ку. Ундан умуман дарак йўқ...”

Ойнурнинг боши қотди.

Тўғри, бирда Элмурод Тошкентга келиб, Райхонни учратибди.

– Ҳаммасига сен айбдорсан, сен бўлмаганингда Ойнур меники бўларди! – дебди дағдаға қилиб. – Тонг отмай бир тўда одамни бошлаб бориб, “хой-хой” имизга кулоқ солмасдан Ойнурни олиб кетдиларинг. Бу билан сен хато иш қилдинг, мен билан Ойнурнинг уволига қолдинг!

Ўшанда Райхон Ойнурга келиб:

– Ойнур! Ораларингдаги шунча воқеаларнинг ҳаммасига чиндан ҳам мен айбдорманми? – деди йиғлагудай бўлиб. – Тўғриси айт!.. Аслида сен Элмуродни яхши кўрармидинг? Мен нотўғри иш қилдимми? Сени ўша кўйда, зўрлик билан босиб олиб кетганини кўратуриб, индамаслигим керакмиди? Уйингга хабар бермасам, ота-онангни олдида мен нима деган одам бўлардим, ахир. Элмуроднинг гаплари менинг юрагимга найзадай санчилди. Қаттиқ ботди, Ойнур! Сен мени тўғри тушунгин. Чиндан ҳам мен сенларнинг уволингга қолдимми? – деб хўнграб йиғлаб юборди. Анчадан кейин бўғиқ овозда деди: – Сенам ўшандан бери чурк этай демайсан. Солинган қовоғинг очилмайди. Бутунлай ўзгариб кетдинг? Балки сен ҳам мендан ранжиб юргандирсан?

– Райхон, бу гапларни қўй энди, – деди Ойнур кўзига ёш олиб. – Энди

айтган билан ўрнига келармиди? Сенда умуман айб йўк...

Кунлар шу алфозда ўтаверди. Лекин, вақт ўтгани сайин Ойнурнинг Элмуродга бўлган интилиши сўниш ўрнига кучайиб, юраги унга ипсиз боғланиб қолгандай сезиларди. Уни бир лаҳза бўлса-да, ёдидан чиқаролмай, юрган йўлларида ҳам хавотир, ҳам соғинч билан кутадиган бўлди. Қандай бўлмасин, бир куни келиб қолар деган умид бор эди. Лекин у бу ғалати соғинчни ҳеч кимга айтгиси келмас, юрагининг энг чуқур қаърига яшириб, ўз ёғига ўзи ковурилиб яшарди. Мана шундай бефайз, бехуда кунлар бир-бирини қувиб ўтаверди, ўтаверди.

#### 4. БОВУРЖОН

Ойнур давлат имтиҳонларини топшириш билан банд бўлиб, юрак изтиробларини унутаёзган кунлар эди. Ўша куни у институтга консультацияга борган эди. Консултациядан кейин тўрт дугона ташқарига бирга чиқиб, у-ёқ бу ёқдан гаплашиб, кулишиб туришди. Қизлар Ойнурнинг европача фасонда тикилган нўхат гулли, ҳаворанг крепдишин кўйлагига маҳлиё бўлишиб, роса мақташди. Чиндан ҳам янги кўйлак Ойнурнинг толхивичдай нозик қома тига жуда ярашиб, чиройини янада очиб юборган эди. Гулнор одатига кўра тегажоғлик қилиб:

– Йигит бўлганимда-ку, шу чикка бел жононни ўзим отга ўнгариб, обқочиб кетардим! – деди бир кўли билан Ойнурнинг хипча белидан кучиб, иккинчи кўли билан унинг турмакланган тим қора сочларини меҳр билан силаркан. Кейин боши билан Райҳонга ишора қилиб, кўшимча қилди. – Халақит бермасин деб аввал манов изқуварни бир ёқлик қилардим.

Шундай деб у айёрона кўзини қисиб, кафтини бўйнидан юргазди. Райҳон кип-қизариб ерга қаради, Лаззат хандон отиб кулди. Ойнур жилмайди, кейин худди ёдига бир нима тушгандай, хушёр тортиб:

– Бўпти, “йўловчига йўл яхши” деганлар, мен борай, аямнинг мазалари йўк эди, – деб қизлар билан хайрлашиб, автобус бекати томон юрди. Бекатга келиб, нозик бармоқлари билан манглайига тушиб турган кокилини тузатиб, билагидаги соатига қараб олди. Шу пайт:

– Яхшимисан, Ойнур? – деди кимдир. Қиз сесканиб кетгандай бўлди, овоз келган томонга қараб, унга қулимсираб тикилиб турган барваста, қорачадан келган йигитга кўзи тушди. Бу Ойнурнинг мактабдоши, ундан икки синф юқорида ўқиган қўшни овуллик Бовуржон исмли йигит эди. Ойнур унинг мактабни битириб, ҳарбий хизматга кетганини, ундан кейин Киев шаҳридаги авиация институтида ўқиб, унияма тугатиб келиб, энди Тошкент аэропортига ишга жойлашганини кимдандир эшитган эди. Бовуржон Ойнурни мактабда ўқиб юрган кезларидан яхши кўришини синфдошлари яхши билишарди. У Киевда ўқиб юрган кезлари ҳам Ойнурни кўп эсларди, байрамларда табрикномалар ҳам юборарди. Кейин Элмуродга тааллуқли воқеани эшитганида чўғ ютгандай ичдан ёмон куйди.

Шу кунларда у Ойнурнинг ўқишга қачон бориб, қачон қайтишини билиб, аниқлаб ҳам олган, шекилли. Қиз шу йигитни ўзини кузатиб юрганини сезиб-сезмаганга олиб юрарди. Бугун ҳам у институт қаршисидаги бекатга “Жигули”сида келиб, уни бир йўл чеккасидаги чинор соясига кўйиб, бекатга келди-да, Ойнурнинг чиқишини пойлаб турган эди. Қиз унга бир зум тикилиб, кейин:

– Ие, Бовуржон оғамисиз?! – деди ажабланиб.

– Ҳа, Бовуржонман! – деди йигит Ойнурнинг исмини унутмаганидан, ёдида сақлаганидан кўнгли тоғдай кўтарилиб. Кўришмаганларига ҳам мана етти-саккиз йил бўлса-да, киз уни бир кўришдаёқ таниганидан, “Эсидан чиқармабди!” деб қўйди.

– Бу томонларда нима қилиб юрибсиз?

– Ўтиб кетаётиб сени кўриб қолдим. Юр, ола кетай, адашмасам, йўлимиз бир, – деди Бовуржон сал нарироқда турган яп-янги, ҳаворанг 06 “Жигули” машинани кўли билан кўрсатиб.

Машинани кўриб, Ойнурнинг ранги ўзгарганини пайқаган Бовуржон:

– Э, хавотирланма, мен баъзи бировлардай сени мажбурлаб олиб қочадиганлардан эмасман, – деди қулиб.

Ойнур ичида, “Буям эшитибди-да, “Эл оғзига элак, тутиб бўлмас”, деганлари шу экан-да, деб ўйлаб, қизариб кетди. Бовуржон ортиқча гап айтиб юборганини сездими, дарҳол андавалаш учун:

– Сизларнинг овулдан ўтадиган бўлганим учун олакетай деяпман-да, деди, шу пайт бекатга автобус келиб тўхтади.

– Раҳмат, Бовуржон оға, автобусда юриб ўрганиб кетганман, – деди Ойнур автобус томон чопқиллаб бораркан. Бовуржон бўлса бекатда бетоқатланиб турганича, ичида: “Эҳ, хомкалла, ортиқча гапни нима қилардинг, ўзи ич-этини еб юрган киз бола бўлса!” деган алам билан автобус ортидан қараб қолаверди. Ахир, у шу бугунги “тасодикий” учрашувга пухта ҳозирлик кўриб, Ойнурга айтадиган ҳар бир гапни миясида пишитиб олганди. Қаранг, битта ноўрин гап ҳамма режасини пучга чиқариб қўйди-я...

\* \* \*

Ойнур автобус деразасидан ташқарига тикилганча, Бовуржоннинг мактабда ўқиб юрган кезларида унга кўрсатган ғамхўрликларини эслаб кетди. У пайтларда ўқувчилар ҳам пахта теримига олиб чиқиларди. Улар ҳар куни белгиланган нормани териб беришлари шарт эди. Нормани теролмаганлар кечкурун штабга чақирилиб, қаттиқ сиқувга олинарди. Ойнур нормасини теролмай қийналиб юрганини сезган Бовуржон юқори синфдагилар терадиган даладан яширинча келиб, ҳеч кимга сездирмай, ўзи терган пахтани Ойнурнинг эгатига тўкиб кетадиган бўлди. Аввалига Ойнур бу олийжаноб кимсанинг кимлигини билолмай, хайрон бўлиб юрди. Кейин унинг кимлигини қизлар билиб қолиб:

– Бовуржон Ойнурни севиб қолипти, – деб ўзаро жар солиб юборишди. Бовуржонни кўриб қолишса, “Ана, Робингуд келяпти!” деб хиринглашиб қулиб, оғзини ёпиб мазах ҳам қилишадиган бўлишди. Бовуржон эса, Ойнурни кўрса, тамом, саросимага тушиб, гуноҳ иш қилиб қўйгандай уялиб, ўзини четга оладиган бўлди. Ўша-ўша, Бовуржоннинг лақаби мактабда “Робингуд” бўлиб кетди. Эҳ, ўқувчилик йиллари ҳам ажойиб кунлар экан-да...

Ойнур ана шу мактабдаги беғубор ўқувчилик даврини эслаб, худди ўша бахтиёр дамларга қайтгандай, бугунги ташвишу, изтиробларидан халос бўлгандай, ўзини енгил ҳис этди.

Эртасига Бовуржон Ойнурни яна шу бекатда кутиб олди. Автобусда бирга овулга қайтишди. Шу-шу, Бовуржон ишдан эртарок чиқиш имконияти бўлганида Ойнур чиқадиган бекатга тезроқ етиб келишга интиладиган бўлди. Автобусга бирга чиққан кунлари у, йўл бўйи қизнинг кўнглини кўтаргиси, уни ўша мактаб давридаги қувнок, шўх-хандон ҳолатига қайтаргиси, унинг чеҳрасида ўша пайтдаги табассумни кўргиси келиб, қизиқ-қизиқ хангомалар айтар, лекин Ойнурнинг кўзларидаги ўйчан, ғалати мунгни ўчиролмасди. Шундай пайтларда Бовуржон ичидан қаттиқ ўкиниб:

– Нега мен ўшанда Тошкентдан кетдим-а? Агар бу ердан кетмаганимда, Ойнурга ҳатто гард ҳам юқтирмаган бўлардим! Сени шунчалик қайғуга солган ким экан?! Агар у қўлимга тушса, зўрлик қандай бўлишини кўрсатиб қўяман!”, деб қўлларининг киррасини автобус темирларига қаттиқ уриб-уриб олар, аламидан ғижиниб қўярди.

Ахир, неча йиллардан бери Бовуржоннинг юраги фақат Ойнур деб уриб, ўз ёғига ўзи қовурилиб, яшади. Ҳаттоки, Ойнурни осмондаги ойга, кўкдаги кунга тенглаб, ўзини унга номуносиб деб ҳам ўйлаган пайтлари бўлди. Унга муносиб бўлиш учунгина у кўп қийинчиликлар билан институтга кириб, уни қизил диплом билан тамомлади. Бу орада у якка курашнинг янги чиққан Карате, Дзю-до, У-шу деган турлари билан шуғулланиб, ном ҳам қозонди.

Ойнур Бовуржонга синовчан кўз билан қараб, унга учувчиларнинг бежирим формаси жуда ярашиб турганини, айниқса, бу новча, жуда келишган йигитга кўчада ўтган-кетган қизларнинг ҳам ҳавас билан қарашларини биринчи кундаёқ сезган эди. Ҳатто унинг одоби қизнинг назаридан қочмади. Шундай бўлса-да, Ойнурнинг юрагидаги яраси ҳали битмаганди. Шунинг учун ҳам у шу кунларда бировни кўришни ҳам, гаплашишни ҳам истамайдиган бўлиб қолган эди. Бовуржоннинг йўл-йўлакай айтаётган кулгили хангомаларини баъзан кулиб, баъзан лоқайд тинглаб келмоқда эди.

Бовуржоннинг мана шундай кунда уни бекатда кутиб туришини хушламаган Ойнур, кўнглида:

– Бундан қандай қилиб кутулсам экан? Нимага ҳар куни келаверади? Келишни бас қилса-чи, – деб сиқиладиган бўлди.

\* \* \*

Ойнур Бовуржоннинг ёмон йигит эмаслигини тушунса-да, уни кўргани сайин юраги сиқилиб, ўзини ёмон сезадиган, ёнидан қочиб кетгиси келаверадиган ҳолатга тушиб қолди. Бир сафар Бовуржон уни бекатда кутиб олиб:

– Ойнуржон, бугун бирор жойга бориб, ўтириб гаплашайлик, – деганида қизнинг бардоши тугаб:

– Бовуржон оға, сиз яхши йигитсиз, буни биламан, – деди ялинган оҳангда. – Фақат мендан ражиманг, тушунинг, ҳозир гаплашишга менда вақт ҳам, хоҳиш ҳам йўқ, бошқа келиб юрмасангиз, дегандим, – деди.

– Аҳволингни кўриб турибман, – деди Бовуржон тарвузи қўлтиғидан

тушгандай бўшашиб, кейин у бекат ёнидаги қахвахонага ишора қилди. – Жуда бўлмаса мана бу ерга кириб, ўтириб гаплашайлик.

Ойнур бекатда автобус кутиб турганларнинг назари уларга туша бошлаганидан ўзини ноқулай сеза бошлади. Турганлар орасида уни танийдиган талаба йигит-қизлар, бир-иккита домлалар ҳам бор эди. Автобус келавермагач, у индамасдан қахвахона томон юриб, чеккароққа, дарахт тагидаги столга ўтирди. Унинг нияти, шу ерда Бовуржоннинг гапини эшитмасданок ундан қутулиш эди. Ойнур кўлидаги сумкасини тиззасига қўйиб: “Нима демокчисан, қачон менга тинчлик берасан?”, дегандай чуқур нафас олиб, унга тикилиб қаради.

Бовуржон Ойнур аччиқланганида қошларини кериб, мана шундай тикилиб қарашини мактаб пайтидан яхши биларди. Худди ҳозир ҳам у ўша ёш кизча пайтидагидай лабини буриб, унга тикилиб қарашидан кулиб юборди ва буфетчи йигит билан хиринглашиб гаплашиб турган, олдига оқ фартук таққан бўғирсоқдай юм-юмалоқ официант қизни чакирди. Бўғирсоқ оғзида сақични “қарс-қарс” чайнаганича, улар ўтирган стол ёнига нозланиб келиб, фартукининг чўнтагидан ёндафтар ва ручка чиқарганича, Бовуржонга илжайди, Ойнурга бошдан-оёқ кўз югуртириб, йигитга саволомуз тикилди. Бовуржон олдинига иккита музқаймоқ ва лимонад келтиришни сўради-да, “Яна-чи?” дегандай унга тикилиб турган бўғирсоққа ҳам, асабларидан чарсиллаб, алангаси чиккудай бўлиб ўтирган Ойнурга ҳам эътибор бермасдан, стол устидаги таомномани бамайлихотир кўлига олиб, унга диққат билан кўз югуртира бошлади. Ойнур тоқатсизланиб:

– Менинг вақтим ҳам, иштахам ҳам йўқ, ҳеч нарса емайман! – деди зарда билан.

Официант қизнинг энсаси котди. “Нима дейди бу тантиқ?” дегандай йигитга термилди.

– Ҳозирча музқаймоқ билан лимонад беринг, – деди йигит. Официант патнисда иккита музқаймоқ ва лимонад келтириб, Бовуржонга: “Ёқимли иштаха, керак бўсам чакирарсиз!” деб, илжайди-да, буфет томонга кетди. Бовуржон идишдаги музқаймоқнинг бирини Ойнурнинг олдига суриб:

– Ол, е, муздай нарса асабни тинчлантиради, – деди ўша хотиржамлик билан.

Ойнур музқаймоққа истар-истамас кўл чўзди. Бовуржон стаканларга лимонад қуяр экан, кўли титраётганини сездириб қўйди. У афтидан гапни нимадан бошлашни билмаётган эди. Олдидаги музқаймоқни қошиқча билан зўр бериб эзгиларкан:

– Ойнур, менга турмушга чиқсанг бир умр қафтимда кўтариб юраман! – деб юборди кутилмаганда, сўнг нима деб юборганини ўзи энди тушунгандай қизнинг юзига уялиб тикилди. Бир куни Бовуржоннинг шундай дейишидан кўрқиб юрган Ойнур бошини қуйи эгганича, чурқ этмай ўтираверди. Бу сукутни ризолик деб билган йигит бирдан дадиллашди:

– Агар менга турмушга чиқсанг, сени бахтли қилиш учун ҳамма нарсага тайёрман! – деди. – Мактабдалиқ вақтимиздан бери сени яхши кўришимни ўзинг биласан. “Йўқ” деб кўнглимни синдирма, Ойнур! Менинг ягона орзуим – сени бахтли қилиш. Майли, ҳозир ҳеч нима демагин. Яхшилаб ўйла. Жавобингни кейин айтарсан...

У лимонадли стаканни кўлига олиб, худди ютоққан одамдай уни бир кўтаришда симирди-да, бўш стаканни кўлидан қўймасдан гапиришда да-

вом этди:

– Нима учун руҳан эзилиб юришингни биламан. Ўтган ишга саловат. Уни унутишга, бошингдан ўтган воқеани ҳеч қачон бетингга солмаслик-ка қасам ичаман! Мени тўғри тушун. Сени қаттиқ севаман! Мени инкор қилмаслигингни ўтиниб сўрайман, – деди-да, қўлидаги стаканни синдир-гудай қаттиқ сиқди.

Ойнур кўзларига тўлган ёшни Бовуржонга кўрсатмаслик учун қўллари билан юзини беркитди-ю, ўрнидан сапчиб туриб, бекат томонга югуриб кетди. Бовуржон ўтирган жойида:

– Ойнур, шошма! – деганича қолаверди.

Қиз югурганича бориб, бекатдан энди кўзгалаётган автобуснинг олд эшигидан чиқиши билан, эшиклар қарс-курс ёпилиб, юриб кетди. Орқада келаётган Бовуржон унга чиқишга улгура олмади.

## 5. ОНАИЗОР

Ойнур навбатдаги имитиҳонларга тайёрланиб ўтирган эди. Ҳовлидан кимларнингдир овозлари эшитилди. Орадан кўп ўтмай Салтанат янгаси ҳовлиқиб ичкарига кирди-да, Ойнурнинг хонасига бош суқиб:

– Эркажон, уйдан чиқмай ўтиравер, совчилар келди, совчилар! – деб шарақлаб кулди-да, эшикни ёпиб, изига қайтиб кетди.

Келган совчилар – Бовуржоннинг онаси Сарахон опа, янгаси Маржонгул ва икки нафар ёши улуғ тоғалари экан. Сарахон опа шунгачаям бу уйга бир неча бор қатнаб, ниҳоят Олим оға билан Ойжон опани куда бўлишга кўндиргандай бўлди. Кудачиликнинг ҳамма шартлари бажарилиб, тўй куни ҳам белгиланган эди. Буниси энди шуларни мустаҳкамлаш учун буюрилган ташриф бўлса керак-да.

Ойжон опа авайлаб-асраб, эркалатиб, кафтида ўстирган кенжа қизини ўзга хонадонга кузатадиган кун ҳам етиб келмоқда. Бунга бир томондан қувонса, иккинчи томондан чуқур ўйга ботар: “Нега қизимнинг қовоғи очилмаяпти? Нега мунғайиб юрибди? Ё, куёвига кўнгилсизмикин?” деб “уф” тортиб, яна ўйга чўмарди. – Борган жойига сингишиб, бахтли бўлармикин? Унга қўлдан келганча таълим-тарбия бердик, ўқитдик. Худога шукр, ақлли-фаросатли, яхши билан ёмоннинг фарқига борадиган, ибоби қиз бўлди. Фақат шу... зўрлаб олиб қочганларнинг қилиғини айтмас... Ойнуржоним битта оилани эплаб кетишига ишончим комил. Тўғри, ота-она учун фарзанднинг ёмони бўлмайди, ярашмаган қилиғини яширади, яхшилари оширади, билмаганини кечиради, ўргатади, кўрсатади. Шундай бўлса-да, шу Ойнурим бошқа болалардан ажралиб туради. Каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам кўнглини олишни билади, бунинг устига ёлғон гапиришни билмайди. Бировга тик қаролмайди, тортинчоқ бўлиб ўсгани ҳам чин. Шундаям бирор марта аразлаб, қовоғини солганини кўрмаганман. Ибо, ҳаё деганлари қиз боланинг кўрки-ку. Бу томонлардан Ойнурим ҳозирги кўпгина қизлардан тузук. Энди уни борган уйида қандай қабул қилишар экан? Улар билан тил топишиб, сингишиб кетармикин? Ўзлари ялиниб, боласи интиқ бўлиб, бўлган гапнинг ҳаммасини эшитиб, кўриб-билиб олишмаяпти. Лекин, қудағай хола сал енгилтакроқ кўринади. Бўлган ишларни қизимнинг юзига солиб, кўз очирмай қўйса, нима қиламан?... Ё, яратган Худо-ей... Ўлибдими, ундай қилмас! Уям, ахир, она-ку, боласининг турмушини ёмон бўлсин дермиди?” Онаизор

минг хил хаёлларга борди-да, кизини ёнига ўтказди.

– Ой қизим, кел, бир икковимиз юзма-юз ўтириб, гаплашиб олайлик, – деди кизига тикилиб. – Айланайин қизойим, мана ўқишни ҳам тамом-ладинг, олий маълумотли муаллим бўлдинг. Сендан мен ҳам, даданг ҳам мингдан-минг розимиз. Ҳамиша бизнинг қошу-қовоғимизга қарадинг, юзимизга тик қараб, сўз қайтармадинг. Тўғри юриб-тўғри турдинг. Бир киз бўлса сендай бўлар-да. Сен бу уйга бир меҳмон эдинг. Мана энди ҳақиқий уйингга кетяпсан. Сен у уйга кўчингни эмас, умрингни кўчириб боряпсан. Қайнота-қайнонангга меҳрибон бўл, уларни биздан ҳам ортиқроқ хурмат қил. Сабаби, улар ҳам минг машаққат билан ўғил ўстиришиб, “келинимизнинг роҳатини кўрармиканмиз”, деган орзуда шу кунни неча йиллаб кутишган. Уларнинг орзусини рўёбга чиқариш сенинг қўлингда. Тонгда туриб, ҳовли-жойни супуриб-сидирасанми, ораста қиласанми, қайнона-қайнотангга ёқадиган таом тайёрлаб, нонуштада-кечда олдиларига қўясанми – буларнинг бари сен учун синов. Уларга эгилиб салом беришни одат қил, хушмуомала бўл, ковоқ-тумшуғингни осмасдан, кулиб юр.

Ёдингга бўлсин, эринг – пиринг! “Эрнинг йўли улуг”, деб бекорга айтишмаган. Шунинг учун ҳар доим эрингдан бир зина пастда юриб, унинг ҳурматини жойига қўй, бетига тик қаровчи бўлма. Сўз қайтаришга одатланма. Эрнинг қариндошларини ҳеч қачон ёмонловчи бўлма. Қайинсингил, қайниларингни эркалаб, бағрингга торт. Бирини, “Эркажон” десанг, бирини, “Мирза бола”, “Тўражон” дегин. Уйга меҳмон келса, қанча чарчаб турсанг-да, қовоғингни уймасдан, кулиб қарши ол. “Меҳмон келган уйдан барака аримас”, деганлар. Дарров дастурхон ёз. Уларни дастурхон атрофига ўтказиб, ҳол-аҳволларини сўра. Қарияларнинг олдида узок ўтириб қолмасдан, одоб билан ўрнингдан туриб, ишларингни қил. Тумтайиб хонангга кириб кетиб, йўқолиб кетмасдан, тез-тез меҳмонлардан хабар олиб тур. Меҳр билан таом пишириб, дастурхонга торт, меҳмонингга иззат кўрсат, – дея Ойжон опа оғир тин олиб, яна қўшимча қилди. – Айланайин кизим! Сенга бу гапларни эрмак учун, шунчаки айтаётганим йўқ. Ҳар бир сўзимни қулоғингга кўрғошиндай қуйиб ол. Сен менинг юрагимсан. Сен менинг – номусим, оримсан, менинг ўзимсан! Сенга келган уят – менга келиб тегади, сенга айтилган олқиш – менга айтилади. Ота-онангни рози қилсанг – эл-юрт олдида юзинг ёруғ бўлади.

Онасининг юракдан чиққан насиҳат гаплари Ойнурнинг қулоғига тилла исирға бўлиб тақилди.

\* \* \*

Гўзал Ойнурнинг тўй кечаси ҳам гўзал бўлди. Қанча алёрлар, ўланлар айтилди. Даврада ҳамма қувноқ, фақат Ойнур хаёлларга чўмиб, йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлаб ўтирарди. Гоҳ эса қулоқлари ғувиллаб, бахтдан сархуш Бовуржоннинг айтган гапларини эшитмаётганлигини сездирмаслик учун, жилмайишга уринарди. Лекин туғилган уйни тарк этишда, оқ фотиҳа билан уни кузатиб қолаётган дадаси билан онасининг мунғайиб туришидан, кўзларидан дув-дув ёш қуйилди, кўнгли эса:

*Ўз уйимга сизмай кетиб бораман,  
Тузқан ерни қиймай кетиб бораман.*

*Онам турар кўзи қиймай ялтираб,  
Мижжасидан ёши тошиб, мўлтираб, – деб бўзлади.*

Қиз юраги болаликнинг беғубор туйғулари тарбия топган, қиз давронининг улкан орзу-армонларига гувоҳ бўлган туғилган уй остонасидан сакраб, Бовуржонларнинг хонадонига отилган “тош”дай келиб тушди. Энди бу “тош” бу хонадонда ўсиб, япроқ ёзиб, гуллаб кетса бўлгани...

## 6. “ЭШИК КЎРГАН” ҚИЗ

Ойнур янги уйга келган кунидан бошлаб, онасининг сўзларига амал қилди. Тўртала қайнилари эркалатиб, туғишганларидан кам кўрмади. Бовуржоннинг ҳам қувончи чексиз, Ойнурини ер-кўкка ишонмасдан, кафтида кўтариб юргиси келади. Доим ишидан уйга вақтликроқ қайтгиси, хотинини тезроқ кўргиси келаверади. Ҳатто дам олиш кунларидаги улфатлар билан бўладиган гап-гаштакни ҳам йиғиштириб, уйдан чиқмайдиган одат чиқарди.

Сарахон опага ўғлининг хотини олдида какликдай йўрғалашлари эриш кўрина бошлади. У ичида: “Бу келин афсунгарга ўхшайди. Болаларимнинг барини ўзига қаратиб олди. Ҳаммамизни кўзимизни боғлаб, ғафлатда қолдириб, кейин бошимизга чиқиб олмаса гўрга эди. Бовуржоннинг-ку, бошини айлантириб, ақлу хушини ўғирлади. Боламнинг ақлу хуши жойида бўлганида Хитой билан Эмиратга қатнаб, итининг туваги тилладан бўлиб кетган дугонам Чўлпоннинг якка-ю ягона эрка қизи, ҳам эти, ҳам бети бўлиққина, кучоқласа кучоғи тўладиган Олмагулни танларди. Унинг ўрнига мана шу толчивиқдай нозик балога йўлиқиб ўтирибди. Бунда бир сир бўлса керак! У ё бир кашмири, ё мўлтоними нима бало?! Болаларимнинг ҳаммаси “янга, янга” деб шунинг чизигидан юрадиган бўлишди. Бу балони кучуклигидаёқ чайнаб, кўрkitиб олишим керак. “Болани ёшдан, хотинни бошдан”, дегандай, манов содда болага хотинни ушлашни ўргатмасам бўлмас экан”, деб хўрсиниб кўйди. Ўғли ишдан келибок, хотинининг олдига, ошхонага “лип” этиб кириб кетганини айвонда кўриб ўтирган Сарахон опанинг баттар энсаси қотди.

“Ана, келасолиб хотинини кўргани зипиллаб кириб кетди. Эй, нодон, хотинчалиш! Онаси билан ишиям йўк! Бу болани сеҳрлаб кўйган. Эртагаёқ Ҳанифа фолбинга бориб, аниқ-ганиғини билишим керак. Бундай оғзимни очиб, ғафлатда ўтирсам бўлмайдиган кўринади. Анов болага ачиниб кетяпман. Эй, шўрлик болам-эй! Ҳа, шундай қилайин, эртагаёқ фолбинга борайин, деган қатъий қарорга келди. Кечқурун у ўғлини ёнига чақириб:

– Болам, мана сен энди бир рўзгорнинг эгаси бўлдинг, рўзгорни бошқариш осон эмас. “Хотинни – бошдан” деганлар. Сен бўлсанг бошидан хотинингга елпатак бўлиб олдинг. Йиғиштир бу одатингни. Аёл дегани эрини кўрганида қалтираб, кўрқиб турсин. Бир айтган гапингни қайтиб сўрамасин. Бетингга чопадиган бўлса башарасига тортиб юбор. Хотинни ана шундай эгиб олмасанг, эртага бошингга чиқиб олади. Золим бўл, аяма! Шунда сен унинг олдида эмас, у сенинг олдингга какликдай йўрғалаб юрадиган бўлади, дея йўталиб олди-да, яна зарда билан гапида давом этди. – Хотин деган нарса эрнинг олдида оғзини очишга кўрқадиган

бўлсин! Қани сендаги эркаклик шижоати?! Бунча латта бўлмасанг! Қачон кўрсам, курк бўлган товукдай ёнидан чиқмайсан. “Онамни сийла, онанинг хизматидан нолийдиган бўлсанг, уйингга жўна!” деб каттиқрок гапир. Тўғриси, хотинга бошдан золим бўлмасанг, эртага аёл деган жонивор бошингга чиқиб олади. Тушундингми, нега индамайсан?

Онасининг бу қатъий талабига Бовуржон нима дейишини билмасдан, ерга тикилиб, юмган оғзини очмасдан ўтираверди. Сарахон опа айтганларига бостирма қилиб, кўрсатмасига яна қўшимча қилди:

– Сен болам, мени тўғри тушун. Мен бунинг барини сенга жоним ачиганидан гапиряпман. Сенларга ёмонлик тилайманми, яхши бўлсин дейман. Эл-юрт “фалончининг боласи курсин, хотинининг айтганидан чиқмайди, у эркакми десак, юрган бир қўғирчоқ экан-ку”, демайдимми? Мен боёқиш, болам одамларга кулги бўлмасин дейман-да, ахир, ҳамманинг боласиям Киевда ўқиб келиб, учувчи бўлиб ишлаб юргани йўқ-да.

Онасининг гапларини ерга тикилганича, чурқ этмай тинглаб ўтирган Бовуржон, ниҳоят бошини кўтариб:

– Ойи, нима бало, келинингиздан кўнглингиз тўлмаяптими? Ёки у сизни ранжитдими? – деди ажабланиб.

– Келинимни ёмон деётганим йўқ, – деди Сарахон опа. – Ҳайтовур мана шу қолипида айнамай юрсин, деб сенга билган ақлимни айтаяпман. Нима бало ёки сенга айтган насихатларим ёқмадими? Энди келин тўғрисида оғиз ҳам очмайликми? “Ҳамма киз яхши, ёмон хотин қайдан чиққан?” деган сўз эсингда бўлсин! Сен бу гапни ёдингдан чиқарма! Мана, биз ҳам келин бўлганмиз, отангдан емаган таёғим, кўрмаган тепким қолмаган сенларни катта қилгунча. Шунга бу келин ҳам таёқ нима, мушт нималигини кўрсин, деяпман-да.

*(Давоми келгуси сонда)*





# DRAMA



Александр ВАМПИЛОВ

(1937–1972)

## ТҮНҒИЧ ҰҒИЛ

Икки пардали комедия<sup>1</sup>

Рус тилидан  
Шароф БОШБЕКОВ  
таржимаси

### ИККИНЧИ ПАРДА

#### *Биринчи кўриниш*

*Ҳовли. Макарскаянинг уйи, тераклар тагида ёғоч скамейка, лекин кўча кўринмайди. У скамейкада ўтирганича дарвозага қараб турибди.*

*Васенька пайдо бўлади. Довдираганча тўхтаб қолади, сўнг ясама тентиклик билан дарвоза томон юради.*

**Макарская** (уни кўриб қолиб). Васенька!

*Васенька қотиб қолади.*

Бу ёққа кел. Кечаги қилиғинг учун жазойингни бераман.

**Васенька** (у томонга қарамай). Овора бўласиз!

**Макарская.** Кўркма, келавер.

**Васенька.** Дилхушлик қилгингиз келиб қолдими? Мен билан мушуксичқон ўйнамоқчимисиз? Бундан буён сичқон ролини ўйнамоқчи эмасман.

**Макарская.** Бу ёққа кел, дедим, жиннивой.

**Васенька** (сабри чидамай ўгирилиб қарайди ва яқинлашади). Мана, келдим. Хўш? Мени тушлиқда ейсанми ё нонуштага олиб кўясанми?

**Макарская.** Бирам кулгилисанки... Мен билан кинога борасанми?

**Васенька** (бирпасдан сўнг). Ростданми?.. Қачон?..

**Макарская.** Дурустроқ кино бор эканми?

**Васенька.** Бор! Италиянларники! Клубда кетяпти.

**Макарская.** Нима ҳақда экан?

**Васенька.** “Италянча-ажрим”, деган кино экан.

**Макарская.** Эр-хотиннинг кўйди-чикдиси ҳақидами: Бормайман. Ишхонадаям кўйди-чикди, жонга тегиб кетди. Кўриладиган ҳар учта ишдан иккитаси ажралишлар ҳақида. Нима, Италияда ҳам шу аҳвол эканми?

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

**Васенька.** Йўк-йўк, бу кино умуман бошқа нарса ҳақида!

**Макарская.** Сенга бу кўйди-чикдилар (*томогини кўрсатиб*) мана бу еримга келган, деяпман! Шунақа жонимга тегиб кетганки, турмушгаям чикким келмай қолди!

**Васенька.** Яна бошқаси бор-у, уям ажралиш ҳақида-да... “Бахтли кун” деб аталади.

**Макарская.** Унда нимаси бахтли кун экан?

**Васенька.** Битта аёл золим эрдан яхши эрга кетиб қолади.

**Макарская.** Ўша аёл шундай деб ўйлайди, лекин эрнинг яхшиси бўлмайти. Тагин қанақа кино кетаётган экан ё бўлдими?

**Васенька.** Бўлди. Бу ер шаҳар эмас-ку, бор-йўғи битта клуб бор...

**Макарская.** Италияларникини кўра қолайлик, хар қалай бизнинг кўйди-чикдилардан фарқи бордир?

**Васенька.** Бўлмаса, мен билетга югурдим?

**Макарская.** Майли, кичкинтой, югура қол.

**Васенька.** Неччилигига олай?

**Макарская.** Барибир.

**Васенька.** Унда кетма-кет ҳаммасига оламан! Кун бўйи кино кўраимиз!  
*Югуриб чиқиб кетади.*

**Макарская.** Бечора боланинг томи кетиб қолибди.

*Сильва пайдо бўлади.*

**Сильва.** Салом, Наташа.

**Макарская.** Яхшимисиз?

**Сильва.** Халақит бермадимми?

**Макарская.** Менимча, йўк.

**Сильва.** Менинг исмим Семён.

**Макарская.** Жуда яхши. Исмимни қаёқдан биласиз?

**Сильва.** Мен анчадан буён сизни кузатиб юрибман.

**Макарская.** Нечук? Шундай қилиб, мени қаерда кўргансиз?

**Сильва.** Кечирасиз, буни айтолмайман.

**Макарская.** Сир, денг? Ундай бўлса ўзим айтаман.

**Сильва.** Қанақасига? Биз илгари учрашганмизми?

**Макарская.** Сиз қаерда ажрашгансизлар?

**Сильва.** Нима-нима?

**Макарская.** Хотинингиз билан қачон ва қаердаги судда ажрашгансизлар, дейман.

**Сильва.** Бу нима деганингиз?! Ҳечам-да! Мен ўзимнинг шахсий ишларимга давлатни аралаштирмайман. Унинг мендан бошқаям муаммолари бошидан ошиб ётибди!

**Макарская.** Мен судда котиба бўлиб ишлайман. Биз ўша ерда учрашмаганмизми, мабодо?

**Сильва.** Йўк! У ерда эмас, мабодо!

**Макарская.** Менга дунёдаги ҳамма эркаклар бизнинг судда ажрашган бўлиб туюлаверади. Қизиғ-а?

**Сильва.** Йўк, бошқа нарса қизиқ. Шундай кетворган қиз шунақа кир ишда ишлаб юриши... Сизнинг уйингизми?

**Макарская.** Ҳа.

**Сильва.** Менимча, ёлғиз яшайсиз? Ҳаётимга аралашяпти деманг-у, билсак бўладими – сабаб?

**Макарская.** Ёлғиз яшашимнинг сабабими? Сабаби йўқ. Ёқади – та-мом! Ё, сиз қаршимисиз?

**Сильва.** Э, йўғ-э, Худо сақласин! Қайтанга яхши-ку, романтика!.. Жу-даям-жудаям меҳмонингиз бўлгим келяпти.

**Макарская.** Нима сабабга кўра?

**Сильва.** Нима, мен сизга ёқмаяпманми?

**Макарская.** Сизми? (*Бош-оёқ кузатиб.*) Ёмонмас. Келишгангина сур-бет экансиз.

**Сильва.** Бу гапингизга қўшиламан. Лекин сурбетлар ҳам меҳрга муҳтож.

**Макарская.** Дунёнинг қоқ ярми куёвлардан, тенг ярми сурбетлардан иборат. Куёвлар билан зерикиб ўласан, сурбетлар билан йиғлаб ўтасан – ўзинг танла!

**Сильва.** Кечқурун бўшмисиз?

**Макарская.** Кинога тушмоқчи эдим.

*Уйи томон юради.*

**Сильва** (*орқасидан эргашиб*). Кино яхши нарсa, албатта. Шуни бошқа кунга қолдиришнинг иложи йўқми?

**Макарская** (*остонада тўхтаб*). Сабаб?

**Сильва** (*ичкарига мўралаб*). Қанақа яшаётганингиз билан танишишга рухсат этинг.

**Макарская.** Марҳамат. Афтидан, рухсат бермасам ҳам кириб олади-ганга ўхшайсиз. Безбетларча.

**Сильва.** Тўппа-тўғри!

*Унинг кетидан уйга кириб олади. Нина билан Бусигин подъезддан чиқадилар. Нина плаш кийиб олган, кўлида сумкача.*

**Бусигин.** Йўқ-йўқ, ўзинг кетавер. Яхшиси, мен дадам билан ишхона-сига бораман. Глинка, Берлиозларни эшитиб келаман.

**Нина.** Сенга маслаҳат бермасдим.

**Бусигин.** Нега?

**Нина.** Ҳеч қанақанги Берлиоз-мерлиоз йўқ.

**Бусигин.** Нега ахир, дадам айтувдилар-ку?

**Нина.** Дадажонингиз айтаверадилар. Ҳеч қанақанги филармония-пи-лармония ҳам йўқ, бўшаганларига ярим йил бўлди.

**Бусигин.** Ростданми?

**Нина.** Ҳа. Буни ҳисобга олиб қўйсангиз зарар қилмайди.

**Бусигин.** Ҳозир қаерда ишляптилар?

**Нина.** Кинотеатрда ишлар эдилар. Энди темир йўлчилар клубига ўтганлар. Рақс майдончасида мусика чаладилар.

**Бусигин.** Шунақами?

**Нина.** Лекин, бундан сизнинг хабардорлигингизни дадам билмаслиги керак.

**Бусигин.** Тушунарли.

**Нина.** Бу, албатта, ҳаммага маълум нарсa, фақат биз, Васенька икка-ламиз, билмаганга оламиз. Гўё ҳалиям симфоник оркестрда ишлаётган-дай... Бу бизнинг оилавий сиримиз.

**Бусигин.** Нимаям дердим, агар дадамга шуниси маъқул бўлса...

**Нина.** Мен онамни эслолмайман. Яқинда онамнинг дадамга ёзган хат-ларини ўқиб қолдим, у дадам билан ўтказган дамларини “хушбахт онлар”

дебдилар. Дадам ҳақида “ёруғ инсон” деб ёзибдилар. “Ўзингизни эҳтиёт қилинг, ёруғлигим” ёки “нурлигинам” деб мурожаат қилган эканлар. Биласизми, онам ҳақ эканлар... Ишларида, десангиз, турли кўнгилсизликлар рўй беради. Ўзлари яхшигина созанда, лекин ана шу истеъдодини ҳимоя қила билмайдилар. Шунданми, ким билсин, кўп ичадиган бўлиб қолдилар. Шундай қилиб, яқинда штат қисқартишга тушиб, десангиз...

**Бусигин.** Шошма, ўзим куй басталайман, дегандай бўлувдилар?

**Нина** (*истеҳзо билан*). Ҳа, басталайдилар!

**Бусигин.** Қанақа мусиқа?

**Нина.** Зўр, қиёмат мусиқа! Кантатами-ей, ораториями-ей, ишқилиб, иккаласининг ўртасидаги бир нарса-да! Номиям зўр: “Одам одамга дўст!” Эсимни таниганимдан буён шу, битта ораторияни ёзганлари-ёзган!

**Бусигин.** Хўш, тугай деб қолгандир?

**Нина.** Ҳа, энди бир варақни тугатдилар!

**Бусигин.** Бир варақ?

**Нина.** Йўқ, бултурмиди, бир марта иккинчи вараққаям ўтувдилар! Аммо, яна биринчи варақни қайта ёзаяптилар!

**Бусигин.** Ҳа, дадам бир ишни қилса, виждонан қиладилар.

**Нина.** Ҳа, нимасини айтасиз!

**Бусигин.** Балки мусиқа деганлари шунақа яратилса керак? Айниқса, оратория, а?

**Нина.** Дадамга ўхшаб фикр қияпсиз... Барибир, афсусланияпман.

**Бусигин.** Нимага?

**Нина.** Сизларни ташлаб кетиш афсусланарли. Ҳеч нарсани тушунмай қолдим: бу кунни шунча вақт кутдим, энди жўнашимга бир неча кун қолганда афсусланиб ўтирибман... Васенька билан хайрлашиш, сиз билан хайрлашиш... Кунни кеча сизнинг бу дунёда борлигингизни ҳам билмасдим... Менга қаранг, акажон, шунча вақтдан бери қаёқларда юрувдингиз? Эртароқ келсангиз бўлмасмиди?

**Бусигин.** Лекин, мен...

**Нина.** Эртароқ келганингизда мени киноларга олиб тушардингиз, ҳимоя қилиб, керакли пайтда йўл-йўриқлар кўрсатар эдингиз. Сиз бўлсангиз, атайлаб қилгандек, бугун келиб ўтирибсиз. Кетадиган кунимда. Бу хиёнатдай гап, мен сизга айтсам...

**Бусигин.** Нимаям қилардик... Хоҳласанг, қолишинг мумкин. (*Дарров гапини тузатиб.*) Бир кунга қолишинг мумкин, демокчийдим...

**Нина.** Нима учун?

**Бусигин.** Ўзинг айтдинг-ку, кино-пинога тушиб, йўл-йўриқ кўрсатардим...

**Нина.** Сиз эртага кетасиз-ку.

**Бусигин.** Мен... ҳалиги... қайтиб келаман.

**Нина.** Йўқ, энди кеч. Ҳаммаси ҳал бўлган.

**Бусигин.** У билан қаерда учрашасизлар?

**Нина.** Одатдагидай, марказда. Кинога тушамиз. Бу ерга соат саккизларда қайтамиз. Истасингиз бирга боришингиз мумкин.

**Бусигин.** Мен нима қиламан у ерда, маставага қатиқ бўлиб? Ўша учувчинг билан, яхшиси, кечқурун уйда танишаман.

**Нина.** Ўйлайманки, у билан бирпасда чиқишиб кетасизлар. У яхши одам... Шунча одамнинг ичидан бекорга уни танламаганман-да.

**Бусигин.** Нега? Бошқалардан яхши бўлгани учунми?

**Нина.** У мени севади... Орқамда бир ишончли одам бўлишини истайман. Суянса бўладиган, мустахкам. Ҳозир унақасини топиш қийин. Айтадилар-ку, ишқ бошқа, ҳавас бошқа, деб.

**Бусигин.** Тушунарли...

*Уй томондан Макарскаянинг кулган овози эшитилади.*

Бахтиёр аёлми, дейман?

**Нина.** Нимасин айтасиз, икки марта бахтиёр деяверинг! Битта-ярим-тасини илаштириб олса шунақа бахтиёр бўп кетади.

**Бусигин.** Бекорга у ҳақда ёмон ўйга боряпсан. У бамаъни аёл.

**Нина.** Сиз унинг бамаънилигини қаёқдан биласиз?

**Бусигин.** Биз танишмиз.

**Нина.** Дарров-а?

**Бусигин.** Кеча сизларнинг уйингизни кидиратуриб гаплашиб колувдик.

**Нина.** Қаранг-а!

**Бусигин.** У менга маъкул бўлди.

**Нина.** Маъкул бўлди?

**Бусигин.** Ҳа. Нима бўпти?

**Нина.** У-я?

**Бусигин.** Нима қилибди, ёқимтойгина экан.

**Нина.** Ёқимтой кампир!

**Бусигин.** Маллагина экан. Малла соч қизларни ёқтираман.

**Нина.** Сочи бўялган, афти бўялган!

*Тагин Макарскаянинг кулгиси эшитилади.*

**Бусигин.** Кувноққина экан. Кувноқ қизлар ёқади менга.

**Нина.** Кўргани кўзим йўқ уни!

**Бусигин.** Ёлғиз экан шўрлик. Ёлғизларга раҳмим келади.

**Нина.** Нафратланаман ундан!

**Бусигин** (*атайлаб, унинг асабига тегшиш учун*). Чала қолган суҳбатимизни тугатиб қўя қолай...

*Макарскаянинг уйига кирмоқчи бўлади.*

**Нина.** Йўқ! Кира кўрманг!

**Бусигин.** Менга қара, нима, рашк қияпсанми?

**Нина** (*ҳайрат билан*). Нима?..

**Бусигин.** Рашк қилаётганга ўхшайсан.

**Нина** (*қўрқиб кетиб*). Рашк?.. (*Довдираб.*) Ҳалиги... Бўлмасам-чи, албатта рашк қиламан. Нима, сингил ақасини рашк қилмайдими?

**Бусигин** (*беихтиёр*). Э, қанақа ака-сингил?.. (*Гапини ўнглаб.*) Ҳа-я, ака-сингилмиз-а? Албатта, сингил ақасини қизғанади. Агар у... Агар у ўз жигаридай яхши кўрса.

**Нина** (*иккиланиб*). Бўлмасам-чи...

**Бусигин.** Бу жиддий масала. Баъзи мусулмон мамлакатларида, ҳатто пичоқвозлик билан ҳам тугаши мумкин... Сен бора қол, кечикиб юрма...

**Нина** (*ўзига келиб*). Ҳа-я, боришим керак... Кетдим... (*Кетади ва қайтиб келади.*) Менга қаранг, ўша баъзи мамлакатларда сингил ўз ақасини севиб қолиши мумкинми?

**Бусигин.** Йўқ, мумкин эмас.

**Нина.** Йўғ-э?.. (*Асабий кулиб.*) Мен аҳмоқ ўйловдимки...

**Бусигин** (*унинг кулгисига қўшилиб*). Ўйлашимча, мумкин эмас.

**Нина** (*кулишда давом этиб*). Мумкин эмасми?

**Бусигин**. Менимча, тақикланган.

**Нина** (*кулиб*). Афсуслар... (*Кулишдан тўхтаб*.) Ҳазилга ҳам уста экансиз.

**Бусигин** (*керилиб*). Нимасини айтасан.

**Нина**. Бўпти, мен кетдим. Соат иккиларда дадамни уйғотиб қўярсиз. Овқат музлаткичда, иситиб ерсизлар. Васенькага кўз-қулоқ бўлиб турарсиз, қочиб кетиши мумкин.

**Бусигин**. Қочмайди, у билан келишганмиз.

**Нина**. Эсингизда бўлсин, дадамнинг ишонгани, суянган тоғи сизсиз. Майли... (*Унга жуда яқин келиб*.) Ановидан (*Макарскаяни назарда тутиб*) узокрок юрганингиз маъқул. Келишдикми?

**Бусигин**. Келишдик. Бўпти, яхши бор.

**Нина**. Майли, яхши қолинг, акагинам. (*Кетади*.)

**Бусигин** (*қўл силкиб, жудаям секин*). Омадингни берсин, сингилгинам.

*Остонада Сильва ва Макарская пайдо бўлишади. Макарская кулади.*

*Бусигин уларга кўринмайдиган жойда туради.*

**Сильва**. Шундай қилиб, куёш нурлари дарахт учларида жилваланган бир пайтда...

**Макарская** (*остонада кулганича*). Яхши, жуда яхши... Хайр...

**Сильва** (*ишчанлик билан*). Демак, соат ўнда...

**Макарская**. Бўпти, бўпти... (*Ичкаридан эшикни ётиб қўяди*.)

*Сильва эшик соябонидан тушар экан, кўзи Бусигинга тушади.*

**Сильва**. Ҳа, мсье Сарафанов! (*Яқин келиб*.) Ҳаёт булоқ каби қайнамоқда! (*Макарскаянинг уйи томон ияк қоқиб*.) Эшитдингми?

**Бусигин**. Эшитдим.

**Сильва**. Сенинг нега пешонанг тиришиб қопти? Нима бўлди? Чолнинг ўғлимисан ё ўғай қариндошимисан?

**Бусигин**. Сенга бу ердаги меҳмондорчилик чўзилиб кетгандай туюлмаётими?

**Сильва**. Йўғ-а, ҳаммаси жойида. Менга бу ер ёқиб қолди. Билишимча, сенинг ҳам ишларинг ёмон кетмаяпти.

**Бусигин**. Қанақа ишларим?

**Сильва**. Кўнгил ишлари, деяпман.

**Бусигин**. Ҳеч қанақанги кўнгил ишлари йўқ!

**Сильва**. Алдама, кўзим кўр эмас-ку. Икковингнинг кўзларингда қандайдир ёввойи аланга кўрдим. Сизларга қараб туриб, одамнинг йиғлагиси келади.

**Бусигин**. Қўйсанг-чи, у турмушга чиқаяпти.

**Сильва**. Эшитдим, лекин...

**Бусигин** (*гагини бўлиб*). Эрта-индин жўнаб кетяпти. Ана сенга аланга. Бу ерда яхшигина меҳмон бўлдик, энди иззатимизни билайлик. Нарсаларни йиғиштир, дўконни бекитамиз!

**Сильва**. Қаёққа?

**Бусигин**. Қаёққа бўларди, уйга-да.

**Сильва**. Шошма... Ие, соат ўнда учрашувим бор-ку.

**Бусигин**. Ҳеч қанақанги учрашув-пучрашув бўлмади! Кераксиз жойга бурнингни тикма! Бу аёлни деб Васенька жинни бўлиб юрганини кўрмайсанми?

**Сильва.** Бунга менинг нима алоқам бор?

**Бусигин.** Жинни бўлма! Учрашувни каллангдан чиқариб ташла – тамом. Уйга кетамиз.

**Сильва.** Бекор айтибсан. Мен кўришамиз деб лафз қилиб қўйганман, аёл кишига номардлик қилмоқчи эмасман.

**Бусигин.** Номардлик қиласан! Ҳозир бориб хайрлашиб кел. Бориб айт, “куёш нурлар дарахт учларида жилваланган бир пайтда” сен бу ердан узокларда бўласан.

**Сильва.** Менга қара, сен яна нималарни режа қиялпсан?.. Ҳозир кетиб, тунда яна қайтиб келамизми?

**Бутигин.** Нимага?

**Сильва.** Шунақами? Унда ўзинг кетавер, мен эсам...

**Бусигин.** Бирга кетамиз!

**Сильва.** Менга қара, сен бир балони режалаштиряпсан, буни тушунаман. Лекин ўша “бир бало” нима? Бу мен учун қоронғи. Яхшими шу? Дўст дегани бунақа бўлмайди.

**Бусигин.** Яхши. Ваҳоланки биз дўст эканмиз, дўстона таклифим: юр, кетамиз.

**Сильва.** Тўғри, дўстликка дўстмиз. Лекин менинг устимга ҳаддан ошиқ юк ортаёпсан-да. Синглинг билан гаплашиш мумкин эмас, бегона билан танишиш мумкинмас. Бу қанақаси бўлди? Нафас олиш мумкинми?

**Бусигин.** Қисқаси, агар манави эшикни (*Макарскаянинг эшиги томон ишора қилиб*) яна бир марта тақиллатсанг, мендан кўрадиганингни кўрасан. Оқибати жуда ёмон бўлади. Тушундингми? Эндиям қоламан, дейсанми?

**Сильва.** Бўпти-бўпти, битта аёлни деб икковимиз жикқамушт бўлиб ўтирсак уят бўлар. Майли, кетамиз. Билиб қўй, бу ишни сендан кўрққанимдан қилаётганим йўқ, шунчаки дўстлигимиз хурмати қиялпман.

**Бусигин.** Майли-майли...

**Сильва.** Бирпас шошмай тур, ичкарида гитарам қолиб кетибди.

**Бусигин.** Мен ҳам кираман.

**Сильва.** Йўқ, сен шу ерда кутиб турганинг яхши. Чол уйғониб қолса, гап сотиб, яна икки соат қолиб кетамиз.

**Бусигин.** У ухлаб ётибди. Хат қолдирамиз унга.

*Кутилмаганда Васенька пайдо бўлади.*

**Сильва.** Ана, бўрини йўқласанг, қулоғи кўринаркан!

**Васенька.** Ана, овчини йўқласанг, кўндоғи кўринаркан!

**Бусигин.** Йўл пўстак, оғайничалиш?

**Васенька.** Ишларинг бўлмасин, пўстакбошлар!

**Сильва.** Ўх-хў, зўр-ку!

**Васенька.** Дадам уйдадилар?

**Бусигин.** Ҳа, ухлаб ётибдилар.

**Васенька.** Бу ерда нимага ивирсиб юрибсизлар?

**Сильва.** Нега бўларди. Сенинг акагинангнинг меҳрибонлиги тутиб қолди, мениям судраяпти... Томокни хўллаб олишга бирон нима бўлсайди.

**Васенька.** Унда уйга боринглар. Ошхонага кириб, иситгич батареянинг орқасида бир нима бўлиши керак. Дадамнинг “қора кун”га асраб қўйган захираси.

**Сильва.** Э-э, биз унақа нарсалардан узок юрамиз.

**Васенька.** Ҳали “қора кун” билан “қора дори”нинг фарқига бормайдиган галварслар ош-қатик бўлиб юрибманми?!

**Бусигин** (*Васенькага*). Бўпти-бўпти, кўп ўзингдан кетаверма! (*Сильвага*) Сен боравер, мен hozир...

*Сильва подъездга кириб кетади.*

Хўш, нима қилдик энди?

**Васенька.** Ўша гап – гап. Ҳеч қаерга кетмайман.

**Бусигин.** Тўғри қиласан. Мен – бошқа гап, бормасам бўлмайди. Ўзинг тушунасан – имтиҳонлар... Мени уялтириб қўймайсанми?

**Васенька.** Қоламан, дедим-ку. Чин эркаклик сўзим!

**Бусигин.** Зўр йигитсан-да, лекин. Баракалла!

**Васенька.** Қўйсангиз-чи. Сиз бемалол кетаверинг.

**Бусигин.** Хўп бўлади, акасининг укаси!

*Подъездга кириб кетади. У бориб Макарскаянинг эшигини қоқади.*

*Аёл чиқиб келади.*

**Макарская.** Билет олдингми?

**Васенька.** Бўлмасам-чи! Қиёмат ур-йикит бўп ётибди. Аранг олдим.

**Макарская** (*бошдан-оёқ разм солиб*). Кўриниб турибди. Тугмаларинг қани?

**Васенька** (*чўнтагидан тугма чиқариб*). Биттаси мана, иккинчиси ўша ерда қолган бўлса керак.

**Макарская.** Бўпти, шу биттасини бўлсаям қадаб қўяман. Мен hozир... (*Ичкарига кириб кетади. Васенька чўнтагидан хат чиқариб, ёқиб юборди. Чиқиб келиб*) Нима қиляпсан?

**Васенька** (*қувноқлик билан*). Ҳеч нима. Битта хатни ёқиб ташладим.

**Макарская.** Костюмингни бер.

*(Улар бир муддат ёнма-ён ўтиришади. Қиз тугма қадашга тутинди. Васенька кутилмаганда қизнинг елкасига бошини қўяди.)*

Бу нима қилганинг?

**Васенька.** Билмадим...

**Макарская.** Бўлди, бўлди... (*Оналарча гамхўрлик билан унинг бошини силаб қўяди.*) Шўрликкина... Қийналиб кетдингми?

**Васенька.** Мени кечир... Ҳозир ўтиб кетади.

**Макарская** (*тугмани тикиб бўлиб, костюмни қайтариб беради*). Ма. Шу қадаган тугмам узилиб тушса, икковимиз ўртамиздаги ришта ҳам узилиб тушади. Шунақа ирим бор... Шошма, билетни соат неччига олдинг?

**Васенька.** Соат ўндагисига, охирги сеансга. Нимайди?

**Макарская.** Ўндагисига?! Жинни бўлдингми?

**Васенька.** “Неччидагисига олай” десам, ўзинг “менга барибир” дединг-ку.

**Макарская.** Васенька! Соат ўнда боролмайман, сираям иложим йўк!

**Васенька.** Нега, ахир, нега?

**Макарская.** Боролмайман, тамом – вассалом! Сен билан кинога тушшимни истасанг, оёғингни қўлингга олиб югур. Билетни бошқа вақтга алмаштириб кел.

**Васенька.** Сабабини айтмасанг, турган жойимдан бир қадам ҳам жилмайман. Негалигини билишим керак.

**Макарская.** Билишинг керак? Нимани билишинг керак? Сен ўзи ким бўлсанки, менинг хаётимга бурнингни тикасан? Менга унақа ўқрайиб қарама.

**Васенька.** Нима, битта-яримтаси билан учрашмоқчимисан?

**Макарская.** Топдинг – учрашувим бор, нима дейсан?

**Васенька.** Нега бундай қиялпсан?

**Макарская.** Нимани нима қиялпман? Ҳа-я, сен билетга кетганингда бу ерда баъзи нарсалар ўзгариб қолди.

**Васенька.** Нима ўзгарди?

**Макарская.** Мени сўроқ қилишни йиғиштирасанми-йўқми?

**Васенька.** Мен савол бердим.

**Макарская.** Бир йигитни ёктириб қолдим, гапинг борми?

**Васенька.** У сўлоқмон шунча пайтдан бери қаёқларда юрган экан?

**Макарская.** Эй, Худойим! Шунақа жонимга тегиб кетдингки!..

**Васенька.** Шунақа экан, нимага мени билетга жўнатдинг, конхўр?

**Макарская.** Раҳмим келди. Сенга ҳам, дадангга ҳам.

**Васенька.** Дадамга? Дадамнинг нима алоқаси бор бунга?

**Макарская.** Алоқаси шундаки, даданг кеча кечқурун бизникига сендан совчи бўлиб келди.

**Васенька.** Ёлғон! Бундай бўлиши мумкин эмас!

**Макарская.** Отаси нима, боласи нима – ҳаммаси бир гўр! Манави сўтакдан совчи бўлиб келибди!

**Васенька** (*қизнинг қўлидан қаттиқ тутиб*). Дадамга тил теккизма! Йўқса, ўлдираман сени!..

**Макарская.** Ким, сенми? Жа кўркиб кетдим! Товуқниям сўя олмайди-ю, одам ўлдирармиш! (*Бир силтаб қўлини озод қилади.*) Тамом, концерт тугади! Калтак емасингдан бир жўнаб қол-чи, жўжахўроз! (*Ичкарига кириб, унинг нақ бурни олдида эшикни қарсиллатиб ёпади.*)

*Подъезддан Бусигин ва қўлида гитараси билан Сильва чиқади. Васенька уларнинг кўз ўнгида Макарская қадаб берган тугмани узиб олиб, ерга улоқтиради.*

**Бусигин.** Васенька, нима бўлди?

*Васенька жаҳлдан гезариб турарди.*

**Бусигин.** Ким хафа қилди? (*Макарскаянинг уйи томон ишора қилиб*) Уми?

**Сильва** (*Васенькага*). Бир маслаҳат-да, қария. Мен сенинг ўрнингда бўлсам, айтайми нима қилардим? Қўлимни ювиб, қўлтиққа урардим! Вақтинча, албатта. Ўзинг ўйла, сен жонингни жабборга бериб уни сева-сан, кечалари ухламайсан, у бўлса шунчаки бошингни айлантириб юрибди. Бир-икки ой севмай қўй, кўрамиз унинг ҳолини!

**Бусигин.** Бас қил, нималар деб алжираяпсан.

*(Васенька кутилмаганда подъездга югуриб кириб кетади.)*

Нима қилиб қўйдинг, аҳмоқ?

**Сильва.** Сенга нима бўлди, иситманг йўқми? Менга қара, у сенга ким бўлади ўзи? Чиндан ҳам укангми? Етти ёт бегонасан-ку, ахир!

**Бусигин.** Эҳ, жин урсин! Нима қилиш керак?..

**Сильва.** Бу ердан иложи борича тезроқ жуфтакни ростлаш керак!

*Сарафанов пайдо бўлади.*

*(Секин.)* Ана, уйғонибди... Ивирсишнинг оқибати бу!..

**Сарафанов.** Володя.

**Бусигин.** Лаббай, дада.

**Сарафанов** (*ёлворгандай*). У нарсаларини йиғиштиряпти!..

*Подъездга кириб кетади.*

**Сильва.** Юр, вақт ғаниматда қуён бўлайлик.

**Бусигин** (*чорасиз*). Йўқ, мен қоламан.

**Сильва.** Ассалому алайкум. (*Гитарасини чалиб қўяди.*)

**Бусигин** (*тушқун кайфиятда*). Ваалайкум...

### Иккинчи кўриниш

*Сарафановнинг уйи. Кечқурунги соат ўн. Бусигин нариги хонага кириладиган эшик ёнида турибди. Сильва диванда чўзилганича гитара чалиб, аллақандай қўшиқни хиргойи қиляпти.*

**Бусигин.** Йиғиштир!

**Сильва.** Менимча, у тушининг еттинчи сериясини кўряпти-ёв.

**Бусигин.** Йўқ, ухламаяпти. Шунчаки шифтга қараб ётибди. (*Соатга қараб қўйиб.*) Соат ҳам олти бўляпти.

**Сильва.** Балки ўлиб қолгандир?

**Бусигин** (*эшикдан мўралаб*). Кўзинг ғилайми, нима бало? (*Эшикни оҳиста ёпиб қўйиб.*)

**Сильва.** Менга қара, сенга синглинг ёқади, а?

**Бусигин.** Хўш?

**Сильва.** Бир нарсани тушунмаяпман, синглингни севсанг, унда Васенькага сен ким бўласан? Поччами?

**Бусигин** (*ўйланиб*). Демак, шунақа бўлиб чиқади...

**Сильва.** Бу сенга ғалати туюлмаяптими? Мен сенинг ўрнингда бўлсам, синглим билан яхшилаб гаплашиб, муносабатларга аниқлик киритиб олардим.

**Бусигин.** Ишинг бўлмасин. (*Ғижимлаб ташланган кино билетини олиб.*) Балки кинога борармиз? Мана, тайёр билет. Васенька ташлаб юборибди.

**Сильва** (*билетни олиб*). Яхши, ўйлаб кўраман... Бу уйда нималар йўқ дейсан. (*Трюмонинг устидаги суратлар солинган альбомни варақлаб.*) Қара, бир пайтлар даданг ҳам ёш бўлган экан. (*Альбомни варақлашда давом этиб.*) Мана, сингилжонингнинг ёшлиги. Қарасанг-чи!

**Бусигин.** Кўрдим.

**Сильва** (*кўрсатиб*). Буниси-чи? Мактабни битириш кечаси... Кўчада сайр... (*Варақлаб.*) О-о, соҳил бўйи!.. Мана, энг қизиғи – чўмилиш кийимида! Кўрдингми?

**Бусигин.** Афсуски, кўрдим...

**Сильва.** Бир куни пляжда юрсам, битта офатижон чўкаётганини кўриб қолдим. Дарров ўзимни сувга ташлаб, чиқариб олдим.

**Бусигин** (*парижонхотирлик билан*). Кейин-чи?..

**Сильва.** Сувдан чиқариб қарасам, ҳеч қанақанги офатижон эмас экан! Оддийгина қиз. Менга (*суратга бармогини нуқтаб*) манагина қаси бўлсайди, қўшилиб чўкиб кетишга ҳам рози эдим!

**Бусигин.** Менга қара, сен ўша киноингга борсанг-чи, а? Туркингни кўрмас эдим. (*Шу пайт эшик тақиллаб қолади.*) Кираверинг, эшик очик!

*Қўлида гулдаста ва икки шиша шампан виноси билан авиация билым юртининг курсанти Кудимов кириб келади.*

**Кудимов.** Салом.

**Бусигин.** Салом.

**Кудимов.** Бу Сарафановнинг хонадоними?

**Бусигин.** Ҳа.

**Кудимов.** Ҳали Нина келмадими?

**Бусигин.** Йўқ...

**Кудимов** (*столга яқинлашиб*). Ҳа, жин урсин! Шошаётган эдим-ку!.. (*Шишаларни столга қўяди.*) Гастрономда бир-биримизни йўқотиб кўйдик. (*Сервантдан қадаҳларни олади.*)

**Бусигин** (*хушмуомилалик билан*). Бу ерга биринчи келишингизми?

**Кудимов** (*гулларни вазага қўйиб*). Топдингиз, биринчи марта.

**Бусигин.** Бу ерга... биринчи марта келганга ўхшамайсиз.

**Кудимов.** Албатта-да! Таниш жойлар... (*Табассум қилиб. Юзида табассум қотиб қолгандай доим жилмайиб юради.*) Шундай қилиб, болалар, танишамизми?

**Бусигин.** Танишамиз.

*Улар қўл бериб танишадилар.*

**Кудимов.** Михаил.

**Бусигин.** Владимир.

**Кудимов.** Э-ҳа, бу сенмидинг? Эшитганман, эшитганман... Хурсандман.

**Бусигин.** Мен ҳам хурсандман.

**Кудимов** (*Сильвага*). Михаил.

**Сильва** (*расмийроқ*). Севостянов Семён Парамонович.

**Кудимов.** Парамонович? Кулгили экан.

**Сильва.** Нимаси кулгили? Фамилиядақа фамилия.

**Кудимов.** Ўзингиз ҳам қизиқчи экансиз! (*Унинг елкасига қоқиб қўяди.*)

**Сильва** (*совуқ*). Сиз эса кип-қизил расмиятчи экансиз!

**Кудимов.** Э, кўйсанг-чи!.. (*Билагидаги соатга қараб қўяди.*) Жин урсин, мен соат ўн яримда казармада бўлишим керак-ку. Хўш, йигитлар, танишганимизни нишонлайверамизми ё Нинани кутамизми?

**Сильва.** Менимча, бошлайверганимиз дуруст.

**Кудимов.** Дадамиз қаердалар?

**Бусигин.** “Дадамиз” деганда сен кимни назарда тутяпсан?

**Кудимов.** “Кимни” деганинг нимаси? Албатта, Нина билан сенинг дадангни-да.

**Бусигин.** Нотаниш одамни тўсатдан “дада” деганинг мени биров хайрон қолдирыпти. Майли... Дарвоқе, (*таъкидлаб*) дадамиз ишда эдилар!

**Сильва.** Сиз ўтириб олсангиз бўларди.

**Кудимов.** Жин урсин, сен мени нега ҳадеб “сиз”лайсан?

**Сильва.** Жин урсин, сиз бизни нега ҳадеб “сен”лайсиз? Бу дўстимиз икковимизга ёқмаяпти.

**Кудимов** (*қувноқлик билан*). Йигитлар, яхшиси, расмиятчиликни йиғиштирайлик. Бу нарса армияда (*бармогини бўғзига олиб бориб*) мана бу еримга келган. Оддий бўлганга нима етсин. Келинлар, шунинг учун ичамиз!

*Кудимов билан Сильва ичишади.*

**Сильва** (*Бусигинга*). Аскар аскар-да – ўзгартириб бўлмайди. (*Диванга ўтиради, Кудимовни ҳам ўтиришига таклиф қилади.*) Марҳамат килинг.

**Кудимов.** Янами?! Менга кара, бу ер парламент эмас!

**Сильва.** Нега энди, жудаям парламент-да! (*Гитарани олиб қандайдир куйни хиргойи қилади.*) Қизиқ-да, сизнинг уйланишингизга қўмондонлик қанақа қарар экан?

**Бусигин** (*Сильвага*). Кўйсанг-чи.

**Кудимов.** Қандай қарарди, мен шу йил ўқишни тугатаман. Кейин ихтиёрим ўз қўлимда бўлади.

**Сильва.** Жуда қизиқ...

**Бусигин.** Жим бўл, дедим!

**Кудимов.** Кўявер, менга масхарабозлар ёқади.

*Нина киради.*

**Нина** (*Кудимовга*). Э-ҳа, шу ердამидинг? (*Қолганларга*) Салом. Танишиб олдиларингми?

**Кудимов.** Яхши йигитлар экан, бирпасда чиқишиб кетдик. Хўш, ичамизми? (*Соатига қараб олиб.*) Вақтдан унумли фойдаланиб қолиш керак.

**Сильва.** Манави бошқа гап.

**Нина.** Шошманглар, дадамни кутмаймизми?

**Кудимов.** Кутамиз-у, лекин менинг фақат ярим соатгина вақтим бор.

**Сильва.** Шуям ҳаёт бўлди-ю!.. Ҳаммаси ўлчаб кўйилган. Сал четга чиқсанг, тамом – губах, трибунал! Турган-битгани азобдир?

**Кудимов.** Мен ўрганиб кетганман.

**Бусигин.** Сизларда кечикканларга қандай жазо берилади?

**Кудимов.** Билмадим. Кечикиб кўрганам йўқ.

**Бусигин.** Ўзим ҳам шунақа бўлса керак, деб ўйловдим.

**Нина.** Бугун бир мартагина кечиксанг ҳеч нима қилмас?

**Кудимов.** Кечикиб нима қиламан? Бирон эҳтиёж борми?

**Бусигин.** Тўғри, кечикишига сабаб ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ.

**Нина** (*Кудимовга*). Бугун сен озгина ушланиб қоласан. Ҳарбий билим юртингдагилар ушланиб қолиш билан кечикишнинг фарқига боришар?

**Кудимов.** Йўқ, барибир бормасам бўлмайди.

**Нина.** Сал кечроқ борсанг, охир замон бўп кетмас?

**Кудимов.** Жиддийроқ сабаб бўлса – бошқа гап, лекин бекордан-бекор кечикишда мен бирон маъно кўрмайман.

**Бусигин.** Тўғри қиласан, курсант, ҳар хил провокацияларга учма! Армияда интизом мустаҳкам бўлмаса, у армия эмас!

**Кудимов.** Гап ундамас. Мен ўзимга ҳеч қачон кечикмайман, деб сўз берганман.

**Нина.** Бугун ваъдангни бузасан – мен шуни хоҳлайман!

**Бусигин.** Унинг гапига парво қилма, курсант. Муҳими – интизом!

*Сарафанов пайдо бўлади. У чарчаган бўлса ҳам руҳи тетик.*

**Сарафанов.** Салом, шоввозлар! (*Кудимовни пайқаб*) Кечирасиз...

**Нина.** Дада, танишинг...

**Кудимов** (*қўл бериб*). Кудимов Михаил.

**Сарафанов** (*виқор билан, артистона*). Сарафанов. Хўш деганингиздан билсак... жуда хурсандман... Ва, ниҳоят, сизни кўриш шарафига муяссар бўлдик... Марҳамат, ўтиринг. (*Бусигинга*) Васенька уйдаими?

**Бусигин.** Ҳа, лекин шашти пастрок.

*Сарафанов шляпасини столга ташлайди. Плашини ечмасдан стулга ўтиради. Нина унинг шляпасини даҳлизга олиб чиқиб кетади.*

**Сарафанов** (*Кудимовга*). Менинг тўнғичим. Танишгандирсизлар?

**Кудимов.** Ҳа. Танишиб олдик.

*Нина қайтиб келади.*

**Сарафанов** (*Нина ва Кудимовга*). Энди ёшларга нима деймиз?.. Сизлар ҳаммасини яхшилаб ўйлаб, бир қарорга келгансизлар, деб умид қиламиз. Ваҳоланки, ахдларинг катъий экан, биз розилик бермай иложимиз йўқ.

**Кудимов** (*ҳаммага шампанский қуйиб*). Рухсатингиз билан, сиз учун ва танишганимиз учун ичсак.

*Барча ўрнидан туради.*

**Сарафанов.** Мен хурсандман. Йўғ-э, биз хурсандмиз!.. Нима дединг, Володя?

**Нина.** (*Бусигинга*). Тўғриси айтинг, ростдан ҳам хурсандмисиз?

**Бусигин.** Сизнинг соғлигингиз учун, дада.

**Кудимов.** Сизнинг соғлигингиз учун.

**Сильва.** Соғлигингиз учун.

**Сарафанов.** Раҳмат, азизларим, раҳмат... Лекин мен бошқа нарса ҳақида гапирмоқчиман. Кечирасизлар, ўтириб гапира қоламан... Бугун чарчадим. Жудаям чарчадим, худди бир вагон юк туширгандай ҳоридим... Билсанглар, Глинка кларнетни ёқтирган ва ўз асарларининг жуда кўп жойларида ундан унумли фойдаланган.

*Сарафанов гапирётган вақтда Кудимов унинг юзига диққат билан тикилади.*

Хў-ўш... Шундай қилиб, бугун мен уйга қайтаётиб шундай мулоҳаза қилдим. Ким нима деса десин-у, лекин ҳаёт ҳаммамиздан кўра донорок, ақллироқ. Ҳа-ҳа, ҳаёт биз ўйлаганимиздан кўра адолатли ва эзгуликка бойдир. Биз қахрамон деб ўйлаган шахс чиндан-да қахрамонми? Нима учун қахрамон? Балки камтарона меҳнат қилиб, бола-чақасига ҳалолдан едирган одам қахрамондир? Ҳалолликда фазилат кўп, болаларим. Бугун мен болаларим учун, уларнинг ҳалол одамлар бўлиб етишиши учун ичмоқчиман. (*Кудимовнинг ўзига диққат билан тикилиб турганидан хижолат бўлиб.*) Менга қаранг, кечирасиз-у, сиз нимага бундай тикилиб қолдингиз менга?

**Кудимов.** Кечирасиз-у, сизни аллақерда кўргандайман. Юзингиз жуда-жуда таниш. Аммо қаерда, қачон кўрганимни эслолмаяман.

**Сарафанов** (*қандайдир хавотирда*). Бўлиши мумкин... Шундай қилиб, мен болаларим учун қадах кўтармоқчиман, сен учун, Володя... (*Нинага.*) Сен ва Васенька учун ҳам... (*Кудимовга*) Васенька – менинг кенжатайим, у ҳозир дам оляпти. Болаларим, сизларнинг бахтларингни кўриш бизга ҳам насиб этсин!

*Бусигиндан бошқа ҳамма қадахларини бўшатишади.*

**Бусигин.** Сизнинг соғлигингиз учун, дада! (*Ичади.*)

**Кудимов** (*Сарафановнинг юзига синчковлик билан қараб*). Сизни қаердадир кўрганман-да. Аниқ кўрганман.

**Нина.** Кўрган бўлсанг кўргандирсан, нима бўпти шунга?

**Кудимов.** Лекин, қаерда, а?

**Нина.** Қаерда кўрган бўлсанг ҳам барибир эмасми?

**Кудимов.** Қаерда кўрганимни эслагунимча шунақа қийналиб юраман. Эсласам, кейин тинчланаман. Болалигимдан шунақа одатим бор. Қаерда кўрган бўлишим мумкин, қаерда?..

**Сарафанов** (*хавотирда*). Мен артистман. Эстрада сахнасида кўрган бўлишинг мумкин.

**Нина.** Дадам мусикачилар, сен бун билишинг керак эди.

**Сарафанов** (*умидвор*). Филармонияда кўргандирсиз?

**Кудимов.** Йўқ-йўқ...

**Сарафанов** (*шошиб*). Демак, театрда кўргансиз.

**Кудимов.** Йўқ, театрда ҳам эмас...

**Нина.** Эй, Худойим-эй, нима фарқи бор қаерда кўрганингни – тоғдами, боғдами!

**Кудимов.** Ҳозир, ҳозир, бир дақиқа...

**Бусигин** (*Кудимовга*). Сен кечга қолмайсанми? Ўн саккиз дақиқа қолди.

**Кудимов.** Раҳмат, эслатганинг учун... Қаерда эди-я?..

**Нина.** Э, бўлди қилгин! Бунақада умрингнинг охиригача ҳам эслолмайсиз!

**Кудимов.** Умрнинг охири... Ўлим... Эсладим!

**Сильва.** Хайрият-эй.

**Кудимов.** Кўчада кўрган эканман!

**Нина.** Э, Худога шукр-э, энди тинчлангандирсан?

**Кудимов.** Албатта-да! Сен “умрингизнинг охиригача” дединг, умрнинг охири нима? Ўлим. (*Сарафановга*.) Сизни дафн маросимида кўрувдим.

*Ноқулай сукут.*

**Нина.** Қанақа дафн маросими?

**Кудимов.** Жин урсин, қандай қилиб унутдим экан-а?! Ўтган ҳафтада, кўлингизда анави кларнет ҳам бор эди!

**Нина.** Бошқа бировга ўхшатгандирсан.

**Кудимов.** Йўқ, аниқ кўрдим. Битта хайдовчининг дафн маросими экан. Коминтерн кўчаси, кундуз соат тўртларда...

**Нина.** Бировга ўхшатгансан, деяпман!

**Кудимов.** Йўқ, Нина, бир зумгина кўзим тушган бўлса ҳам яхши эслаб қолдим. Болалигимдан хотирам яхши.

**Бусигин.** Бу сафар хотиранг панд берибди. Ким биландир адаштириб ўтирибсан.

**Кудимов.** Ҳечам-да! (*Сарафановга*) Ахир, сиз манави плашда, ҳалиги шляпада эдингиз-ку!..

**Сарафанов.** Нима десам бўлади...

**Бусигин.** Кўзингга кўринган – ўзингни ўқитвор!

**Кудимов.** Э, аниқ кўрдим, деяпман! (*Сарафановга*) Буларга ўзингиз айтинг.

**Бусигин.** Айтманг, дада. (*Кудимовга*) Сен бир нарсани тушунгин, оғайни, кўзингга кўринган, деяпман! Тушунмаяпсанми ё тушунгинг келмаяптими?

**Кудимов.** Қасам ичайми?

**Бусигин.** Яхшиси, шампан ич! Ўша куни ҳам ичиб олгандирсан. Билсанг, ичган одамнинг кўзига гоҳида у-бу нарса кўриниб туради!

**Кудимов.** Ичганим йўғ-э!

**Бусигин.** Ким биландир адаштирганингни ўзинг ҳам билиб турибсан. Лекин тан олгинг келмаяпти. Демак, ёлғон гапиряпсан. Демак, ёлғончи-фирибгарсан!

**Кудимов** (*сакраб туриб*). Оғзингга қараб гапир! Бу гапинг учун башарангга яхшилаб тушириб қолишим мумкин!

**Сильва** (*Кудимовнинг камаридан киши билмас тортиб, ўтқазиб қўяди*). Ўтиринг, бўталоғим!..

**Бусигин** (*ўрнидан туриб*). Бунинг устига, казармангга боришинг керак, кеч қоляпсан. Ўн уч дақиқа вақтинг қолди.

**Нина**. Бас қилинглар! Ҳозироқ бас қилинглар!

**Сарафанов**. Тўғри, йигитлар. Жанжалнинг нима кераги бор...

**Кудимов**. Мен жанжал қилаётганим йўқ, мабодо гапим (*Бусигин томонга қараб*) баъзиларга ёқмаётган экан, бу ердан қорасини ўчириши мумкин, қаршилиқ йўқ!

**Сарафанов**. “Баъзилар” деганингиз нимаси? Бу менинг ўғлим ва Нинанинг акаси бўлади. Шунинг учун оғзингизга қараброқ гапирсангиз бўларди!

**Кудимов**. Сиз-чи? Сиз нега дафн маросимларида машшоклик қилишингизни бекитиб юрибсиз? Нега мардларча тан олиб қўя қолмайсиз?

**Сарафанов**. Тўғри, тан олишим керакки... Михаил ҳақ, болаларим... Мен дафн маросимларида ҳамда рақс майдончаларида чаламан.

**Кудимов**. Э, хайрият-э! Бошиданоқ тан олганингизда шунча гап-сўз, жанжал йўқ эди!

**Сарафанов** (*Бусигин ва Нинага*). Сизларни тўғри тушунаман... Раҳмат сизларга... Лекин мен дафн маросимларида мусиқа чалиш унчалик ҳам катта жиноят деб ўйламайман.

**Кудимов**. Ким шунақа деб ўйлапти?

**Сарафанов**. Меҳнатнинг айби йўқ.

**Кудимов**. Йўқ, мен бу гапни касбингизни ёқтирмаганим сабаб айтганим йўқ. Сизнинг қаерда хизмат қилишингиз мен учун мутлақо аҳамиятсиз.

**Бусигин**. Сен учун аҳамиятсиз.

**Сарафанов**. Раҳмат, ўғлим... Сизларнинг олдингизда тан олиб айтишим керакки, филармонияда ишдан кетганимга олти ой бўлди...

**Нина**. Қўйинг, дада...

**Кудимов** (*Нина ва Бусигинга*). Нима, сизлар буни билмасмидинглар?

**Сарафанов**. Билишмасди. Яширгандим... Энди билсам, бекор қилган эканман... Мендан даҳо мусиқачи чиқмади, тақдирга тан бермоқдан бошқа иложим йўқ...

**Кудимов**. Хўп, майли, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат яхши, дейишган.

**Бусигин** (*Кудимовга соатини кўрсатиб*). Ўн дақиқа қолди, ошна. (*Сарафановга*) Парво қилманг, дада. Одамларга ёмон кунларда ҳам, яхши кунларда ҳам мусиқа керак. Чинакам мусиқачи дафн маросими ва рақс майдончасида чалмай қаерда чалсин? Сиз ниҳоятда керакли иш қиляпсиз, дада.

**Сарафанов**. Барака топ, болам... (*Кудимовга, фахр билан*) Кўрдингизми? Қани, айтинг-чи, бунақа фарзандлари бор одам қандай қилиб омадсиз бўлиши мумкин?

*Шу пайт қўшни хонадан елкасида лаш-лушлари солинган сафархалта билан Васенька чиқиб келади.*

**Васенька**. Эҳ-хе, жамоат жам – фақат биз кам! Нимага жим бўлиб қолдиларинг? Оилавий пленумни давом қилаверинглар.

**Сарафанов**. Васенька, сен бироз бемаврид чиқиб қолдинг...

**Васенька**. Йўқ, дадажоним, бу сафар мени тўхтатиб қололмайсиз!

**Бусигин** (*сафархалтасини олмоқчи бўлиб унга яқинлашади*). Менга қара, уағинам, шошмаганинг маъқулми, деб ўйлаяпман.

**Нина** (*Васеньканинг олдига келиб*). Ечин! (*Унинг плашини ечмоқчи бўлади.*)

**Васенька** (*Нинага*). Тегма менга! (*Ундан қутулмоқчи бўлиб.*) Нима керак ўзи сенга? Нима етишмаяпти? Дадамга ишонавер, у яхши мусикачигина эмас, қулинг ўргулсин совчи ҳам экан! Эрсиз қолмайсан!..

**Сарафанов.** Васенька!

**Васенька.** Кеча кечаси ким уникага борсин деди?! Биров сиздан илтимос қилдимми?

**Сарафанов.** Васенька, мен сенга яхши бўлсин, девдим.

**Васенька.** Жиннимисиз, дада! Унинг олдида обрўйимни бир тийин қилдингиз-ку!

**Нина** (*бақариб*). Жим бўлинглар!

**Сильва** (*соатига қараб қўйиб*). Энди турсам ҳам бўлар... Иззатим битганга ўхшайди... Тоза ҳавода айланиб келай... Кинога билет олиб кўйувдим, қаршилар йўқдир? (*Чиқиб кетади.*)

**Нина.** Ҳа, концерт тугадими? Ё, бошидан бошлаймизми?

**Васенька.** Хайр! (*Эшик томон йўналади.*)

**Сарафанов.** Тўхта! (*Бусигин Васенькани тўхтаб туради.*) Шошма. Мен сендан кечирим сўрашга тайёрман, лекин кетишингга изн бермайман.

**Бусигин** (*Васенькага*). Ахир, сен билан келишувдик-ку, оғайни?

**Васенька** (*Бусигиннинг чангалидан чиқишига уриниб*). Кўйвор! Агар истасанг даданг билан сен қолишинг мумкин! Ҳамманг жонимга тегиб кетдиларинг! (*Бусигинга*) Сен ҳам! Кўйвор, деяпман! Сизларни кўргани кўзим йўқ!

**Сарафанов** (*жаҳл билан*). Майли, кўйвор уни! Кетмоқчимиз, оқ йўл! Уни ҳеч ким куч билан ушлаб турмоқчи эмас! (*Бусигин Васенькани қўйиб юборади. У шу заҳоти чиқиб кетади.*) Ҳечқиси йўқ. Бир ёлғизлик азоби-ни татиб кўрсин, мулла минган эшакдай мулоғим тортиб қолади.

**Нина** (*Сарафановга*). Сиз ҳам яхшисиз! Оиламизни тор-мор қилишингиз етмай турувди!

**Сарафанов** (*у ёқдан-бу ёққа юриб*). Ана, сен бошла энди! Эрга навбат – шерга навбат! Булар отасини шунақа ҳурмат қилишади! Ота – бир тийин, ака – бир тийин!

**Нина.** Бошланди! (*Кудимовга.*) Ҳозир оркестр билан кларнет учун концерт эшитасан!

**Кудимов.** Ҳечқиси йўқ, мен эътибор қилмайман...

**Сарафанов.** Тўппа-тўғри! Эътибор қилмайсиз! Тупурасиз!.. (*Юзуриб ётоқхонага кириб кетади.*)

**Бусигин** (*Кудимовга, шивирлаб*). Курсант, жуфтақни ростлаш пайти бўлди...

**Нина** (*Бусигинга, бақариб*). Бас қил! Нега керак-керак эмас жойга бурнингизни тикаверасиз?

**Кудимов.** Йўқ, тўғриси ҳам, мен кетишим керак.

**Нина.** Йўқ, кетмайсан! Бу ерда ҳеч курса биттагина соғлом фикр қиладиган одам бўлиши керак-ку!

**Сарафановнинг овози** (*бақариб*). Мен бу уйда ортиқчаман! Керагим йўқ менинг!

**Нина.** Дада, жим бўлинг.

**Кудимов.** Минг афсусдаман, лекин мен бормасам бўлмайди.

**Нина.** Йўк, кетмайсан!

**Кудимов.** Мени тўғри тушун. Сенинг инжиқлигинг деб мен ахдимни бузолмайман! Ахир, ўзимга-ўзим сўз берганман.

**Нина** (*кутилмаганда қуруқ оҳангда*). Майли. Бора қол. Аҳдинг бузилиб қолмасин...

**Кудимов.** Яхши. Эртага кўришамиз.

*Чиқиб кетади. Нина унинг кетидан кузатиб чиқади.*

**Сарафанов** (*чиқиб*). Қаёкка кетишди, қилар ишни қилиб қўйиб? Мен бу уйда ортиқчаман! Мен эски челақман – ташлаб юборса ҳам бўлаверади! Буларни ҳозиргина мактаб ўтирувдим. Ишонган тоғда кийик ётмас! Устозим айтувди-я, кўнгли бўшлигинг бир куни бошингга етади, деб...

*(Нина қайтиб келиб, остонада туриб қолади.)*

Ҳа, мен туз ичиб тузлиғига тупирадиган худбинларни тарбиялаган эканман! Бағритош ва худбин!

**Бусигин.** Тинчланинг, дада. Менимча, сиз ноҳақсиз.

**Сарафанов.** Йўк-йўк, сен уларнинг ёнини олма. Болаларимни боқдим, ўстирдим, (*аламли*) энди маълум бўлдики, керак эмас эканман... Энди озод қушман! Қариганимда – тўрт томоним қибла!

**Бусигин.** Сиз ёлғиз эмассиз, дада. Агар розилик берсангиз, сиз билан яшайман.

*Сукут. Нина бошини кўтаради.*

**Сарафанов.** Сен... қоламан, дейсанми?..

**Бусигин.** Ҳа. Мабодо, ёлғиз қоладиган бўлсангиз, кўчиб келаман. Бу шаҳарда ҳам мединститут бордир.

**Сарафанов** (*таъсирланиб*). Ўғлим... Бормисан, болам, жа вақтида топилдинг-да!.. Бахтимдан ўргилай!.. Сен бўлмаганингда нима қилардим-а?

**Бусигин.** Дада, озгина дам олинг, бугун ҳаддан ортиқ асабийлашдингиз. Юринг, пича ётиб олинг, ҳаммаси ўтиб кетади. (*Сарафановни ётоқхонага олиб кириб кетади. Бироздан сўнг қайтиб чиқади.*)

**Нина.** Сен чиндан ҳам шу ерда қолмоқчимисан?

**Бусигин.** Бошқа иложим йўк. Дадамни ёлғизлатиб қўя олмайман-ку. (*Нинага яқинлашиб.*) Ўша курсантни деб кайфиятинг бузилди, а?

**Нина.** Кераксиз жойга бурнингни тикма деб, ҳали айтувдим.

**Бусигин.** Мен нима қилдим?

**Нина.** Уни дадамнинг олдида бир тийин қилдинг!

**Бусигин.** Ўшанинг менга бошидан ёкмади.

**Нина.** Ёкмадиммиш! Унга эрга тегадидан сенми ё менми? Сенга нима керак ўзи? (*Бироз сукут сақлаб.*) Ҳа, сенга ўхшаган ақлли эмас, анови дўстингга ўхшаган чиройли эмас. Нима бўпти?

**Бусигин.** Йўк, жа унчалик ёмон йигитмас...

**Нина.** Унда гап нимада?

**Бусигин.** Уни ёқтирмаганимга сабаб сени ёқтиришим.

**Нина.** Нима?! Шунинг учун жанжал чиқардингми?

**Бусигин.** Бўлиши мумкин.

**Нина.** Жинни бўп қопсан! Шу пайтгача дадамнинг ўғли эканингга шубҳа қилиб турувдим, энди юз фоиз ишондим – бу уйда ҳамма жинни! Бир тукинг каммас!

**Бусигин.** Тинчлан. *(Унинг ёнига ўтириб, елкасига қўлини ташлаб ову-тади.)* Курсантинг яхши йигит, ўзингни бос.

**Нина.** Агар мен уни севсам, усиз яшолмасам-чи? Унда нима қиласан?

**Бусигин.** Унда ҳаммаси жойида, у сени келишилган жойда кутади. Унга турмушга чиқасан ва Сахалинга кетасизлар.

**Нина** *(кутилмаган хотиржамлик билан).* Ҳеч қаерга кетмайман.

**Бусигин.** Нега?

**Нина.** Шундай. Тўғри айтасан, дадамни ёлғиз қолдириб бўлмайди. Буни мен энди тушуниб етдим. Яна шу нарсани тушундимки, мен дадамга ўхшар эканман. Мени дадам туккан бўлсалар керак. Феъл-атворимиз бир хил. Сахалинда бало борми?

**Бусигин.** Бунга курсантинг нима дер экан?

**Нина.** Билмайман... Ҳеч нима билмайман... Балки мени тушунар, ё бир ўзи жўнаб кетар. Кўришганимизда ҳаммаси ҳал бўлади. Ҳозир эса менга бу муҳиммасдай туюляпти.

**Бусигин.** Хафа бўлма. Сендай киз дарахтни бир силкитса йигит ёғилади.

**Нина** *(хўрсиниб қўйиб).* Ҳечқиси йўқ... Мана, сен ёрдам қиласан.

**Бусигин.** Э, йўқ, энди мен йиғиштираман... Сен қолсанг, кўнглим хотиржам бўлиб, мен кетаман.

**Нина.** Ассалому алайкум! Қаёққа кетасан, нимага кетасан? Шошма, нимани йиғиштирасан?

**Бусигин.** Нимани?.. Нега десанг... Нега десанг, мен аҳмоқ, ўзим пиширган ошни қандай қилиб ичишнинг йўлини тополмаяпман.

**Нина.** Қанақа йўл, қанақа ош? Илгари ҳам шунакамидинг ё бу ердаги жинниларга кўшилиб сен ҳам жинни бўп қолдингми?

**Бусигин** *(жилмайиб).* Шунақа, шекилли...

**Нина.** Нима бўлди? Мундоқ тушунтириброк гапир!

**Бусигин** *(ийманиб).* Севиб қолдим, шекилли...

**Нина.** Кимни?

**Бусигин.** Нима деб тушутирсам бўлади... *(Чайналиб)* Унга бошқаси эга чиқмоқчи.

**Нина.** Сен тортиб ол. Бу қўлингдан келади.

**Бусигин.** Айтишга осон.

**Нина.** Сенга нима халақит беряпти? А? Нега индамайсан? Мен севгилингни билмайман-у, лекин унга ҳавасим келяпти. Ҳатто, тўғрисини айтсам, ака-сингил эканимиздан афсусланиб ҳам кетяпман...

**Бусигин.** Биз ака-сингил эмасмиз...

**Нина.** Нима?..

**Бусигин** *(чуқур хўрсиниб).* Мен аканг эмасман... Ҳеч қачон аканг бўлмаган ҳам.

**Нина** *(секин ўрнидан туриб).* Ёлғон...

**Бусигин** *(секин ўрнидан туриб).* Чин сўзим. Ҳеч қачон менинг синглим бўлмаган.

**Нина.** Ёлғон... *(Ундан узоқлашиб.)* Ишонмайман.

**Бусигин.** Факт – ўжар нарса. Дадангни мен танимасдим, онам эса Челябинскда яшайди, даданг у ерда умуман бўлмаган. Мен сизларни алдаган эдим.

**Нина.** Нега?

**Бусигин.** Бу тасодифан бўлиб қолди...

**Нина.** Шу пайтгача нега айтмадинг?

**Бусигин.** Даданг мени ўғлим деб ишонди. Унинг ҳафсаласини пир қилгим келмади. Шундан кейин бошланди: аввал даданг, кейин сен... Хуллас, ҳаммаси чалкашиб кетди.

**Нина.** Сен... Сен жинни бўп қолибсан...

**Бусигин.** Бўлиши мумкин, лекин энди мен сенинг аканг бўлишни ис- тамайман.

**Нина.** Сен учига чикқан лўттивоз экансан! Сени милицияга топшир- ган савобга қолади!

**Бусигин.** Савобга қола қол. Сенга шунақа ака бўлгандан кўра қамокда ўтирган минг марта афзал.

**Нина.** Сенга ўхшаган одамни уйдан ҳайдаб солиш керак! Йўқ, олдин ўласи қилиб қалтаклаб, кейин ҳайдаш керак!

**Бусигин.** Йўғ-э? Аканг бўлиб юрганнимда бунақа ўйламасдинг.

**Нина.** Жим бўл! Уятсиз!.. Умримда сенга ўхшаган тентакни кўрганим йўқ!

*Сарафанов чиқиб келади.*

**Сарафанов.** Володя! Мен ҳаммасини энди тушундим! Бу ердан ке- тиш керак экан! Кеч бўлмасдан, иложи борича тезроқ кетиш керак! (*Кўтаринкилик билан.*) Ўғлим! Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим! Чернигов- га кетамиз!

*Бусигин тамомила лол бўлиб қолади.*

**Нина** (*устидан қулиб*). Уйланмоқчисиз, шекилли?

**Сарафанов** (*бақириб*). Ҳамма нарса бўлиши мумкин! Бекорга куляп- сан. (*Бусигинга.*) Мен келганингдан бери ўйлаяпман... Агар онанг рози бўлса, албатта... Қисқаси, мен у билан кўришиб, гаплашиб олишим керак!

*Нина заҳархандалик билан қулади.*

Бас қил тиржайишни! (*Бусигинга.*) Синглингнинг аҳволига бир қара! Отасининг ҳаёти ҳал бўляпти-ю, бунинг парвойи палак! Айтдим-ку, бу уйда менинг бир чақалик кадрим йўқ, деб! Кўриб турибсан, бош олиб кетишдан бошқа иложим йўқ! Нарсаларимни йиғиштираман – бўлди! Шу топда! Ҳозирок! (*Ичкарига қира туриб, Нинага.*) Хотиринг жам бўлсин, мен фақат кларнет ва ноталаримни оламан. Поезд қачон жўнаркан?

**Бусигин.** Би... Би... Билмадим...

**Сарафанов.** Бунинг аҳамияти йўқ! Мен нарсаларимни йиғиштираман! Шу топдаёқ! (*Ичкарига қириб кетади.*)

*Сукут.*

**Нина.** Ҳа, энди нима қилмоқчисан?

**Бусигин** (*бутунлай ўзини йўқотиб*). Билмадим...

**Нина.** Энди нима қилиб қўйганингни тушуняпсанми? Ё, ҳалиям ту- шунмаяпсанми? Дадам Васенькани ҳам, мени ҳам ўз фарзанди ўрнида кўрмаяптилар! Ишонган тоғи фақат сен бўлиб қолдинг! Кўзига сендан бошқа ҳеч ким кўринмаяпти! Ҳақиқат ошкор бўлса дадамнинг ҳоли нима кечишини тасаввур қиляпсанми!?

**Бусигин** (*у ёқдан, бу ёққа юриб*). Нима қилиш керак?.. Индамай қўя қолсаммикан?

*Сукут. Бир-бирига тикилиб қоладилар.*

Йўқ, бунақаси кетмайди! Энг асосийси, биз бир-биримизга мутлақо бегона эканлигимизни унга айтиш, тушунтириш... Лекин, қандай айта-

ман?.. (Ўўлдираб) Ота... Ўўғил... Ота... Ўўғил... (Бир қарорга келгандай.) Хуллас, мундай, (овозини настлатиб) агар сен кетсанг, бу ерга мен кўчиб келаман. У мени тушунса, албатта. Лекин, унга қанақа тушунтиришни билмай бошим қотяпти...

**Нина.** Мен ҳам билмадим... Дадам жинни, сен жинни – ўзларинг келишиб оларсизлар.

*Бир қўлида кичикроқ чамадон, иккинчисида кларнет тутган Сарафанов чиқиб келади.*

**Сарафанов.** Володя, мен тайёрман!

*Бусигин билан Нина унга жимгина тикилиб тураверишади.*

**Нина.** Ҳамма нарсаларингизни йиғиштириб бўлдингизми? Ҳеч нарсангиз қолиб кетмадими? (Қулади.)

**Сарафанов.** Манавини қара, кўрдингми, қизиммиш тагин?! Отаси кетяпти, дўконга ёки ишгамас, узоқ-узоқларга кетяпти, бу қиз йўлига бўлса ҳам хафа бўлса-чи, а? Парвойи палак! (Нинага.) Ҳечқиси йўқ, ҳали мени кўп эслайсанлар! Мени Худо бир сақлади, бўлмаса шулар билан қолардим! Буларга менга ўхшаган иши юришмайдиган, маиший ҳаётга мутлақо мослашмаган омадсиз одам эмас, қўлини қаёққа чўзса етадиган, топармон-тутармон одам керак! Биладан ҳаммасини! Мени қандай бўлсам шундайлигимча қабул қиладиган якка-ю ягона одам йигирма йил олдин Черниговда қолиб кетган! Эй, Худойим, шунчалик ҳам аҳмоқ бўламанми?! Энди – тамом, ҳаммаси бошқача бўлади!.. (Бусигинга.) Мана кўрасан, ҳаётимни қайта бошлайман! Нолдан бошлайман! Мени айтди дейсан ҳали, сенинг онангни бахтли қиламан! (Бироз наст тушиб.) Албатта, у мени кечира олса... Бахтли яшаймиз! Сен шунга ишонасанми?

**Бусигин.** Мен-ку, ишонаман-а... Лекин, шошилишнинг нима кераги бор?..

**Сарафанов.** Йўқ-йўқ, бўладиган ишнинг бўлгани яхши, ўладиган касалнинг ўлгани яхши! Қолган ишга қор ёғар! Чўзишнинг нима кераги бор? Темирни кизиғида босиш керак! Вокзалга кетдик!.. Сенга нима бўлди, ўғлим? Юрмайсанми?

**Нина** (кутилмаганда, мулойим). Тинчланинг, дада, ўзингизни босиб олинг.. Сизга ортиқча ҳаяжонланиш мулақо мумкин эмас... Мундоқ келинг-чи... Ўтириб олинг... Ана шундоқ...

*Сукут.*

**Сарафанов** (ҳайрон бўлиб). Нима бўлди?.. Володя?.. Сен мендан ниманидир бекитяпсанми?

**Нина.** Дада, мен ҳеч қаерга кетмайман. Мен қоламан. (Остонада Васенька пайдо бўлади. Барча у томон ўғирилади. Сукут.) Тагин нима бўлди?

*Сукут.*

**Васенька.** Тамом. Мен уларни ёқиб юбордим.

**Бусигин.** Ёқиб юбординг? Кимни?

**Васенька.** Уни, ўйнашига кўшиб.

*Васенькадан бошқа ҳамма дераза томон шошадилар. Эшикда афт-башараси қорақуя, уст-бошининг у ер-бу ери куйган Сильва пайдо бўлади. Шими ҳали ҳам тутаб турарди.*

**Сильва.** Аҳвол чатоқ. Менга битта шим керак.

*Макарская кириб келади.*

**Сарафанов** (*Макарскаяга*). Нима бўлди? Ўзинг тинчмисан?

**Макарская.** Кўрмаяпсизми? Сени ўлдираман, деган эди – ахамият бермовдим. Мана, ахвол!

**Нина.** Наҳотки, шу ўзимизнинг Васенька бўлса? Ўлдириб қўяман деб, балиқ овламас эди.

**Сарафанов.** Ростанми? Бўлиши мумкинмас.

**Макарская.** Мен ҳам бўлиши мумкинмас, деб ўтирувдим. Гафлатда колдим. Қутуриб кетди!

**Сарафанов.** Сен?.. Қандай қилиб?..

**Макарская.** Қандай қилиб бўларди? Жуда оддий. Дераза очиқ эди. Олдин пардаларни ёқиб юборди! Кейин ердаги гиламга ўтди! Сўнг дахлизга, ундан кейин хона бўйлаб ёйилиб кетди!.. У мени ўлдирмоқчи бўлди!

**Сильва.** (*Сарафановга*). Битта шимингиз йўқми? Қарзга ё ижарага бериб турсангиз, девдим.

**Сарафанов.** Шимми?.. Ҳозир-ҳозир... (*Қўшни хонага чиқиб кетади.*)

**Бусигин** (*Сильвага яқинлашиб*). Хўш, қалайсан энди, хурматли ўйнаш жаноблари!

**Сильва.** Қанақа ўйнаш? Мен олов билан ўйнашиб ётувдим! Э, Худо кўтарсин бунақа ўйнашни!..

**Макарская.** Нима?.. Ие, ҳали бошқача сайраятувдинг-ку?

**Сильва.** Сен нима деб ўйловдинг! Сен билан қўшилиб ёниб кетгим йўқ, ўзинг ёнавер керак бўлса!

**Бусигин.** Афсус, фақат иштонинг ёнибди!

**Сильва.** Нималар деяпсан ўзинг?

**Бусигин.** Сени огоҳлантирувдим, кейинги сафар фақат иштонингмас, ўзинг ҳам ёниб кетасан.

**Сильва.** Шунақами?.. Чолга ўғил, манави хурлиқога ака бўлиш жонингга тегмадими?!

**Бусигин.** Башарангни бежаб қўймасимдан қани, сур-чи бу ердан!

**Сильва** (*яланғоч оёқларини кўрсатиб*). Шу ахволдами? Эсинг жойидами?

**Макарская** (*Васенькага*). Сен чиндан ҳам мени ёқвормоқчи бўлдингми?

**Васенька** (*хотиржамлик билан*). Бўлмасам-чи? Лекин, ўхшамасди.

**Макарская** (*ҳайрат ва қандайдир, ҳурмат билан*). Бандит. Тупна-тузук бола, бир кунда жиноятчига айланди-қолди.

**Сильва.** Билмас экансизлар, қатта каллакесар бу ёқда. (*Бусигинга.*) Мени шим билан таъминласанг бўларди. Йўқса, жинойи иш очилишига ёрдам қилворишим мумкин. Ҳар қалай, қотиллик юз беришига сал қолди. (*Макарская томон ишора қилиб.*) Гувоҳим бор.

**Макарская** (*Сильвага*). Хомтама бўлма, мен гувоҳ бўлмайман!

**Сильва.** Ие, шунақами? Балки унга раҳмат ҳам дерсан, сени бутунлай ёқвормагани учун?

**Макарская.** Эҳтимол... (*Васенькага*) Раҳмат-ку демасман-а, лекин ундан бундай жасоратни кутмаганимни айтиб қўйишим керак. Сени эса туркингни кўришга тоқатим йўқ!

**Сильва.** Менинг ҳам кўзим учиб тургани йўқ. (*Гитарасини олади.*) Начора, бу ерда иззатимиз битган кўринади. Лекин шимсиз қаёққа кетаман? Ҳеч бўлмаса қарзга бериб туринглар. Эртагача.

**Бусигин.** Шимнинг нима кераги бор сенга? Шу аҳволинг дуруст, қара, қандоқ ярашиб турибди... Хуллас, ўзинг кетасанми ё кузатиб қўяйми?

*Қўлида шим билан Сарафанов чиқиб келади.*

**Сильва** (*кетатуриб, Бусигинга*). Минг раҳмат, оғайни, ҳаммаси учун. Сен чинакам дўст экансан. Мен кетаман. Лекин ундан олдин жамоатчиликнинг кўзини очиб кетишим керак. Бўлмаса гап мундоқ. Уйни Васенька эмас, (*Бусигинни кўрсатиб*) манави ёкиб юборди! Бу ерда сувни лойқалатиб юрган ҳам шу. Айтиб қўй, бу милиция кидириб юрган ашаддий жиноятчи – рецидивист! (*Нинага*.) У аканг бўлса, мен Рим папасиман! Бу ҳаммаларингни лақиллатиб юрибди! (*Сарафановга*.) Сизни ҳам! У ўғлингиз эмас, кўзингизни очсангиз-чи, отахон, учига чикқан лўттивоз, қаллоб! Яна шуни ҳам айтиб қўяйки...

**Сарафанов** (*бақуриб*). Йўқол кўзимдан, ифлос!.. Даф бўл!..

(*Сильва қочиб чиқиб кетади.*) Ярамас...

*Сукут.*

**Бусигин.** (*секин*). У тўғри айтди...

**Сарафанов.** Ким тўғри айтди?..

**Бусигин.** Мен сизнинг ўғлингиз эмасман.

**Сарафанов.** Нима дединг? Ўйлаб гапиряпсанми, сен бола?

**Бусигин.** Мен сизга еттиёт – бегонаман. Ҳаммаси ёлғон эди.

**Сарафанов.** Нималар деяпсан, Володя?..

**Бусигин.** Мен бунақа чуқурлашиб кетади, деб ўйламаган эдим...

Тасодифан, совуқдан қочиб (*Макарская томон ишора қилиб*) манави қизнинг эшигини тақиллатдик. Ундан исми-шарифингиз ва сиз ҳақингизда бошқа маълумотларни олиб, уйингизга кириб олдик. Кейин ишлар бунақасига айланиб кетди... Биз атиги бирпас исиниб олмоқчи эдик.

**Макарская.** Шошма. Бир кечага бошпана қидириб юрган сизлармидиларинг?

**Бусигин.** Ҳа. Тасодифан бўп қолди... Эрталаб кетмоқчи эдик...

**Сарафанов.** Бўлиши мумкин эмас!.. Ишонмайман! Бунақа бўлиши ақлга сиғмайди...

**Бусигин.** Мени... бизни кечирасиз деган умиддаман... Бир ҳисобда айнан сизнинг эшигингизни тақиллатганимиз яхши бўлди.

**Сарафанов.** Бундан чикди, мен сенга... Сен ҳам менга... Бу қанақаси бўлди? Йўқ, йўқ, бунга ишониб бўлмайди! Ҳазиллашдим де, Володя! Сен менинг ўғлимсан-а? Айт! Ўғлимсан? Ўғлимсан, тўғрими?..

**Бусигин.** Йўқ...

**Сарафанов.** Унда кимсан, ким?!

**Нина.** Ким бўларди, лўттивоз-да! Учига чикқан лўттивоз. Шунақа устамонки, унинг олдида ҳеч қайсимиз ип эшолмаймиз.

**Васенька.** Ана холо-ос...

**Макарская.** Бировга айтсанг ишонмайди...

**Сарафанов.** Мен ҳам ишонмайман, ишонишниям истамайман!

**Бусигин.** Очигини айтадиган бўлсам, сизнинг ўғлингиз эмаслигимга менинг ҳам ишонгим келмаяпти. (*Нинага қараб олиб.*) Лекин факт ўжар нарса бўлади.

**Сарафанов.** Ишонмайман! Тушунмайман, тушунишни ҳам истамайман! Сен Сарафановсан – тамом-вассалом! Сен менинг ўғлимсан! Энг суюкли ўғлимсан!

**Нина** (*Бусигинга*). Мен сенга нима девдим... (*Сарафановга*) Мен-чи? Васенька-чи? Бизни ҳам фарзанд ўрнида кўрасизми?

**Сарафанов.** Нина! Ҳаммаларинг менинг боламсизлар! Лекин... (*Бусигинни кучиб*) лекин бу тўнғичим-да...

*Барча енгил тортади. Ҳамма мамнун.*

**Макарская** (*жилмайиб*). Ҳаммаларинг ажойибсизлар.

**Нина** (*кулиб*). Ҳа, шунақа ажойибки, уйимизни ёқворишига сал колди! Макарская “Э, уй нима бўпти”, дегандай қўл силтаб қўяди.

**Сарафанов.** Нима бўлганда ҳам хаммаси ўз ўрнида қолади. Володя, бери кел...

*Бусигин яқин боради. У, Нина, Васенька, Сарафанов бир қатор бўлиб сафланадилар. Фақат Макарская бир четда туриб қолади.*

Ким нима деса десин, ким қандай ҳисоблашидан қатъи назар сен менинг ўғлимсан. (*Бусигин, Нина ва Васенькага.*) Ҳаммаларинг менинг кўзимнинг оку қорасисизлар, чунки мен сизларни севаман. Яхши отаманми, ёмон отаманми, ишқилиб, сизларни жонимдан ҳам ортиқ кўраман. Энг муҳими ҳам шу!

**Макарская.** Мени кечирасизлар... (*Бусигинга.*) Сендан бир нарсани сўрамоқчиман. Ота-онанг борми?

**Бусигин.** Ҳа, онам борлар... Челябинскда.

**Нина.** Ёлғизмилар? (*Табассум билан.*) Дада, мабодо дейман-да, сиз бу масалага сал қизиқиб кўрмайсизми?

**Бусигин.** Онам акам билан турадилар.

**Нина.** Сен-чи? Сен нима қилиб юрибсан бу ёқларда?

**Бусигин.** Шу ерда ўқийман мен.

**Сарафанов.** Қаерда турасан?

**Бусигин.** Ётоқхонада.

**Сарафанов.** Ётоқхонада, дегин... Ётоқхона узок... Буям етмагандай, ноқулайлигини айтмайсанми. Ёшлигимдан ётоқхоналарни ёқтирмайман... Шунинг учун, агар рози бўлсанг... хўп десанг... бизникида яшашинг мумкин!

**Бусигин.** Нималар деяпсиз, қўйсангиз-чи...

**Сарафанов.** Чин дилдан таклиф қиляпман... Нина! Нега индамайсан? Сенам таклиф қил, кўндир.

**Нина.** (*кесатиб*). Ассалому алайкум. Ҳозир кўндираман. Бизникида пишириб қўйибдими? Мен қаршиман.

**Бусигин.** Мен сиздан хабар олиб тураман... Ҳар куни келаман... Келавериб жонларингга ҳам тегиб кетаман...

**Сарафанов.** Володя! Бизникида туришингни иштайман – гап тамом-вассалом!

**Бусигин.** Мен эртагаёқ келаман.

**Нина.** Қачон?

**Бусигин.** Соат еттида... Йўқ, олтида. Айтгандай, ҳозир соат неча бўлди?

**Нина.** Ўн бир ярим.

**Бусигин.** Табриклашларинг мумкин – мен яна поезддан кеч қолдим.

ТАМОМ



Чарли ЧАПЛИН

(1889–1977)

## ТҮЛИҚ МЕТРАЖЛИ ҲАЁТ<sup>1</sup>

Эссе

Рус тилидан  
Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА  
таржимаси

\* \* \*

Орадан бир неча кун ўтиб, мен яна нуфузли хонадонга меҳмондорчиликка таклиф этилдим. Нонуштадан аввал мени рангпар, камқонлиги юз-кўзидан кўриниб турган ёш француз графи билан таништиришди. Граф Шамбрэн билан бироз суҳбатлашиб турдик. Пер Лавалнинг куёви бўлган бу баодоб йигит “Диктатор” ҳақидаги тассуротларини гапирди. У фильмни Нью-Йоркда кўрган экан. Суҳбат чоғида ўз хулосалари учун аввалдан узр сўраб, у шундай деди:

– Фильм жуда ажойиб. Лекин у сизнинг нуқтаи назарингиз. Менимча, унга жиддий қараш керак эмас.

– Бу бор-йўғи комедия, – жавоб бердим мен. – Агар мен фашистларнинг концлагерларидаги ваҳшийликларининг барини билолганимда, бунақа юмшоқ ёндашмас эдим.

Ўша даврага элликка яқин меҳмон ташриф буюрди. Биз тўрт киши алоҳида дастурхон атрофида ўтирдик. Коунт Шембрэн ҳам бизга қўшилди. У мени ҳадеб сиёсий мунозарага тортмоқчи бўлиб, саволлар берар, муносабатимни сўрарди. Мен эса гапни сиёсатдан олишдан аввал яхшилаб овқатланиб олишни афзал кўришимни айтиб, кўлимдаги қадахни унга қарата кўтариб қўя қолдим:

– Бугун мен виски ичганим учун ҳамма ёкка ўт кетадиганга ўхшайди...

Сўзим тилимда қолди – бирданига бошқа бир столда ўтирганлар орасида бақир-чақир бошланиб қолди. Қарасам, икки аёл сал қолса бир-бирининг сочини тутамлаб юлишга шай эди. Аёлларнинг бири асабийлик билан қичқира кетди:

– Мен бунни эшитишни ҳам хоҳламайман, тушундингизми?! Сиз фашистнинг ўзгинасиз!

Бироз ўтиб нью-йорклик ўша нуфузли оиланинг вакилларида бири мендан нега фашистларга қаршиликимни сўраб қолди.

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

- Чунки улар инсониятга қарши, – дедим.
- Ҳа! – деди у ҳам жўшиб. – Сиз ҳам яхудийсиз, шундайми?
- Фашистларга душман бўлиш учун яхудий бўлиш шарт эмас. Мухими, инсон бўлишинг етарли.

Шу билан суҳбатимиз якун топди.

Бир-икки кундан кейин америкалик инқилобчи журналистлар илтимосига биноан Вашингтонга боришга тўғри келди. Мен радио орқали “Диктаторнинг” якуний нутқини ўқишим керак эди. Радиоспектаклдан олдин мени Рузвельт билан учраштирадиган бўлишди. Унинг илтимосига биноан фильмнинг бир нусхаси Оқ уйга аввалроқ етказиб берилди. Қабулига борган куним у мени қуйидаги сўзлар билан қарши олди:

– Келинг, Чарли. Сизнинг картинангиз Аргентинада биз учун анча мушкулликлар туғдирганини биласизми?

Билдимки, Рузвельт фильмимни бошдан-оёқ кўриб чиққан. Кейинчалик бир дўстим бу учрашувнинг натижасини шундай шарҳлаганди: “Чарли, сизни Оқ уйда кутиб олишди-ю, аммо бағриларига босишмади”.

Президент билан ўша учрашув қирк дақиқача давом этганди. Суҳбат давомида у мени тинимсиз “мартини” билан сийлар, мен хижолатданми, ҳаяжонданми қадахни шу заҳоти бўшатиб қўяверардим. Оқ уйдан соат ўнларда чиқдим-у ҳали радиода чиқишим борлигини эслаб бирдан шошиб қолдим. Ахир, нутқ барча радиоканаллардан узатилади, бу эса мен олтмиш миллион тингловчи билан гаплашаман, дегани. Тезликда совук душ қабул қилдим, қаҳва ичиб бироз тетиклашгач, радиого етиб бордим.

Штаблар ҳали уруш ҳаракатига келмаган ва шу боис бу оқшом радиостудия зали фашизмларга хайрихоҳ нусхалар билан тўла эди. Мен сўзимни бошлашим билан улар атайин баланд товушда маъноли йўтала бошлади. Мени бироз ҳаяжон босди. Ҳаяжонланганимдан томоғим қуриб, сўзларимни талаффуз қилишга тобора қийнала бошладим. Беш-олти дақиқадаёқ сўзимни тўхтатиб, охири сув беришларини сўрадим. Аксига олиб, сув ҳам тезда топила қолмади, олтмиш миллион тингловчини кутишга мажбур қилдим. Ниҳоят, икки дақиқалардан кейин қоғоз пакетда сув топиб келишди. Шундай қилиб, бир амаллаб нутқимни якунладим.

\* \* \*

Полетт билан ажрашишимиз тайин. Буни “Диктатор” фильмини бошлашимдан аввал иккимиз ҳам тушуниб етганмиз. Мана фильм ҳам тайёр бўлди, энди у билан муносабатимизни бир ёқлик қилиш вақти келди. Полетт бўлса менга Калифорнияга кетаётгани ҳақида хат қолдирибди. “Парамунт” компаниясининг янги фильмида суратга тушаётган экан. Мен яна Нью-Йоркда қолдим. Полетт уйдан нарсаларини биратўла йиғиштириб кетганини агентим Франк Беверли-хиллзга борганда хабар қилди. Бир муддат ўтиб Беверли-хиллзга қайтдим, эндиликда Полетт Мехикога жўнаб кетган экан. Уйим эса жуда ачинарли аҳволда, саккиз йил давомида одам яшамагани шундоқ кўриниб турарди.

“Диктатор” америкалик томошабинлар орасида катта муваффақият қозониб, менга нисбатан махфий душманлар ҳам ҳозирлади. Буни илқ дафъа Нью-Йоркдан Беверли-хиллзга келиб, матбуотчилар билан учраш-

ганимда сездим. Ўшанда уйимга йигирматадан кўпроқ журналист келди. Уларнинг ҳаммаси рангли верандага жойлашиб олиб, жим ўтирар, ўзларини қандайдир ғалати тутарди. Ичкилик таклиф қилсам, ҳаммаси ичмаймиз, дейди. Аввал қанча мухбирни қабул қилган бўлсам, биронтаси бунақа рад этмасди. Ҳайрон эдим. Мен ҳам уларга қараб ўтиравердим.

– Нималар қилиб юрибсиз, Чарли? – ниҳоят бир журналист ҳаммининг номидан сўз бошлади.

– Қани, қандай қабул қилишар экан, деб ҳазилнамо жавоб қайтардим.

– “Диктатор” учун кичкина реклама-ролик тайёрладим.

Улар индамади. Сўнг президент билан учрашганимни гапириб бердим. Фильмим Американинг Аргентинадаги элчихонаси учун қатор муаммолар келтириб чиқарганини, бу эса газеталар учун ажойиб мавзу бўлганини атайин қистириб ўтдим. Улар яна пинакларини бузмай ўтираверди. Мен жимликни бузиш учун яна ҳазилашмоқчи бўлдим.

– Бизникилар буни қилолармидими?

– Тўғри, уларчалик ишламаётгандирмиз, – деди кимдир. – Сизнинг бизга муносабатингиз яхшимас. Бизга ҳеч нарса айтмай кетгансиз. Лекин биз унақа эмасмиз.

Мен ҳеч қайси маҳаллий газетанинг ёрдамига муҳтож бўлмасам-да, уларнинг бу гапидан таъсирландим. Тўғри, мен Голливуд матбуотида чикмадим. Чунки фильмни Нью-Йоркда намойиш қилишдан аввал журналистларнинг ҳар хил талқин қилиб, кинояли мулоҳазалари билан оммага таъсир кўрсатишидан чўчигандим. Икки миллион доллар сарфланган фильмни тақдимотидан аввал бундай хавф остида қолдирилмасдим.

Ўша журналистлар мендан гина қилаётганини сезиб, уларга тушунтиришга уриндим ва Америкада фашизмга қарши бу фильмга душманларча қараётганлар кўплигини, шунинг учун матбуот йиғилишини премьерадан кейинга қолдирганимни айтдим.

Аммо бу билан уларнинг душманлик кайфиятини йўқотолмадим. Вазият об-ҳаво сингари ўзгарди-ю, ғийбатчи газеталар тинимсиз номимга тош отиб, майда ҳужумлар қила бошлади. Полетт билан муносабатимни ғийбат қилишди, мени жирканч одамга чиқариб ёмонлашди. Катта-кичик душманлик компаниялари зўр бериб ишлаган бўлишига қарамай, “Диктатор” Англияда ҳам, Америкада ҳам узоқ вақт намойишда бўлиб, яхшигина даромад келтирди.

Америка расман урушга киришмаган бўлса ҳам, Рузвельт билан Гитлер орасида аллақачон совуқ жанг бошланганди. Бу эса президентга анчагина мушкilotлар туғдирди, негаки фашистлар Америкадаги кўпгина ташкilotларни ўзларига оғдириб бўлганди. Ўша ташкilotлар билиб-билмай, фашистларнинг кўлида қуролга айланди.

Шу орада тўсатдан Япониянинг Пеарл-Ҳарборга ҳужуми ҳақидаги фожиали хабарлар тарқалди. Бундан Америка хайратда қолди, лекин кўп ўтмай қарор қабул қилиниб, хорижий давлатларга Америка кўшинининг бўлимлари жойлаштирилди. Россия Москва яқинида фашистларни ушлаб турар, иттифоқчиларни зудлик билан иккинчи фронтни очишга чақирарди. Айни пайтда Рузвельт русларга хайрихоҳ бўлса-да, мамлакатдаги фашизм тарафдорлари муҳитни захарлаб бўлганди. Улар рус иттифоқчилари билан жанжал чиқиши учун астойдил ҳаракат қилиб, тўхтовсиз тарғиботлар олиб борарди. Ҳар икки томонни таъминланг,

шунда биз ўлжа бўладиган жойга етиб борамиз, дейишарди улар. Иккинчи жабҳа очилишини олдини олиш учун турли фитналар ўйлаб топилди. Қайғули кунлар бошланди. Ҳар куни русларнинг даҳшатли йўқотишлари ҳақида хабарлар тарқаларди. Кунлар ҳафталарга, ҳафталар ойларга эврилди ҳамки, фашистлар ҳамон Москва остонасида эди.

Мен учун ҳам мушкул дамлар бошланди. Россиянинг Сан-Францискодаги урушга кўмаклашиш кўмитаси мени АҚШнинг Россиядаги собиқ элчиси Э.Девиснинг бетоблиги боис, ўз ўрнига нутқ сўзлашга чақирди. Бир-неча соат қолгандагина огоҳлантирилмаганимга қарамай, бунга рози бўлдим. Учрашув эртаси куни бўлиши керак, шунинг учун зудлик билан Сан-Францискога кечки поезд билан жўнадим.

Бутун куним кўмита томонидан режалаштирилган – қачон қаерга бораман, нима қиламан, ҳаммаси. Кечки овқат вақтида ичимдаги безовталикни босиш учун бир-икки станқан шампань ичиб олдим.

Ўн минг ўринли зал лик тўла эди. Америкалик адмирал ва генераллар Сан-Франциско ҳокими бошчилигида йиғилиш бошланди. Уларнинг нутқи жуда эҳтиёткорлик билан тайёрланганди. Улар душманларнинг нафратини кўзғатмаслик мақсадида русларнинг бошига тушган қийинчиликни бартараф қилиш учун кўлларида келадиган барча ишни қилаётганини, русларнинг жасоратини мақташдан тийилдилар. Икки юзта Гитлер отряди ҳужумини базўр қайтариб турган ҳолда, уларнинг тубанликлари ҳақида ҳам чурқ этишмади.

“Биз иттифокдошлар билан шунчаки таниш эмасмиз”, ўша куни кечаси русларга нисбатан шу туйғуни ҳис қилдим.

Кўмита раиси менга иложи борича узоқроқ сўзлашимни шипшитиб қўйганди. Аммо мен гапимда адашиб кетдим. Бор нотиклигим бор-йўғи тўрт дақиқага етди. Қаердаги бемаъни ва бўш гапларни валдираётганим учун ўзимдан жаҳлим чиқарди. Кечки овқатдан сўнг кейинги айтишим лозим бўлган фикрларимни ёзиб олдим. Саҳна орқасида безовталаниб у ёқдан, бу ёққа юрганамда яна менинг исм-шарифим ўқилди.

Қора костюм-шим кийган, бўйинбоғ таққан Чаплин саҳнада кўриниши билан қарсақлар бошланди. Бу ҳол фикрларимни бир жойга жамлаб олишимга ёрдам берди. Узоқ давом этган олқиш тугатиши билан сўз бошладим. “Ўртоқлар!” дейишим билан залда қаҳ-қаҳ кулги кўтарилди, кулги тўхташини кутиб, яна гапиришга тутиндим. “Менинг айтадиган сўзим шуки, ўртоқлар...” Бутун зални яна кулги ва гулдирос қарсақлар тутди. “Аминманки, шу залда ўтирганлар орасида руслар ҳам бор. Сизнинг ватандошларингиз ҳозир қандай кураш олиб бораётганини, қанчалаб қурбонлар берилаётганини биламиз, сизларни қўллаб-қувватлашга чорлашни ўзимга шараф деб биламан...”

Яна олқиш авж олди.

Шу лаҳзаларда қизишиб кетиб, шу баҳона фашистларга ўз нафратимни билдира бошладим. Ҳеч нарса мени тўхтатолмади.

– Мен коммунист эмасман, мен шунчаки фикрловчи инсонман, ўзим каби ҳар бир инсоннинг қарашларини тушунишга интиламан. Коммунист дегани ким? Улар ҳам худди бизга ўхшаган одамлар. Улар ҳам қўл-оёғини йўқотгудек бўлса, худди биз каби азоб чекади. Ўлса ҳам бизга ўхшаб жон беради. Коммунистнинг онаси ҳам ҳамма оналар каби она. Агар унинг фарзанди ҳалок бўлса, у ҳам бошқа оналар каби қон йиғлайди. Шун-

дай экан, менинг коммунист бўлишимга ҳожат йўқ. Шунчаки инсон бўлишнинг ўзи етарли. Мана айтилган дамда қанчадан-қанча ўғлонларидан жудо бўлган рус оналари йиғламоқда...

— Мен қирқ дақиқа давомида шу тахлит нутқ сўзладиму, ўша жараён қандай содир бўлганини билмасдим. Чунки ҳар бир фикрни тугатар эканман, кейин нима ҳақида гапиришимни билмасдим. Ҳатто тингловчиларга ўзимнинг Биринчи жаҳон уришида заём чиқарганим билан боғлиқ ҳангомалару Рузвельт тўғрисидаги латифаларни айтиб кулдирдим. Менимча, ёмон чиқмади.

— Ҳозир уруш давом этипти ва мен бу урушда русларга ёрдам бериш кераклиги ҳақида гапирмоқчиман. Уларга пул билан ёрдам бериш мумкин, албатта. Лекин ундан ҳам муҳим бир кўмак лозим. Билишимча, иттифоқдош Ирландиянинг шимолида икки миллион аскар ишсиз қолиб қийналяпти, айтилган пайтда эса битта рус аскар икки юз кишилик фашист дивизиясига қарши турибди.

Залга оғир сукунат чўкди.

— Руслар бизнинг иттифоқдошимиз, улар фақат ўзлари учун эмас, биз учун ҳам олишяпти, ахир. Америкаликлар орасида уларни ёқтирмайдиганлар бор, айрим кимсалар эса уларни бошқалар томонидан йўқ қилинишини истади. Сталин хоҳлайдими ёки Рузвельтми, қани, биз ҳам бирлашиб зудлик билан иккинчи фронт очилишини талаб қилайлик!

Залда ғала-ғовур бошланиб кетди. Мен тингловчиларни кузата туриб, улар ҳозирги ҳолатда нима истаб, нимани ўйлаётганини ўзларига очиқ изоҳладим. Улар менга бошқа гапиришга имкон бермай, олқишлаб ер тепинишарди. Улар кичқириб, шляпаларини ҳавога отар экан, мен ҳаддан ошириб юбормадимми, жуда олислаб кетмадиммикан, деган ўй кечарди ҳаёлимдан. Фронтда ўлиб-тирилаётган минглаб аскарлар олдида ирода-сизлик, нодонлик қилмадимми — ўз-ўзимдан жаҳлим чиқарди.

Омма тинчлангач, сўз олдим:

— Агар сизларни тўғри тушунган бўлсам, ҳар бирингиз ҳозирок президентга телеграмма юборишга тайёрсиз. Эртага у ўн мингталаб фронт очиш тўғрисидаги талабномаларини ўқийди, шундайми?

Митингдан сўнг ўзимни ноҳуш ҳис қила бошладим. Дэдди Филд Мелон, Жон Гарфилдлар билан кечки овқатни бирга тамадди қиладиган бўлдим.

— Сиз жасур одам экансиз, — деди Гарфилд ўша нутқимга ишора қилиб.

Унинг гапи мени баттар ғашлантириб қўйди. Мен сира ўзимни қаҳрамон қилиб кўрсатишга уринганим йўқ, фақат юрагим ҳис этган ва ич-ичимдан тўғри деб ишонган фикрларимни айтгандим, холос.

Жоннинг гапидан кейин тун бўйи таъбим хира бўлди. Аммо бошимда қора булутдай турган ўша лаҳзалар кечди, мен Беверли-хиллздаги ўзимнинг аввалги ҳаётимга қайтдим. Бир ҳафтадан сўнг, мени яна телефон орқали Мэдисон хиёбонида бўладиган оммавий митингга чақиришди. Ундан кейин уюштирилаётган бошқа бир қанча митингларга ҳам рози бўлдим. Мэдисондаги митинг жуда нуфузли шахслар ва ташкилотлар томонидан ташкил қилинганди. Мен унда иштирок этиб, ўн тўрт дақиқалик чиқиш қилдим. Совет конгрессининг қасаба уюшмаси кейинчалик ўша нутқимни митинг ҳақидаги репортаж матни билан бирга брошюра шаклида нашр қилди.

Ҳаётимда бир қадар сокин кунлар бошланди. Аммо бу худди момақалдиروق гумбурлашидан аввалги омонат сукутга ўхшарди. Ҳаётимда содир бўлган бу воқеа-ходисалар аввалига мутлако тўғридек, ҳеч бир ёмон жиҳати йўқдек кўринганди.

Дам олиш кунларининг бирида Тим Дьюрэнт билан теннис ўйнадик. Ўйиннинг сўнгги партияларида у Пола Геттининг дугонаси Жоан Берри исмли бир аёл билан учрашуви борлигини айтиб қолди. Берри ҳозиргина Мехикодан келганини бир дўстидан айттириб юборибди. Тим меҳмони билан бирга тушлик қилишга мени ҳам ўзи билан олиб борди. Айтишича, Берри хоним мен билан танишиш истагида экан. Биз Перино ресторанига йўл олдик. Берри ва унинг дугонаси жуда ёқимтой ва қувноқ кизлар экан, ўша куни тўрталамиз жуда яхши ўтирдик. Аммо мен Беррига яна дуч келаман деб, сираям ўйламагандим.

Роппа-роса бир ҳафта ўтиб, якшанба куни теннис кортимда айланаиб юрсам, Тим ўзи билан Беррини етаклаб келиб қолди. Мен одатда дам олиш кунлари оқсочга жавоб бериб юбораман ва ресторанга бориб овқатланаман. Бу сафар Тимни ҳамроҳи билан бирга Романова ресторанига олиб бордим. Тушликдан сўнг уларни машинада уйларига элтиб қўйдим. Эртаси куни тонгда уйимга кўнғироқ бўлди, гўшакни кўтарсам, ўша Берри хоним, – мени нонуштага таклиф қилмайсизми, деб сўради. Мен унга тўқсон мил узоққа, Санта-Барбарада бўладиган аукционга отланаётганимни айтдим. Агар бошқа ишингиз бўлмаса мен билан бирга боришингиз мумкин, ўша ерда нонушта қиламиз, дедим. У бажонидил рози бўлди ва кун бўйи мен билан бирга юрди. Қайтаётганимизда йўлдан майда-чуйда харид қилиб, уни Лос Анжелесга олиб келиб қўйдим.

Берри хоним йигирма икки ёшли гавдали, эркакларни ўзига ром этолмайдиган кўркам аёл, қомати ҳам чакки эмас, ёзлик енгил кўйлагининг чуқур қийиқларидан дуркун кўкраклари кўриниб турарди. Бирок, унда нимадир бор. У йўлда ортга қайтаётганимизда дугонаси Поло Гетти билан тортишиб қолганини айтди. Эртага Нью-Йоркка қайтиб кетмоқчиман, агар хоҳласангиз сиз билан қолишим ҳам мумкин, деб қистириб ўтди. Унинг бундай очикдан-очик таклифидан бирдан хушёр тордим-да, шу заҳотиёқ меникида қолиши мумкин эмаслигини айтдим. Узримни айтиб, уни аввал ўзим элтиб қўйган манзилга олиб бориб қўйдим.

Икки кун ўтмаёқ, мени ҳайрон қолдириб, у яна уйимга кўнғироқ қилди. – Бугун вақтингиз қалай? Сизни бир кўриб кетсам, дегандим, – деди.

Бу сафар ҳам йўқ деёлмадим. Ҳа, бу қатъият мақсадга етишишнинг ягона йўли. У менга яқин бўлишга астойдил интиларди. Шундай қилиб, у билан тез-тез кўришадиган бўлдик. Аммо борган сари унинг феъл-атвори ғашимни келтира бошлади. У қандайдир ғалати эди, ўзини тутиши рисоладаги соғлом одамга ўхшамасди. Ярим тунда ҳам ҳеч бир огоҳлантиришсиз тўсатдан уйимга бостириб кириб келаверар, ҳар доим мени ноқулай аҳволга солиб қўярди. Баъзан ҳафталаб қолиб кетаверар, ғашим келиб, тилимни зўрға тийиб турганимни билиб, ўзини билмасликка олар, эътибор қилмаганим сари мени ўзига жалб қилишга уринарди. Пайдо бўлиши биланок ғаройиб қилиқлари ила мени авраб гумонларимни йўқ қилишга эришарди.

Бир куни жаноб Седрик Хардуик ва Синклер Льюис билан учрашиб колганимизда гапдан гап чиқиб, Седрик “Аслият ва кўланка” деган бир пьесани эсга олиб, унинг бош қахрамони Брижет моҳиятан замонавий Жанна Дъарк эканлиги ҳақида гапириб, ўша пьесада ажойиб фильм чиқарса бўлади, деганди. Унинг гапидан кейин пьесага қизиқиб қолдим. Седрик асарнинг нусхасини менга юборди.

Шу кунларда Берри яна меникига ташриф буюрди. Овқат пайтида унга ўша пьеса ҳақида гапириб берсам, у дарров пьесани ўқишни, Брижетни ўйнашни хоҳлаб қолди. Мен аввалига буни жиддий қабул қилмадим, лекин у ўша кечадаёқ пьесанинг бир саҳнасини менга ўқиб берди. Ундан кутмагандим, ролни ростанам қойилмақом ўқиб, мени лол қолдирди. Ҳатто унинг ирландча лаҳжаси ҳам ижрога ажойиб ифода берарди. Мен азбаройи завқланганимдан, уни сўзсиз ижрода ҳам синаб кўрдим – ҳаммаси жойида, ҳаракатлари лол қолар даражада тасвирбоп.

Шундан сўнг унинг ғалатилиги, руҳан носоғлом деган шубҳаларим буткул тарқалди-қолди. Беррини Рейнхардт драматик санъат мактабига ўқишга юбордим, негаки у ҳали актёрлик техникасини ўзлаштириши керак эди. Қолаверса, у ерда машғулотлар билан қанча банд бўлса, мен у билан шунча кам кўришардим. Боз устига ҳали пьесани экранлаштириш учун ҳуқуқ олганим йўқ. Седрикнинг беғараз кўмаги туфайли бу иш осон битди ва йигирма беш доллар эвазига экранлаштириш ҳуқуқини сотиб олишга муваффақ бўлдим. Кейин эса Берри билан ҳафтасига икки юз эллик доллар гонорар тўлашга келишиб, шартнома туздим.

Дунёда бизни ҳатардан ҳам, бахтдан ҳам огоҳлантирувчи ғайритабиий кучлар бор-у, биз уни ҳар доим ҳам кўравермаймиз. Ҳаётимизнинг ярми илғаш қийин тушга ўхшайди. У тугагач, ҳақиқий реаллик бошланади. Менда ҳам шундай ҳол юз берди. Бир неча ойлар давомида сценарий билан банд бўлдим, кейин эса ҳаётимда ғалати воқеалар содир бўла бошлади.

Берри ўлгудек ичиб олиб, яна истаган вақтида бостириб келаверадиган бўлди. Мен уни бир неча марта ўзим уйига элтиб қўйишимга тўғри келди. Бир куни у машинасини уриб олиб, кўчада қолиб кетибди. Айни вақтда унинг номи бевосита менинг студиям билан боғлиқ бўлиб турибди, яна шундай ҳол такрорланиб, у маст-аласт аҳволида милиция қўлига тушгудек бўлса, жанжал чиқиши тайин. Мен шундан хавотирланардим. Лекин Берри жуда ҳаддидан ошиб кетди, эшикдан ҳайдасам, тешикдан кириб келади. Охири кўнғирокларига умуман жавоб бермай қўйдим, ярим кечалари келганда ҳам эшикни очтирмадим. У эса тўполон қилишга ўтди. Ойналарни синдириб, деразадан кириб кела бошлаганда ҳаётим ҳақиқий дўзахга айланди.

У бир неча ҳафтадан бери Рейнхардт мактабига ҳам бормай қўйибди. Сабабини сўрасам, у актриса бўлишни хоҳламайман, фикримдан қайтдим, деди. У яна сурбетларча: “Агар менга Нью-Йоркка кетиш учун поездга ва онам учун беш минг доллар берсанг, сени бутунлай тинч қўяман”, деб пул талаб қилди. Тўғриси, мен унинг бу талабига бажонидил рози бўлдим. Вақт ўтказмасдан дарров поездга чипта билан беш минг долларни қўлига тутқаздим-у, ундан қутилганимга хурсанд бўлдим.

У билан режалаштирган ишим ўзгариб кетди, аммо мен бундан зиғирча афсусланганим йўқ. Пьеса ҳуқуқи қўлимда, сценарийни ҳам тугатганман, кўнглим тўқ эди.

Сан-Францискодаги митингдан сўнг ойлар ўтди, руслар эса ҳамон беҳудага иттифоқчиларини иккинчи фронтни очишга чақирарди. Шу кунлари менга Нью-Йоркдан таклифнома келди. Карнеги-холлда бўладиган йиғинда яна сўзга чиқишим сўралганди. Ўйлаб кўриб, бу ишни керагича қилдим, бошқа бундай учрашувларга бормайман, деган қарорга келдим. Жек Уорнер билан теннис ўйнаётиб, таклифнома ҳақида унга айтгандим, у бирдан бошини ғалати кимирлатиб, “борманг”, деди.

– Нега энди? – сўрадим унинг кескин гапирганлигини кўриб.

У ҳеч нарсани тушунтириб ўтирмай, қўшиб қўйди:

– Сиз гапимга киринг, борманг.

Жекнинг гапидан кейин менинг кажлигим тутди, Карнеги-холлдаги митингга бордим. У ерда иккинчи фронтни очишга даъват қиладиган кизгин нутқларга зарурат бўлмади. Асосий мақсад Россиянинг Сталинград остонасидаги ғалабасини шарҳлаб, америкаликларни руҳлантиришга қаратилганди. Перл Бак, Рокуэлл Кент, Орсон Уэллес ва бошқа бир қанча таниқли кишилар қатнашди. Мендан олдин Орсон Уэллес минбарга чиқиб, бу йиғилишда гапиришга бирон сабаб кўрмаётганини айтди.

– Модомики, деди у, – гап русларга урушда ёрдам бериш ҳақида кетаётган экан, буни қилиш керак. Руслар бизнинг иттифоқдошимиз.

У қискагина гапирди-да, сўзни менга ўтказиб юборди. Кўринишим билан залда қийкирик, гуррос қарсақ бошланди. Уэллеснинг гапи журъатимни уйғотиб юборди-ю, ўз сўзимни мени бу урушга буйруқ беришни истаётган киши сифатида айблаган бир мухбирни эслашдан бошладим.

– Мени ғазабимни кўзғаган ўша журналистнинг ўзи бошқаришни исташи шундоқ кўриниб турибди. Унинг алам-аччиғининг боиси шуки, биз бошқа-бошқа стратегияда юрибмиз – у иккинчи фронт очилишини истамайди, мен эса хоҳлайман!

“Дейли Уоркер” газетасида “Бу митингда Чарли ва унинг тингловчилари орасидаги хайрихоҳлик ҳукмронлик қилди”, деб ёзилди. Аммо ўша учрашувдан сўнг менинг қалбимга қандайдир ғулғула тушди. Тўғри, ўз ишимдан мамнун эдим, шу билан бирга нимадандир юрагимда хавотир бор эди.

Карнеги-холлдан чиқиб Тим иккимиз Констанс Коллиерникига кечки овқатга бордик. Биз “Уолдорф-Асторий” меҳмонхонасига қайтганимизда хонамга Жоан Берри мени сўраб бир неча марта кўнғироқ қилгани ҳақида хабар қолдирилган экан. Жазавам тутиб, шу заҳотиёқ қоғозни йиртиб ташладим, сал ўтиб телефон тинимсиз жиринглай бошлади. Мен меҳмонхона ходимига мени ҳеч ким билан боғламаслигини айтмоқчи эдим, аммо Тим бунга йўл қўймади.

– Бундай қилма. Яхшиси у билан гаплаш. Йўкса, у яна келиб жанжал чиқаради.

Телефон яна жиринглагач, ноилож кўтардим. Берри мен билан жуда осойишта гаплашди, шунчаки бир саломлашиб кетиш учун келмоқчилигини айтди. Мен рози бўлиб гўшакни қўйдим-да, Тимга у келади, мени у билан бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдирмайсан, дедим. Берри кечки пайт келди. У Нью-Йоркдаги кунларини Пола Геттига қарашли “Пьер” меҳмонхонасида ўтказгани ҳақида гапирди. Мен бу ерда кўпи билан бир-икки кун бўламан, у билан бирор жойда ўтириб овқатланишга албатта вақт топишга ҳаракат қилишимни айтиб алдадим. У биз билан ярим соатча ўтириб, кейин уни “Пьер” меҳмонхонасига кузатиб

қўйишимни сўради. Уни меҳмонхона лифтигача кузатиб қўйдим-да, тезда ортга қайтишга шошилдим. У нимадир демокчи бўлди, бироз тик туриб қолди-ю, авзойимни кўриб, индамай ичкарига кириб кетди. Бу мен уни Нью-Йоркда биринчи ва охири бор кўришим эди. Эртаси куни Нью-Йоркдан Тим Дьюрэнт билан бирга қайтдик.

Менинг иккинчи фронтни очишга қаратилган чиқишларимнинг натижаси шу бўлдики, ҳаётимнинг ёрқин лаҳзалари борган сари йўқликка қараб кета бошлади. Эндиликда мени ҳеч қайси казо-казоларнинг серхашам хонадонларига таклиф қилмай қўйдилар.

Карнеги-холлдан қайтганимдан сўнг кўп ўтмай, “Колумбия” радио-компаниясининг ходими, ёзувчи Клифтон Фэдимен меникига ташриф буюрди. У хорижликлар учун радио орқали чиқиш қилиб, истаган нарсангизни гапиринг, деб етти дақиқа вақт берди. Мен рози бўлдим. Аммо у ўз сўзимни бошлашдан аввал Кэт Смитнинг дастурида чиқаётганимни айтиб ўтишим кераклигини эслатиши билан фикримдан қайтдим. Негаки, менинг уруш борасидаги фикрларимдан ва мендан реклама мақсадида фойдаланишлари ёқмайди. Фэдимен жуда лаёқатли ва маданиятли киши, мен уни хафа қилмоқчи эмасдим. У бирдан кизариб кетди. Мен тилимдан беҳос чиқиб кетган баъзи аҳмокона сўзларимдан афсусландим.

Кейинги вақтларда ҳам уйимга жуда кўп мактублар келиб турди. Уларда иккинчи фронт ҳимоясини муҳокама қилиш ё нутқ сўзлаш каби турли таклифлар ёзиларди.

Мени сиёсий ишлар бу қадар домига тортиб кетаётганини ўйлар эканман, ўз-ўзимга савол берардим: мени бунга ким мажбур қилди? Актёр ҳаётини томошалар кўрсатишга ўтиб кетмадимми? Мен фашизмга қарши фильм яратишдан аввал бу телба давраларга яқинлашганмидим? Эҳтимол, шулар овозли фильмга қарши қарашларимнинг уйғонишига боис бўлдимикан? Менимча, менда буларнинг ҳаммаси азалдан мавжуд бўлган. Улардан энг кучлиси фашизмга бўлган нафратдир.

\* \* \*

Беверли-хиллзга қайтгач, “Аслият ва кўланка”ни экранлаштириш устида ишлай бошладим. Кунларнинг бирида меникига америкалик йирик режиссёр ва актёр Орсон Уэллес ташриф буюрди. У ҳаётини воқеалар асосида туркум ҳужжатли фильмлар суратга олаётган экан. Қаҳрамонларидан бири “Кўк соқол” лақабли франциялик машхур котил Ландрю ролини менга таклиф қилди. Сиз ўйнасангиз, ижодингизда ўзига хос драматик роль бўлади, деди у.

Уэллеснинг таклифига қизиқиб қолдим, чиндан ўзим ҳам комедиялардан сўнг қандайдир ўзгариш бўлишини истардим. Энг муҳими, ўзим ўйлаб топиб, ўзим ёзиб, сахналаштирмайдиган бирон-бир роль бўлса.

Мен хурсанд бўлиб, ундан танишиб чиқиш учун сценарийни сўрадим.  
– Ҳали ёзилмаган, – деди у. – Аммо Ландрю иши бўйича маълумотлар етарлича, бу дегани, сценарий ёзиш қийин кечмайди. Ўзингиз сценарийни тайёрлашга ёрдам бермайсизми, Чарли?

Ҳафсалам пир бўлди.  
– Ҳали сценарий ёзилмаган бўлса, очиги, буни менга қизиғи йўқ, Уэллес. Шу билан гапимиз тугади.

Орадан бир-икки кун ўтгач, хаёлимга тўсатдан Ландю воқеаси бўйича ажойиб комедия яратса бўлади, деган фикр келиб қолди. Уэллеса кўнғирок қилдим.

– Мени яхшилаб эшитинг, Уэллес, менда бир фикр пайдо бўлди. Сиз айтган мавзудан яхши комедия чиқарса бўлади. Уни хужжатли фильм қилишнинг ҳеч кераги йўқ. Орамизда хафагарчилик бўлмаслиги учун мен сизга беш минг доллар берсам, сиз эса ўша воқеани менга гапириб берасиз.

У бироз миждовланди-ю, кейин йўқ дегандек жавоб қайтарди.

– Биласизми, Ландю воқеаси фақат сиз ёки бошқа биров учун топилмагандир. Ундан истаган одам фойдалана олади, менимча.

Уэллес ўйлаб кўриб, рози бўлди ва адвокатим билан боғланинг, деди. Ишни дарров ҳал қилдим. Уэллес беш минг долларлик бўлди, мен бу масала билан боғлиқ ҳамма мажбуриятлардан халос бўлдим. Фақат, Уэллес бир шарт қўйди, фильм титрига “Орсон Уэллес ҳикоя қилган сюжет асосида олинди” деб ёзасиз, деди. Мен у бирдан ҳуқуқ талаб қилиб қолиши, ҳар хил тўхматлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида бунга рози бўлдим.

Ўз ишимга берилиб кетганимдан Уэллеснинг бу талабини жиддий ўйламай кўяқолгандим. Агар у кейинчалик бундан ўз манфаати йўлида фойдаланишини билганимда, бошиданок титрга ҳеч қандай кўшимча қўшилмасликка қатъий турган бўлардим.

Бу орада пьесани суратга олишни четга суриб қўйдим-да, “Мсье Верду” номли бошқа сценарий ёза бошладим ва уч ойлар ўша иш билан машғул бўлдим. Беверли-хиллзда яна Жоан Берри пайдо бўлди. Хизматчиларим у уйга кўнғирок қилганини айтди. Мен уни умуман кўришни хохламайман, жавоб берманг, келса киритманг, дедим. Унинг сурбетлиги шу қадар жонимга теккан, устига у ҳеч бир аблаҳликдан қайтмаслигидан хавфсирардим. Шунинг учун кўришишдан қочдим. Берри шу даражага етдики, уйимга келиб тўполон кўтарди, ойналарни синдириб, кўлида қурол билан менга пўписа қилди ва пул талаб қилди. Охир-оқибат мен полиция чақиришга мажбур бўлдим – ўзи бу ишни аллақачон қилишим керак эди. Бу воқеа газеталар учун мазали хўрак бўлади. Полиция нозирлари жанжал кўтарилмаслиги учун Жоаннинг саёқлиги устидан даъво қилмаслигимни, Нью-Йоркка қайтиб кетиши учун пул тўлашга рози бўлсам иш тинчгина босди-босди бўлишини айтди. Мен бунга рози бўлдим, полиция уни оғохлантириб, Беверли-хиллзга келишини тақиқлади. Агар бу ерда яна қорасини кўрсатгудек бўлса, саёқлиги учун қамоққа олинишини айтишди.

Ҳаётимни бир фильм деб қараганимда, ундаги ўша қабих эпизодлари кетидан бахтли воқеалар содир бўлди. Ҳаёт ўзи шунақа. Тун зулматидан сўнг янги тонг отиб, куёш чиқади.

Бир неча ой ўтиб, Голливуднинг кино актёрлар билан ишлаш бўйича агенти Уоллис хоним кўнғирок қилди. Унинг айтишича, Нью-Йоркка бир актриса келибди. У мен тайёрлаётган “Аслият ва кўланка” фильмимнинг бош қахрамони Брижетга тўғри келармиш. Ўша кезларда “Мсье Верду” сценарийси мени бироз қийнаб қўйган, қахрамоним ҳаракатларининг психологик асосини тополмай сиқилиб юргандим. Уоллис хонимнинг бу гапидан кейин “Мсье Верду”нинг тақдирини кейинроққа суриб кўя қолдим. Мен пьесага қайтдим ва Уоллис хонимга қайта кўнғирок қилиб,

топилган актриса ҳақида ҳамма нарсани батафсил сўраб олдим. Ўша актриса машҳур ёзувчи Южен О'Нилнинг кизи – Уна О'Нил экан.

Мен ёзувчи билан шахсан таниш эмасдим, аммо, унинг асарларини ўқиганман. Пьесаларидаги тафаккур залворни эслаб, кизи ҳам теран фикрли инсон бўлса керак, деб ўйладим.

– У ўйнай олармикан? – сўрадим Уоллис хонимдан.

– У бир муддат театрда ишлаган, – деб жавоб қилди хоним. – Ёзда у труппаси билан Шаркқа бориб келган экан. Ўзингиз синаб кўргангиз дуруст, агар хоҳласангиз меникига келинг. Уни уйга ўзим чақираман, деди. Бу гап менга маъқул келди ва вақтидан илгарироқ етиб бордим. Уоллис хонимнинг меҳмонхонасига киришим билан камин ёнида ўтирган ёшгина кизни кўрдим. Саломлашгач, у билан суҳбатлашиш мен учун шарафлигини изҳор қилдим. У жилмайди ва менинг пинҳон хавотирларимни буткул тарқатиб юборди. Мен шу лаҳзадаёқ унинг ўзига хос малоҳатига, ички ва ташқи жозибасига асир бўлиб қолдим. Уй соҳибаси келгунича у билан турли мавзуларда гаплашиб турдик. Ёкимли суҳбат бўлди.

Нихоят, Уоллис хоним кўринди ва бизни бир-биримизга таништирди. Уоллис хоним, Уна О'Нил хоним, Тим Дьюрент ва мен бирга тушлик қилдик. Иш ҳақида гаплашмасликка интилсак-да, барибир гап унинг атрофида айланарди. Уоллис хоним бехосдан Уна О'Нил яқиндагина ўн еттига тўлганини айтиб қолди. Юрагимда бирдан афсус ҳисси туғилди. “Аслият ва кўланка”нинг қахрамони жуда ёш, бу роль ёш ижрочини талаб қилиши тўғри. Лекин масаланинг бошқа томони бор – образ жуда мураккаб, унга бироз каттарок, тажрибали актриса керак. Мен истамайгина О'Нил хонимни бу ролга таклиф қилиш фикридан қайтдим.

Орадан бир неча кун ўтиб Уоллис хоним кўнғироқ қилиб, актриса тўғрисида қандай хулосага келганимни, унга “Фокс” кинокомпаниясидагилар қизиқаётганини айтди. Мен шоша-пиша ундан О'Нил хонимнинг ракамини ёзиб олдим. Бу менинг оилавий бахтимнинг бошланиши бўлди. Мана ўн икки йилдан буюн у билан саодатли умр кечирмоқдамиз. Умид қиламанки, бу ҳали узоқ-узоқ давом этади.

Мен Унани қанча яқиндан билганим сайин, шунча ўзига маҳлиё қиларди. У завқ-шавққа тўла ва қалби дарё қиз. Ҳамиша ўзгаларнинг фикрига ҳурмат билан қарай олар, қолиплардан узоқ эди. Унинг шу каби кўпдан-кўп хислатлари меҳримни қозонди. Эндигина ўн саккизга кирган бўлса-да, унинг табиатида бу ёшга хос биронта инжиқликни кузатмагандим. Аммо барибир мени ёшимиз орасидаги фарқ чўчитарди. Уна менинг ичимдаги ҳадикни аниқ кўргандай, дадиллик билан бу нарсалар унинг туйғуларига даҳл қилолмаслигини айтди. Биз “Аслият ва кўланка”ни тасвирга олиш тугаши билан турмуш қуришга аҳд қилдик.

Сценарийнинг биринчи қораламасини битириб, тайёргарликни бошлаб юбордим. Агар мен Унанинг жозибасидан ўндан бир қисмини фильмда кўрсатишни удалай олсам, “Аслият ва кўланка” албатта катта муваффақият қозонади.

Бахтга қарши айни шу вақтга келиб, шаҳарда яна Берри пайдо бўлди. Уйимга кўнғироқ қилиб, хизматчимга уч ойлик ҳомиладорлигини айтибди. Бунинг учун у ҳеч кимни айбламаган ва бу ҳолига ким жавобгарлиги ҳақида ҳам лом-мим демаган.

– Мени бунга ҳеч қандай даҳлим йўқ, – дедим хизматчиларимга. – Агар уйга у яна жанжал ахтариб келгудек бўлса, полиция чақираман. Тўполон бўлса бўлсин, менга барибир.

Эртасигаёқ у уйим атрофида айлана бошлади. Кейинчалик маълум бўлдики, қандайдир ахлоқий масалалар билан шуғулланувчи раҳмдил бир журналист аёл унга шундай қилишини маслаҳат берган. Уни менинг уйим олдида қамокқа олишлари кераклигини уюштирган экан.

Мен шу заҳоти кўчага чикдиму Беррига агар ҳозир бу ердан туёғингни шиқиллатмасанг, полицияга қўнғироқ қилишга мажбурман, деб огоҳлантирдим. У эса жим тиржайиб турарди. Унанинг бундай товламачилик қилишларига ортиқ тоқатим қолмади. Шартта ховлига қайтиб кирдим-да полицияга қўнғироқ қилдим.

Бир неча соат ичида газеталар бу воқеани қатта-қатта сарлавҳага олиб, бонг уришни бошлаб юборди: “Чаплин ўз боласини тан олмай, ҳомиладор аёлни таъминлаш ўрнига қаматишга эришди”. Устимдан ҳар хил ҳақоратлар ёғдириб, шармандали сўзлар ёзилган варақаларни кўча устунларига ёпиштиришди. Бир ҳафта ўтиб, Беррининг даъвосига кўра, менга оталикни тан олдиртириш бўйича иш бошланди. Мен адвокатим Ллойд Райтга мурожаат қилдим ва Берри билан муносабатим икки йил аввал туганини тушунтирдим.

Райт босиқлик билан бошлаётган янги фильмни кейинга суриб туришим лозимлигини ва Унани вақтинчалик Нью-Йоркка жўнатишни маслаҳат берди. Аммо биз Берри ва газеталарнинг уйдирмаларига қарши йўл тутдик. Мен яна Унанинг қўлини сўрадим. Биз вақтни ўтказмай турмуш қуришга аҳд қилдик. Дўстим Гарри Кроккер билан маслаҳатлашдик, у ҳаммасини ташкиллаштирадиган бўлди. Гарри Херстда ишларди. У Херст нашрлари билан келишиб, тўй суратларимизни эълон қилишни режа қилди. Танишларимиздан бири Луэлла Парсонс эса мени обрўсизлантиришга уринаётган газетларга қарши мақола ёзадиган бўлди.

Биз Санта-Барбардан ўн беш мил наридаги кичкина, сокин Карпинтерия қишлоғида никоҳдан ўтдик. Лекин бундан аввал Санта-Барбара бошқармасининг руҳсатини олишга тўғри келди. Ҳали соат тонгги саккиз, бу вақтда шаҳар уйқуда эди. Руҳсат берадиган ходимлар никоҳдан ўтувчи жуфтликдан қимдир машҳур киши бўладиган бўлса, газетачиларни огоҳлантириб қўяр экан. Бунинг учун уларга стол тагидаги тугмани босишнинг ўзи кифоя, мухбирлар фотоаппаратлари билан бир зумда етиб келишади.

Гарри фоторепортёрлар бостириб келиб қолмаслиги учун Уна рўйхатдан ўтиб бўлмагунча бинодан чиқмай туришимни маслаҳат берганди. Унадан тегишли маълумотларни сўраётган ходим, “Куёв қани”, деб сўради. Мен кўриниш беришим билан у “Ана сюрприз!” деб юборди. Гарри унинг қўли дарҳол стол тагидаги тугмага югурганини пайқаб қолибди. Биз жон-жаҳдимиз билан ходимни шошилтира бошладик, у қанча ишни чўзган бўлса ҳам, ниҳоят руҳсат берадиган фурсат етди. Биз бинодан чиқиб машинага ўтиришимиз билан репортёрлар машинаси учиб келди. Қув-қоч бошланди – биз Санта-Барбара далалари бўйлаб қочиб, тор кўчаларни айланиб охири репортёрлардан қутулдик. Карпинтерийга бориб, осойишталикда никоҳдан ўтдик ва Санта-Барбардан бир уйни ижа-

рага олиб яшай бошладик. Газеталар ҳарчанд шовкин кўтарса-да, биз бу ерда ҳаловатда эдик. Негаки, қаердалигимизни ҳеч ким билмасди. Аммо хар сафар телефон жириглаганда беихтиёр юрагим шиғиллаб кетарди.

Уна билан бизни ҳеч ким танимаслиги учун кеч тушганда узоқ сайр қилардик. Мен тез-тез умидсизликка тушиб қолар, ўзимни бутун миллатнинг ғазабига дучор бўлгандек ҳис қилар, шу билан менинг кинодаги ҳаётим ҳам тугади, деб ўйлаб қолардим. Бундай лаҳзаларда Уна кайфиятимни кўтаришга уринар, бокиралиги, софлигини қурбон қилган олиҳиммат инсон ҳақидаги “Трильби” асарини учқунлар сачратиб ёнаётган камин ёнида ўраниб ўтириб олганча ўқиб берарди.

Санта-Барбарада кечган шу икки ой бироз маънос, ташвишли бўлса-да, бахтга тўлиқ ўтди.

\* \* \*

Лос-Анжелесда бизни Қўшма Штатлар олий суди аъзоси, дўстим Мерфи ёқимсиз хабар билан кутиб олди. Иш федерал ҳукумат судига оширилганди. Аммо федерал суд бир неча ой ўтиб, ҳаракат бошлади. Улар мени қабиҳ жиноятчи деб билувчи матбуотчилар билан бирлашди. Ҳамонки, менинг масалам фуқаровий иш экан, федерал ҳукуматнинг бунга нима алоқаси бор, тушунолмасдим.

Танишларим маслаҳати билан машҳур адвокат Гизлер билан маслаҳатлашадиган бўлдик. Райт Гизлер билан кўришди. Гизлер федерал ҳукумат ишга киришганини, қайси пунктларда айбланишим мумкинлигини кейинроқ айтишини қўнғироқ қилиб айтди. Менинг ҳаётим худди Кафка ҳикояларидаги даҳшатга айланди.

Райт Гизлер орқали федерал суд мени “Манна” қонунларини бузганликда айблашга тайёргарлик кўраётганини билиб келди. Суд муддати эса чўзилгандан чўзилди. Ниҳоят, федерал суд менга “Манна” қонунни бўйича иккита, фуқаролик иши бўйича иккита банд айблов қўйди. Райт қон текширувини талаб қилиш кераклигини айтди. Бу Беррининг боласи меники эмаслигини исботловчи рад этиб бўлмас далил бўларди. Бир муддат ўтиб, Райт Беррининг адвокати билан куйидаги шартларга келишибди: Агар мен Беррига йигирма беш минг доллар берсам, у қон текширувиға рози бўлармиш ва мени унинг бўхтонидан озод бўлишдек бахтга ноил қилармиш.

Мен унинг таклифга рози бўлдим. Аммо бу билан ҳам иш ижобий томонга ўзгармади. Биз кийинчилик билан кураш олиб бордик.

“Манна” қонунни аввалги пайтларда енгилтак аёлларнинг бир штатдан бошқа штатларда саёқ юришини тақиқлаш мақсадида қабул қилинган. Бир ажрашган аёл собиқ эри билан бошқа бир штатга бирор иш юзасидан борганда ҳам уларга нисбатан жазо қўлланилган. Ҳозир бу қонун кучини йўқотган, лекин кимдир ёқмай қолгудек бўлса, жазо сифатида айблашда фойдаланилар экан. Қўшма Штатлар мени ўша қонунни бузганликда айблади. Бу мен ўзимни оқлашим қийин бўлиши учун атай қилинди.

Суд куни яқинлашганида менга Сан-Францискодан бир мактуб келди. Уни бир католик руҳонийси ёзганди. Унда ёзилишича, Берри бир фашистик ташкилотнинг қуроли бўлиб, у Лос-Анжелесга махсус тайёрлаб жўнатилган. Руҳоний бу хабар билан бирга, агар лозим бўлса, судда мен

учун гувоҳлик бергани Лос-Анжелесга келишга тайёрлигини айтибди. Мен шошиб колдим. Бироқ, Гизлер бунинг сизга қўйилган айбловга дахли йўқ, аралаштирмаганимиз маъкул, деди.

Шу ўринда мен Эдгар Гувер ва унинг ташкилоти ҳақида икки оғиз тўхталиб кетишим керак. Мен Гувер билан бундан кўп йиллар аввал танишганман. Менинг ишим федерал судга ошди, бюро ишимни унинг қўл остида ўргана бошлади, айбни оғирлаштириш мақсадида суд вақтини чўзиб, жиноят белгиси бўлган далиллар қўшишга уринди.

Мана менга қўйилган айблов маълум бўлганидан бир неча кун ўтиб, уни Чезен ресторанида кўриб колдим. У Уна иккимиз ўтирган столга якин жойда ўзининг Федерал тергов бюроси ходимлари билан ўтирарди. Улар орасида Типпи Грейни ҳам кўриб ҳайрон колдим. Статик ролларни ўйнайдиган бир актёр қандай қилиб Гувер ёнида юрибди?

Суд куни ҳам уни залда кўрдим. Типпи ўғринча қараб, менга тиржайиб қўйганди. Суд бир неча кун давом этди. Гизлер менга қўйилган тўртта банд ҳам эски қонунлар эканини исботлашга уринди, Беррининг дугоналари Пола Гетти ва бир немис киз келиб, унинг уйимга бостириб боргани ва мендан пул олганига гувоҳлик берди. Ҳукм бир неча кунга сурилди. Охирги судда ҳам залда Типпини кўрдим. Судга ҳар сафар яна бир аёл – “Лос-Анжелес тайм” газетасининг муҳбири келиб, фотокамерасини менга тўғрилаб ўтирарди. У неча марта мени суратга олмоқчи бўлса, мен кўзойнак тақиб олардим. Камерасини туширганда, кўзойнагимни олиб, у билан мушук-сичкон ўйнардим. Залда ўтирганлар буни кўриб, гурра қилиб юборарди.

Ниҳоят, ҳукм эълон қилиш фурсати етди ва ҳар бир айблов пункти бўйича айбсиз деб эълон қилиндим. Залда қийқирик кўтарилди. Мен бу ерда менга тарафдор шунча одамлар борлигига ишонмагандим. Судья менга жилмайиб қўл узатди ва “Сиз озодсиз, ҳозирок зални тарк этсангиз бўлади”, деди. Мен Райтнинг ундови билан истамай қўлини олдим ва совуккина қилиб раҳмат айтдим. Кимдир мени кучоклаб табриклар экан, нигоҳим Типпи Грейга тушди, у тумшайиб ўтирарди. Ўша муҳбир аёл ҳам ғалабамни суратга олмасдан индамай чиқиб кетаётганини кўрдим...

Ўша кеча ниҳоят тинч ухладим. Икки кундан кейин Лион Фейхтвангер кўнғироқ қилди. Сухбатимиз орасида у менга шундай деб ҳазиллашди:

– Сиз Америка тарихида сиёсий тўфонлар келтириб чиқарган ягона актёр бўлдингиз.

Энди Уна иккимизнинг бирдан-бир истагимиз Калифорниядан кетиш эди. Бу пайтда Уна беш ойлик ҳомиладор эди. Дам олишимиз керак. Биз энг бахтиёр дамларимизда бундай беомон кураш ичига тушиб қолгандик. Ўзимиз билан қора мушугимизни ҳам олдик-да, Нью-Йоркка жўнадик ва ўзимизга Ниакдан бир уйни ижарага олдик. Ўша уй шовқиндан узоқдаги тошлоқ бир жойда, кичикроқ ва эскидан қолган – 1780 йилда қурилган ажойиб уй эди. Бизни у ерда хушфеъл бека кутиб олди.

Уй билан бирга битта қари фокстерьер<sup>1</sup>ни ҳам қабул қилиб олдик. Ит бизга тез ўрганди ва ортимиздан эргашиб юрадиган бўлди. У нонушта пайтлари айвонда пайдо бўлар, думини дўстона ликиллатиб, биз нонушта қилиб бўлгунимизча халақит бермаслик учун, индамай полга ётарди. Бизнинг қора мушугимиз уни кўриши билан вишиллаб аччиқланар,

<sup>1</sup> Овчи ит тури.

аммо фокстерьер бошини кўтариб қараб ҳам қўймас, бу билан ўзининг аҳилликда яшашга тайёрлигини кўрсатарди.

Ниякдаги бу кунларимиз осойишта, чинакам фароғатда кечди. Бизни ҳеч ким безовта қилмади, бизнинг ҳам ҳеч ким билан ишимиз бўлмади. Лекин мени ҳамон суд дилхираликлари буткул тарк этмаган, кечирган азобларим мени ижод кайфиятидан узоқлаштирганди. Шунга қарамай, мен “Жаноб Верду” сценарийсини яқунлаб қўйишга куч топдим. Энди менда иложи борича тезроқ ишни амалга ошириш истаги уйғонганди. Биз бу ерда ярим йилдан кўпроқ қолишни режа қилгандик, чунки Уна шу ерда туғишни хоҳларди. Режамиз ўзгарди. Мен Ниякда ишлолмасдим, беш ҳафта ўтиб Калифорнияга қайтиб келдик.

Турмуш курганимиздан сўнг Уна актриса бўлиш фикридан қайтганди. У на театрда, на кинода роль ўйнаш истаги йўқлигини тан олди. Мен бундан хурсанд бўлгандим. Ниҳоят, менинг ёнимда шон-шухратталаб юлдуз эмас, аёл бор эди. Лекин, гоҳида кино Уна сиймосида нафис юмор ҳиссига эга ажойиб актрисани йўқотди, деган фикр ҳам кечарди.

Мен шундан кейин “Аслият ва кўланка”ни экранлаштиришдан кечиб, суратга олинishi раҳбарият томонидан кўполларча тўхтатиб қўйилган “Мсье Верду”га қайтгандим.

\* \* \*

Ўтган суд кунларида ёнимда бўлиб, бутун оиласи билан астойдил оқланишимни истаган дўстларим Салка Фиртель, Клиффодд Одетс, Эйс-лер ва Фейхтвангерлар эди.

Актриса Салка Фиртель Санта-Барбарадаги уйида бир гуруҳ санъат ва адабиёт вакиллари иштирокида ажойиб кеча ташкил қилди. Томас Манн, Бертольт Брехт, Шенберг, Ханс Эйслер, Лион Фейхтвангер, Стефан Спендер, Сирил Коннолли ва бошқалар ташриф буюрди. Салка қаерда яшамасин, у доим шундай кечаларни уюштиришни ёқтиради.

Биз Бертольт Брехт билан Ханс Эйслернинг уйида тез-тез кўришиб турардик. У – камгап, оғзидан сигарета тушмайдиган, ҳаётий завқ ва ижодий кудратга тўлиқ киши. Бир куни мен унга, “Мсье Верду” сценарийсини кўрсатдим. У тезда сценарий билан танишиб чиқиб, шундай деганди:

– О, сиз хитойча услубда сценарий ёзибсиз!

Бўлди – бошқа ҳеч қандай гап-сўз йўқ.

Лион Фейхтвангердан эса бир марта Штатларнинг сиёсий аҳволи ҳақида нима дейсиз, деб сўрагандим, у ҳозиржавоблик билан:

– Бир-бирига ўхшаш ва қиёслаш мумкин бўлган муҳим жихатлар бор. Мен Берлинда янги уй қургандим, ҳокимият тепасига Гитлер келди ва мен у ердан кетдим. Парижда ижара уйимни жиҳозлаб улгурмасимдан фашистлар пайдо бўлди ва мен у ердан ҳам кетдим. Ҳозир мен Америкадаман, яқиндагина Санта-Моникадан уй сотиб олдим...

Фейхтвангер елкасини қисганча, маъноли жилмайиб қўйди.

Олдос Хаксли ва унинг рафиқаси билан тез-тез кўришиб тураимиз. У аллақачон мистицизмга берилиб кетган, тўғриси айтсам, менга XX асрнинг “сурбетлашган” янги авлоди кўпроқ маъкулдай.

Дўстларим орасида Теадор Драйзер ҳам бор, у мени ўз фикрлари билан

доим лол қолдирган. Баъзан у соҳибжамол рафиқаси Элен хоним билан бизникига келарди. У қалбан жуда жўшқин ва кескир фикрли бўлса-да, жамиятда доим мулойим, сокин бўлган.

Вақти келиб мен яна ўз ижодим ҳақида ўйлай бошладим. Мен етар-лича обрўсизлантирилган бўлсам-да, бир яхши комедия яратишим барча тўсиқларни парчалаб юборишига ишончим комил эди. Шу ишонч билан “Мсье Верду”ни ёзиб тугалладим. Мен бу сценарийни деярли икки йил ёздим – асос топиш, далиллаш қийин кечди. Аммо суратга олишимга атиги уч ой етарли бўлди. Бу менинг тажрибамда кузатилмаган рекорд муддат эди. Сўнг фильмни эълон қилиш учун сценарийни Брин бошқармаси цензурасига юбордим. Кўп ўтмай, картина тақиққа тушгани ҳақида билдиришнома олдим.

Брин бошқармаси – бу Америка киноассоциацияси таркибидаги цензура бўлими эди. Албатта цензура керак, бунга қаршилигим йўқ, аммо аниқ чегара-микёси эркин бўлиши керак. Цензура қонунлари догматик асосда бўлмаслиги, муҳокамалар мезонлари мавзу моҳиятига зид бўлмагани ҳолда ундан йироқ ҳам бўлмаслиги керак.

Ахлоқий нуқтаи назардан жисмоний зўрликлар, нотўғри ҳаракатлар ҳар хил шаклда намоён бўлади, оқнинг оқлиги, қоранинг қоралигини яққол кўриш қийин. Кинода мавжуд ҳаёт муаммоларини айнан эмас, балки ундан ёмонроқ шаклда кўрсатилиши мумкин деб ҳисоблайман. Бернард Шоу айтганидек, ёмонлик учун тишга мушт тушуриш – ҳаётини муаммоларни ечишнинг энг энгил йўлидир.

“Мсье Верду”нинг нега тақиққа тушганини изоҳлашдан аввал унинг қисқача сюжетини айтиб ўтишим керак. “Кўк сокол” Верду оддий банк ходими, босим билан меҳнат қилиб кўп вақтини йўқотгач, бошқа иш билан шуғулланишга қарор қилади. У бадавлат бир қари қизга уйланади, сўнг мерос қўлига ўтиши учун уни ўлдиради. Унинг касалманд, содда қонуний хотини қишлоқда қишлоқда ўғли билан яшайди ва эрининг жинояти ҳақида ҳеч нарса билмайди. Навбатдаги қотилликдан сўнг худди оғир меҳнат қунидан қайтган оккўнгил буржуа кишисидек мсье Верду уйига қайтади. Бу одам – ўз моҳиятига кўра, фазилат ва иллатнинг парадоксидир: у ўз боғидаги атиргулларини парвариш қилади, боққа қурт тушишига йўл қўймасликка интилади, ўз қурбонини эса бир бурчакдаги ахлатга қўшиб ёкиб юборган. Сценарий замирида аччиқ кулги бор, ижтимоий тартибларнинг қаттиқ танқиди.

Цензорлар менга юборган хатда тақиқ сабаблари, ғояга эмас, персонажларим характери, уларнинг гап сўзларидаги ахлоқсизликка қаратилган эди. Масалан, сценарийдаги фоҳиша қизнинг диологлари ва бошқа кўп эпизодларни ўзгартиришим шартлиги кўрсатилган. Мен улар эътироз билдирган жиҳатларга сценарийдан саҳнама-саҳна ҳавола келтириб ва ҳар бир жумла, хатти-ҳаракат нима учун кераклигини тушунтиришга уришиб жавоб хати юбордим. Ёзма баҳсларимиз узоқ давом этди, улар ҳам, мен ҳам тортишишни қўймадим. Охири улар мен билан асарни муҳокама қилишдан хурсандликларини, аммо бу сценарий киносаноат кодекси талабларига мувофиқ келиши шартини таъкидлаб ёзиб юборишди.

Брин бошқармасига ўзим бордим. Мени тўғри жаноб Бриннинг қабулхонасига бошлаб боришди. Бир неча дақиқадан кейин унинг ёрдамчиларидан бири, баланд бўйли, ёшгина йигит кириб келди. У менга ку-

тилмаган совуқ оҳангда муомала қила бошлади.

– Сиз католик черковига қаршимисиз? – сўради у.

– Нега буни сўраяпсиз? – саволга савол билан жавоб қайтардим.

– Ҳа, мана, – деди у, сценарийни столга ирғитиб ташларкан. – Ҳукм камераси эпизодида жинойтчи Верду руҳонийга қараб нега бундай дейди:

“Сизга қандай фойдам тегиши мумкин, яхши одам?”

– Хўш нима, ростанам у яхши одам эмасми?

– Бу бўлмағур ҳазил, – деди у кўлини беписанд ниқтаб.

– Мен бу одамни “яхши” деб аташ билан ҳеч қандай одобсизликка борганим йўқ, – дедим мен.

Баҳсимиз шу тарзда қизишиб борар экан, беихтиёр бунақа сўз ўйинига Шоу уста эди-да, деган фикр хаёлимдан ўтди.

– Диндорларга яхши одам дейилмайди, уларга ота деб мурожаат қилишади.

– Жуда яхши. Унга ота сўзи билан мурожаат қиламиз.

– Мана бу жумла-чи? – деди у бошқа саҳифани очиб. Руҳоний айтади: “Мен сизни Худо билан ярашишингизни сўраб келдим”. Верду эса: “Мен Худо билан аразлашганим йўқ, одамлар билан тушунмовчилик бўлди”, деяпти. – Бу нима биласизми, жирканч ҳазил!

– Сизда шахсий фикрингизни айтиш ҳуқуқи бор, демак, бу ҳуқуқ мендаям бор. Бу менинг шахсий фикрим.

– Буниси-чи? – гапимга парво қилмай матндан парча ўқий бошлади. Руҳоний сўрайди: “Наҳотки гуноҳларингиз учун виждонингиз заррача қийналмайди? Вердунинг жавобини кўринг: “Ким билади гуноҳ нима, ким осмондан ўз тақдирини билиб тушибди?” Верду яна руҳонийдан сўрайди: “Бу дунёда гуноҳ бўлмаса, сиз нима билан шуғулланган бўлардингиз?”

– Маъкул, – дедим сўзини узиб, – эҳтимол, бу жумлалар баҳслидир, бироқ тушунинг, у руҳонийга бу гапни ҳурматсиз оҳангда айтгани йўқ. Бу киноя, юмор.

– Аммо сизнинг Вердуингиз доим руҳонийга ҳукм ўтказяпти.

– Нима, сиз руҳоний ҳам комик бўлишини хоҳлармидингиз?

– Йўқ албатта, лекин нега сиз руҳонийга ҳеч қаерда қатъий бир жавоб репликасини бермагансиз?

– Қулоқ солинг, дедим, – жинойтчи ўлимга ҳукм қилинган, аммо у чиранияпти. Мен руҳоний жавобларига яна нимадир ўйлаб кўришга тайёрман. Лекин тушунган бўлсангиз, руҳоний ўз қимматини тўла саклаб турибди, унинг сўзлари қиёфасига, моҳиятига мос.

– Бу жумла-чи, – қайсарлик билан давом этди у, – руҳоний “қалбингизга шафқат солсин” деса, у гапни илиб олиб, “Нима учун ундай бўлмасин? Шафқат ахир унга хос!”

– Бунинг нимаси ёқмаяпти?

– “Нега энди ундай бўлмасин?” – қайтарди у. – Руҳоний билан бундай гаплашилмайди! У баланддан келяпти.

– Верду бу гапни гўё ўзига ўзи гапиради. Шошилманг, яхшиси, сиз тайёр фильмни кўринг, – дедим мен.

– Сиз бутун давлатни ва жамиятни айбдор қиляпсиз!

– Нима, гапингизга қараганда, давлат ва жамият бутунлай бенуксон

бўлади, демокчимисиз? Ўзим кўра билган нуқсонларини кўрсатиб бериш, менинг ишим.

Охири сценарийнинг икки-уч жойига тузатиш киритиб, жаноб Бринга бердим. У ҳам фикрларини айтди.

– Қизларни енгилтак қилмаганингиз маъқул, – деди у ўйланиб. – Негадир Голливуднинг деярли ҳар бир фильмида фохиша образи бўлади.

Ҳар эҳтимолга қарши у билан тортишмадим, лекин фильмда бу жиҳатга урғу бермаганимни айтдим.

Фильм тайёр бўлгач, йигирма-ўттиз кишилик цензура вакиллари ва диндорлар гуруҳидан иборат ахлоқ Легиони аъзоларига кўрсатилди. Ҳаётимда ҳеч қачон ўзимни ўша кундагидек ёлғиз ҳис этмаганман. Намойиш тугаб, ниҳоят зал чироқлари ёнди ва Брин томошабинга мурожат қилди:

– Менимча, ҳаммаси жойида, фильм шундайлигича яхши! – қисқа қилиб сўзини яқунлади у.

Жимлик чўкди ва ниҳоят, кимдир унга қўшилди:

– Менимча ҳам бўлади, қаршилигим йўқ.

Қолганлар ковоғини солганча жим ўтирарди. Брин кулимсираб хулоса қилди:

– Демак ҳамма рози? Фильмни ўтказсак бўлади, а?

Залдагилардан ҳеч бир садо чикмади, кимдир истамай бош силкиб қўйди, холос. Брин бу норозилик аломатини супуриб ташлагандек, елкамга қоқиб қўйди.

– Маъқул Чарли, фильмни айлантиришингиз мумкин деди. Бу фильмнинг кинотеатрларга тарқатиб, эълон қилавер, дегани эди.

Улар аввалбошида фильмни қатъиян тўхтатиш фикрида эди. Энди уни бир мартадаёқ қабул қилганларидан биров довдираб ҳам қолдим. Лекин уларнинг фикри осонлик билан яхши томонга ўзгариб қолгани менда шуҳба пайдо қилди. Улар бошқа бирон йўл билан хужум қилмоқчи эмасми?

Охир-оқибат, ўйлаганимдек бўлиб чикди. “Верду”ни қайта монтаж қилаётганимда Қўшма Штатлар суд ишлари ижрочиси тўсатдан телефон орқали мени ва фильмда ишлаганлардан ўн тўққиз кишини Вашингтонга, Америкага қарши фаолият тергов комиссиясига чақирди. Ўша вақтда Лос-Анжелосга Флорида штатидан сенатор Пеппер ташриф буюрганди. Атрофимдагилар у билан учрашиб, чақириқ юзасидан маслаҳатлашиб кўришни, таклиф қилди. Мен унинг олдига бордим. Америка фуқароси эмаслигимни ҳам айтиб ўтдим. Сенаторнинг суҳбатидан маълум бўлишича, Вашингтондан чақиртирган комиссия ўзининг конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларини талаб қилиши мумкин экан.

Мен чақириқда ўн кун ичида Вашингтонда бўлишим кераклиги ҳақида буйруқ олгандим. Ҳеч қанча вақт ўтмай, менинг боришим яна ўн кундан кейинга қолдирилгани тўғрисида телеграмма келди. Бу ҳол яна бир марта такрорланди. Учинчи кечиктирилишдан сўнг ўзим уларга телеграмма юбориб, нуфузли бир ташкилот мени ишдан қолдираётганини, бу эса бизга яхшигина камомад келтириб чиқаришини айтдим. Яна яқиндагина дўстим Эйслерни сўроқ қилгани Лос-Анжелосга келган комиссия шу ернинг ўзида мени ҳам сўроқ қилса, давлат маблағини анча тежаган бўларди, дедим. Сўзим охирида яна шундай деб ёзим:

“Сизларнинг қимматли вақтингизни тежаш мақсадида ҳар эҳтимолга

қарши, ташкилотни қизиқтириши мумкин бўлган ўзим тўғримдаги айрим маълумотларни аввалроқ етказиб қўйишни лозим кўрдим: Мен коммунист эмасман ва ҳеч қачон бирон сиёсий партия ёки ташкилотга аъзо бўлган эмасман. Мен сизларга маълум сўз билан айтганда, “дунёни ёндирган ўт”ман. Умид қиламанки, мактуб йўллаганимни ҳақорат деб тушунмайсиз. Ва яна шуни қаттиқ сўрайманки, Вашингтонда бўлишим шарт бўлган аниқ кунни тезроқ белгиласангиз. Сизларга садоқат билан Чарли Чаплин”.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, мен кутилмаган даражада, бағоят мулоимлик билан ёзилган жавоб хатини олдим. Ажабки, унда менинг Вашингтонга боришимга зарурат қолмагани ва мен бу ишни тамоман бартараф бўлди, деб ҳисоблайверишим мумкинлиги айтилган эди.

\* \* \*

Мен муаммоларим билан бўлиб “Юнайтед артистс” компанияси ишларига у қадар вақт ажратолмадим. Адвокатим компаниянинг чиқим харажатлари миллиондан ошиб кетганини айтиб огоҳлантирганди. Бу компания ўз гуллаган даврида йилига қирқ-эллик миллион доллар даромад қиларди. Мен бирор марта иккита дивиденд олганимни эслай олмайман. Фирма ривожланган пайтда Англиянинг тўрт юзта кинотеатри акцияларининг йигирма беш фоизини қўлга киритганди ва ҳеч қандай пеня туғилишига асос қолдирмай тўловлар вақтида амалга ошириларди. Бунга қандай эришилган – аниқ билмайман. Менимча, кинотеатрлар бизнинг фильмларни ўз билганларича прокатда айлантиришлари эвазига қафолатланганмиз. Бошқа Америка кинокомпаниялари ҳам худди шу йўл билан инглиз кинотеатрларининг кўп акцияларини сотиб олган. Бир вақтлар бизнинг акция пакетларимиз “Рэнк организейшн” прокат компаниясида ўн миллион доллардан ортиқ бўлган.

Аммо “Юнайтед артистс” акционерлари ўз акцияларини сотишни бошлагач, бизнинг ҳамма нақд капиталларимиз батамом фойдаланиб бўлинди, тугади. Мутлақо кутилмаганда мен ўзим тўсатдан “Юнайтед артистс” компанияси акциялари ярмининг эгаси бўлиб қолдим, қарзлар эса бу вақтда миллион долларга етганди. Қолган ярми Мэри Пикфорд хонимга тегишли эди. У ҳамма банклар бизга кредит беришни рад қилаётганидан хавотирга тушиб, хат ёзди. Лекин мен бу вазиятдан унчалик ташвишланмадим, чунки биздан аввал ҳам қарздорлик кузатилган, аммо фильм муваффақият қозониб, доим компанияни қийинчиликдан олиб чиқиб кетган. Мен “Мсье Верду”ни тушуми бошқа фильмларим каби яхши бўлишига ишондим. Агентим Артур Келли ҳам камида ўн икки миллион доллар даромад йиғади, деганди. Агар у айтганча маблағ йиғилса, компания ҳамма қарзларини ёпишдан ташқари, миллион доллар соф даромад қоларди.

Голливудда дўстларим учун фильмнинг ёпиқ намоишини ташкил қилдим. Тақдирот тугаши билан Томас Манн, Лион Фейхтвангер ва бошқа кўп дўстларим ўринларидан туриб узоқ олқишлади. Фильм муваффақиятига тўла ишонч билан Нью-Йоркка жўнаб кетдим. Аммо келишим билан “Дейли ньюс” менга ҳужум қилишни бошлади: “Чаплин фильмнинг премьерасини ўтказиш учун Нью-Йоркка келди. Фақат бу

“Қизиллар йўлдоши” ўз қахрамонликларидан кейин матбуот йиғинини ташкил этса, бизнинг унга берадиган икки-учта саволимиз бор”.

“Юнайтед артисте”нинг реклама америка матбуоти билан учрашимдан хавфсирай бошлади. Аммо мени хорижий мухбирлар жуда илиқ қабул қилган бир паллада бу ғаламис газеталардан жаҳлим чиқиб борарди.

– Ким пўписа қилаётган бўлса, мен улардан устунман, – деб жавоб бердим уларга.

Эртасига эрталаб меҳмонхона залини Америка журналистларини қабул қилиш учун олдик. Мен уларга коктейл улашилгандан сўнг кўриниш бердим ва муҳит яхши эмаслигини сезган ҳолда атайин кувноклик билан хотиржам сўз бошладим:

– Салом ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Фильмим ва келажакдаги режаларим ҳақида сизларни нима қизиқтирса жавоб беришга тайёрман.

Улар менинг сўзларимга ўлик жимлик билан жавоб қайтарди.

– Фақат ҳаммасини бир вақтда эмас, – қўшиб қўйдим қулиб.

Олд қаторда ўтирган репортёр аёл савол беришни бошлади.

– Сиз коммунистмисиз?

– Йўқ, – таъкидлаб жавоб бердим. – Марҳамат, кейинги саволлар?

Кимнингдир тўнғиллаган овозини эшитдим. Бу менинг “Дейли ньюс”даги “ўртоқ”ларимдан бири деб ўйладим. Лекин овоз бир зум жиғиб қолди. Ўрнидан турган “нотик” пальтосини ҳам ечмаган кўриниши исқирт бир киши экан. У энқайиб олиб қоғозга ёзилган саволини тушунарсиз тарзда ўқий бошлади.

– Кечирасиз, – тўхтатдим уни, – яна бир марта ўқисангиз, мен саволингизнинг биронта сўзини илғаб ололмадим.

– Биз католикмиз, уруш ветеранлари... – бошлади у.

Мен яна унинг гапини бўлдим:

– Тушунмадим, ҳозир бу ерга католиклар, уруш ветеранларининг нима дахли бор? Бу – матбуот конференцияси.

У индамай жойига ўтириши билан бошқаси савол берди:

– Нега сиз Америка фуқаролигини олмагансиз?

– Чунки мен ўз фуқаролигимни ўзгартиришга бирон-бир сабаб кўрганм йўқ. Мен ўзимни бутун дунёнинг фуқароси деб биламан, – дедим.

Бирдан шовқин бошланди ва бирварақайига бир неча киши гапира кетди. Кимдир бақириб ҳамма овозни тўхтатди-да менга юзланди:

– Аммо сиз Америкада маблағ жамғарасиз.

– Хўш, – дея жилмайдим, – ҳамонки, сиз барини тижоратга тақабилган экансиз, келинг, очиғини айтиб қўя қоламан. Мен бутун дунё бўйича пул жамғараман. Менинг етмиш фоиз даромадим хориждан келади, лекин ҳаммасининг солиқ суммалари Қўшма Штатларнинг ҳамёнига тушади. Кўраётган бўлсангиз, мен бу мамлакат учун фойдали меҳмонман.

Шунда яна католик легиони вакили тўнғиллади:

– Сиз пулингизни хоҳ бу ерда, хоҳ хориждан жамғарманг, биз – десантлар билан Франция қирғоғига тушиб қолганлар, сиз АҚШ фуқароси бўлмаганингиздан барибир нафратланамиз.

– Ўша қирғоққа тушган бир сиз эмассиз, – дедим. – Менинг икки ўғлим ҳам генерал Паттон армиясида у ерда бўлган ва илғорлар сафида жанг қилган. Аммо улар сиз каби ҳеч қаерда мақтанмаган ва бундан ўз манфа-

ати йўлида фойдаланмаган.

– Сиз Ҳанс Эйслер билан танишмисиз? – сўради бошқа репортёр.

– Ҳа, у менинг энг яқин дўстим, ажойиб мусиқачи.

– У коммунистлигини билсангиз керак?

– Бу мени қизиқтирмайди. Бизнинг дўстлигимиз сиёсатга асосланмаган.

– Аммо сизга коммунистлар ёқадиганга ўхшайди?

– Ҳеч ким менга ким ёқиш-ёқмаслигини буюра олмайди. Биз ҳали бунчаликка етиб бормадик, деб ўйлайман.

Бу жангари кайфият ошиб бораётган муҳитда мулоҳим бошқа овоз эшитилди:

– Кичкина жуссаси билан дунёга қувонч инъом этган, инсонлар руҳиятини эзгу тушунчалар билан бойитган бу санъаткорни Америка мухбирлари шундай нафрат ва мазахлар билан ҳақорат қилиши керакми?

Мен бу раҳмдил овоз айнан нима ҳақида гапирётганини илғаёлмадим ва:

– Узр, саволингизни яна бир қайтаринг, – дедим.

Шу пайт реклама агентимиз қулоғимга шивирлади.

– У сиз ҳақингизда яхши гаплар айтяпти.

У “Тайм” журналига тез-тез очерк ва танкидий мақоллар ёзиб турадиган америкалик шоир ва романист Жим Эжи экан.

Мен хужумкор муҳит таъсирида ўзимни бироз йўқотиб қўйгандим.

– Узр, ўша сўзларингизни худди ўшандай яна бир қайтариб юборинг, – дедим.

– Билмадим, эплармиканман, – деди у хижолат бўлиб, кейин аввалгидек ўша сўзларини қайтарди.

Мен унга тайинли жавоб айтолмадим.

– Бирон нарса деёлмайман... Сиздан миннатдорман, – дедим бош чайқаб.

Шундан сўнг менинг ҳеч нима гапиргим келмай қолди. Унинг эзгу сўзлари мендаги жангари тажангликни йўққа чиқарганди.

– Кечирасизлар, жаноблар, – дедим аудиторияга, – менимча, биз фильм хусусида гаплашишимиз керак эди. Бунинг ўрнига сиёсий баҳсни бошлаб юбордик, мен буни тугатишни истайман.

Ўша йиғилишдан кейин атрофимда қандайдир кучли адоват айланаётганини ҳис қилган бўлсам-да, охиригача бунга ишонмадим. “Диктатор” катта экранга чиққанда ҳам шундай душманона ҳаракатлар бўлиб ўтганди. Аммо у менинг ҳеч қайси фильмимда кузатилмаган катта даромад келтирган. Фильмни кўрган одамлардан қанчалаб ғаройиб хатлар олганман. Бу сафар ҳам “Юнайтед артистс”нинг барча ходимлари сингари “Мсье Верду” катта муваффақият қозонишига ишончим комил эди.

Мэри Пикфорд кўнғироқ қилиб, Уна ва мен билан бирга премьерарага боришни истаётганини айтди. Биз уни “21” ресторанига тушликка таклиф қилдик. Мэри жуда кечикиб келди, нуфузли жойга меҳмонга боргани ва у ердан чиқиб келиш қийин бўлганини айтиб, узр сўради. Биз кинотеатрга етиб борганимизда кўчалар одамлар билан лик тўла эди. Оломонни зўрға ёриб ўтиб, фойега кириб келар эканмиз, радиодан таралаётган диктор овози эшитилди: “Мана, ҳозиргина Чарли Чаплин рафикаси билан етиб келди, сўзсиз кинонинг ажойиб юлдузи, америкаликларнинг севимли ак-

трисаси – Мэри Пикфорд хоним улар билан бирга. Мэри, эҳтимол сиз бу ажойиб премьерера ҳақида бир-икки сўз айтарсиз?”

Фойе одамларга тўла эди, Мэри қийинчилик билан микрофонга етиб келди ва менинг қўлимни маҳкам ушлаб олганча, теграмизга ёпирилиб келаётган оломон оқими ичида шундай деди:

– Бундан икки минг йил илгари Исо туғилган, бугун эса... – Бирок, у ўз сўзини охирига етказа олмади, оломон бизни шу тобда микрофондан узокка суриб юборди.

Мен кейинчалик ҳам ўйлаб юрдим, – Мэри ўшанда нима демоқчи эди, ўша жумлани қандай тугатмоқчи бўлган...

Премьера куни залда қандайдир хавф ҳукм сураётганини ҳис қилдим, томошабинлар худди ўз иштироклари билан ниманидир исботлашга келгандек туюларди. Кутилган шодлик кайфияти билан бир вақтда фильмнинг биринчи кадрлариданоқ бошланган асабни бузгувчи қарсак ва ҳуштакбозлик мени бўға бошлади. Бу ҳуштакбозлик дилимни мухбирлар ҳужумидан баттарок оғритди.

Жойимда ўтирар эканман, безовталанишни бошладим. Залда кимлардир куларди, лекин ҳамма эмас. Бу бир пайтлардаги “Олтин васвасаси”, “Катта шаҳар ёнғини” ёки “Елкага” фильмларимда эшитилган кулги эмасди. Бу кулги баайни менга қарши томошабинлар гуруҳининг душманона қилиғи эди. Мен даҳшатга туша бошладим, охири чидолмай Унага шивирладим:

– Мен фойега чиқаман, бунга чидаб ўтиролмайман.

У қўлимни маҳкам сиқди. Қўлимда турган программ гўё кафтимни куйдираётгандек, гижимлаб стол тагига ташлаб юбордим. Барибир тоқатим етмади. Секингина фойега чикдим. Мен ўзимни масхара бўлаётганимни ҳис этар, шу тобда киши топмас ёқларга кетиб қолишни истардим. Сўнг залда нима бўлаётганини кузатиш учун юқори қаватга кўтарилдим. Қандайдир бир эркак бошқалардан кўпроқ ва намоийшкорона куларди. Шубҳасиз, у асабий, бу билан ниманидир исбот қилишни истаётгандек зўр бериб куларди. Балконда ҳам худди шунақа аҳвол.

Мен фойенинг у ёғидан, бу ёғига бориб кела бошладим, кўчага чиқиб кинотеатрни икки марта айланиб келдим ҳамки, вақт ўтмасди. Менга бу икки соат жуда узок давом этгандек туюлди. Ва ниҳоят фильм тугади ва кинотеатр кузатувчиси Эрл Уилсон биринчи бўлиб фойега чиқиб, мени табриклади.

– Фильмингиз менга ёқди, – деди у “менга” сўзини алоҳида таъкидлаб. Ортидан агентим Артур Келли етиб келди.

– Албатта ўн икки миллион йиғмаса керак, – деди у.

– Мен ярмига ҳам бажонидил рози бўламан, – хазиллашиб қўйдим мен ҳам.

Намоийшдан кейин бир юз эллик кишига зиёфат уюштирилди. Таклиф этилганлар орасида эски дўстлардан ҳам бор эди.

Оқшомда ҳам ўша қандайдир совуқ кайфияти ҳукм сураётгандек туюлди. Ўткир ичимликлар ичилганига қарамай, барибир тушқунлик мени тарк этмади. Уна ҳам билдирмайгина кўринмай қолди. У уйга кетган экан, биз ярим кечагача ўтирдик.

Герберт Бейерд Суоп фильм унга ёқмаганини очик айтган бўлса-

да, мен уни зийрак инсон сифатида ҳурмат қиламан. Ўша оқшом мени кўпчилик мақтаб, яхши фикрлар билдиришди. Мен каби озгина сармаст дўстим Дон Стюарт шундай деди:

– Уларнинг бари абхлах, Чарли! Сенинг асарингни ўзларининг сиёсий мақсадларида фойдаланишни исташади, фильм жуда яхши, халққа ёқади.

Аmmo шу тобда менга фильм ҳақида нима деб ўйлашлари барибир эди, – менда ҳеч қандай куч қолмаганди. Дон Стюарт мени меҳмонхонагача кузатиб кўйди. Уна аллақачон ухлаб қолган экан.

– Нечанчи қаватда турасиз? – сўради Дон.

– Ўн еттинчида, – дедим баланддаги деразани кўрсатиб.

– Ё, Худойим! Сен бу қандай номерлигини эслайсанми? Бу карнизга ўн икки соат осиглиқ туриб, кейин ўзини пастга ташлаб абжағи чикқан киши яшаган хона-ку! Худди ўзи!

Бундан баттари бўлмайди. Премьера кечаси ана шу “нота”да тугади. Аммо мен ўзим “Мсье Верду”ни фильмларим орасида энг теран, энг юксаги деб ҳисоблайман.

Мени ҳайрон қолдиргани, “Мсье Верду” Нью-Йоркда бир ярим ой давомида экрандан тушмади. Кейин эса бирдан даромад кўрсаткичи пайсаиб кетди. Мен “Юнайтед артисте” ходими Гред Сирсдан нега бундай бўлганини тушунтириб беришини сўрадим. У эса шундай жавоб берди:

– Аслида сизнинг ҳар қайси фильмингиз уч-тўрт ой шунақа катта даромад келтиради. Чунки, шу муддат ичида сизнинг садоқатли ихлосмандларингиз тўлиқ кўриб бўлади. Ундан кейин оддий, тасодифий томошабинлар кела бошлайди. Ва улар ўн йилдан бери сизга бетўхтов ҳужум қилаётган нашрлар уларга таъсир ўтказди.

– Нима, оддий томошабин комедияни тушунмайдими?

– Қаранг! – деди у, “Дейли ньюс” ва шунга ўхшаган бир қанча газеталарни олдимга кўйиб. – Булар ҳамма жойда ўқилади! Даромаднинг бирдан пастлашиб кетишига мана шулар таъсир қилмайди, дейсизми?

Газеталардан бирининг юзидаги каттагина фотосуратни кўриб, танг қотиб қолдим. Ўша суратда кинотеатр биноси олдида “Мсье Верду” фильмнинг афишаси олдида католик легионининг вакили кўлида катта плакат кўтариб турарди. Плакатда эса шундай сўзлар катта-катта қилиб ёзилган:

*“Чаплин – қизилларнинг шериги!”*

*“Келгиндилар юртимиздан йўқолсин!”*

*“Чаплин – меҳмон, унинг АҚШдаги иззати битди!”*

*“Чаплин – кўрнамак! У коммунистларнинг думи!”*

*“Чаплинни Россияга ҳайдаш керак!”*

*(Давоми келгуси сонда)*



*Шарлотта БРОНТЕ*

(1816–1855)

## ЖЕЙН ЭЙР

Роман<sup>1</sup>

*Рус тилидан  
Шахло АҲРОРОВА  
таржимаси*

– О, мени шу машмашадан кутқаринг, ойи! Бу тоифа хақида айтадиган гапим битта: уларни кўргани кўзим йўк! Тўғри, мен улардан кўп ҳам азият чекмаганман, аксинча, ўзим уларни роса тазирина берганман. Биз Теодор билан бирга Уилсон хоним, Грейс хоним, мадам Жубэрларга шунақанги найранглар ўйлаб топардикки! Мери жуда уйқучи бўлганидан ҳар гал бизнинг шўхликлардан четда қоларди. Айниқса, мадам Жубэрнинг устидан қотиб-қотиб қулардик! Уилсон хоним қоқшол, дардманд, ғамгин ва камсукум эди, шунинг учун у билан “жанг” қилишни ўзимизга эп кўрмасдик. Грэйс хоним эса кўпол, бешафқат эди – унга бизнинг найранглар қор қилмасди. Аммо шўрлик мадам Жубэр! Унинг жиғига шунақаям тегар эдикки, охири ғазабдан жинни бўлаёзарди. Биз дастурхонга чой тўкар, нонни урвоқлаб полга сочар, китобларни шипга отиб ўйнар, жазварни стол ёки камин панжарасига уриб, шовқин солардик. Теодор, ўша қувноқ пайтларимиз эсингдами?

– Ҳа, албатта, эсимда, – дея чучук тил билан жавоб қилди лорд Ингрэм. – Бечора кампир бизларга: “Эҳ, ярамас болалар!” деб бақирарди. Шунда, сизми ўша биздек ақлли болаларни ўқитадиган, ахир, ўзингиз қип-қизил аҳмоқсиз-ку, деб уни эрмак қилардик.

– Ҳа, мениям ёдимда. Кейин, Тедо, “биз икки оёқли насихат”, деб лақаб қўйган шўрлик ўқитувчинг жаноб Винингнинг жиғига тегардик. У билан Уилсон хоним бир-бирини севиб қолишганди, ҳар қалай, бизга ана шундай кўринарди. Ахир, бир-бирига мулойим нигоҳ ташлагани, гоҳо-гоҳо хўрсиниб қўйганини пайқаб колгандик-да! Бу *de la belle passion*<sup>2</sup> белгиси эди. Кўп ўтмасдан икковининг ишқ-муҳаббати барчага ошкор бўлди. Биз уларни уйимиздан гумдон қилишда шундан фойдалангандик. Ойижоним икковининг муносабатидан хабар топгач, буни ахлоқсизлик, деб атади. Шунақами, ойижон?

– Шундай, азизам, қолаверса, батамом ҳақ эдим. Ишон, ҳеч бир бообруў хонадонда ўқитувчи ва мураббия ўртасида ишқий саргузаштлар

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши аввалги сонларда.

<sup>2</sup> Нозик ҳиссиётлар – (фр.)

бўлишига йўл қўйилмайди. Бунга минглаб сабаблар келтириш мумкин. Биринчидан...

– Шафқат қилинг, ойижон, шу биринчи, иккинчилардан бизни халос этинг. Чунки уларнинг барини шундоқ ҳам биламиз: улар ўзини шундай тутиши билан соф қалбли болаларга салбий таъсир кўрсатади; ҳар доим бир-бири ҳақида ўй суриб, ўз вазифасига масъулиятни унутади; қолаверса, ўзаро тил бириктириши ва бир-бирини қўллаб-қувватлаши мумкин, бундан эса кўрслик, исён ва тартибсизлик келиб чиқади. Мен ҳақманми, баронесса Ингрэм?

– Фариштагинам менинг, сен – ҳар галгидек ҳақсан.

– Унда бу мавзуни ёпамиз. Келинлар, бошқа мавзуга ўтамиз.

Эми Эштон бу талабни ё эшитмай қолди, ё эътибор бермади, шекилли, кизчаларникидек майин овозда деди:

– Биз ҳам Луиза билан мураббиямизга тегажўғлик қилардик. Аммо у шунақаям меҳрибон эдики, қилиқларимизга миқ этмай чидарди. Ҳеч нарса билан жаҳлини чиқариб бўлмасди. Унинг биздан ҳеч қачон жаҳли чикмаган. Тўғрими, Луиза?

– Ҳа, ҳеч қачон! Бизга ҳеч қандай таъқиқ йўқ эди: унинг столи ё саватини титардик, қутисини кавлаб, ағдар-тўнтар қилардик. У жуда хушфёъл эди, ундан нима сўрасак, бажонидил берарди.

– Афтидан, – деди Бланш Ингрэм истехзоли кулганча, – энди ҳамма ўз мураббияси ҳақидаги хотираларга берилади, шекилли. Бундан қочиш учун мен яна бир бор мавзуни ўзгартиришни таклиф қиламан. Жаноб Рочестер, сиз мени қўллаб-қувватлайсизми?

– Хоним, сизни бу масалада ҳам, бошқа масалаларда ҳам қўллаб-қувватлайман.

– Унда вазиятни ўз қўлимга оламан. Жаноб Эдуардо, бугун овозингиз жойидами?

– Донна Бианка, сиз буюрсангиз бўлди, овоз жойига тушади.

– Ундай бўлса, жаноб, қироличангиз амрини эшитинг – истагимни бажо келтириш учун овозингизни дарҳол шайланг.

– Ким бундай илоҳмонанд Мери олдида Риччио бўлишни истамайди?<sup>1</sup> – Қўйсангизчи, Риччионгизни! – дея хитоб қилди Ингрэм хоним сочларини силкитганча, рояль томон йўналиб. – Фикри ожизимча, скрипкачи Давид ёқимсиз нусха бўлган, менга ундан кўра қора Босвел<sup>2</sup> кўпроқ ёқади. Менимча, эркак кишида иблисона бирор хислат бўлмаса, у сарик чақага ҳам ярамайди. Тарихчилар у ҳақида нима деса, деяверсин-у, лекин қора Босвел айнан шундай ваҳшиёна табиатли, ёввойи, кутурган қаҳрамон эди. Мен шунақа одамга жон деб турмушга чикқан бўлардим.

– Жентльменлар, эшитдингизми? Орангизда ким Босвелга кўпроқ ўхшайди? – дея хитоб қилди жаноб Рочестер.

– Мен ўзингизни айтган бўлардим, – деди полковник Дэнт.

– Ор-номусим ҳаққи, сиздан жуда миннатдорман! – деб жавоб қилди жаноб Рочестер.

Ингрэм хоним киборларча назокат билан рояль олдига ўтирди-да, оппоқ либосининг серҳашам бурмаларини тўғрилаб олгач, қувноқ мусиқани бошлаб юборди. У рояль чалиш билан бир пайтда лукмалар

<sup>1</sup> Риччио Давид, 1540 – 1566 – итальян мусиқачиси, Шотландия қироличаси Мария Стюартнинг арзандаси.

<sup>2</sup> Босвел Джемс Хэпберн, 1536 – 1578 – шотланд аслзодаси. У Мария Стюартга уйланган эди.

хам ташлаб қўярди. Шак-шубҳасиз, бугун унинг илҳоми жўш урган кун эди. У сўз оҳанги-ю, юз ифодаси билан гўё давра аъзоларини нафақат ҳайратга солиш, балки ақл-хушини ўғирлашни ҳам кўзлаган эди. Чамаси, у бугун ўзини ҳар қачонгидан-да беғам ва жасур кўрсатишга аҳд этганди.

– О, хозирги ёш йигитчалар шунақаям жонимга тегдики! – дея хитоб қилди Бланш хоним куйнинг энг оғир жойини маҳорат-ла ижро этаркан. – Улар – отасининг уйи панжарасидан бир кадам ҳам ўтолмайдиган, ҳатто онасининг рухсати-ю, соқчилигисиз шу панжарага якин йўлолмайдиган ожиз, нотавон кимсалар. Фақат гўзал юзлари, оппоқ қўллари ва калта оёқлари билан овора улар. Гўё асил эркакка хусн-жамол керакдек! Гўё латофат ёлғиз аёлгагина ато этилмагандек! Гўё у фақат аёл мулки, мероси эмасдек! Хунук аёл – бу, албатта, табиат таҳкири. Эркакдан эса фақат бир нарса талаб қилинади – куч ва қатъият. Майли, унинг максоди – ов, мерганлик, уруш бўла қолсин – қолгани бари сафсата. Агар эркак бўлганимда, шиорим худди шундай бўларди.

– Агар эрга тегишга аҳд қилсам, – дея давом этди у, гарчи сўзини ҳеч ким бўлмаса-да, бироз танаффус қилиб, – мен билан хуснда рақобат қиладиган эмас, аксинча, хуснимни бўрттириб кўрсатадиган эркакни танлайман. Мен билан тахт талашувчи рақибга тоб-тоқатим йўқ, чунки унда якка ўзим ўтиришим керак; эрим кўзгудаги ўз аксини эмас, ёлғиз мени севишини хоҳлайман. Энди эса, жаноб Рочестер, қўшиқ бошланг, мен сизга жўр бўламан.

– Жоним билан.

– Бу – денгиз қароқчиси қўшиғи. Сиз энди менинг денгиз қароқчисига муносабатимни биласиз. Шунинг учун ее *son spirite*<sup>1</sup> куйланг.

– Ингрэм хоним амр этса, ҳатто куйлашни билмаган одам ҳам куйлаб юборади.

– Эҳтиёт бўлинг! Агар кўнглимдагидек ижро этолмасангиз, куйлаш қандай бўлишини ўзим сизга кўрсатиб, уялтириб қўймай тағин.

– Наҳот ношудлигимни шундай мукофотласангиз? Унда имтиҳонингиздан аниқ йикиламан.

– Қаранг, лекин! Атай шундай қилсангиз, сизни қаттиқ жазолайман.

– Ингрэм хоним – ғоят мурувватли санам, ҳар қалай, у кучимга куч қўшадиган жазо тайинласа керак.

– Қани, шу сўзларингиз маъносини тушунтиринг-чи? – дея амр этди ёш хоним.

– Маъзур тутинг, хоним, бу ўринда ҳеч қандай изоҳга ҳожат йўқ. Атиги қош чимирсангиз бўлди, шунинг ўзи қатга жазо, буни ўзингиз ҳам биларсиз.

– Куйланг, – дея буюрди яна Бланш хоним ва роялни зарб билан чала кетди.

“Энди секин сирғалиб чиқиб кетсам бўлади”, деган қарорга келдим мен. Аммо мусикага жўр бўлган овоз мени тўхташга мажбур этди. Фэйрфакс хоним, жаноб Рочестернинг ажойиб овози бор, деб айтган эди, – дарҳақиқат, у дардли ва кучли овоз эгаси бўлиб, қўшиққа ўзгача ҳассослик, ўзгача маънодорлик сингдира олди. Бу овоз қалбимга кириб борди-ю, алланечук хаяжонлантириб юборди. Мен бу овоз сўнги бор жаранглаб, бир неча дақиқа тўхтаб қолган суҳбат яна қайта жонлангунча кутиб турдим. Кейин ўзим ўтирган бурчакдан кўзгалдим-да, шундоқ

<sup>1</sup> Кўтаринки оҳангда – (итал.)

яқинимдаги ён эшикдан чиқиб кетдим. Мен торгина долонга чиққанда, у дахлизга олиб ўтарди. Бир неча қадам ташладим-да, туфлимнинг ипи ечилиб кетганини сезиб, зинапоя остидаги гиламга тиззалаганча, ипни боғлашга тутиндим. Худди шу пайт ошхона эшиги очилди-ю, ундан бир эркак киши чиқди. Мен шоша-пиша ўрнимдан турдим ва жаноб Рочестерга юзма-юз бўлдим.

– Аҳволингиз яхшими? – деб сўради у.

– Ҳа, яхши, жаноб.

– Нега меҳмонхонада ёнимга келиб, мен билан суҳбатлашмадингиз?

Мен ҳам унга шу саволни берсам бўларди-ю, лекин журъатим етмади, шунинг учун куруккина қилиб дедим:

– Менга жуда банд кўриндингиз, жаноб, шунинг учун безовта қилгим келмади.

– Мен йўқлигимда нима ишлар қилдингиз?

– Айтарли ҳеч нарса! Доимгидек, Адель билан шуғулландим.

– Аввалгидан ҳам рангпаррок кўриняпсиз. Буни бир қарашдаёқ сездим. Бирор нима бўлдимми?

– Жиддий ҳеч нима, жаноб.

– Мени сувга бўқтирган кунингиз шамоллаб қолмадингизми ишқилиб?

– Йўқ, асло.

– Энди меҳмонхонага қайтинг, эрта қочиб кетяпсиз.

– Чарчадим, жаноб.

У бир дақиқа менга термилиб қолди.

– Бирор нимадан ранжидингизми, – деди у. – Нимадан? Айтинг менга!

– Нимадан ранжишим мумкин? Ҳечам ранжиганим йўқ.

– Менинг эса имоним комил, сиз – ранжигансиз. Тагин шу қадар ранжигансизки, оғзингиздан яна бир сўз чиқса, бас, кўзингизга ёш қалқийди, ана, ёш ҳалқалана бошлади, ана, биттаси кипригингиздан ёноғингизга тўкилди. Агар вақтим зик бўлмаганида, яна бирор ғийбатчи хизматкор ўтиб қолишдан чўчимаганимда, нима гаплигини сиздан, барибир, билиб олардим. Майли, бугун сизга рухсат бераман. Аммо ёдингиздан чиқарманг, дўстларим шу ерда экан, ҳар окшом меҳмонхонада бўлишингиз шарт; бу – менинг хоҳишим, илтимос, уни ерда қолдирманг. Энди эса бора қолинг, Софига айтинг, Аделни олиб кетсин. Хайрли тун, менинг... – у оғзини юмди, лабини қимтиди-да, шошиб узоқлашди.

### ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Торнфильдда кунлар қувноқ ва шошқин ўта бошлади. Бу кунлар мен шу уйда жимжитлик ва хилватнишинлик ичида ўтказган дастлабки уч ойдан мутлақо фарқ қиларди! Гўё Торнфильддан барча ғамгин ҳиссиётлар қувилган, барча мудҳиш хотиралар унутилган эди. Ҳар бир жойда ҳаёт қайнар, ҳар бир жойда одамлар ғамирлар эди. Энди бирор ёқимтой оксоч ёки башанг гумаштага юзма-юз келмай, аввал доим кимсасиз бўлган долондан ўтиб ёки хонага кириб бўлмасди.

Уйнинг ҳар бир ери одамлар билан гавжум, меҳмонхона эса фақат баҳорги мовий осмону сертафт куёш асилзода хоним ва жанобларни хиёбонга чорлаган пайтдагина бўшаб қоларди. Ҳатто қўққисдан ҳаво айниб, бир неча кун шаррос ёмғир қуйиши ҳам меҳмонлар кайфиятини буза олма-

ди. Очик ҳавода сайр қилишлар барҳам топгач, уйдаги кўнгилхушликлар янада қизғин ва ранг-баранг тус олди.

Дастлабки оқшом, дастурни ўзгартирамиз, дейишганда бошим қотиб қолди: ҳамма топишмоқ деган ўйин ҳақида сўзлар, мен эса жоҳиллигим сабаб бу қанақа ўйинлигини тушунолмасдим. Меҳмонлар хизматкорларни чақиртириб, зиёфат столини сурдиришди, шамларнинг ҳам жойини ўзгартириб, стулларни равоқ олдига ярим доирасимон жойлаштиришди. Жаноб Рочестер ва бошқа жентльменлар ўз гумашталарига зарур буйруқлар беришди; хонимлар ҳам зинапоядан қушчалардек эпчил чиқиб-тушар, гоҳ униси, гоҳ буниси кўнғироқ чалиб, оқсочини чақиргани эшитиларди. Фэйрфакс хонимдан, уйда ортиқча қандай кийим, рўмол ва безакбоп мато бор, деб сўраб-суриштиришди. Учинчи қаватдаги кийим жавонлари кўздан кечирилиб, бир уюм кимхоб кўйлақлар, атлас камзуллар, қора шойи плашчлар ва тўр ёқалар ташиб чиқилди. Улардан бир қисми танлаб олиниб, меҳмонхонага келтирилди.

Шу орада жаноб Рочестер хонимларни яна меҳмонхонага чорлаб, улардан баъзиларини ўз гуруҳига саралаб олди.

– Ингрэм хоним, албатта, мен билан бўлади, – деди жаноб Рочестер. Сўнг опа-сингил Эштонлар ва кичик Дэнт хонимни танлаб олди. Охири у мен тарафга қаради: мен ўша пайтда тасодифан унга яқин туриб қолган, кичик Дэнт хонимнинг ечилиб кетган билагузугини тақиб қўяётгандим.

– Сиз ҳам ўйнайсизми? – деб сўради у.

Мен йўқ, дегандек бош чайқадим, бироқ жаноб Рочестер мажбур қилса-чи, дея ҳадиксираб турардим. Хайриятки, у бундай қилмади – ўз жойимга бахузур қайтишимга руҳсат этди.

Жаноб Рочестер ўз гуруҳи билан парда ортига ўтди. Бошқа меҳмонлар эса полковник Дэнт ишораси билан ярим айлана шаклида қўйилган стулларга ўтирди. Жентльменлардан бири – жаноб Эштон бир чеккада ёлғиз ўтирганимни кўриб, даврага келиб қўшилишни таклиф этди. Бироқ катта Ингрэм хоним бунга дарҳол эътироз билдирди:

– Йўқ, – деди у кескин оҳангда. – Наҳот жуда анқовлигини кўрмаётган бўлсангиз?!

Бироздан сўнг кўнғироқ чалиниб, парда кўтарилди. Орқа томонда оқ чойшабга ўранган жаноб Жорж Линнинг норғул жуссаси кўринарди (жаноб Рочестер уни ҳам ўз гуруҳига таклиф этганди). Жорж Линнинг олдидаги столда катта китоб очик ҳолда ётарди. Унинг ёнида Эми Эштон жаноб Рочестернинг плашчини ёпиниб, кўлида китоб тутиб турарди. Кимдир панада туриб, жаранглатиб кўнғироқ чалди. Шу пайт Адель (у мени ҳам ўйинга қўшинлар, деб туриб олганди) олдинга югуриб чиқди-да, билагига илиб олган саватдан полга гуллар соча бошлади. Сўнг бошига узун тўр рўмол ташлаб, манглайига атиргулдан чамбар таққан Ингрэм хоним оқ либосга бурканганча, улуғвор қиёфада пайдо бўлди. У билан бирга жаноб Рочестер ҳам чиқиб келди; иккаласи столга яқин келди-да, тиз чўкканча ўтирди; кичик Дэнт хоним ва Луиза Эштон эса оқ либосда уларнинг ортида туришди. Бирорта ҳам сўз ишлатмай, фақат ҳаракатлар ёрдамида тантанали маросим ижро этилди, бу – никоҳ маросимилигини топиш қийин эмас эди. Саҳна томошаси яқунлангач, полковник Дэнт ва унинг гуруҳи ўзаро шивирлашиб маслаҳатлашиб олди, сўнг полковникнинг овози янгради:

– Брайд!<sup>1</sup>

Жаноб Рочестер таъзим бажо келтирди, унинг ортидан парда туширилди.

Орадан анча ўтиб, яна парда кўтарилди. Бу галги сахна янаям пухта тайёрланган эди. Аввал айтганимдек, ошхонадан меҳмонхонага иккита зинапоя орқали кирса бўларди. Улар иккинчи зинапоядан фойдаланган чоғи, биз қаршимизда катта мрамар ҳовузни кўрдик. Бу мрамар ҳовуз гулхонамизни безаб турарди: одатда, уни тропик ўсимликлар ўраб олган ва ичида олтин балиқчалар сузиб юрган бўларди. Турган гапки, шундай катта ҳовузни бу ерга олиб келиш осон кечмаган эди.

Ҳовуз олдида эгнига шарқона либос кийиб, бошига салла ўраганча жаноб Рочестер ўтирарди. Бу кийим унинг қоп-қора кўзлари, бугдойранг юзи ва қахрли боқувчи кўзларига қуйиб қўйгандек ярашган эди: у чинакам шарқ амири, сирли афсона қаҳрамонидек кўринарди. Сўнгра эса сахнада Ингрэм хоним пайдо бўлди. У ҳам шарқона кийимга бурканган: белига энли қизил шарф боғлаган, бошига каштали рўмол танғиган, сулув билақларини эса елкасигача очиб олганча, бир кўли билан бошидаги кўзани ушлаб турарди. Унинг қадди-қомати, юзи-кўзи, бутун рафтори яхудий маликасини эсга солар, менимча, ўзи ҳам худди шуни ният қилган эди.

Ингрэм хоним ҳовуз олдида келиб, унга аста энгашиди, гўё ҳовуздан сув олгандек бўлди-ю, сўнг кўзани яна бошига қўйди. Ҳовуз олдида ўтирган анави кимса эса ундан бир нима деб илтимос қилди. Хоним шоша-пиша, бошдан кўзасини олди-да, унга ичиш учун сув тутди. Нотаниш киши эса қўйнидан бир қути чиқариб, ундан қимматбаҳо билагузук ва зираклар олди. Аёлнинг юзига ҳайрат ва ҳаяжон қалқиди. Анави эркак эса тиз букканча, аёл оёқлари олдида қимматбаҳо тақинчоқларни қўйди. Аёл кўз карашлари ва қўл ҳаракатлари билан шубҳа ва қувончни ифода этди. Нотаниш одам унинг қўлига билагузук, қулоғига зирак тақиб қўйди. Бу иккиси – Елеазар и Ревекка эди; сахнага туялар етишмаётганди, холос.

Ярим айлана ясаб ўтирганлар яна жавоб топиш учун бир-бирига энгашиди. Афтидан, улар бу сахнада қандай сўз ёки услуб акс этганини топа олмаётган эди. Шунда полковник сахнани тўлалигича намойиш этишни сўради. Яна парда туширилди.

У учинчи бор кўтарилганда, меҳмонхонанинг бир қисмигина очилди, бошқа қисми дағал матодан тикилган парда ортида қолди. Мрамар ҳовуз кўздан ғойиб бўлганди. Унинг ўрнига ёғоч стол ва ошхона табуреткаси қўйилганди. Уларни, шамлар ўчириб қўйилгани сабаб, фонус хира ёришиб турарди.

Шу чоғ ғира-ширалик бағрида инсон жуссаси кўзга ташланди; у қўллари билан тиззаларини чангаллаб, кўзларини ерга қадаб ўтирарди. Гарчи юзига обдон бўёқ сурилган, эгнига йиртиқ-ямоқ кийим илган бўлса-да (унинг қўйлаги, худди ёкалашувда йиртилгандек, бир елкасида ҳилвираб турарди), мен жаноб Рочестерни, барибир, таниб олдим. Алам ва ғазабдан бужмайган юзи, тўзғиган, хурпайган сочлари уни чиндан-да таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборганди. У сал қимирлаганди, занжирлар шарақлаб кетди: боёқишнинг қўлига кишан солинганди.

<sup>1</sup> Келинчак – (ингл.)

– Брайдуэлл!<sup>1</sup> – деб хитоб қилди полковник Дэнт ва шу билан топишмоқ жавоби топилди.

Саҳна ижрочилари бироздан сўнг кийимларини алмаштириб, ошхонага қайтишди. Жаноб Рочестер Ингрэм хонимни қўлтиклаб олган, хоним унинг ижросини мактарди.

– Биласизми, – дерди Бланш, – учта роль орасида менга энг охиргиси кўпроқ ёқди. О, бурунги замонларда туғилганингизда, сиздан ажойиб йўл қароқчиси чиқарди!

– Юзимда бўёқ қолмабдими? – деб сўради жаноб Рочестер хонимга ўгирилиб.

– Афсуски, қолмабди! Эссиз! Юзингизни қизил бўёқ жуда очиб юборган эди-да...

– Демак, сиз йўл қароқчисини севиб қолишингиз мумкин экан-да?

– Инглиз қароқчисидан фақат италян йўлтўсари жозибали бўлиши мумкин. Уни эса фақат Ливан қароқчиси чангида қолдириб кетади.

– Аммо, мен ким бўлмай, сиз завжам эканингизни унутманг. Биз бир соат олдин шу гувоҳлар олдида никоҳдан ўтдик.

Хоним кулиб қўйди-да, дув кизариб кетди.

– Энди эса, Дэнт, – дея хитоб қилди жаноб Рочестер, – навбат сизга!

Янги гуруҳ парда ортига ўтгач, жаноб Рочестер ва унинг шериклари ярим айлана стулларга ўтиришди. Ингрэм хоним хўжайиннинг ўнг тарафига ўтирди, бошқалар эса уларнинг икки ёнига жойлашди. Энди мени актёрлар қизиқтирмас, парда кўтарилсайди, деб интиқ кутмас эдим. Бу ёнига бутун диққатим томошабинларга қаратилганди. Шу чокқача сахнадан кўз узмаган бўлсам, энди эса томошабинлардан кўз узолмасдим. Полковник Дэнт гуруҳи қандай топишмоқни ўйнагани, қайси сўзларни танлаб, тасвирлаб бергани ҳозир эсимда йўқ. Лекин томошабинлар ҳар бир сахнадан сўнг қандай кенгашгани; жаноб Рочестер Ингрэм хонимга қандай лутфлар кўрсатгани-ю, хоним ҳам унга қандай ишвалар билан жавоб қайтаргани; Ингрэм хоним жаноб Рочестер томон қандай бош эггани-ю, унинг қора кўнғироқ сочлари хўжайинининг елка ва ёноғига қандай тегай-тегай деб тургани, улар бир-бири билан қандай шивирлашгани-ю, қандай кўз уриштиргани ҳали ҳам ёдимда турибди; ҳар гал шуларни эсга олганимда, ўша чоғдаги ҳиссиётларим қайта уйғонади.

Аввал ҳам айтганимдек, азиз ўқувчи, мен жаноб Рочестерга махлиё бўлиб ўтирардим. Ахир, топишмоқ ўйини давомида унинг бутун диққат-этиборини азбаройи жирканганидан менга ҳатто қўйлагининг этаги тегиб кетишидан ҳам ҳадиксираётган, башарти қора, ўткир кўзлари менга тасодифан тушиб қолса, шу биргина назарига ҳам муносиб кўрмай, дарҳол олиб қочаётган нигоҳини кибор хонимга қаратиб, мени мутлақо эсдан чиқаргани ва бирор марта ҳам қарамагани учунгина унга муносабатимни ўзгартира олмасдим! Унинг Ингрэм хоним билан бўлғуси никоҳига кўзим етиб туриши, асилзода қизнинг юзидаги мағрур ишонч ифодаси ҳам худди шуни тасдиқлаши, жаноб Рочестернинг унга барчадан ўзгача алоҳида илтифот кўрсатиши ҳам – тўғри, бу тавозе, хонимнинг ўзи мендан илтифот кутяпти, дегандек сал бепарво эди – унга муносабатимни бирдан ўзгартириб юборолмасди! Аммо ана шу бепарволикда шунчалар жозоба, ана шу мағрурликда шунчалар оҳанрабо бор эдики!

<sup>1</sup> Брайд – келинчак; уэлл – кудук (*ингл.*) Иккиси биргаликда – Англия турмаси деган маънони беради.

Йўқ, буларнинг ҳеч бири қалбдаги ишқ оловини пасайтира ёки буткул ўчира олмас эди-ю, аммо изтиробга сола оларди. Шу ўринда менга, рашкни ҳам кўзгата оларди, деб лукма ташлашингиз мумкин, азиз ўқувчи. Бироқ мендек паст табақали бир қиз уни Ингрэм хонимдек олийнасаб аёлдан рашк қила олармидим? Йўқ, мен рашк қилаётганим йўқ эди. Ўшанда дилимни ўртаган аламни сўз билан ифодалашим қийин. Ингрэм хоним рашк қилишимга арзимас, менда шундай туйғуни кўзгашга ожизлик қиларди. Мени бемаъни кўринган ушбу фикрим учун маъзур тутинг, аммо мен чиндан ҳам айнан шундай деб ўйлардим. У жуда жозибали кўринарди-ю, аммо табиийликдан йирок эди; қад-қомати ғоят гўзал, жуда билимдон бўлса-да, лекин ақли қалта, юраги эса тош эди. Ваҳоланки, бундай аҳволда ҳеч қайси мева ўз шираси билан баҳри дилингни очолмайди. У дилкаш эмасди, бетакрор ҳам эмасди; у китобий гапларни тўтидек қайтарарди-ю, бироқ ўз фикрини ҳеч қачон ўртага ташламас, чунки бундай фикрининг ўзи йўқ эди. У олий туйғулардан сафсата сотарди-ю, аммо ўзида ҳамдардлик ва шафқат, мушфиклик ва ростгўйлик ҳисси йўқ эди. Шу жиҳатдан у тез-тез ўзини фош этиб қўяр, чунончи, жажжи Аделдан жирканиши ва унга ёмонлик тилашини яшира олмасди. У башарти қизалоқ ўзига суйкалаверса, дилни оғритадиган бирор сўз билан ўзидан итарар, баъзан эса ҳатто унга совуқ ва масхаромуз муомала қилиб, хонадан қувиб соларди. Мендан ташқари яна бир киши ҳам унинг феъл-атворини зимдан синчиклаб кузатарди. Ҳа, бўлғуси куёв, жаноб Рочестер ҳам Ингрэм хонимни назардан қочирмаётганди; унинг айни шу айёрлиги ва сергаклиги, ўз маҳбубасининг барча нуқсонларини ипидан-игнасига аниқлаши, унга муносабатида ҳеч қандай эҳтирос йўқлиги кўксимда чидаб бўлмас оғрик туғдирарди.

Назаримда, жаноб Рочестер Ингрэм хонимга ўз табақасидан бўлгани учунгина уйланмоқчи эди – икковининг ижтимоий мавқеи ва таниш-билишлари бир эди – у бу қизга кўнгил қўймаган, бу қиз ҳам шунча ҳусн-малоҳати билан унинг қалбини забт этолмаганди. Ингрэм хоним жаноб Рочестерни мафтун этолмасди – мени бетиним азоблаётган сабаб шу эди; жоним шу ўтда қовриларди.

Агар бу хоним уни тиз чўктира олса ва у ҳам қиз пойига қалбини тўшаса, мен қўлларим билан юзимни тўсганча, деворга қараб ўгирилар ва улар учун маънан ўлган бўлардим. Агар Ингрэм хоним хассос, жўшқин, олийжаноб, оқила аёл бўлса, рашк ва ноумидлик деган икки йиртқич шер билан жанг қилган бўлардим. Улар, майли, юрагимни пора-пора этишсин, чангаллари остига олиб топташсин, бироқ Ингрэм хонимнинг ўзимдан беқиёс устунлигини англаш менга, барибир, то ўлгунимча, таскин бахш этарди. Бу устунлик қанча юқори бўлса, мен уни шунча самимий тан олардим, жаноб Рочестердан ҳам шунча қатъий ва хотиржам воз кечардим. Бироқ Ингрэм хоним жаноб Рочестерни бўйсундиришга ҳар қанча уринмасин, бу уринишлар ҳар гал зое кетаётганини, у камондан отаётган ўқ ҳар гал нишонга бориб тегмаётганини, мағрурлиги ва манманлиги гарчанд уни максадидан тобора узоқлаштира-да, бироқ ўзи буни пайқамай, виқор билан ғалабасини нишонлаётганини кўриб туриш – ўзингни ҳаяжон алангасида қовуриш, қалбингни мангу қийноққа солиш, дегани эди.

Унинг бесамар уринишларни кузата туриб, нима қилса ютуққа эришишини ҳам тасаввур этардим. Жаноб Рочестернинг кўксига учиб бориб,

ҳеч қандай жароҳат етказмасдан, унинг оёғи остига қулаётган бу ўқларни агар моҳир кўллар отса – бунга менинг имоним комил эди – унинг мағрур юрагини шиддатла тешиб ўтолган, тунд нигоҳида севги, истехзоли юзида меҳр уйғотган бўларди; яна ҳам асосийси, бу жангда ҳеч қандай қуролсиз ҳам ғалаба қозонса бўлар эди.

“Унга жуда яқин туриш бахти насиб этса-да, нега хоним сеҳр-жодуси билан уни ўзига ром этолмаяпти? – деб сўрардим мен ўзимдан. – Йўк, менимча, хоним уни севмайди, қалбида чин эҳтирос йўк. Агар Ингрэм хоним уни севганида, унга қараб бунчалар кўп кулмасди, унга бунчалар кўп сермаъно нигоҳ ташламасди, кўзларини бунчалар карашма бидан кўкка қадмасди, уни бунчалар илтифотга кўмиб ташламасди!” Агар хоним унинг ёнида жимгина ўтирса, унга камрок сўз қотиб, камрок юзига тикилса, уни тезроқ ром этадигандек туюларди менга. Ингрэм хоним гарчи жаноб Рочестерга сабот билан карашма қилишда давом этса-да, мен бот-бот хўжайиним юзида бепарво сиполикдан буткул фарқли ифодани ҳам кўрар эдим. Ўша ифода жаноб Рочестернинг юзига ўз-ўзидан қалқиб чиқар, уни ҳеч қандай қувлик ёки хийла билан яратиб бўлмасди. Ингрэм хоним қалб маҳрамини оддийгина қабул қилиб, саволига таманносиз жавоб қайтарса ва юзига ғамзасиз термилса кифоя эдики, ўшанда анави ифода янада кучайиб, янада ёқимли ва табиийлашиб, қалбни ҳузурбахш тафти билан иситган бўларди. “Иккови турмуш кургач, хоним унинг кўнглини топа олармикан? Менимча, бу унинг кўлидан келмаса керак. Нега энди кўлидан келмас экан? Ишончим комил, унинг завжаси ўзини дунёдаги энг бахтли аёл деб ҳис этади”.

Ҳозиргача жаноб Рочестернинг киборларча ҳисоб-китоб асосида уйланиш режасига тўхталмадим. Бу ҳақда илк эшитганимда, наҳотки у ўз олдига шундай мақсад қўя олса, деб ҳайрон бўлгандим. Чунки қаллик танлашда унга бундай сийқа урф-одат таъсир кўрсатолмайди, деб ҳисоблардим. Аммо иккисининг ҳам ижтимоий мавқеи-ю таълим-тарбияси ҳақида кўпроқ ўйлаганим сайин улар ҳали болалигиданоқ мияларига қуйиб келинган қараш ва одатларга асосан иш тутаётгани учун на жаноб Рочестер ва на Ингрэм хонимни маломат қилишга ҳақим йўк, деган хулосага келардим. Уларнинг табақасига мансуб ҳар қандай инсон шу таомилга бўйсунар эди: мен бунинг шундай чуқур сабаблари борки, улар менга қоронғи бўлса керак, деб ўйлардим. Мен ўзимча, агар унинг ўрнида бўлсам, ёлғиз қалбимга кулоқ солардим, деб қўярдим. Шундай қилишимга ҳеч қандай шубҳа-гумон бўлиши мумкин эмасдек эди. Аммо шундай ишончимнинг ўзиёқ қандайдир жиддий тўсиқлар бор-у, мен улардан беҳабарман, деган тахминни туғдирарди. Акс ҳолда бутун дунё аҳли менга табиий туюлган ўша йўлни тутган бўлмасмиди?!

Таажжубки, мен нафақат мана шу, балки бошқа кўплаб масалаларда ҳам хўжайинимга ён босадиган бўлиб қолибман. Унинг дастлабки кезларда кўзимга яққол ташланган нуқсонлари ҳам аста-секин эсимдан чиқиб кетгандек эди. Мен жаноб Рочестернинг феъл-атворидаги ҳам яхши, ҳам ёмон ҳислатларни ақл тарозисида тортиб, унинг устидан адолатли хулоса чиқармоқчи бўлдим. Шунда унинг феъл-атворида ҳеч қандай салбий ҳислат йўқлигини тушуниб қолдим. Менда аввал нохуш таассурот қолдирган истехзоси, қўрслиги ҳам энди кўзимга худди таом устига сепилган гармдоридек кўриниб кетди: тўғри, захри димокни ёради-ю, аммо усиз маза

кирмайди. Мени хайратга солганча, кўзларида бирдан чакнаб, сўнг эса яна шундай бирдан сўнувчи ўша сирли ифодага келсак, мен унинг маъюс ёки аламли; сермаъно ёки умидсиз эканини айтишга қийналаман. Аввал бу ифода мени, гўё сўнган вулкон этагида кезиб юрган пайтим бирдан оёғим остида ер қимирлаб, тепамда йиртқич хайвон оғзидек баҳайбат мудхиш ўпқон очилгандек, титроққа соларди; энди эса унинг юзида ўша ифодани кўриб қолсам, кўркувдан юрагимни ховучлаб қолмас, орқамга қарамай қочиш ўрнига, янаям якин бориб, тилсимини очгим келарди. Ингрэм хоним менинг кўзимга бахтиёр бўлиб кўринарди, чунки у вақти келиб, бу жарликка разм солишга, унинг тилсимини очишга муяссар бўлади.

Бутун фикр-хаёлим хўжайиним ва унинг бўлғуси қаллиғи билан банд бўлган, уларнинг мен учун сирли маънога эга гап-сўзлари-ю, хатти-харакатларини чалғимай кузатган пайтимда бошқалар ўзлари билганча кўнгилхушлик қилишди. Катта Лин ва Ингрэм хонимлар қад-бастини виқор-ла тутганча, бир жуфт гўзал либосли кўғирчоқлардек, салласимон рўмол ўраган бошларини бот-бот қимирлатиб, суҳбатни давом эттирди – улар ким ёки нима ҳақда ғийбатлашаётгани қараб, ё хайрат, ё нафрат, ё кўркув маъносини ифодалаш учун тез-тез қўлларини кўкка чўзиб кўярди. Маъсума Дэнт хоним эса дилкаш Эштон хоним билан суҳбат қураб, ҳар замон-ҳар замонда менга ҳам бирор ширин сўз айтиб, ёқимтой табассум қилиб кўярди. Жаноб Жорж Лин, полковник Дэнт ва жаноб Эштон сиёсат, графлик ишлари, суд жараёнлари мавзусида баҳслашарди. Ёш лорд Ингрэм Эми Эштонга тегажоғлик қилар; Луиза ёш Линлардан бири билан мусика чалар; Мери Ингрэм эса яна бир Линнинг навозишларига сузилиб кулоқ тутарди. Баъзида улар, худди келишиб олгандек, ўз роллари ижросини тўхтатиб, асосий актёрлар ўйинига диққат қаратар, шу тариқа жаноб Рочестер ва Ингрэм хоним давранинг жонига айланиб қоларди. Жаноб Рочестер бирор соат даврада бўлмай қолса, меҳмонлар орасида маъюслик ва зериктиш кузатилади, у қайтиши билан эса яна суҳбат жонланиб кетарди.

У давранинг гули экани жаноб Рочестер бир хизмат билан Милкотга чақирилиб қолган ва фақат кечга яқингина қайтган куни янада яққол билинди. Ўша куни чошгоҳдан сўнг ёмғир ёға бошлади. Оқибатда меҳмонлар Хэй яқинидаги яйловга келиб кўнган лўлилар тоборини бориб кўриш ниятидан воз кечди. Эркаклардан баъзилари отхонага йўл олди, ёш йигитлар эса хонимчалар билан бильярд ўйнагани чикди; бева хонимлар – Лин ва Ингрэмлар ноилож қарта ўйинига тутинди. Бланш Ингрэм кичик Дэнт ва Эштон хоним уни ҳар қанча суҳбатга тортаман деб уринса ҳам, такаббуруна сукут сақлаганча, аввал рояль жўрлигида йиғлоқи бир қўшиқни минғирлаб куйлади, сўнг кутубхонадан қандайдир бир романи олиб чиқиб, диванга қиборона бепарво ястаниб олганча, мутолаа билан диққинафас кутиш соатларини қискартиришга киришди. Меҳмонхона ва бутун уйда жимжитлик ҳукм сураб, фақат бильярдхонадан ўйинчиларнинг қувноқ овози эшитилиб қоларди.

Кун ботиб, оқшом кўнган маҳал мен билан ёнма-ён дераза тоқчасига суяниб турган Адель бирдан қичқириб юборди:

– Ана, жаноб Рочестер қайтпти!

Мен деразадан йўл тарафга қарадим. Ингрэм хоним дивандан сакраб турди. Бошқалар ҳам ўз машғулотини тўхтатди, шу пайт шағалда арава ғилдираги ғижирлаши ва отлар туёғи дупури эшитилди. Карета

якинлашиб келмоқда эди.

– У бунақа фйтонни қаердан топа қолибди? – деди Ингрэм хоним. – Ахир, у Мезрурни миниб кетганди-ку, Пилот ҳам у билан бирга эди, ит қаерга ғойиб бўлибди?

Унинг оппоқ либосдаги бўйчан гавдаси деразага шу қадар якин келдики, мен қовурғамни синдириб олгудек ўзимни қалтис орқага ташлашга мажбур бўлдим. У ховликиб қолганидан аввалига мени пайқамади, сўнг бирдан пайқаб қолди-ю, мендан ижирғанганча, юзини буриштирди-да, нариги дераза томон шошди. Карета уй олдига келиб тўхтади, аравакаш дарвоза қўнғироғини чалди, фйтондан йўл кийимида бир жентльмен тушди; аммо бу киши жаноб Рочестер эмасди. У баланд бўйли, хушбичим бошка эркак эди.

– Аттанг! – дея хитоб қилди Ингрэм хоним. Сўнг эса: – Ҳой, жирканч маймунча! – деб жеркиб берди Аделни. – Дераза ёнида ўйнашга ким рухсат берди сенга? Нега бизни алдадинг? – У буларнинг барига мен айбдордек, юзимга ғазаб билан қаради.

Дахлизда овозлар эшитилди, йўловчи меҳмонхонага кирди. У хонимлар орасида энг каттаси, деб ўйлади чоғи, Ингрэм хонимга таъзим қилди.

– Бемаврид келдим, шекилли, хоним? – деди у. – Дўстим жаноб Рочестер уйда эмасми? Аммо мен жуда узоқдан келдим, шунинг учун умид киламанки, у қайтиб келгунича, эски дўстлигимиз ҳақки, шу ерда қолишга ҳаққим бор.

Янги меҳмон ўзини назокатли тутар, шеvasи эса ғалатирок эди: уни на ажнабийча ва на соф инглизча деб бўларди. Ёши – жаноб Рочестер билан баробар, яъни ўттиз билан қирқ орасида, деб тахмин қилиш мумкин эди. Юзи ўзгачарок қорамағиз бўлиб, бир қарашда хушбичим кўринарди. Лекин диққат билан қаралса, бу юзда ёқимсиз нимадир бор эди; бурни ва оғзи нафис, лекин сўлгин кўринар, кўзлари катта-катта, чиройли-ю, бироқ лоқайд ва хиссиз боқарди. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлди.

Кийимларни алмаштириб, овқатга тушишга қўнғироқ чалинганча, барча хона-хонасига тарқалди. Овқатдан сўнг эса мен бу жанобга разм солдим. Афтидан, у ўзини худди уйидагидек ҳис этарди. Унинг юзи энди менга янада ёқимсиз кўринди. Бу юз мени ҳайратга солиб қўйганди: унда бетайинлик ва лоқайдлик бор эди. Кўзи олма-кесак терар, бу эса юзига ғалати ифода берарди; мен бунақа олазарак кўзни ҳеч кўрмагандим. Бу кўркам ва ёқимтой жентльмен одамни нимаси биландир ўзидан итарарди. Узунчоқ силлиқ юзида ҳеч қандай куч-ирода акс этмас, кирра бурни ва гилосдек кичик оғзида шижоат сезилмас, текис ва тор манглайида фикр излари кўринмас, хиссиз жигарранг кўзларида жозибадан асар йўқ эди.

Камин тепасидаги шамлар меҳмоннинг ланж юзини ёритиб турар, у гарчи каминга такаброқ қўйилган креслода ўтирса-да, худди совук қотгандек янаям олдинга силжир, мен эса ҳар доимгидек, бир чеккага биқинганча, бу жентльменни кузатар ва уни жаноб Рочестер билан солиштирар эдим. Улар орасидаги фарқ мудроқ ғоз билан мағрур бургут, ювош қўй билан бўрибосар ит орасидаги фарқдан кам эмасди. Янги меҳмон боягина, жаноб Рочестер билан эскитдан дўстмиз, деб айтган эди. Бу ғаройиб дўстлик қарама-қаршилиқлар бир-бирига интилади, деган ақидани эсга соларди.

Бу жанобга ёнма-ён уч жентльмен ўтирар, уларнинг суҳбати менга

узук-юлук эшитиларди. Улар ўзаро нималарни гаплашчяпти, дастлаб буни аниқ илғай олмадим – менга якин ўтирган Луиза Эштон ва Мери Ингрэмнинг вайсашлари халакит берди. Ёш хонимчалар меҳмон ҳақида сўзлашарди; иккисининг дидича, у – ёқимли эркак эмиш. Луизанинг фикрича, у – дилбар бўлиб, хонимга шунақалар ёқармиш; Мери эса, “чиройли оғзи ва ингичка бурни”дан сўз очиб, булар – эркакча мукамал гўзаллик аломати, деди.

– Қандай ажойиб пешона! – дея хитоб қилди Луиза. – Шунақаям силлиқки, на ажин, на дўнг бор – ажин ва дўнгга ҳеч тоқатим йўқ. Қарашлари ва кулишлари ҳам нақ жон олади-я!

Жаноб Генри Лин, Хэйга қачон борамиз, келинг, маслаҳатлашиб олайлик, деб уларни чақирганда, ниҳоят енгил тин олдим.

Зеро, энди бор диққатимни камин олдида ўтирган жанобларга қаратсам бўларди. Мен тез орадаёқ янги меҳмонни жаноб Мэзон деб аташларини билиб олдим; у яқинда қайсидир иссиқ мамлакатдан Англияга келибди; чамаси, шунинг учун юзи қорамағиз кўринар, плашчга ўранганча, оловга якин суриларди. Сўнгра Ямайка, Кингстон, Спаништаун деган жой номлари қулоғимга чалинди – бу унинг ғарбий Ҳиндистонда яшаганидан далолат берарди. Мени қаттиқ ҳайратга солгани шу бўлдики, у жаноб Рочестер билан илк бор ўша жойда учрашган ва танишган экан. Жаноб Мэзон яна қадрдон дўсти бу ўлкаларнинг жазирама иқлими, довул ва ёмғирларини жуда ёмон кўрганини ҳам айтиб берди. Мен Фэйрфакс хонимдан жаноб Рочестер кўп бор саёҳатда бўлганини эшитгандим, лекин бундай узок юртларга боргани ҳеч қулоғимга чалинмаган, у Европа мамлакатларидан четга чиқмаган, деб тахмин қилардим.

Шу хаёллар билан банд бўлган чоғим яна бир кутилмаган воқеа юз берди. Жаноб Мэзон совуқдан жунжикканча, ҳар гал кимдир эшикни очса, олов гуриллаб ёнаётганига қарамасдан, каминга яна кўмир ташланг, деб илтимос қиларди. Шу илтимосга кўра, меҳмонхонага кирган гумашта жаноб Эштоннинг ёнидан ўтатуриб, унга паст овозда нимадир деди, мен “камбир”, “туриб олди...” деган сўзларни ажрата олдим, холос.

– Унга айтинг, ҳозирок кўздан йўқолмаса, турмага ташлатаман, – деди кескин оҳангда судья.

– Йўқ, тўхтанг, – дея унинг сўзини бўлди полковник Дэнт. – Камбирни қувмай туриг, Эштон. Балки бу – қизик бўлар. Яхшиси, хонимлардан сўранг. – У шундан сўнг баланд овозда деди: – Мана, хонимлар, сиз Хэйга бориб, лўлилар тоборини кўрмоқчи эдингиз. Сэмнинг айтишича, ошхонада бир лўли камбир ўтирган эмиш, у мени меҳмонлар олдига киритинг, уларга фол очиб кўяй, деб илтимос қилаётганмиш. Хўш, фолбинни чақирайликми ё йўқми?

– Кулоқ солинг, полковник, – дея хитоб қилди катта Ингрэм хоним, – нахот шу ерга аллақандай бир лўлини киритсангиз? Уни ҳозирок дарҳол ҳайдаб юборинг!

– Лекин уни кетишга ҳеч кўндирилмадим, хоним, – деб жавоб берди Сэм. – Бошқа хизматкорлар ҳам кетказа олмади. Фэйрфакс хоним, бора қолинг энди, деб ҳар қанча ўтинса ҳам, камин олдига стул кўйиб ўтириб олди-да, киришга рухсат этишмагунча ҳеч қаерга кетмайман, деб туриб олди.

– Нима керак экан ўзи унга? – деб сўради кичик Эштон хоним.

– Фол очиб қўяман, деяпти, хоним. Фол очмасдан, Худо ҳаққи, ҳеч қаёққа кетмасмиш.

– Афт-ангори қанақа? – деб қизиқди опа-сингил Эштон хонимлар.

– Жирканч қари жодугар, қурумдек коп-қора!

– Чинакам фолбин! – дея хитоб қилди Фредерик Лин. – Уни албатта киритиш керак!

– Тўғри! – дея уни қувватлади акаси. – Наҳот шундай томошани ўтказиб юборсак!

– Йигитлар, эсингизни едингизми? – деб хитоб қилди кичик Лин хоним.

– Мен шу ерда эканман, бунақа бемазагарчиликка йўл қўймайман, – деб тўнғиллади бева Ингрэм хоним.

– Ойижон, қўйсангиз-чи! – Бланшнинг истехзоли овози эшитилди. У рояль олдида ўтирганча, онасига ўгирилиб қаради. Шунгача у ноталарга кўз қадаб, жим ўтирганди. – У тақдиримдан фол очишини истайман. Сэм, ўша кампирни ичкарига олинг.

– Бироқ, азизам, тушун...

– Нима дейишингизни биламан, ойи. Лекин фикримдан қайтмайман. Чақира қол, Сэм!

– Ҳа, ҳа! – деб чувуллади бошқалар ҳам. – Майли, кирсин! Жуда қизиқ-ку! Гумашта эса атай пайсалга соларди:

– Жуда жанжалкаш кампир экан-да лекин...

– Боринг! – деб буюрди жаҳл билан Ингрэм хоним; гумашта ноилож чиқиб кетди.

Мехмонларни ҳаяжон чулғаб олганди. Сэм қайтиб кирганда ҳам, мазах ва ҳазил давом этарди.

– У кирмайман, деяпти, – деди Сэм. – Бутун мўътабар давра олдида (у айнан шу иборани қўллади) фол очиш дуруст бўлмас эмиш. Шунинг учун мени бошқа бир бўш хонага олиб кириш, деб талаб қиляпти; агар жаноб ва хонимлар фол очиришни хохлашса, битта-битта киришсин, деяпти.

– Мана, кўрдингми, гўзалим! – деб бошлади катта Ингрэм хоним. – Кампир хийла ишлятапти. Қулоқ сол, фариштам...

– Кутубхонага олиб кириш, – дея унинг сўзини бўлди “фаришта”. – Ўзимга ҳам шунча одам олдида фол очириш маъқул эмас, ўша пайтда у ва мендан бошқа одам бўлмаслигини истайман. Кутубхонага камин ёқилганми?

– Ҳа, хоним, аммо бу маккор кампир...

– Кўп гапирма, вайсақи! Мен буюргандек қил!

Сэм яна ташқарига йўналди. Мехмонларни баттар ҳаяжон камради.

– Фолбин тайёр, – деди қайтиб кирган гумашта. – Ким биринчи киради, деб сўраяпти.

– Менимча, хонимлардан аввал бирорта эркак кириб, уни синаб кўриши керак, – таклиф киритди полковник Дэнт. – Сэм, унга бир жентльмен киради, деб айтиш.

Сэм чиқиб, қайтиб кирди.

– У, эркакларга фол очмайман, овора бўлиб олдимга киришмасин, деяпти. Хонимлардан фақат – деб кулгисини аранг тийганча, давом этди гумашта, – ёш ва турмушга чикмаганларни кўриб қўяр эмиш.

– Ўлай агар, аҳмоқ эмас у! – деб хитоб қилди Генри Лин.

Бланш Ингрэм тантанавор ўрnidан кўзгалди.

– Мен биринчи кираман, – дея эълон қилди у муқаррар ўлим сари бо-  
раётган ҳарбий отряд командиридек жанговар оҳангда.

– О, азизам, о, бебаҳогинам! Тўхта, ўйлаб кўр! – дея ялинди унга она-  
си. Аммо Ингрэм хоним унинг ёнидан улуғвор сирғалаб ўтди-да, полков-  
ник Дэнт тавозе билан очган эшик ортида кўздан ғойиб бўлди. Сўнгра  
кутубхона эшигининг ғийқиллаб очилган овози эшитилди.

Бир дакика жимлик ҳукм сурди. Ингрэм хоним қизи ҳақида қайғуриб,  
ғамга ботди, Мери хоним эса, фолбиннинг олдига бир ўзим киришга  
журъатим етмасди, деб минғирлади. Эми и Луиза Эштон ҳаяжон ичида  
хингирлашар, чўчишаётгани яққол кўриниб турарди.

Дақиқалар жуда секин кечарди. Чамаси, ўн беш дақиқача вақт ўтгач,  
нихоят, кутубхона эшиги очилди, сўнг равоқ остида Ингрэм хоним  
кўринди.

У ўз фоли устидан кулармикан? Бунга бир ҳазил, деб қарармикан?  
Барчанинг кўзи зўр қизиқиш билан қадалди, лекин у бу нигоҳларни  
совуқ қаршилади, чурқ этиб оғиз ҳам очмади. Унинг юзида на шодлик,  
на ҳаяжон акс этарди; у қаддини адл тутганча, хонани кесиб ўтди-да, ўз  
жойига бориб ўтирди.

– Хўш, Бланш? – дея унга юзланди лорд Ингрэм.

– Кампир нима деди, опа? – деб сўради Мери.

– Қани, фикрингиз қандай? Ҳақиқий фолбин эканми? – дея уни савол-  
га тутди Эштон хоним.

– Шошманг, ховлиқманг, азизларим, – дея жавоб қилди Бланш Ин-  
грэм, – Мени ҳадеб саволга тутманг! Ҳаммангиз, айниқса, сиз – ойижон,  
бу лўли кампир ҳақида шовкин кўтардингиз; кўйиб берса, унинг фолига  
ишониш ва ҳайрон қолишга тайёрсиз! Сиз ўша кампирга шайтон билан  
ош-катиқ жодугар, деб ишониб бўлгансиз, чамаси. Мен эса атиги бир бе-  
чора лўлини кўрдим, холос; у оддий ромчидек кафтимга қараб фол очди,  
шундай пайтда айтиладиган гапларни айтди. Менга энди кампирнинг  
зигирчаям қизиғи йўқ. Жаноб Эштон, мен – розиман, ўша фолбинни, май-  
ли, қамокқа ташлай қолинг!

Ингрэм хоним кўлига китобни олди-да, креслога баҳузур жойлашди,  
бу унинг, суҳбатга бошқа тобим йўқ, дегани эди. Мен ярим соатча ундан  
кўз узмадим. Шу вақтда у китобни бирор марта ҳам варақламади – унинг  
тунд юзига секин-аста ғазаб ва тушқунлик қалқиб чиқарди. Чамаси, у  
фолбиндан бирорта ҳам қувончли гап эшитмаган, шу тобда ғамга ботиб  
жим ўтиришидан, бунга ўзи ҳеч тан олгиси келмаса-да, бироқ фолбин ба-  
шоратидан қаттиқ азобланмоқда эди.

Мери Ингрэм, Эми ва Луиза Эштонлар фолбиннинг ёнига яққа кириш-  
га кўрқишини тан олди, бироқ улар, айнаи чоғда, фол очиришни ҳам хоҳлаб  
турарди. Сэмнинг бир неча бор у хонадан бу хонага мокидек қатнашидан  
сўнг – афтидан, бу машмаша унинг ҳам жонига тегиб кетганди – инжиқ  
фолбин учала хоним бирга киришига рози бўлди.

Уларнинг лўли билан суҳбати Ингрэм хонимниқидан шовқинлироқ  
кечди. Кутубхонадан гоҳ асабий кулган, гоҳ “оҳ” урган овозлар келиб  
турарди. Ниҳоят, йигирма дақиқача вақт ўтиб, ёш хонимлар ҳаяжондан  
бўғриққанча, хонага чошиб киришди.

– У – ғирт жинни! – дея чуғурлади қизлар бир-бирига гал бермай. –

Бизга шунақа гапларни айтдики! Биз ҳакимизда билмаган гапи йўқ! – Улар шундай дея хансираганча, йигитлар қўйиб берган креслоларга ўзларини ташлашди.

Ҳар тарафдан саволлар ёғила бошлагач эса, лўли кампир уларнинг ҳар бири болалигида қандай гаплар айтган-у, қандай ишлар қилганигача топганини айтиб беришди; фолбин уларнинг уйидаги китобу тақинчоқлар, ҳатто, ота-оналари совға қилган альбомларгача таърифлаб берганмиш. Яна айтишларича, лўли кампир уларнинг хаёлидан ўтаётган фикрларни ҳам ўкиб олиб, ҳар бирининг қулоғига энг ардокли кишиси номини шипшиган, энг азиз орзусини ҳам шивирлаган эмиш.

Эркақлар, қандай экан ўша ному ўша орзулар, деб тихирлик қилган эди, бундан хонимчаларнинг жаҳли чиқиб, уятдан кип-қизариб кетди. Бу пайтда ойилари эса қизларига ўтқир атир хидлатиб, уларни елпиғичда елпиганча, сизга шу хом ишни қўйинглар, деб бежиз қайта-қайта тайинламагандик, дея танбех берарди; қариок жентльменлар бу ғўр қизлар устидан беозор кулар, ёшроқлари эса ҳаяжонга тушган хонимчаларга ҳадеб илтифот кўрсатарди.

Шу саросималар ичида кимдир тирсагимга теккандек бўлди, мен ортга ўгирилиб, Сэмни кўрдим.

– Хоним, лўли кампир бу ерда турмушга чикмаган яна бир қиз бор, у фол очдиргани ҳали ёнимга киргани йўқ. Ўша хонимга ҳам фол кўриб қўймай, ўла қолсам ҳам, бу ердан кетмайман, деяпти. Менимча, у сизни назарда тутди, чунки бу ерда фақат сиз қолдингиз, холос. Унга нима дей?

– О, мен албатта бораман, – дея жавоб қилдим унга, зеро, фолбиннинг бу сўзлари мени қизиқтириб қўйганди. Ҳамма ўтақаси ёрилаёзган уч хонимча билан овора бўлиб турган пайтда ҳеч кимга сездирмай ташқарига сирғалиб чиқдим-да, эшикни ортимдан ёпдим.

– Хоҳласангиз, хоним, – дея таклиф қилди Сэм, – сизни даҳлизда кутиб тураман? Агар кўрқиб кетсангиз, мени чақирасиз, дарров кираман.

– Йўқ, Сэм, ошхонага бораверинг. Мен кўрқмайман.

Дарҳақиқат, қалбимда кўрқувдан асар ҳам йўқ, аммо кизиқишим баланд эди.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Мен кирган пайт кутубхона ҳар доимгидек жимжит эди. Фолбин кампир эса камин ёнидаги креслода ўтирарди. У қизил плашч ва қора чепчик, аниқроғи, кенг айвонли лўли шляпаси кийган, бу шляпани йўл-йўл рўмол билан энгаги тагидан танғиб олганди. Столдаги шам аллақачон ёниб тугаганди. Фолбин каминдаги аланга шуъласида дуолар тўпламига ўхшаш қора китобчани ўқирди; кампирлар, одатда, қандай минғирлаб дуо ўқиса, у ҳам худди шундай тушунарсиз тўнғилларди, у мен кирганимдан кейин ҳам бирмунча вақт минғирлашдан тўхтамади. Фикримча, у бошлаб қўйган жумласини охирига етказиб қўймоқчи эди.

Меҳмонхонада оловдан узоқроқ ўтирган, шу сабаб қўлим музлаб қолган эди – уларни оловга тутиб иситиш учун каминга яқин бордим. Шу тобда ўзимни буткул хотиржам тутардим; лўли кампирда ҳам ваҳимага солувчи ҳеч вақо йўқ эди. Ниҳоят, у китобчани ёпиб, менга юзланди. Шляпасининг кенг айвони юзининг бир қисмини тўсиб турса-да, лекин боши-

ни юкори кўтарганда, юзи ғалатилигини кўрдим: бу юзни жигарранг деса ҳам, қора деса ҳам бўларди. Паҳмоқ сочлари энгаги остидан танғилган йўл-йўл рўмолдан тошиб чиқиб, жағини ёпиб турарди. У кўзларини менга кадади; бу кўзлар дадил ва тик боқарди.

– Хўш, сизга ҳам фол очиб қўяйми? – деди у юз ифодасидек кескин ва кўз қарашидек дадил оҳангда.

– Буниси ўзингизга ҳавола, онахон: хоҳланг – очинг, хоҳламанг – йўқ. Аммо сизга айтиб қўяй: мен фолга ишонмайман.

– Вой-бўй, шунақаям бетгачопармисиз?! Рости, ўзим ҳам шуни кутгандим! Бунни остона ҳатлаганингиздаёқ кадам ташлашингиздан билгандим.

– Наҳотки? Қулоғингиз ўткир экан-да...

– Ҳа. Кўзим ҳам ўткир, аклим ҳам.

– Ахир, буларсиз фол очиб бўлармиди?!

– Айниқса, сиздайларга дуч келганда. Сиз нега қалтирамаяпсиз?

– Чунки совқотганим йўқ.

– Нега оқариб кетмадингиз?

– Бетоб эмасман, онахон.

– Нега фол очишимни истамаяпсиз?

– Чунки ҳали эсимни еганим йўқ.

Қари жодугар шляпасини пана қилиб ҳиринглади, сўнг қора калта трубкасини чиқариб, тамаки чека бошлади. Бироз чеккач, эгик елкасини тиклади, трубкасини оғзидан олиб, оловга қаттиқ тикилганча, салмоқ билан деди:

– Барибир, сиз совқотяпсиз. Бетоб ҳамсиз. Эсингизниям егансиз.

– Исботланг, – дедим мен.

– Исботлашга бир неча сўз кифоя! Сиз совқотяпсиз, сабаби – ёлғизсиз, қалбингиздаги аланга бошқа қалбдаги аланга билан туташган эмас. Сиз беморсиз, сабаби – инсонга ато қилинган энг олий, энг ширин ҳисларни ҳали тотиб кўрмагансиз. Эсингизниям егансиз, сабаби – бахтни ўзингизга чорлашни хоҳламайсиз, бундан ташқари, унга қараб бир кадам ҳам ташламайсиз, буларнинг ўрнига изтироб чекиб қўя қоласиз.

У яна трубкани оғзига тикди-да, тамакини чуқур-чуқур тортди.

– Бой хонадонда яшаб турган ҳар бир ёлғиз, қарам қизга шундай дейиш мумкин.

– Мен-ку, ҳаммасигаям шундай десам бўлар, аммо ҳаммасигаям тўғри чиқармикан бу?

– Агар тақдир ёзиқлари меникидек бўлса, ҳа.

– Агар тақдир ёзиқлари меникидек бўлса, эмиш... Қани, менга тақдири айнан сизникидек яна бирорта қизни топиб беринг-чи?

– Минглаб топса бўлади.

– Биттаям тополмайсиз. Сизнинг тақдирингиз – ўзгача. Сиз бахтга яқин турибсиз, фақат қўлингизни узатсангиз, кифоя. Сиз ҳам қалбан тай-ёрсиз, у ҳам... Фақат қўллар узатилса, бас, улар бир-бирига чирмашади. Тақдир бу қўлларни ажратиб қўйган, уларнинг бирлашишига имкон беринг, шунда хузур-халоват нималигини биласиз.

– Менинг жумбоқларга уқувим йўқ, умрим бўйи бирортаям топишмоқ топмаганман.

– Нима, сизга аниғи керакми, унда кафтингизни тутинг.

– Унга кумуш танга ҳам қўйишим керакдир?

– Ҳа-да, албатта.

Мен кампирга бир шиллинг тутдим. У чўнтагидан рўмолча чиқариб, тангани унинг учига тугиб кўйди, сўнг менга яна, кўлингизни узатинг, деб буюрди. Мен унинг айтганини қилдим. Фолбин кафтимга энгашида, уни кузатишга киришди.

– Кафтингиздаги чизиклар жуда ингичка экан, – деди у. – Мен бунақа кафт билан фол очолмайман, унда чизик дегани йўқ ҳисоби. Иннайкейин, фол очгани кафтга қараш шарт ҳам эмас, чунки тақдир ёзиғи кафтга битилмайди.

– Бу фикрингизга қўшиламан, – дедим мен.

– Ҳа, – дея давом этди у. – Тақдир юз аъзоларига битилган бўлади: пешонага, кош-қобокка, кўзнинг ўзига, лаб-даҳанга. Энди тиз букинг-да, менга қаранг.

– Мана буниси анча маъқул, – дедим унинг буйруғини адо этаётиб. – Ҳадемай сизга ишона бошласам ажабмас.

Мен ундан икки қадамча берида тиз букиб ўтирдим. У темир косов билан кўмирни титганди, бирдан қизғиш олов гуриллаб кетди, лекин унинг юзи ҳамон сояда қолган, менинг юзим эса ёришиб кетганди.

– Сиз олдимга қандай ҳиссиётлар билан кирганингизни билмоқчиман, – деди у менга бироз термилиб тургач. – Олийнасаб хоним ва жаноблар кўз олдингизда, худди фонус ёруғидаги соялар каби, лип-лип этиб турган меҳмонхонада қандай фикрларни хаёлдан ўтказганингизни билмоқчиман. Агар улар чиндан-да ҳам фақат соялар бўлса, демак, сиз билан улар орасида на ҳамдардлик бор, на ҳамфикрлик...

– Улар даврасида гоҳо чарчоқ сезаман, гоҳо уйку босади, лекин хафа эмасман улардан.

– Демак, қалбингизда қандайдир сирли умид бор, у сизга куч-қувват ато этади – келажакдан башорат қилиб, кўнглингизга таскин беради.

– Йўқ! Менинг энг катта орзуим – оз-оздан пул тўплаб, кичикроқ уй сотиб олиш, сўнг ана шу уйда мактаб очиш.

– Ўзингизни бахтли ҳис этиш учун сизга шунинг ўзи кифоя эмас. Сиз дераза тоқчасида ўтиришни ёқтирасиз... Ана, кўрдингизми, сизнинг одатларингизни ҳам биламан.

– Сиз буни хизматкорлардан билиб олгансиз.

– О, нақадар зийраксиз! Майли, хизматкорлардан билиб олдим ҳам дейлик. Тўғриси айтсам, бу ерда Пул хоним деган бир танишим бор.

Бу номни эшитиб, бир сесканиб тушдим.

“Демак, сизнинг танишингиз ўша экан-да! – деган ўй кечди хаёлимдан. – Унда бу фолларга шайтон аралашибди!”

– Кўркманг, – дея давом этди лўли кампир. – Пул хоним – ишончли аёл, у – камгап ва босиқ. Менимча, унга тўлиқ ишонса бўлади. Лекин мен сиздан бошқа нарсани сўрадим: наҳот тоқчада ўтирган пайтларингиз фақатгина ўша мактаб ҳақида хаёл сурсангиз? Наҳот шу хонадаги меҳмонлардан бирортаси сизда қизиқиш уйғотолмаса? Наҳот улар орасида ўзингиз кўз узмай кузатувчи бирорта одам бўлмаса? Наҳот бирор меҳмонни шунчаки қизиқиш туфайли ҳам зимдан таъқиб этмасангиз?

– Менга барини кузатиш бирдек ёқади.

– Лекин улар орасидан баъзиларини ажратсангиз керак – дейлик, бит-

таси ёки иккитасини?

– Кўп бўлади бунақаси, масалан, йигит ва қизнинг гап-сўз, имо-ишоралари сизга гўё бир қисса сўйлаб турса, буни кузатиш қизиқ туюлади, албатта.

– Сиз ҳаммадан ҳам кўпроқ қандай “қисса”ларни эшитишни ёқтирасиз?

– О, танлов имкониятим жуда оз! Мавзу ҳар доим битта – хушторлик, интиҳо ҳам ҳар гал ўша – никоҳ.

– Сизга бу абадий мавзу ёқадими?

– Йўқ. Бу мавзуга қизиқмайман. Унинг менга дахли йўқ.

– Дахли йўқ, эмиш? Агар Худо соғлиқдан ҳам, гўзалликдан ҳам, насл-насабу мол-давлатдан ҳам қисмаган ёш хоним бир жентльменнинг ёнига ўтириб олиб, унинг кўзига тикилганча, мастона жилмайиб турса-ю, бу жентльменни сиз...

– Мен... нима?

– Сиз яқиндан танийдиган ва бошқалардан афзал кўрадиган...

– Мен бу ердаги бирорта ҳам жентльменни яқиндан танимайман. Уларнинг бирортаси билан икки оғиз ҳам гаплашмаганман. Энди улар ҳақидаги фикримга келсак, айримлари ёши ўтиб қолган бўлса-да, бообрў ва мухтарам инсонлар, айримлари эса ёш, башанг, кўркам, қувноқ йигитлар. Табиийки, уларнинг ҳар бири ўзи хоҳлаган қизнинг табассумига бемалол муяссар бўла олади. Лекин бунинг менга қандай алоқаси бор, шунисига ақлим етмайроқ турибди.

– Бу жентльменларни танимайман, денг? Ҳеч бири билан икки оғиз ҳам гаплашмаганман, денг? Ҳатто уйнинг хўжайини билан ҳамми?

– Ҳозир у уйда эмас.

– Зўр эътироз, ажойиб важ! У сахар мардонда Милкотга кетган: ё бугун оқшомда, ё эртага тонгда қайтади. Наҳотки шу важдан уни танишларингиз рўйхатидан ўчириб ташласангиз? Наҳот бу одамни, худди тирик эмасдек, бемалол истисно қилсангиз?

– Йўқ, албатта. Бироқ жаноб Рочестернинг бу гапларга қандай алоқаси бор, ана шуни тушунолмаяпман.

– Ҳозиргина жентльменлар кўзига жилмайиб термилувчи хонимлар ҳақида гапирдим. Сўнгги кунларда жаноб Рочестерга бундай табассумлар шу қадар кўп бўлдики! Унинг кўз косалари бундай табассумларга шу қадар лиммо-лим тўлдики! Наҳот сиз буни сезмадингиз?

– Жаноб Рочестернинг меҳмонлардан илтифот кўришга ҳаққи бор.

– Ҳеч ким ҳақ-ҳуқуқ ҳақида гапираётгани йўқ, аммо никоҳ ҳақида сўз кетса, энг кизгин ва дангал лўқмаларга жаноб Рочестер нишон бўлаётганини пайқагандирсиз?

– Сўзловчининг ҳикоясидан эшитувчининг қизиқиши олдинроқ юради, – мен бу гапни лўли кампирга эмас, гўё ўз-ўзимга айтгандек эдим; фолбиннинг ғалати саволлари, овози-ю, қиликлари мени худди тушдек домига тортмоқда эди. Унинг лабларидан дам-бадам шундай ғаройиб арзу ҳоллар тўкилмоқда эдики, охири ўзимни бошдан-оёқ жоду тўри билан чирмаб ташлангандек ҳис эта бошладим. Мен ҳайратда қолган эдим: бу қандай сирли руҳки, шунча кундан бери юрак титроқларимни яширинча кузатиб, унинг ҳар бир зарбини эшитиб турса?

– Эшитувчининг қизиқиши! – дея такрорлади лўли хотин. – Ҳа, жаноб

Рочестер ғунча лаблар унга хузур билан айтган қанча ширин сўзларни жимгина тинглади. Шундай чоғларда унинг бутун вужуди кулоққа айланиб кетардики, бундан унинг мазкур илтифотдан жуда миннатдорлигини билиб олса бўларди. Сиз бунга эътибор бермадингизми, хоним?

– Миннатдорлик, дейсизми? Унинг юзида бундай ифодани пайкамадим.

– Пайкамадингизми? Демак, уни кузатиб ўтиргансиз! Хўш, миннатдорлик бўлмаса, қандай туйғуни пайқадингиз?

Мен индамадим.

– Муҳаббатни, тўғрими? Сўнг келажакка боқдингиз-да, уни уйланган, хотинини эса бахтиёр қиёфада кўрдингиз, шундайми?

– Ҳм, унчаликмас. Гарчи афсунгар бўлсангиз-да, баъзан фолингиз тўғри чикмас экан.

– Унда хаёлингизда нимани кўрдингиз?

– Бунинг сизга дахли йўқ. Мен олдингизга истиғфор келтиргани эмас, тақдиримни билгани кирдим. Нима, жаноб Рочестер уйланишга қарор қилгани аниқми?

– Ҳа, гўзал Ингрэм хонимга.

– Яқин орадами?

– Ҳа, афтидан шунақа! Қолаверса, улар иккови (сиз ўз қайсарлигингиз сабабли – бунинг учун-ку сизни жазолаш керак – шу гапга ишонмасангиз ҳам), шак-шубҳасиз, ажойиб жуфтлик бўлади. Шундай гўзал, олийнасаб, зукко ва билимдон хонимни қандай севмасин, ахир?! Хонимнинг ҳам, чамаси, унда кўнгли бор. Борингки, ўзини бўлмаса ҳам ҳамёнини севади. Хоним, агар Рочестерлар мол-мулкига эга бўлсам, барча ҳасадда ёниб кул бўлади, деган ўйда юрибди. Аммо бир соат олдин (Худо ўзи кечирсин!) мен хонимга бу ҳақда шундай бир гап айтдимки, бундан унинг кайфияти тушиб кетди. У дарров ковоқ-тушмук қилиб олди. Мен хонимнинг қорамағиз қаллиғига, хушёр бўлинг, дея маслаҳат берган бўлардим: зеро, агар ери ва пули кўпроқ яна бирор талабгор чиқиб қолса, махбубаси бу қуёвболани бошқасига алмаштириб юбориши ҳеч гап эмас.

– Кулоқ солинг, онахон, мен бу ерга жаноб Рочестернинг тақдирини билгани кирганим йўқ. Мен ўз тақдирим қандай, шуни билишни хоҳлайман. Сиз эса ҳалигача мен ҳақимда ҳеч гап айтганингиз йўқ.

– Сизнинг келажагингиз ҳали аниқ эмас. Юзингиздаги аломатлар бири-бирига зид келяпти. Тақдир сизга бахт ваъда этган: бунинг уйга келмасидан бурун ҳам билар эдим. Ўз кўзим билан кўрдим, у бахтни оёғингиз тагига қўйиб кетди. Бахтни эгилиб, қўлингизга олсангиз, бас; аммо оласизми ёки йўқми, ҳамма гап шунда, мен шуни топмоқчиман. Яна тиз букиб ўтиринг.

– Кўп вақтимни олманг, камин олди жуда иссиқ.

Мен тиз букиб ўтирдим. Лўли кампир энди юзимга энгашмади, балки гавдасини кресло суюнчигига ташлаб, кўзимга қаттиқ тикилди; сўнг минғирлаб сўзлай кетди:

– Бу хонимнинг кўзларида ўт чакнайди; унинг нигоҳи шабнамдек тоза, яна мулойим ва ҳассос, бу кўзлар менинг валдирашимга қулиб қўйяпти; уларда дамо-дам бир маъно йўқолиб, бошқаси пайдо бўлиб турибди; қорачиқлар тубида бир таассурот бошқаси билан ўрин алмашяпти; улар кулмай қўйса, маънос тортиб қолади; чарчоқдан киприклари юмила бошлайди; бу – ёлғизликдан орттирган дилгирлик нишонаси. Мана, энди у

кўзларини мендан олиб қочмоқда; улар ўткир нигоҳимга чап бермоқчи бўляпти; қорачиклар, ўзим ҳозир фош этган сирни тан олмоқчи эмасдек, кинояомуз чакнамоқда; улар менинг, сиз – таъсирчан ва маъюссиз, деган гапимни бўйнига олгиси йўқ; лекин ўзини мағрур тутиб, сир бермасликка интилиши фикримни тасдиқлайди, холос. Хуллас, кўзлар бахтга эшик очмоқда.

Энди дудокларга ўтсак, улар қулгини хуш кўради; бу лаблар унинг ақли кашф этган ҳақиқатларни сўйлашга ҳар лаҳза шай турса-да, лекин юрагида жўш ураётган хис-туйғуларга келганда, дарров юмилиб олади. Ваҳоланки, титроқ ва қайноқ бу дудоклар кўнгил сирларини жим асраш учунгина яралган эмас; улар дам-бадам сўзлаш ва қулиш, ҳамсухбатига инсоний ҳиссиётларни тўкиб солиш учун яралган. Бу лабларнинг бичими ҳам бахтли тақдирдан дарак бериб турибди.

Менимча, ушбу бахтнинг ягона душмани – манглай; у худди: “Агар иззати нафсим ва мен тушган шароит шуни тақозо этса, бир ўзим ёлғиз ҳам яшай оламан. Роҳат фароғат учун қалбимни сотмайман. Кўксимда бу дунёга келганимдаёқ тухфа этилган сирли хазина бор; у ҳатто бу оламнинг барча шодликлари менга маън этилган ёки бу шодликларга энг азиз деб билган нарсам билан товон тўлаганимда ҳам менга далда бўлиб туради”, деяётгандек. Манглай яна шундай ҳам деяпти: “Менда ақл отига дадил ўтириб, жиловни маҳкам кўлига олган, у эҳтирос ўзини қувиб ўтиб, бирор жарликка эргаштириб кетишига йўл қўймайди. Майли, қалба эҳтирос, ашаддий маъжусийдек, қизгин жазавага тушсин, майли, қалб яна ҳеч қачон ушалмас орзуларга берилсин, аммо ҳар не бўлса ҳам, сўнгги ҳукми шу ақл чиқаради, барини шу ақл ҳал қилади. Майли, менга тўфон, зилзила-ю, ёнгинлар таҳдид солсин, мен, барибир, виждон амрига бўйсуниб, шу сокин овозга қулоқ тутаман”.

Тўғри айтасан, манглай, бу баёнотнинг инобатга олинмай қолмайди. Зеро, сенинг режаларинг – ҳалол режалар, улар виждон овози ва ақл йўриғига зид эмас. Имоним комил, қўлга олинган бахт қосасида бир томчи беҳаёлик ва озроқ виждон азоби таъми бўлса ҳам, ёшлик ниҳоли дарров қовжайради, унинг гули ҳам сўлади. Менга на қурбон, на ҳасрат, на қайғу керак – уларнинг бирортаси ҳам мени ўзига тортмайди. Мен инсон дардига малҳам қўйишни истайман, унинг жонига қасд қилишни эмас, инсон мендан миннатдор бўлишини истайман, кўзидан аччиқ ёшлар қуйилишини эмас – йўқ, бир томчисига ҳам тоқат йўқ менда! Мен табас-сум, қувонч, меҳр чашмасига қонишни хоҳлайман! Йўқ, етар, бас! Мени аллақандай ширин алаҳсираш чулғаб олганга ўхшайди. О, қани эди бу дақиқа абадиятга чўзилса, аммо бунга журъат йўқ менда! Мен ўзимни бир амаллаб ушлаб турибман. Ичган қасамимга содиқ қоламан, лекин бунга кучим етмай қолса-чи? Туринг, Эйр хоним, чиқинг! Фол очиш тугади!

Мен қаердаман ўзи? Туш эмасмиди бу? Ёки ростдан ухлаб қолдимми? Ё ҳалиям туш кўряпманми? Кампирнинг овози бирдан ўзгарди. Унинг сўз оҳанги, юз имо-ишораси – бари-бари менга, худди кўзгудаги ўз аксимдек, лабимдан тўкилаётган ўз сўзимдек, таниш кўриниб кетди. Ўрнимдан турсам-да, лекин чикмадим. Мен каминни титиб, оловни алангалатдим-да, лўли кампирга қарадим; бироқ у шляпасини баттар юзига бостирди, қўли билан эса, кетинг, ишорасини қилди. Олов унинг олдинга чўзилган қўлини ёритди. Шунда унинг қўлига эътибор бердим. Бу – менга ўхшаган

ёш одамнинг кўли эди: кафти – майин ва кучли кўл, бармоқлари – эпчил ва чиройли; жимжилоғида эса энли узук ялтирарди. Мен олдинга энгашиб, неча бор кўрган узукни танидим. Ва яна фолбиннинг юзига боқдим; бу гал у юзини четга бурмади; шляпасининг боғичини ечиб, уни бошидан олди. Бирок у энди бош эгиб турар эди:

– Хўш, Жейн хоним, мени танидингизми? – деб сўради таниш овоз.

– Қизил плашингизни ҳам ечинг, жаноб, ана шунда...

– Боғичи тугилиб қолибди-да, ёрдам бериб юборинг.

– Узиб ташлай қолинг, жаноб.

– Ҳа-я, мана, узиб ташладим. Хуллас, даф бўлсин сохта ниқоб! – Қизил плашч четга улоктирилиб, рўпарамда жаноб Рочестер кад ростлади.

– Жаноб, шартмиди шу беъмани томоша?

– Аммо қойилмақом ўйнадим, тўғрими?

– Томошангиз бошқалар билан қизикрок чиккан бўлса бордир...

– Нима, сиз билан қизиқ чикмадимми?

– Мен билан ўзингизни лўлидек тутмадингиз.

– Хўш, кимдек тутдим? Ўзимдекми?

– Йўқ, бачкана масхарабоздек. Хуллас, мендан ё бир сирни суғуриб олмоқчи, ё бир ўйинга тортмоқчи бўлдингиз. Ўзингиз бўлмағур гаплар айтиб, мени ҳам шунга мажбур қилмоқчи бўлдингиз. Бу қилингиз яхши эмас, жаноб.

– Мени кечирасизми, Жейн?

– Яхшилаб ўйлаб олмагунча, бирор нарса деёлмайман. Агар бутун хатти-ҳаракатимни бирма-бир эсга олиб, хаддан ташқари алжираб юбормаганимга ишонч ҳосил қилсам, шунда сизни кечирим мумкин; аммо сиз, барибир, бундай қилмаслигингиз керак эди.

– О, кўнглингиз тўқ бўлсин, ўзингизни жуда сипо, хушёр ва оқила тутдингиз.

Мен яхшилаб ўйлаб олгач, жаноб Рочестер ҳақ, деган хулосага келдим. Шу билан кўнглимдаги нотинчлик барҳам топди. Дарҳақиқат, мен бу учрашувга аввал-бошдан хушёр бокқандим. Томошанинг остида қандайдир фириб борлигини ҳис этгандим, аммо лўли кампир жаноб Рочестер бўлиб чиқиши сира хаёлимга келмаганди.

– Хўш, – деди у, – нималарни бунча ўйлаб қолдингиз? Лабингиздаги ғолибона табассум нимани англатади?

– Хайриятки, ортиқча алжираб юбормабман. Шунга ўзимдан ҳам хайронман, ҳам мамнунман. Энди кетишимга рухсат берсангиз?

– Йўқ, бир дақиқа тўхтанг: меҳмонлар нима билан бандлиги ҳақида сўзлаб беринг.

– Аниқ гапки, лўли фолбинни ғийбат қилишяпти.

– Ўтиринг, қандай ғийбат қилишаётганини айтиб беринг.

– Мен бу ерда ортиқ қолишни хоҳламайман, жаноб; соат ҳам ўн бирга яқинлашиб қолди. Дарвоқе, жаноб Рочестер, сиз эрталаб Милкотга кетгач, уйга яна бир меҳмон келди.

– Меҳмон? Йўғ-ей. Ким экан у? Ҳеч кимни кутмаётгандим-ку. У қайтиб кетдими?

– Йўқ. Ўзининг айтишича, у сизни кўпдан бери биларкан, сиз билан кўришмагунча, бу ердан кетмас ҳам экан.

– Воҳ, шайтон-ей! Кимлигини айтдими?

– Жаноб Мэзон эмиш. У Ғарбий Ҳиндистондан, Ямайкадаги Спаништаундан келибди.

Жаноб Рочестер, худди креслога ўтказмоқчидек, қўлимдан тутиб олди. Меҳмон кимлигини айтганимда, титроқ қўллари билан бармоқларимни қисди. Лабида табассум қотиб қолди, нафаси ичига тушиб кетди.

– Мэзон! Ғарбий Ҳиндистондан! – деди у. Бу сўзларни инсон эмас, гўё автомат айтаётгандек эди: – Мэзон! Ғарбий Ҳиндистондан! – У бу сўзларни уч марта, ўқтин-ўқтин тин олиб айтди, чамаси, хаёли ўзида эмас эди.

– Ахволингиз яхшими, жаноб? – деб сўрадим мен.

– Жейн, менга қаттиқ зарба бердингиз. Менга қаттиқ зарба бердингиз, Жейн! – У чайқалиб кетди.

– О, жаноб, менга суяниб олинг!

– Жейн, бир гал менга елкангизни тутгандингиз, унга яна бир бор суянай.

– Албатта, жаноб, албатта! Мана, қўлимдан тутинг.

Жаноб Рочестер диванга ўтирди, мени ҳам зўрлаб ёнига ўтқазди. У қўлимни икки қафти орасида сиқиб турарди.

– Менинг ёш дўстгинам, – деди у, – қанийди ҳозир сиз билан кимсасиз оролда бўлиб қолсам... Қанийди барча кўркув, хавф-хатар ва жирканч хотиралар беиз йўқолса...

У менга юзланди: кўзларида таҳлика ва қайғу бор эди.

– Сизга қандай ёрдам берай, жаноб? Агар сизга шу зарур бўлса, майли, жонимни ҳам бераман.

– Жейн, менга ёрдам керак бўлиб қолса, уни фақат сиздан сўрайман. Бунга ваъда бераман.

– Миннатдорман, жаноб. Нима қилишим керак, айтинг, қўлимдан келганича уриниб боқай.

– Менга ошхонадан бир қадах май келтиринг, Жейн. Улар ҳозир кечки овқатни тановул қилаётган бўлишса керак; кейин менга Мэзон ҳам ўша ердами, у нима қилиб ўтирибди, шу ҳақда ҳам айтиб берасиз.

Мен кутубхонадан чиқдим. Меҳмонлар ростдан ҳам ошхонада, жаноб Рочестер тахмин қилганидек, кечки овқат тановул қилаётганди. Кечки овқат столга тортилмай, сервантга қўйилган, шу боис меҳмонлар ўзи хоҳлаган емишни танлаб, қўлларида тақсимча ва қадах тутганча, кичик гуруҳларга бўлиниб, тик оёқда овқатланмоқда эди. Улар ниҳоятда шодқувноқ эдилар. Ҳар тарафдан гап сотишлар-у қаҳ-қаҳ отишлар эшитиларди. Жаноб Мэзон камин олдида полковник Дэнт ва унинг хотини билан суҳбат қураб, у ҳам барча қатори мамнун кўринарди. Мен қадахга май қуйдим-да (бунни кўриб, Ингрэм хоним қовоғини уйди, чамаси, у мен ҳақимда “Бунга қандай ҳадди сиғди!” деб ўйларди), кутубхонага қайтдим.

Жаноб Рочестернинг юзидан бояги мудҳиш кўркув ариган, у яна терс ва тунд қиёфага кирганди. У қўлимдан қадахни олди.

– Сизнинг соғлигингиз учун ичаман, ёқимтой фариштам, – деди у ва майни сипқориб, қадахни қайтарди. – Улар нима қилишяпти, Жейн?

– Кулишиб, гаплашиб ўтиришибди, жаноб.

– Сизга улар, ғаройиб сирни билиб олгандек, ўзини жиддий ва сирли тутаётганга ўхшаб кўринмадими?

– Асло! Улар ҳазил-хузул билан кўнгилхушлик қилиб ўтиришибди.

– Мэзон-чи?

– Уям яйраб ўтирибди.

– Мабодо шу одамлар ҳозир бу ерга кириб, юзимга тупуришса, нима килардингиз, Жейн?

– Агар қўлимдан келса, хонадан ҳайдаб солардим, жаноб.

У нимтабассум килди.

– Башарти уларнинг ёнига кирсам-у, менга совуқ назар ташлаганча, бир-бири билан истехзо-ла шивирлашса, сўнг эса бирин-кетин уйни тарк эта бошлашса, сиз нима қилардингиз, Жейн? Улар билан бирга кетарми-дингиз?

– Йўқ, жаноб. Сиз билан колардим.

– Мени овутиш учунми?

– Ҳа, жаноб, кучим етганича сизни юпатиш учун.

– Бунинг учун сизни лаънатлашса-чи?

– Ким ҳам мени лаънатларди, ҳатто лаънатлашган тақдирда ҳам, улар билан неча пуллик ишим бор?

– Демак, сиз мени деб одамлар фикрига қарши бора оласиз, шундайми?

– Мен ёрдамимга муносиб ҳар қандай инсон учун шундай килардим. Сиз эса, ишончим комилки, шунга муносибсиз.

– Энди ошхонага қайтинг-да, секин Мэзоннинг ёнига бориб, унинг қулоғига жаноб Рочестер қайтди, у сизни кўрмоқчи, деб айтинг. Уни шу хонага бошлаб келиб, бизни ҳоли қолдиринг.

– Хўп, жаноб.

Мен унинг илтимосини бажо келтирдим. Меҳмонларни оралаб жаноб Мэзон сари юрганимда, барча ортимдан ажабланиб қараб қолди. Мен янги меҳмоннинг ёнига бордим-да, унга жаноб Рочестер буйруғини етказдим, сўнг уни кутубхонага киритиб, ўзим юкорига кўтарилдим.

Ярим кеча бўлганда – мен бу вақтда аллақачон уйкуга ётган бўлардим – меҳмонлар ўз ётоғига тарқалаётганидан дарак бериб, ғала-ғовур овозлар эшитилди. Қулоғимга жаноб Рочестернинг: “Бу ёкка, Мэзон. Сенинг хонанг – мана бу”, деган овози чалинди.

Унинг овози қувноқ эди, бундан кўнглим таскин топди-ю, дарров ухлаб қолдим.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Ҳар кеч дарпардани тушириб уйкуга ётардим, бироқ шу куни буни эсимдан чиқарибман. Шу сабабдан тўлин ой деразам устига келиб, ундан ичкарига мўралаганда, ёруғ рухсори мени уйғотиб юборди. Тун яримдан оккан эди: мен кўзимни очганим ҳамоно кумушранг нурафшон доирани кўрдим. Ой ғоятда гўзал, аммо тантанавор кўринарди. Мен ўрнимдан турдим-да, пардани ёпгани қўл узатдим.

Эй, Худо, қандай фарёд бу!

Тун сукунати, тун оромини уйнинг бир бурчидан бошқа бурчига ўзини ураётган дарғазаб ва кучли ёввойи чинқириқ бузди.

Юрагим уришдан тўхтаб қолгандек бўлди; дарпардага чўзилган қўлим ўша холида қотиб қолди. Чинқириқ тинди, қайта эшитилмади. Бу ўқирик қандай махлуқ бўғзидан чиқмасин, уни қайта такрорлаш амримаҳол эди. Анд чўққисидаги энг йирик ўлимтихўр куш – кондор ҳам булутларга ёндаш уясида бундай кичкира олмасди. Шундай фарёд урган махлуқ яна кичкириш учун аввал нафас ростлаб, куч тўплаб олиши керак эди.

Фарёд учинчи қаватда, шундоқ тепамда янгради. Ўша ёқда мен олишув

шовкинени эшитдим, бу ҳаёт учун эмас, мамот учун кураш эди. Кимдир ярим бўғиқ овозда талваса-ла шошиб уч марта, “Қутқаринг! Қутқаринг! Қутқаринг!” деб бакирди.

– Наҳот ҳеч ким эшитмаган бўлса? – деган овоз ҳам янгради кўп ўтмай. Сўнг юқори каватда кучли дупур-дупур ва шовкин-сурон аралаш:

– Рочестер! Рочестер! Худо ҳаққи! Бу ёкка! – деган хитоб эшитилди.

Қаердадир эшик тарақлаб очилди. Кимдир долондан югуриб ўтди. Яна кимнингдир қадами эшитилди, нимадир ағдарилди ва жимжитлик чўкди.

Мен эгнимга кийимимни илиб, даҳшатдан титраганча, долонга отилдим. Барча меҳмонлар аллақачон уйғонган эди. Уларнинг ётоғидан кўркув ичида оҳ-воҳ чекиш, шивир-шивир гаплашиш овози келарди; эшиклар бирин-кетин очила бошлади: аввал бир меҳмон мўралади, кейин бошқаси; аста-секин йўлак одамга тўлди. Эркагу аёл тўшакдан сапчиб турганди. Ҳар қаердан, “Бу нима ўзи?”, “Кимни ўлдириб кетишди?”, “Шам келтиринг бизга!”, “Қаерда ёнғин бўлди?”, “Қарокчилар қаерда ўзи?”, “Қаерга қочайлик биз?” деган овозлар келиб турарди. Агар кеча ойдин бўлмаса, меҳмонлар зимистонда қоларди. Ҳамма у ёқдан-бу ёққа чопар, бир ерга тўдаланиб олар, айримлар ҳиқ-ҳиқ қилар, айримлар базўр оёқда турарди. Бу тўполонни сўз билан таърифлаб бўлмасди.

– Рочестер қаёққа гум бўлди? – деб бакирди полковник Дэнт. – У ҳеч қаерда йўқ.

– Бу ердан! Бу ердан мен! – дея унга жавоб берди қоронғиликдан таниш овоз. – Илтимос, ҳаммангиз тинчланинг. Мана, ёнингизга боряпман.

Долон охиридаги эшик очилди-да, қўлида шам билан Рочестер кўринди. У эндигина юқори каватдан тушган эди. Хонимлардан бири унинг ёнига шошиб чопиб борди-ю, қўлига ёпишиб олди. Бу – Ингрэм хоним эди.

– Даҳшатли воқеа юз бердимиз? – деб ҳовликиб сўради у. – Тезроқ айта қолинг, дарҳол билишимиз шарт!

– Мени бунчалар тортқиламанг! Яна бўғиб ҳам қўйяпсиз, – дея жавоб берди жаноб Рочестер, чунки опа-сингил Эштон хонимлар кўркувдан унинг пинжига суқилиб олган, икки бева хоним эса кенг оқ халатларида, гўё елканларини ёйган қўш кемадек, унга пешвоз чопиб борарди.

– Ҳаммаси жойида, ҳаммаси жойида! – деб бакирди у. – Бу – атиги “Йўқ ердан чиққан ғавғо” комедияси репетицияси, холос. Хонимлар, илтимос, атрофимда уймалашманг, акс ҳолда жаҳлим чиқиб кетади.

Дарҳақиқат, у ўта дарғазаб бир вазоҳатда эди. Тим қора кўзларида учкун чакнарди. У ўзини куч билан қўлга олиб, осойишта оҳангда бундай деди:

– Оксочлардан бири кўрқинчли туш кўрибди, – шугина, холос. Бу аёл ўзи асабийроқ, – салга ловуллаб кетади. Тушида бир балолар кўрган-у, ўлгудек кўрқиб кетган. Энди сизларни хонангизга кузатиб қўяй: уйга жимжитлик чўкмагунча, оксочни тинчлантириб бўлмайди. Жентльменлар, илтимос, хонимларга ибрат кўрсатинг. Ингрэм хоним, ишончим комил, сиз жасур кизсиз. Эми ва Луиза, қўш кабутардек, инингизга қайтинг. Сизлар эса хонимлар, – мурожаат этди у бир жуфт бевага, – долонда кўп туриб қолсангиз, тумов орттириб оласиз.

Хуллас, у гоҳ ҳазил, гоҳ қатъият билан ҳаммани хона-хонасига киритди. Мен эса унинг буйруғини кутиб ўтирмадим, хонамдан қандай бесас чиққан бўлсам, унга шундай жимгина қайтдим.

Аммо ўрин-тўшакка ётмадим. Аксинча, шошилиб кийина бошладим.

Фарёддан кейинги шовқинни, чамаси, фақат мен эшитдим, холос, чунки ўша олишув шундоқ тепамдаги хонада юз берди ва, шунга имоним комилки, барчамизни дахшатга солган воқеа оксочлардан бири кўрган туш эмас, зеро, жаноб Рочестер меҳмонларни тинчлантириш учун шундай баҳона ўйлаб топди. Шу боис мен кийиниб олиб, ҳар нарсага тайёр бўлиб турдим. Мен дераза тоқчасига ўтириб олдим-да, жимжит хиёбон ва ойдин далага боққанча, ўзимга ҳам ноаён бир нарсани кутиб узоқ ўтирдим. Назаримда, бу ғалати фарёд, илтижо ва олишув ортидан яна бирор воқеа бўлиши лозим эди.

Лекин ҳамма ёқни осудалик эгаллади. Уйда сукунат ҳукм сурарди. Барча ғимир-ғимиру шивир-шивирлар тинди, бирор соатдан сўнг Торнфильд-холл худди чўл-биёбондек жимжит бўлиб қолди. Шунинг таъсиридами, тун ва уйку яна ўз ҳақини талаб эта бошлади. Ой ҳам ботди. Совуқ ва зулмат кўнглимга тегди, уст-бошимни ечмай, ўрнимга ётмоқчи бўлдим. Деразадан узоклашдим-да, каравот ёнига бордим. Энди бошмоғимни ечгани энгашган ҳам эдим, кимдир эшигимни секин такиллатди.

– Мени чақирिशяптими? – деб сўрадим мен.

– Ухламаяпсизми? – деди мен кутган овоз, аниқроғи, хўжайиннинг товуши.

– Уйғоқман, жаноб.

– Кийинганмисиз?

– Ҳа.

– Унда чиқинг, фақат оҳиста.

Мен чиқдим. Йўлакда шам тутганча, жаноб Рочестер турарди.

– Сиз менга кераксиз, – деди у, – ортимдан юринг. Шошманг ҳам, овоз чиқарманг ҳам.

Оёғимга энгил туфли кийганимдан гилам устида мушукдек бесас юрдим. Жаноб Рочестер зинадан кўтарилди-да, ўша машъум учинчи қаватнинг зимзиё ва пастак долонида тўхтади. Мен ҳам унга ёнма-ён тўхтадим.

– Хонангизда сочиқ борми? – деб сўради у шивирлаб.

– Бор, жаноб.

– Ҳидлатгани туз-чи?

– У ҳам.

– Бориб, олиб келинг.

Мен хонамга қайтиб, сочиқ ва туз олиб, яна юқорига кўтарилдим. У мени кутиб турар, кўлида калит бор эди. Пастак қора эшиклардан бири ёнига бориб, кулфга калитни солди, бироз тайсаллаб турди-да, яна менга ўтирилди:

– Қонни кўриб, хушдан кетмайсизми?

– Буни аниқ айтолмайман-у, лекин хушимдан кетмасам керак.

Унга жавоб бераётиб, сирли титрокка тушдим. Аммо бу кўркувдан ҳам, ожизликдан ҳам эмасди.

– Қўлингизни беринг, – деди у. – Хушдан кетиш билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Мен қўлимни унга тутдим.

– Қўлингиз иссиқ ва кучли, ҳечам титраётгани йўқ, – деди у ва калитни бураб, эшикни очди.

Фэйрфакс хоним бир гал мени етаклаб келиб, кўрсатган хонага кир-

дик – Торнфильдга келган илк куним у менга бутун уйни таништириб чикканди. Ўшанда деворлар суратли гиламлар билан қопланган, ҳозир эса улардан бири кўтариғлик турар, худди шу ерда яширин эшик бўлиб, у ланг очиб қўйилган эди. Ичкари хонада чироқ ёниб турар, ўша ёқдан ғалати бўғиқ хириллаш эшитилар, гўё кутурган ит кириб олганга ўхшарди. Жаноб Рочестер шамни полга қўйди-да, менга, “Бир дақиқа кутинг!” дея ичкарига кириб кетди. Шу тоб у кирган хонада кимдир бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулди, бу кулги аввал кулокни кар килгудек қаттиқ янгради, кейин эса Пул хонимникидек мудҳиш ва узуқ-юлуқ “ха-ха”га айланди. Демак, у шу ерда экан-да! Жаноб Рочестер, чамаси, бировга сас-садосиз қандайдир топширик берди, ўша кимдир эса унга шивирлаб бир нима деди. Сўнг хўжайиним чикди-да, ортидан эшикни ёпди.

– Бу ёққа, Жейн, – деди у.

Биз атрофи парда билан ўралган баҳайбат каравотни айланиб ўтдик, – у хонанинг анчагина қисмини эгаллаб турарди. Каравотнинг бош тарафига кресло қўйилган бўлиб, унда ярим ялонғоч бир эркак ўтирарди; эркак бошини орқага ташлаганча, кўзини юмиб олган эди. Жаноб Рочестер шамни яқинроқ олиб борди, – мен оқарган юзида ҳеч қандай ҳаёт аломати йўқ янги меҳмон Мэзонни кўрдим. Унинг елкаси ва қўлтиғида қон доғлари бор эди.

– Шамни ушланг, – деди жаноб Рочестер; унинг қўлидан шамни олдим. У жўмракдан тоғорага сув олди. – Шамни тутинг, – деди у. Мен буйрукни адо этдим. У сочикни сувга ботириб, Мэзоннинг мурданикидай оппоқ юзини артди. Сўнг мендан ҳидлатувчи тузни сўраб, уни меҳмоннинг бурнига олиб борди. Мэзон бир ҳидлагандаёқ кўзини очди. У ингради эди. Жаноб Рочестер ярадорнинг қўйлагини ечди-да – унинг қўли ва елкаси боғланган эди, – катра-катра қон томчиларини сочик билан артди.

– Менга нима бўлди? Оғир яраландимми? – деб гўлдиради жаноб Мэзон.

– Ҳечқиси йўқ! Озроқ тирналган, холос! Фақат шалпайма, мард бўл! Ҳозир докторни бошлаб келаман. Эрталаб эса сени бу ердан олиб кетамиз, Жейн! – деди сўзида давом этиб у менга мурожаат қилганча.

– Ҳа, жаноб?

– Сизни бир-икки соатга шу жанобнинг ёнида қолдираман. Агар қон оқиб чиқса, мен ҳозир қилгандек, сочик билан артасиз. Ўзини лоҳас ҳис қила бошласа, стаканда сув тутиб, анави тузни ҳидлатасиз. Бироқ ҳар нима бўлганда ҳам у билан гаплашмаслигингиз керак. Эсингда тут, Ричард, сенга ўлимингни ўртага қўйиб, у билан гаплашишни таъқиқлайман. Агар оғзингни очсанг ёки кимир этсанг, оқибати ўзинг учун ёмон бўлади.

Шўрлик Мэзон яна ингради; у килт этмай ўтирар – ўлимданми ёки бошқа нарсаданми кўркқанидан фалаж бўлиб қолганди. Жаноб Рочестер қўлимга сочикни тутказди, мен унинг ўзидек қилиб, қонни арта бошладим. У бир неча сония мени кузатиб турди-да, сўнг: “Эсингизда тутинг, гаплаша кўрманг!” деб такрорлаганча, хонадан чикди. Эшик ташқаридан қулфланиб, хўжайиннинг қадам товуши узоқлашгач, мени ғалати туйғу чулғаб олди.

Мана, мен учинчи қаватда, қулфлоглик яширин хонада ўтирибман; мен тун зулмати бағрига сингиб кетгандим. Шундоқ қаршимда – мен ғамхўрлик қилишим лозим бўлган одам кути ўчганча, қонга беланиб ётибди; унга даъф қилган қонхўр билан мени юпка девор ажратиб туриб-

ди, холос. Ҳа, бу дахшатли эди; мен ҳар қандай кўргиликка тайёр эдим-у, аммо Грэйс Пул менга ҳам ҳамла қилиб қолса-я, деган фикрдан титроққа тушардим.

Ҳар не бўлса ҳам, барибир, шу ерда қолишим лозим эди. Мен мурда-дек оқарган мана шу рангсиз юзга, кўкариб кетганча, қимтиниб турган мана шу лабларга, гоҳ юмиб очилган, гоҳ аланглаб боққан, ахён-ахёнда эса юзимга тикилганча, дахшатдан қотган мана шу кўзларга посбонлик қилишим шарт эди. Мен сочикни тоғорадаги сувга қайта-қайта чайиб, сизиб чиқаётган қон томчиларини артар эдим. Шам ёниб, тугаб боргани сари деворга осилган эски гиламлар ранги қуюқлашар, баҳайбат каравотнинг оғир пардаси ортида қора тусга кирар ва рўпарадаги эски шкаф устида ғалати қимирлагандек туюларди: у ўн икки тавақали бўлиб, ҳар бир тавақага биттадан ҳаворийнинг сўник қиёфаси маҳорат-ла чизилган, шундан ҳар бир ҳаворийнинг тасвири чорчўпга солингандек кўринар, уларнинг тепасида эса чормихга тортилган Исо Масих тасвири қора ёғоч бут осилиб турарди.

Шамнинг титраб ёнишига мутаносиб гоҳ серсоқол табиб Луконинг эгилган юзи, гоҳ авлиё Юҳаннонинг узун сочли боши, гоҳ эса Иуданинг иблисона афт-ангори кўзга ташланарди, – Иуданинг афт-ангори гўё бирдан жонланди-ю, унга гўё шайтон таҳдиди аксланди, – жаннатдан қувилган малъун иблис шу пайтда ўз малайи қиёфасига кириб олганди.

Шу зимзиё хонада бедор бўлишим, коровуллик қилишим керак эди: эшикнинг нариги тарафидаги ёввойи махлуқ ёхуд иблиси лаиннинг хатти-ҳаракатига қулоғим динг эди. Аммо жаноб Рочестер бу ердан кетаётиб, ўша махлуқни афсунлаб қўйгандек эди. Бутун тун давомида девор ортидан менга бор-йўғи уч марта, ўшанда ҳам бир-биридан анча вақт ўтиб, бўғиқ овоз эшитилди, холос: бу – гоҳ полда юргандаги ғичирлаш, гоҳ мени жиркантирган таниш хириллаш ва мунгли инграш эди.

Боз устига, мени ўз хаёлларим ҳам азобга соларди. Бу хилват уйда қандай жиноят пинҳонки, уй эгаси уни на баргараф эта олса ва на олдини ола билса? Туннинг энг жимжит соатларида бу маконга қандай куч дам ёнғин, дам қотиллик бўлиб писиб кирмоқда? Бу қандай махлуқки, оддий бир хотин қиёфасига кириб, овозини бундай ҳайратомуз ўзгартирса? Гоҳ у барчани мазах этувчи ёвуз ялмоғиз, гоҳ ўлимтикни бурдаловчи ёввойи калхатга айланарди.

Мен устида эгилиб, юзига боқиб турган шу нотаниш кимса, шу жўн, шу ювош одам бу дахшат тўрига қандай тушиб қолди? Нима учун анави баджаҳл аёл унга тажовуз қилди? У тун ярмидан окқанда ўз ўрин-тўшагида тинчгина ухлаб ётиш ўрнига уйнинг бу овлоқ чеккасига қандай келиб қолди? Жаноб Рочестер унга пастдан хона кўрсатганини ўз қулоғим билан эшитган эдим, – мабодо шундай бўлса, уни нима бу ерга етаклаб келди? У нега энди ўзига қилинган зулм ва ҳатто, хиёнатга бундай ювош муносабатда бўляпти? Нега жаноб Рочестер уни банд маҳкум этса, бунга сўзсиз итоат этмоқда? Жаноб Рочестерга-чи, бу ғалвалар нега керак бўлиб қолди? Яқинда ўзининг ҳаётига суиқасд қилинганди, энди эса меҳмоннинг жонига тажовуз этилди; у шу икки жиноятни ҳам нега сир сақлаш, унутиб юборишни маъкул кўряпти? Боягина мен жаноб Мэзон жаноб Рочестерга сўзсиз итоат этганига гувоҳ бўлдим, торнфильдлик асилзоданинг собит иродаси меҳмоннинг суст табиатини осонгина

бўйсундирганини кўрдим: иккови орасидаги бир-икки оғиз гап буни тасдиқлади-қўйди. Афтидан, уларнинг аввалги муносабатларида ҳам жаноб Рочестернинг шахди оғайнисининг сустигидан устун турган. Унда хўжайиним жаноб Мэзоннинг келганини эшитганда кўриб кетганини нима билан изоҳлаш мумкин? Нега ҳозир унинг амрига бола мисол индамай бўйсунмаётган мана шу ожиз кимсанинг исмиёқ бир неча соат олдин, бақувват эманни ағдарган яшиндек, хўжайинимни яксон қилди?

Мен унинг, “Жейн, сиз менга зарба бердингиз! Сиз менга зарба бердингиз, Жейн!” дея шивирлаганча, кўзлари бежо боққани, юзи кув оқариб кетганини эсдан чиқаролмасдим. Жаноб Рочестер елкамга суянганда, кўллари титраганини ҳам унутиш даргумон эди; ахир, довиюрак бу инсоннинг қаддини эгиш, кучли танасига титроқ солиш осон иш эмас эди-да!

– У қачон келади? Қачон келади у? – дея хайқирдим кўнглимда мен; зеро, тун адоғи йўқдек ҳеч тугамас, жаноб Мэзон эса инграр, ҳолдан тойиб, сўлиб борар, аммо на ёрдамдан дарак бор эди ва на тонгдан. Мен ярадор жентльменнинг лабига қайта-қайта сув томизар, қайта-қайта туз хидлатар эдим, лекин барча уринишларим зое кетаётгандек туюларди. Жисмоний ва рухий азоб, кўп кон йўқотиш, – барибир бўлиб, унинг тинкасини куришиб қўйганди. У “оҳ” чекканида шунчалар бемажол, паришон ва бахтиқаро кўринардикки, наздимда, боёқиш ҳозир ўлиб қолади-ю, мен эса гаплашолмай қоладигандек эдим.

Охири шам ёниб тугади. У липиллаб ўчгач, парда тиркишида кулранг ёруғликни кўрдим, демак, тонг яқинлашиб қолибди. Сўнг Пилот ховлидаги ўз уйчасида хурганини эшитдим. Бундан умидим янада ортди. Беш дақиқадан сўнг қоровуллик тугаганидан дарак бериб, кулфда калит ғичирлади. Мен бу хонада икки соатча ўтирдим, аммо кўнглимда бир ҳафта ўтиргандек бўлдим.

Жаноб Рочестер хонага докторни бошлаб кирди.

– Қани, Картер, энди шошилинг, – дея мурожаат қилди у докторга. – Беморнинг ярасини ювиш, боғлаб қўйиш, пастга олиб тушиш учун сизга ярим соат вақт бераман.

– Юра оладими у жаноб?

– Юра олганда қандок. Жароҳати оғир эмас, бироз асаби бузилган, холос, кайфиятини кўтариш керак. Қани, ишга киришинг.

Жаноб Рочестер хонага ёруғлик кирсин деб пардани сурди. Ховли аллақачон ёришган эди, буни кўриб суюниб кетдим. Шарқ тараф пушти нур толаларидан шунақаям ёрқин товланардикки! Жаноб Рочестер пардани сургач, доктор муолажа қилаётган дўсти ёнига келди.

– Хўш, оғайни, қалайсан? – деб сўради у.

– Бошимга етдими, деб кўркаман, – деди жаноб Мэзон зўрға пичирлаб.

– Бўлмағур гап, ўзингни тутсанг-чи! Икки ҳафтада яна аввалгидек соппа-соғайиб кетасан. Бироз қон йўқотдинг, бор гап – шу. Картер, ҳеч қандай хавф йўқ, деб айтинг унга.

– Ишончим комилки, худди шундай, – деб жавоб берди доктор. Бу пайтда у жаноб Мэзоннинг яраларидан докани ечиб бўлган эди. – Афсуски, сал олдинроқ етиб келмадим, акс холда бунчалик кўп кон йўқотмаган бўларди. Оббо, буниси нима? Елка тилингангина эмас, юлиб ҳам олинганку! Бу тиғнинг изи эмас, биров тишлаганга ўхшайди.

– Ҳа, тишлади мени у, – деб пичирлади бемор. – Худди йўлбарсдек

ташланувди, хайриятки, Рочестер қўлидан пичокни юлиб олди.

– Нега унга таслим бўлдинг-а? Қаршилиқ кўрсатишинг керак эди, – деди жаноб Рочестер.

– Ахир, бундай ҳолатда нима ҳам қила олардим? – дея эътироз билдирди Мэзон. – О, у жуда ғазабга минганди, – деб кўшиб қўйди бемор титраганча. – Мен бундай бўлишини кутмагандим, ахир, бошида мулойим кўринган эди-да.

– Мен сени огоҳлантиргандим, – деб жавоб берди жаноб Рочестер, – унинг ёнида хушёр тур, деб айтгандим. Қолаверса, тонггача кутиб турсанг бўларди, мен билан бирга кирардинг; шу бугун кечасиёқ, яна якка-ма-якка учрашишга – аҳмоқликдан бошқа нарса эмас.

– Менга шуниси маъкулдек кўринувди.

– Маъкул кўринганмиш! Маъкул кўринганмиш! Шу гапингни эшитиб, қоним қайнаб кетяпти. Нима бўлгандаям, маслаҳатимга кирмай, азият чекдинг, яна қанақа де, тузуккина азият чекдинг. Шунинг учун, майли, индамай қўя қолай. Картер, тезроқ қимирласангиз-чи! Ҳозир куёш чиқади, унгача буни уйдан олиб кетишимиз керак.

– Бир дақиқа, жаноб. Елкасини боғлаб бўлдим. Қўлидаги яра қолди. Бу ерда ҳам тиш излари бор-ку.

– У қонимни сўрди; бор қонингни ичаман, деди! – хитоб қилди Мэзон.

Жаноб Рочестер титраб кетганини кўрдим: унинг юзи нафрат ва ғазабдан буришса-да, лекин ўзини тутиб:

– Жим бўл, Ричард, унинг валдирашларини қўй; шуларни тилга олиб ўтирма, деди.

– Қанийди унутолсам...– деган жавоб бўлди жаноб Рочестернинг бу таънасига.

– Ҳечкиси йўқ, Англиядан кетганинг ҳамоно унутасан; Спаништаунга етиб борганингда эса уни аллақачон ўлган одамдек эслайсан. Янаям маъкули, уни умуман эсга олма.

– Бу кечани унутиб бўлармиди!

– Йўқ, унутиб бўлади! Ўзингни қўлга ол! Икки соат олдин энди ўлдим, дегандинг, ҳозир эса ҳеч вақо бўлмагандек, сафсата сотяпсан. Мана, Картер ҳам ишини тугатаёзди; ўзим сени тез эпакага келтираман. Жейн (келганидан бери менга илк бор мурожаат қилди у), мана бу калитни олиб, менинг ётоғимга тушинг-да, жавон ёнига бориб, юқори тортмасини очинг, ундан тоза қўйлак, бўйинга боғланувчи дастрўмол олиб, бу ерга келтиринг. Фақат тезроқ бўлинг.

Тезда пастга тушиб, жавондан кийимларни олдим-да, яна юқорига кўтарилдим.

– Энди эса, – деди жаноб Рочестер, – каравот ортига ўтинг. Мен уни кийинтириб қўяман. Фақат хонадан чиқманг. Яна керак бўласиз.

Мен унинг айтганини қилдим.

– Пастга тушганингизда ҳеч ким уйғонмаганмиди, Жейн? – деб сўради жаноб Рочестер.

– Йўқ, жаноб. Ҳамма ёқ жимжит эди.

– Сени ими-жимиди олиб чиқамиз, Дик. Шундай қилсак, сен учун ҳам, анави шўрлик учун ҳам яхши бўлади. Мен шу сирнинг очилишидан кўрқиб, узоқ вақт қочиб юрдим, ҳозир эса бунга аввалгидан ҳам баттар тоқатим йўқ. Унга пиджагини кийишда ёрдамлашиб юборинг, Картер...

Мўйнали плашчинг каерда қолди? Усиз бу қахратонда бир милга ҳам етолмайсан. Ҳа, топдим, – у ўзингнинг хонангда. Жейн, жаноб Мэзоннинг ётоғига югуринг, – у менинг хонам билан ёнма-ён, – ўша ердан плашчни олиб келинг.

Мен яна пастга тушиб, мўйнали плашчни келтирдим.

– Энди сизга яна бир топширигим бор, – деди тиниб-тинчимас хўжайиним. – Сиз яна хонамга тушиб чиқмасангиз бўлмайди. Оёкчаларингиз худди барқутдек майинлиги қандай соз, Жейн. Агар отга ўхшаб топиллаб юрганингизда, холимизга вой бўларди. Столимнинг ўрта кутисини очсангиз, шиша билан стакан чиқади. Тез олиб келинг!

Мен шошиб чиқдим-да, шишани олиб келдим.

– Жуда соз! Энди эса, доктор, унга бундан ўзим ичириб қўяман. Мен буни Римда бир итальян лўттибоздан сотиб олганман; сиз унақа одамни ёнингизга яқин ҳам йўлатмасдингиз, Картер. Агар зарурат бўлмаса, бу сабилни ишлатмаган маъқул, лекин бошқа чора қолмаганда, туппа-тузук фойда беради. Жейн, озроқ сув қуйинг.

У стаканни тутди, мен графидан унга яримлатиб сув қуйдим.

– Етарли. Энди шишанинг оғзини ҳўлланг.

Унинг айтганидек қилдим. Жаноб Рочестер стаканга ўн икки томчи кизил дори томизди-да, жаноб Мэзонга тутди.

– Ич, Мэзон. Бу сенга бир соатча мадор бўлади.

– Зарар қилмайдими ишқилиб? Танамга куч берадими?

– Ич, ич, ич!

Мэзон дўстининг айтганини қилди, зеро, эътироз билдиришнинг мавриди эмасди. У аллақачон бош-оёқ кийиниб олган, юзи ҳамон рангпар кўринса-да, аммо беҳол ва лоҳас эмас эди. Жаноб Рочестер унга уч дақиқа ўтиришга рухсат берди, сўнг қўлтиғидан кўтарди.

– Ишончим комил, энди оёқда тура оласан,– деди у. – Қани, бир уриниб кўр-чи.

Бемор турди.

– Картер, нариги қўлидан ушланг. Ўзингни бардам тут, Мэзон! Қадам бос... мана шундай.

– Мен чинданам ўзимни тузук ҳис этаяпман, – деди жаноб Мэзон.

– Албатта-да. Энди, Жейн, орқа зинадан чопиб тушинг-да, ён эшик турумани очинг, ҳовли ё дарвозада фэйтон турибди, аравакашга айтинг – унга тош йўлда тарақлатма, деб буюрганман – биз тушяпмиз, шай бўлиб турсин. Яна, Жейн, бирортаси уйғонган бўлса, зинапоя майдончасидан ишора беринг.

Тўрт яримлар чамаси эди, куёш чиқиб бўлган, аммо ошхона ғира-шира ва жимжит эди. Ён эшик турумланган экан, уни бир наъви шовқинсиз очдим. Ҳовлида ҳеч ким йўқ, лекин дарвоза ланг очиқ эди – мен кўчада бир жуфт от қўшилган фэйтон ва сергак ўтирган аравакашни кўрдим. Унга яқин бордим-да, жентльменлар тушаётганини айтдим. Аравакаш бош ирғаб қўйди. Сўнг атрофга кўз югуртириб, қулоғимни динг қилдим. Ҳамма ёқда сахарги осудалик ҳукм сураб, оқсоч ва гумашталар турувчи учинчи қаватда барча дераза пардалари туширилган эди. Марвариддек оппоқ гуллаган мевали дарахтларнинг тигиз барглари орасида қушлар вижирлар, ҳовли адоғигача чўзилиб кетган девор ортидаги сайисларда отлар ҳар замон-ҳар замонда ер тепиниб қўяр, жимжитликни бузаётган

бор-йўқ овоз ана шулар эди.

Нихоят, жентльменлар чиқишди. Жаноб Мэзон дўсти ва шифокор кўмагида кўпам қийналмай юриб келарди. Аввал Мэзонни файтонга ўтказишди, сўнг унинг ёнига жаноб Картер ҳам чиқди.

– Уни қаровсиз қолдирманг, – деди жаноб Рочестер докторга, – буткул соғайиб кетгунича, сизникида тура қолсин. Мен эрта ё индинга уни кўргани бораман. Хўш, энди қандайсан, дўстим?

– Тоза ҳаво жонимга оро кирди, Фэйрфакс.

– Ойна очик қолсин, шамол йўқ, Картер. Хайр, Дик!

– Фэйрфакс...

– Хўш, нима дейсан?

– Уни асрашсин; унга мулойимроқ бўлишсин, уни... – Жаноб Мэзон жим бўлиб қолди, кўзига ёш қалқди.

– Хўп, шундай қиламан; ҳамма чорани кўраман, – дея ваъда берди жаноб Картер. У шундай дея, файтон эшигини ёпди, арава ўрнидан жилди.

– Қанийди бу ғавғолар тугай қолса, сенга беадад шукроналар қилардим, Эгам, – деди илтижо этди жаноб Рочестер дарвозани ёпиб, тамбалар экан.

Сўнг у боғни гир ўраб турган девордаги пастак эшик томон парижон йўл олди. Энди унга керагим йўқдир, деган фикрда уй томонга қайрилмоқчи эдим, у яна мени чакириб қолди:

– Жейн! – У боғ эшигини очганча, мени кутиб турарди. – Бу ёққа келинг, озрок тоза ҳаводан нафас олинг. Бу уй – худди камоқхонанинг ўзи, сизга шундай туюлмайдими?

– У менга кўркам қаср бўлиб туюлади, жаноб.

– Сиз ҳар доим беғубор завққа тўласиз, – деди у. – Қаёққа қарасангиз ҳам, фақат яхшиликни кўрасиз. Сиз тилла безаклар – зар қопланган мис, ипак парда – чанг босган ўргимчактўр, мрамор – ирkit, булғанч тош, сайқалланган ёғоч – моғор босган чиринди эканини кўрмайсиз. Бу ерда эса, – у бошимиз узра кўм-кўк барг ёзиб турган дарахтга ишора қилди, – бари табиий, ёқимли ва мусаффо.

У шундай деб, йўлкадан секин кета бошлади. Йўлканинг бир тарафида олма, нок ва гилос дарахтлари саф торган, бошқа тарафида наъматак, учқат ва хушбўй буталар орасида турфа хил жайдари чечаклар: шаббўй, чиннигул, капалакгуллар очилиб ётарди. Найсон ёмғири ва туманидан сўнг – сержозиба баҳор тонгида – дарахт ва буталар қанчалик соф, тоза бўлса, бу чечаклар ҳам шунчалик яшнаб турарди. Қуёш хозиргина қизарганча, шарқдан юз кўрсатган, унинг нури гулу шабнамлар оғушидаги дарахтларга ва боғ йўлкасига тўшала бошлаган эди.

– Жейн, гул узиб берайми?

У боғда энг аввал очилган атиргулни узиб, менга тутди.

– Раҳмат, жаноб.

– Сизга қуёшнинг чиқиши ёқадими, Жейн? Бағрида оқ булутлар енгил сузиб юрган осмон-чи? Шу сукунат, шу хушбўй ифорлар-чи?

– Ҳа, жуда ёқади.

– Бу кеча сиз учун ғалати ўтди-а, Жейн.

– Ҳа, жаноб.

– Юзингизда қон қолмапти. Мэзон билан ёлғиз қолганингизда роса

кўрккан бўлсангиз керак?

- Мен кўшни хонадан анови аёл чиқиб қолса-я, деб кўрдим.
- Эшик қулфланган, калит чўнтагимда бўлсаям-а. Беғам чўпон эмасман, ахир, суюкли кўзичоғимни бўри уяси оғзида химоясиз қолдиргани.
- Нима, Грэйс Пул тагин шу уйда яшайверадими, жаноб?
- О, ҳа! Бу ҳақда бош қотирманг, унутинг уни, вассалом.
- Лекин у шу уйда яшар экан, ҳаётингиз хавф остида бўлади-ку!
- Мендан хавотир олманг, доим сергак тураман.
- Кеча ўзингиз айтган хавф-чи, жаноб, у сизга бошқа таҳдид қилмайдими?

– Мэзон Англияни тарк этмагунча, бу ҳақда ҳеч нарса деёлмайман. Ҳатто тарк этгандаям. Мен учун ҳаёт, Жейн, юпка вулкон пўстидек гап, у хар сонияда дарз кетиши ва аланга юқорига ўрлаши мумкин.

– Бирок жаноб Мэзон менга жуда заиф кўринди, сиз унга ҳар қандай пайтда таъсир кўрсата оласиз. У ҳеч қачон ўз хоҳиши билан сизга зиён етказмайди, сизни сотиб ҳам қўймайди.

– О, йўқ! Мэзон мени ҳеч қачон қасддан сотмайди, қасддан зиён ҳам етказмайди. Лекин эҳтиётсизлик қилиб айтиб қўйган бир-икки оғиз гапи билан ҳаётимдан бўлмаса ҳам, бахтимдан маҳрум қилиши мумкин.

– Сиз унга, эҳтиёт бўл, деб айтинг, жаноб. Хавотирда эканингизни туншунтиринг, хавфдан қочиш йўлини кўрсатинг.

Жаноб Рочестер алам-ла аччиқ кулди, тез қўлимни ушлаб сикди-ю, яна шундай тез ўзидан итарди.

– Жиннивой, шундай қила олсам, хавф-хатар қолармиди! У бир лаҳзадаёқ тутундек тарқаб кетарди. Мен Мэзонни таниганимдан бери, унга: “Ундок қил, ё бундок қил”, десам кифоя – барини бажо келтирарди. Лекин ҳозирги шароитда бунга ожизман, унга: “Дўстим, менга панд берма”, деб айтолмайман. Чунки менга бирор зиён етказа олиши мумкинлигини пайқаб қолмаслиги керак. Нима, хайрон бўлиб қолдингизми? Бунга энди кўникишингиз керак. Ахир, сиз менинг ёш дўстимсиз, тўғрими?

– Эзгулик йўлида чин дилдан хизмат қилиш ва итоат этишга тайёрман.

– Бунга шубҳам йўқ, ахир, кўриб турибман. Ўзингиз жуда топиб айтганингиздек, эзгулик ҳаққи менинг фойдамни кўзлаб, мен билан бирга заҳмат чекканингизда, менга ёрдам берганингизда ўзингиздан мамнун ва рози бўлишингизни, кўзингиз ва юзингизда нур порлашини кўриб турибман, ахир. Агар сизга ёвузлик йўлида топширик берганимда, уни бажариш учун оёқларингиз бундай илдам чопмас, қўлларингиз бундай эпчил ишламас, кўзларингиз бундай шодон чакнамас, юзингиз ҳам бундай ял-ял ёнмасди. Ўшанда сиз менга ўгирилиб, юзингиз оқарганча, босик овозда: “Асло, жаноб, бунинг иложи йўқ. Бу ёвузлик бўлгани сабаб уни қилолмайман”, деган бўлардингиз. Сиз собит сайёра каби бир қадам ҳам жилмасдингиз. Сиз ҳам устимдан ҳукмрон бўлишингиз, қалбимни яралашингиз мумкин, шунинг учун сизга ҳам нозик сиримни айтмайман, акс ҳолда дўстлигингиз ва садоқатингизга қарамай, мендан дарҳол юз ўгириб кетасиз.

– Агар жаноб Мэзон сизга, худди мен каби хавф солса, унда кўнглингиз тўқ бўлсин, сиз хатардан ҳолисиз.

– Илойим шундай бўлсин. Манави ўриндикқа ўтиринг, Жейн.

Олдимизда шийпонча, аниқроғи, девор ўйиғи турар, печак қоплаган бу

жойга ўриндик қўйилганди. Жаноб Рочестер ўриндикқа чўкди, менга ҳам ёнидан жой қолдирди. Бироқ мен хўжайин қаршисида тик туравердим.

– Ўтирсангиз-чи, – деди у. – Ахир, жой иккимизга ҳам етади. Ёним-да ўтиришдан кўркмасиз, ҳар қалай. Йўқ, дейсизми? Унда шундай ўтиришни ёвузликка ҳам йўймасиз, Жейн?

Жаноб Рочестернинг тақлифини рад этиш ноқулай эди, шунинг учун индамай унинг ёнига ўтирдим.

– Ёш дўстим, шабнам куёш нурига осилиб осмонга кўтарилгунча, эски бу боғдаги гуллар уйғониб, яшнагунча, чакқон қушчалару ишчан асаларилар ҳар кунги парвозини бошлагунча, мен сизга бир ҳикоя айтиб бераман; сиз эса ўзингизни унинг бош қаҳрамони ўрнига қўйинг. Аммо аввал кўзингизни ердан олиб, менга боқинг-да, ўзингизни енгил ҳис этиясизми ёки йўқми, менга шуни айтинг: сизни бу ерда ушлаб қолганим малол келмаптими сизга?

– Йўқ, жаноб. Менга малол келгани йўқ.

– Унда, Жейн, хаёлотингизни ишга солинг-да, ўзингизни одобли ва вазмин қиз деб эмас, болаликдан эрка ўсган бебош йигитча деб тасаввур қилинг. Кўз олдингизга келтиринг: сиз узоқ бир бегона мамлакатдасиз; ўша ерда машъум хатога йўл қўйдингиз – қандай хатога, қай сабабдан, буниси муҳим эмас; лекин ўша хато сизни бир умр таъкиб этади, шаънингизга доғ бўлиб тушади. Эътибор қилинг: мен “жиноят”, демадим. Мен қон тўкиш ёки шунга ўхшаш бирор айбни назарда тутмадим. Мен, хато, дедим, холос. Хуллас, хатойингиз оқибати вақт ўтгани сари ҳаддан зиёд оғирлашиб бормоқда. Сиз бу азобдан кутулиш учун ҳар хил чоралар кўрасиз: бу чоралар – ноодати-ю, аммо жиний ё ноқонуний эмас. Шунда ҳам, барибир, бахтиқаросиз, зеро, умид сизни тарқ этган. Куннинг чошгоҳ пайтида сиз учун куёш тутилган-у, энди у кун ботгунча давом этишини ҳис этиясиз. Сизнинг онгингизни уззукун аччиқ ва таҳқиромуз хотиралар захарлайди. Сиз ёлғизликдан ҳаловат, кайф-сафодан бахт излаб, бир ердан бошқасига бетиним кўчиб юрасиз; англадингизми мен фикр ва ҳиссиётни тўмтоқлаштирувчи дағал ва тубан кўнгилихушликларни назарда тутяпман. Ихтиёрий қувғиндан қалбда ғусса билан ноумид қайтасиз-у, янги бир инсонга дуч келасиз: қаерда ва қачонлигининг аҳамияти йўқ. Ўзингиз йигирма йилдан бери бесамар излаб, ҳеч кимда тополмаган кўплаб ёруғ, беғубор хислатларни кўрасиз унда. Мана, рўпарангизда поклик ва софлик тимсоли турибди, унда бир доғ, на бир чирик бор. Бундай инсон суҳбати сизга яна жон бағишлайди, сизни қайта тирилтиради. Сиз энг яхши кунларингиз яна қайтиб келаётгани, қалбингизда юксак орзу ва тоза фикрлар уйғонаётганини ҳис этасиз. Ҳаётингизни қайтадан бошлаш ва умрингизнинг қолганини Худо фарз қилганидек муносиб яшаш истагида ёна бошлайсиз. Наҳот инсон шу истагига етишиш учун ўз виждони муқаддас деб санамаган, ақли ҳам тўғри деб ҳисобламаган расмий, сунъий ғовлардан ошиб ўтишга ҳақли бўлмаса?

У жавоб кутганча, жимиб қолди. Мен нима ҳам дея олардим? О, қанийди бирор нажоткор рух кўнглимга адолатли ва ҳаққоний жавобни солса! Бироқ ўша жавобдан бирор дом-дарак йўқ-ку! Ғарбдан эсан шабада бошимиз устидаги дарахтлар баргини шитирлатди, аммо шамол руҳи – Ариель унинг шивирини илғамади, акс ҳолда у менинг ўрнимга ўзи жавоб берармиди; қушлар новдаларга кўниб хониш қилди, аммо қуш

кўшиғи ёқимли эса-да, лекин сўзсиз эди.

Жаноб Рочестер қатъият билан давом этди:

– Наҳот энди тавба қилиб, ҳаловат излаётган бу дайди ва осий бандда нозик, олийжаноб, бокира бир хилқат муҳаббатини қозониш, руҳий ҳаловат топиш ва янги ҳаётда қайта тирилиш учун одамлар фикрини менсимасликка ҳақли бўлмаса?

– Жаноб, – дея жавоб бердим мен, – дайди қалбининг ҳаловат топиши ҳам, осийнинг ҳақ йўлга қайтиши ҳам атрофдаги кишиларга боғлиқ эмас. Эркагу аёл бари – фоний; ҳикмат аҳли ақидада, носаро аҳли имонда тойиб кетиши мумкин; агар кимки йўлдан озган ва азоб тортаётган бўлса, у ўзига ўхшаш бандалардан эмас, самовий кучлардан нажот кутсин – шу кучлар унинг гуноҳлардан покланишига кўмак беради, қалб яраларига малҳам қўяди.

– Бирок сабаб-чи?! Эгам ўз хоҳиш-иродасини юзага чиқарар экан, бунга нимани сабаб қилишни ҳам Ўзи танлайди. Сизга очиқ-ойдин қилиб айтаман: умримни бефойда, бадхулқ ва беъмани ўтказганимга фақатгина ўзим айбдорман. Назаримда, энди даво учун малҳам ҳам топгандайман, мен уни...

У жим бўлиб қолди. Қушлар ҳамон сайрар, барглар ҳамон шивирлар эди. Улар бу қандай сирлигини тинглашимиз учун хониши-ю, шивирини тўхтатмагани ажабланарли туюларди. Бирок қуш ва япроқлар сайраш ва шивирлашдан тўхтаганда ҳам, бу сукут тугагини узоқ кутиб қолган бўларди, зеро, жаноб Рочестер анчагача жим ўтирди. Ниҳоят, кўзимни ердан узиб, суҳбатдошимга қарадим; унинг менга қадалган нигоҳи ташвишли эди.

– Ёш дўстим, – деди у сўз оҳанги ҳам, юз ифодаси ҳам бирдан ўзгариб: энди бояги мулоимлик ва сиполик ўрнини кўрслик ва заҳархандалик эгаллаганди, – сиз Ингрэм хонимга бўлган нозик ҳисларимни иллаган бўлсангиз керак? Нима деб ўйлайсиз, мен унга уйлансам, у ҳаётимни буткул ўзгартириб юборади, тўғрими?

У шундай деб ўрнидан сакраб турди-да, йўлканинг нариги бошига юриб кетди. Қайтиб келганида эса бир нималарни хиргойи қиларди.

– Жейн, Жейн, Жейн! – деди у қаршимда тўхтаб. – Шу уйқусиз тунни деб юзингиз оппоқ оқариб кетиби. Оромингизни бузганим учун мени қарғаётгандирсиз, хойнаҳой?

– Қарғаш, дейсизми? Йўк, жаноб.

– Унда сўзингизнинг исботи учун қўлимни сиқиб қўйинг. Бармоқларингиз тоза совқотибди-ку! Кеча тунда ушлаганимда, улар иссиққина эди. Жейн, мени деб яна уйқунгиздан кеча оласизми?

– Агар ёрдамим тегса, ҳар доим, жаноб.

– Масалан, тўйим олди кечаси! Ишончим комил, ухлалмасам керак. Шу кечани мен билан ўтказишга ваъда берасизми? Сиз билан ўз севгилим ҳақида сўзлашсам, дейман: ахир, уни кўрдингиз, билиб ҳам олдингиз.

– Ҳа, жаноб.

– У жуда ажойиб-а! Тўғрими, Жейн?

– Ҳа, жаноб.

– У – маъбуда, асил маъбуда, Жейн! Бўйчан, қорамағиз, иродали! Унинг сочи эса шундайки, наздимда, Карфаген аёлларининг сочи шунақа бўлган. Ана, Дэнт билан Лин отхонага келди. Худо ҳаққи, гулзор оралаб

анави эшикчадан уйга қайтинг.

Мен бир тарафга, у бошка тарафга кетгач, хўжайинимнинг кувнок овозда кимгадир бундай деганини эшитдим:

– Мэзон ҳаммадан эрга турди. У тонг отмай жўнаб кетди. Ўзим тўртда кузатиб қўйдим.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Қон тортиш деганлари – жуда ғаройиб ҳодиса, савки табиий, башорат қилиш ҳам худди шундай! Буларнинг бари биргаликда инсон ҳали калитини топмаган ягона тилсимни ҳосил қилади. Мен ҳеч қачон савки табиий устидан кулмаганман, сабаби, шунақа ғаройиб воқеалар ўз бошимдан ҳам ўтган. Шунингдек, қон тортиш ҳам борлигига ишонаман, масалан, қон-қариндошлар бир-биридан айрилиб кетган, бир-бирини унутиб юборган вақтда бирдан қон тортиб, йўқлаб қолишадики, буни изохлашга ақл ожизлик қилади. Ниҳоят, башоратга келсак, у эҳтимол инсон ва табиат ўртасидаги сирли уйғунлик маҳсулидир.

Олти яшарлик чоғимда бир кун Бесси Ливен Марта Эбботга тушида қақалоқ кўрганини айтиб, бу ё ўзинг, ё яқинларинг ўлимидан дарак беради, деганини эшитган эдим. Бу гап менинг эсимдан чиқиб кетиши мумкин эди-ю, лекин таъбир ўнг чиққани сабаб хотирамга қаттиқ муҳрланиб қолди: эртаси кун Бесси, синглинг ўлим тўшагида ётибди, тезда уйга етиб кел, деган шумхабар олди.

Кейинги вақтда бу таъбир ва ўлимни жуда кўп эсга олдим, чунки сўнгги ҳафтада бирорта ҳам тун бўлмадики, тушимда ёш болани кўрмаган бўлсам: мен уни гоҳ бағримга босиб аллалар, гоҳ тиззамга олиб тебратар; гоҳ ўтлоқда дасторгуллар тераётгани, гоҳ қўлчалари билан сув ўйнаётганини кузатар эдим. Бугун йиғлаётган болакайни кўрсам, эртасига кулиб турганини кўрардим. У гоҳ пинжимга тиқилар, гоҳ мендан қочарди; аммо бу тушлар қандай мазмунда бўлмасин ва қандай ҳиссиётлар уйғотмасин, етти кун кўзим илинди дегунча, мени бирор марта ҳам тарк этмади.

Тушимга ҳадеб болакай кириши, шайтон дилимга васваса солиши мени азоблар, қуёш ботиб, кеч киргани сари асабийлаша бошлардим. Мени тепамдаги хонадан келган мудҳиш фарёд уйғотиб юборган ўша ойдин кечада ҳам болакайни туш кўраётгандим. Эртасига эса чошгоҳдан сўнг мени Фэйрфакс хонимнинг хонасида бир нотаниш киши кутаётганини айтишди. Дарҳақиқат, ўша ерда бир эркак мени кутар, у зодагон оила гумаштаси кийимида эди. У бошдан-оёқ мотамона либосда бўлиб, қўлида ушлаб турган шляпасига ҳам қора мотам тасмаси боғланганди.

– Сиз мени эслолмасангиз керак, хоним, – деди у мен кирган пайт ўрнидан туриб. – Мен – Ливенман, хоним, бундан етти-саккиз йил бурун Гейтстхэдда яшаганингизда Рид хонимнинг аравакаши эдим. Ҳозир ҳам ўша хонимнинг хизматини қиляпман.

– Ох, Роберт! Салом! Сизни жуда яхши эслайман. Сиз баъзида менга Жоржиана хонимнинг отида сайр қилишга рухсат берардингиз. Бессининг ахволи қандай? Сиз Бессига уйлангансиз-ку, тўғрими?

– Ҳа, хоним. Илтифотингиз учун раҳмат, хотиним соппа-соғ. Икки ой олдин яна кўзи ёриди, энди учта боламиз бор; онанинг ҳам, боланинг ҳам ахволи жуда яхши.

– Холамнинг оиласидагилар-чи, Роберт?

– Таассуфки, хушхабар айтиб, сизни қувонтира олмайман, хоним. Уларнинг аҳволи жуда ёмон. Оила бошига катта кулфат тушди.

– Нима, бирортаси оламдан ўтмадими? – деб сўрадим мотамона либосига кўз ташлаб.

У бошини қуйи эгди-да, шляпасидаги қора тасмага бокқанча, жавоб кайтарди:

– Жаноб Жон Лондондаги уйида вафот этганига кеча бир ҳафта бўлди.

– Жаноб Жон-а?

– Ҳа.

– Онаси бунга қандай дош берди?

– Биласизми, Эйр хоним, бу – шунчаки бахтсизлик эмас: у бадахлоқ ҳаёт кечирарди, сўнгги уч йилда шунақа қилиқлар кўрсатдики, Худонинг ўзи асрасин, охири мудҳиш ўлим топди.

– Мен Бессидан унинг ёмон йўлга кириб кетганини эшитгандим.

– Аста айтасизми, бундан ортиқ расволик бўлмайди! Жаноб Жон ўз ҳаёти ва мол-давлатини энг бадахлоқ эркак ва аёллар даврасида созуриб тугатди. У қарзга ботиб, қамокхонага ҳам тушиб қолди. Онаси икки марта уни чиқариб олди, аммо қамокдан чиқди дегунча, яна эски ҳамтовоклари билан ўз билганини қилаверди. Ер бориб етказмасин-у, унинг миясида битта мурват кам эди. Ўзи элакишган ўша нобакорлар уни уятсизларча шиларди. У уч ҳафта олдин Гейтсхэдга келиб, хонимга бутун бойлигини менга берасан, дея талаб қилди. Бироқ хоним рад этди: ўғлининг фосиқлиги ортидан ўзининг иши ҳам орқага кетаётган эди-да. У Лондонга қайтиб кетди-ю, кўп ўтмай ўлгани ҳақида хабар келди. Қандай ажал топган, ёлғиз Худога аён. Миш-мишларга қараганда, ўз жонига касд қилганмиш.

Мен жим туриб эшитардим; хабар чиндан-да машъум эди. Роберт Ливен давом этди:

– Хоним анчадан бери бетоб ётибди; у жуда семириб кетган, аммо бу соғлиғига зарар; пулини йўқотиб қўйишу қашшоқликка тушиб қолишдан қўрқув уни буткул ҳолдан толдирди. Жаноб Жоннинг ўлганини эшитганида эса – бу мусибат дафъатан юз берди – у адои тамом бўлди. Уч кун тилдан қолиб ётди, ниҳоят, ўтган сешанбада бироз ўзига келди-да, қандайдир бир гапни айтмоқчи бўлиб, хотинимга имо-ишоралар қилди, бир нималар деб ёлдиради. Фақат кеча эрталабгина Бесси у сизнинг исмингизни айтаётганини аранг илғаб олди. У: “Жейн Эйрга хабар беринг, Жейн Эйрни олиб келинг, унга айтадиган гапим бор”, деярдди. Бесси унинг ҳуши жойида эмас, деган шубҳага борганидан кичик хонимлар – Элиза ва Жоржианадан маслаҳат сўради. Хонимлар аввал сизни чақиртиришни истамади; аммо онаси исмингизни айтиб, бетоқат бўлавергач, мажбуран рози бўлишди. Мен Гейтсхэддан кеча оқшом йўлга чиққандим, агар ҳозирлик кўриб қўйсангиз, эрта тонгда сизни бирга олиб кетаман.

– Ҳа, Роберт, мен ҳозирлик кўриб қўяман. Бормасам бўлмайдиганга ўхшайди.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, хоним. Бесси ҳам сизни рад этмайди, деганди. Аммо кетишдан олдин рухсат сўрарсиз?

– Ҳа, ҳозирок рухсат сўрайман. – Уни ошхонага олиб бориб, Жон ва унинг хотинидан, меҳмонга таом берсангиз, деб илтимос қилдим-да, жаноб Рочестерни излаб кетдим.

У биринчи каватнинг ҳеч қайси хонасида йўқ эди; уни ховлидан ҳам,

отхонадан ҳам, хиёбондан ҳам тополмадим. Охири Фэйрфакс хонимдан, жаноб Рочестерни кўрмадингизми, деб сўрадим. Буни қарангки, у Ингрэм хоним билан бильярд ўйнаётган экан. Мен дарров бильярдхона томон йўл олдим. Бироздан сўнг кулоғимга шарларнинг бир-бирига урилган товуши ва қувноқ ғовур-ғувур овозлар эшитила бошлади: жаноб Рочестер, Ингрэм хоним ва опа-сингил Эштонлар ўз хушторлари билан ўйинга берилиб кетганди. Бундай кизгин партияни тўхтатиш учун андак жасорат зарур бўларди. Аммо ўйин тугашини кутиб туришга вақтим йўқ эди, шунинг учун тўппа-тўғри Ингрэм хонимнинг ёнида турган жаноб Рочестерга қараб юрдим. Уларга яқинлашган пайтимда Ингрэм хоним мен томонга ўгирилиб, шундай дарғазаб қарадики, гўё шу билан: “Сен ялангоёққа бу ерда нима бор?” деяётгандек эди. Мен астагина: “Жаноб Рочестер!” деб чақирганда эса, у қўлини, кет, дегандек силкитди. Кўриниши у жуда дилбар эди; эгнига юпқа ғижим матодан мовий тонгги кўйлак кийган, ложувард ранг шарфи эса тим қора сочларини кучиб турарди. У ўйинга жудаям берилиб кетган бўлиб, бу ерга кирганимдан жаҳли чиққани унинг юзидаги кибрни янада бўрттириб юборди.

– Анави кимса сизни чақиряпти, – деди у жаноб Рочестерга; жаноб Рочестер эса гап қайси “кимса” ҳақида кетаётганини билиш учун бурилиб қаради. У мени кўриб, юзини ғалати буриштирди. Бундай юз буриштириш қандай маъно англатишини тушуниш кийин эди. Сўнг у ўйин таёғини қўйди-да, мен билан хонадан чиқди.

– Хўш, Жейн? – деб сўради у ўз ортидан ёпилган эшикка суяниб.

– Жаноб, менга бир-икки ҳафтага рухсат берсангиз.

– Нега? Қаерга бормоқчисиз?

– Бир бемор аёлни кўриб келишим керак. У мени олиб кетишга одам юборибди.

– Қанақа бемор аёл? У қаерда тураркан?

– ...ширдаги Гейтсхэдда.

– ...шир? Ахир, у бу ердан юз миль узоқда-ку! Ким ўзи ўша хоним, сизга шунча узоқдан одам юборган?

– Рид хоним, жаноб.

– Гейтсхэдлик Рид хоним, дейсизми? Гейтсхэдда Рид деган судья бўларди.

– Рид хоним – унинг беваси, жаноб.

– Унга қандай алоқангиз бор? Бу хонимни қаердан танийсиз?

– Ўша судья Рид, – менинг тоғам, онамнинг акаси эди.

– Жин урсин! Сиз ҳеч қачон менга бу ҳақда айтмагансиз. Мени ҳар доим, ҳеч қандай қариндошим йўқ, деб ишонтириб келгансиз.

– Улар мени қариндош ўрнида кўрмайди, жаноб! Жаноб Рид қазо қилди, хотини эса мени ҳайдаб солди...

– Нима учун?

– Мен – камбағал эдим, тириқтовон деб ёмон кўрарди.

– Аммо жаноб Риддан болалар қолгандир – тоғаваччаларингиз бўлса керак? Қуни кеча жаноб Жорж Лин гейтсхэдлик аллақандай Ридни тилга олиб, ўтакетган палид одам, деганди; Ингрэм хоним эса ўша жойлик Жоржиана Рид деган киз бир-икки йил олдин Лондонда гўзаллиги билан донг чиқарганини айтганди.

– Жон Рид ҳам қазо қилибди, жаноб. Ўзини хароб этгани етмагандек,

оиласини ҳам хонавайрон қилибди; у ўзини ўлдирган, деган тахмин ҳам бор. Онаси бу жудоликка чидамай, тўшакка миҳланиб қолибди.

– Менга қаранг, унга қандай ёрдамнингиз тегарди! Бу – ғирт аҳмоқлик, Жейн! Сиз юз миль йўл босиб, бир кампирни кўриб келмоқчимисиз. Бунга қандай зарурат бор, шуни ҳеч ҳам ақлимга сиғдиролмаёпман. У сиз етиб боргунча, нариги дунёга жўнаб юборса ҳам ажаб эмас. Қолаверса, ўзингиз, у мени уйдан хайдаб солган, деб турибсиз!

– Ҳа, жаноб. Аммо бунга кўп бўлди. У вақтлар Рид хонимнинг аҳволи бошқача эди. Ҳозир эса унинг илтимосини ерда қолдиролмайман.

– У ерда кўп бўласизми?

– Иложи борица тез қайтаман, жаноб.

– Менга бир ҳафтадан ортиқ қолмайман, деб ваъда беринг...

– Ваъда бергим йўқ, жаноб, балки уни бузишимга тўғри келар.

– Ҳар қалай, қайтиб келасиз-а? Бир баҳона билан ўша ерда қолиб кетмайсиз-а?

– О, йўқ! Бари кўнгилдагидек бўлса, албатта, қайтиб келаман.

– Сиз билан ким бирга боради? Шунча узоқ йўлга ёлғиз кетмассиз?!

– Ҳа, жаноб. Рид хоним аравакашини жўнатган.

– Ишончли одамми ўзи?

– Ҳа, жаноб, у ўша уйда ўн йилдан бери хизмат қилади.

Жаноб Рочестер ўйга толиб қолди.

– Қачон жўнамоқчисиз?

– Эртага тонгда, жаноб.

– Демак, сизга пул керак бўлади; ахир, пулсиз йўлга чиқолмайсиз-ку, менимча, пулингиз ҳам кўп эмас-ов: чунки сизга ҳали маош бермадим. Қанча пулингиз бор ўзи, Жейн? – деб сўради у бирдан жилмайиб.

Унга ҳамёнимни кўрсатдим, у бўм-бўш эди.

– Беш шиллинг, жаноб.

У ҳамёнимни олди-да, тангаларни кафтига тўқди, сўнг атиги шугинами дегандек, жимгина кулиб қўйди. Ёнидан ҳамён чиқарди.

– Мана, – деди у менга қоғоз пул тутиб: бу – эллик фунтлик яхлит пул эди, вахоланки, маошим ўн беш фунт эди, холос. Мен қайтимим йўқлигини айтдим.

– Менга қайтим керак эмас, пулни эътироз билдирмай олаверинг. Бу – сизнинг маошингиз.

Мен ўн беш фунтдан ортиқ олишдан бош тортдим. Унинг аввал жаҳли чикди, сўнг бир фикрга келгандек деди:

– Хўп, майли, яхши. Ростданам сизга бунча пул бермаганим маъқул. Йўқса, эллик фунтни қўлингизга олгач, ўша ёқда уч ой қолиб кетишингиз мумкин. Мана сизга ўн фунт. Етадимми?

– Ҳа, жаноб; сизда яна беш фунт ҳақим қолди.

– Ҳақингизни олгани албатта қайтиб келинг; мен сизнинг ғазначингиз бўламан-да, уни қирқ фунт қилиб қайтараман.

– Жаноб Рочестер, ҳамонки мавриди келган экан, яна бир масалада гаплашиб олмақчиман.

– Масала, дейсизми? Қизик, нима экан у?

– Менга, тез кунларда уйланаман, деб айтгандингиз.

– Ҳа. Нима эди?

– Агар шундай бўлса, жаноб, Аделни мактабга бериш керак. Бу нимага

зарурлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз.

– Қизалоқни хотинимдан нари тутиш учунми? У Аделга ортикча дахмаза деб қарайди, демокчисиз-да? Фикрингизда жон бор. Майли, розиман. қизалоқ, сиз таклиф этгандек, мактабга боради; сиз эса бу ердан бош олиб кетасиз, шундайми?

– Бундай ниятим йўқ, жаноб. Аммо, ҳар ҳолда, бошқа иш кидиришимга тўғри келади.

– Буни қаранг-а! – дея хитоб қилди у ғалати овозда, юзи эса истехзо ва маъюслиқдан буришиб кетди. У бир неча сония менга тикилиб қолди.

– Рид хоним ё олийнасаб қизлари сизга иш топиб беришар балки?

– Йўқ, жаноб. Улардан илтимос қилишга ҳаддим сиғмайди, аммо газетага эълон беришим мумкин.

– Худо билади, кўнглингизда яна қандай гаплар бор, – деб тўнғиллади у. – Қани, эълон бериб кўринг-чи! Афсус, сизга ўн фунт эмас, бир фунт берсам бўлар экан. Тўққиз фунтини қайтаринг, Жейн, ўзимга ҳам керак улар.

– Менга ҳам, жаноб, – дея эътироз билдирдим ва ҳамёнимни оркамга беркитиб. – Бу пулларсиз йўлга чиқмайман, ахир.

– Зикна қизалоқ! – деди у. – Мендан қизғанияпсизми? Жиллақурса, беш фунтини беринг, Жейн.

– Беш шиллинг ҳам, беш пенс ҳам бермайман.

– Ҳеч бўлмаса, пулингизни бир кўрсатинг.

– Йўқ, жаноб, сизга ишонмайман.

– Жейн!

– Жаноб!

– Менга бир масалада ваъда беринг.

– Бир эмас, барча масалада ваъда бераман. Фақат улар кўлимдан келса, жаноб.

– Эълон берманг. Шу ишни менга қўйиб беринг: агар лозим бўлса, сизга ўзим иш топаман.

– Бажонидил, жаноб, лекин сиз ҳам бир масалада менга ваъда беринг: хотинингиз бу уйга келгунича, Адель иккимиз бу ердан кетамиз.

– Майли... Майли. Сизга чин сўз бераман. Демак, эртага жўнаб кетасиз?

– Ҳа, жаноб. Эртага тонгда.

– Бугун овқатдан сўнг меҳмонхонага кирасизми?

– Йўқ, жаноб. Йўлга тайёргарлик кўришим керак.

– Демак, сиз билан бир муддат хайрлашар эканмиз-да?

– Шунақага ўхшайди, жаноб.

– Дарвоқе, одамлар қандай хайрлашади ўзи? Жейн, менга шуни ўргатинг, жуда нўноқман-да, ўзиям.

– Улар хайр дейишади ёки ўзларига ёққан бошқа сўзни айтишади.

– Унда, айтинг-чи, ўша сўзни.

– Хайр, жаноб Рочестер, тез кунда кўришгунча.

– Мен нима дейишим керак?

– Агар хоҳласангиз, сиз ҳам шундай денг, жаноб.

– Хайр, Эйр хоним, тез орада кўришгунча. Бўлдими?

– Ҳа, бўлди.

– Жейн, менга бундай хайрлашиш курук, зерикарли, нодўстона туюлпти. Мен қандайдир бошқачароқ хайрлашсак, дегандим. Бу урф-одатга кичик бир кўшимча қилсак-чи? Масалан, бир-биримизнинг кўлимизни

сикиб кўйсак. Аммо, қанийди бу ҳам мени кониктирса! Демак, менга “хайр”дан бошқа ҳеч нарса демайсиз?

– Шу кифоя, жаноб. Гоҳо биттагина сўз кўп сўзлардан илиқроқ эшитилади.

– Эҳтимол. Аммо, “хайр”, барибир, куруқ ва совуқ эшитиларкан.

“У деворга суюнганча, яна қанча тураркан? – деб сўрадим ўзимдан. – Ахир, йўлга ҳозирланишим керак”. Бу пайт овқатланишга чорлаб, кўнғироқ чалинди-ю, жаноб Рочестер бир сўз ҳам демай, ичкарига кириб кетди. Шундан кейин уни кун бўйи кўрмадим, эртаси куни эса у уйғонмай туриб, йўлга чиқдим.

Биринчи май куни, кундузги соат бешда аравамиз Гейтсхэд дарвозаси ёнидаги қоровулхонага келиб тўхтади. Мен уйга киришдан аввал бирров қоровулхонага кўз югуртирдим. Бу ер жуда тоза ва шинам эди. Панжарали деразаларига оқ пардачалар тутилган, пол ёғ тушса ялагудек яраклар, камин оташкураги ҳам обдон тозаланган, ўтин чарсиллаб ёниб турарди. Бесси олов олдида чақалоқни тебратар, Роберт билан синглиси бурчакда жимгина ўйнаб ўтирарди.

– Худоба шукур! Келишингизга ишонардим! – дея хитоб қилди Ливен хоним қоровулхонага кирганимда.

– Ҳа, Бесси, – дедим мен уни ўпиб. – Кечикмадимми ишқилиб? Рид хоним тузукми? Тирикмилар ҳали?

– Ҳа, тириклар. Хайрият, ҳозир ўзини дуруст ҳис қияпти. Доктор, икки ҳафталик умри қолди, деяпти. Хуллас, буткул соғайиб кетишига ишонч йўқ.

– У мени сўрадимми?

– Ҳа, бугун эрталаб ҳам сизни сўради. Жейн келармикан, деди. Аммо ҳозир ухлаяпти. Ҳар қалай, ўн дақиқа олдин ёнига кирганимда, ухлаб ётганди. У, одатда, чошгоҳдан сўнг ўзини билмай қолади, соат олти-еттилардагина ҳуши яна ўзига қайтади. Бирор соат дам олинг, хоним, кейин сизни ўзим бошлаб кираман.

Қоровулхонага Роберт кирди. Бесси ухлаб қолган чақалоқни беланчакка солди-да, эри билан кўришгани унга яқинлашди. Сўнг, юзингиз оқариб кетибди, йўл юриб чарчагансиз-да, қани, шляпангизни ечиб, чой ичиб олинг, деб қистай бошлади. Мен ҳам унинг меҳмондўстлигини жон деб қабул қилдим, гўё болалигимда мени уйқуга ётқизаётган пайтидагидек, кийимларимни ечиб қўйишига итоат этдим.

Бессининг елиб-югуриб мезбонликни дўндириши, патнисга энг соз финжонларни қўйиши, нонга пишлок қўйиб бутерброд тайёрлаши, чой билан ичгани ширин нон қовуриши, мени болаликда қандай эркалатган бўлса, жажжи Роберт билан Жейнни ҳам шундай эркалатганча, гоҳ иягини кўтариб, гоҳ лунжига шапатилаб қўйишини кўриб, гўё ўтмиш устимга тўлқин каби ёприлгандек бўлди. Бесси аввалгидек чакқон, серзарда ва меҳрибон эди.

Чой тайёр бўлгач, столга ўтмоқчи бўлдим. Лекин Бесси, эски амирона оҳангда, жойингиздан жилманг, деб буюрди. Чойни камин ёнида ичасиз, деди у. Бесси доирасимон столчани олдимга суриб келтирди-да, патнисга бир финжон чой ва қовурилган нонли тақсимча қўйди. Бундан кўп йиллар олдин, ҳали бола бўлган пайтимда у фартуги остида менга яшириб бирор ширинлик олиб келса, худди шундай қиларди. Ўша пайтларда қандай та-

бассум қилсам, бу гал ҳам шундай жилмайиб кўйдим-да, унинг амрига бўйсундим.

У мендан, Торнфильдхоллда бахтли яшаяпсизми, сохибангиз қандай аёл, дея суриштира бошлади. Мен фақат сохибим бор, деганимда эса, ўзи яхши одамми, сизга ёқадими, деб саволга тутди. Мен, тўғриси, у хунукроғ-у, лекин асл жентльмен, дедим, сўнгра менга жуда ғамхўрлик кўрсатиши, бунинг учун ундан ғоят миннатдорлигимни айтдим. Бундан ташқари, унинг уйида меҳмон бўлиб турган қувнок зодагонларни таъриф-тавсифлаб бердим. Бесси мени қизиқиш билан тинглади, чунки бу унинг севимли мавзуси эди.

Гап билан бўлиб, бир соат ўтганини ҳам сезмай қолдик. Бесси шляпам билан устки кийимимни келтирди, икковимиз қоровулхонадан чиқиб, уйга қараб кетдик. Тўққиз йил олдин ҳам у мени шундай кузатиб кўйган, аммо ўшанда уйдан дарвозага қараб юргандик. Январнинг совуқ, булутли тонгида ўзим зада бўлган бу макондан кўксимда алам ва оғриқ билан бош олиб кетгандим; холаси ҳайдаб солган ва барча юз ўгирган бир аҳволда узоқ ва бегона гўша – овлоқ Ловуддан бошпана излашга маҳкум эдим. Мана, ўзим зада бўлган ўша макон яна қаршимда турибди. Мени олдинда нима кутяпти, бу ҳали номаълум эди: мен бу ерга юрагим ғаш тортиб, ўзимни ҳамон мусофир билиб қадам кўйдим; бироқ энди мен ўзимга ва кучимга аввалгидан кўпроқ ишонар, энди жабр-зулмлар олдида бурунгидан камроқ титроққа тушардим. Бир вақтлар қалбимга етказилган жароҳатлар энди битиб, улар ўрнида фақат чандиқлар қолган, нафрат алангаси эса аллақачон сўниб бўлганди.

– Аввал кичик ошхонага ўтинг, – деди Бесси биз уйга кираётганимизда, – тоғаваччаларингиз ўша ерда бўлишса керак.

Бир лахзадан сўнг таниш хонага кирдик. Бу ердаги ҳар бир буюм мени жаноб Брокльхерст билан таништиришган ўша тонгдагидек турар эди. Ҳатто унинг оёғи остига тўшалган гиламча ҳам ўша-ўша эди. Китоб жавонига кўз ташлаб, Бьюикнинг кўш жилдли “Англия қушлари ҳаёти” китоби ҳамон учинчи токчада, “Гулливернинг саёхатлари” ва “Араб эртаклари” эса тўртинчи токчада турганини кўрдим. Бу макондаги жонсиз буюмлар заррача ҳам ўзгармаган, бироқ жонли хилқатлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди.

Мен қаршимда бир жуфт ёш қизни кўрдим; улардан бири худди Ингрэм хоним каби баланд бўйли, аммо жуда озғин ва ғамгин, юзи касал одамникидек заъфарон эди. У таркидунё қилган роҳибаларга ўхшаб кетар, буни эгнига оҳорланган оқ сурп ёқали одми қора шерсть кўйлак кийгани, сочини силлиқ тараб, бўйнига чормих этилган Исо Масих тасвири бор хочли тасбеҳсимон қора тақинчок таққани бўрттириб кўрсатиб турарди. Бу, шубҳасиз, Элиза бўлиб, унинг чўзинчок ва дағал юзида аввалги ўша кизалокдан асар ҳам йўқ эди.

Иккинчиси эса, албатта, Жоржиана эди; бироқ у ҳам мен билган ўша ўн бир яшар нозик фаришта эмасди. У – гулдек очилган, сервиқор хоним бўлиб, кўғирчқоникидек ол ёнокли, гўзал, мутаносиб юзли, мовийранг кўзли ва олтин кокилли эди. У ҳам қора кўйлак кийиб олганди, аммо бу либос жуда башанг тикилган, шу боис опасиники унинг кўйлаги олдида жўн кўринарди.

Иккиси ҳам нимаси биландир онасига ўхшаса-да, лекин ҳар бири

турлича эди: озғин ва рангпар опасининг чағир кўзлари онасиникига ўхшарди. Гулдек очилган, сервиқор синглисига эса онасининг манглай ва ияги мерос бўлиб ўтганди – улар онасиникидан сал юмшоқ кўринса-да, барибир, унинг хассос, лўппи юзига биров дағаллик бериб турарди.

Мен уларга якин борганимда, иккиси ҳам саломлашгани ўрнидан турди; иккиси ҳам менга, “Эйр хоним”, деб мурожаат қилди. Элиза мен билан жиддий: қисқа ва кескин саломлашди-да, сўнг гўёки шу ердалигимни унутиб қўйгандек, яна камин ёнидаги креслога жойлашиб олди. Жоржиана эса “Салом!” деган сўзга яна узоқ йўл, об-ҳаво ҳақида баъзи лўқмаларни қўшиб қўйди; бу сўзларни у чўзиб, чайналиб айтди. У саломлаша туриб менга ғанимлардек боқди: кўз кири билан бошдан-оёқ синчков назар солиб, гоҳ одмигина малларанг плашчим, гоҳ оддийгина йўл шляпамга менсимай термилди. Ёш хонимлар гарчи сизни тил келиб “еттиёт бегона” демасалар-да, аммо буни нигоҳи билан англашиб қўйишга устаси фаранг эди. Улар сизга ўз муносабатини такаббур нигоҳи, совук муомаласи, менсимай гаплашиши билан, бир дона ҳам қўпол сўз ёки имо-ишорасиз ҳам, тўла-тўқис ифода этар оларди.

Бироқ энди уларнинг хўрлашлари, хоҳ ошкор, хоҳ хуфёна бўлсин, менга таъсир ўтказолмасди. Икки опа-сингил даврасида ўтирганча, бирининг менсимаслиги-ю, бошқасининг истехзосига қарамай, ўзимни эркин ҳис этаётганимдан ҳайрон эдим: ҳа, бундан буён на Элиза ва на Жоржиана мени таҳқирлай олмасди. Гап шунда эдики, энди менинг фикр-хаёлимни бошқа бир нарса эгаллаб олганди. Охирги бир неча ойда мен шу қадар кўп кучли ҳиссиётларни бошдан кечирган, ўша қайғу ва қувончларим шу қадар оғир ва нозик эдики, энди тоғаваччаларим мени на хафа, на хурсанд қила оларди, уларнинг муомаласи менда на нохуш, на хушқайфият уйғота биларди.

– Рид хонимнинг саломатлиги қандай? – деб сўрадим мен Жоржианага хотиржам кўз ташлаб. У эса, сен ўзингни бундай эркин тутишга қандай журъат этдинг, дегандек, бу саволга жавобан қаддини мағрур тик тутиб қўйди.

– Рид хонимнинг, дейсизми? Ҳа-я, сиз онамни айтяпсизми? Унинг аҳволи жуда ёмон. Бугун у билан кўришолмайсиз, деб қўрқаман.

– Сиз унинг олдига кириб, менинг келганимни етказсангиз, ғоят миннатдор бўлар эдим.

Жоржиана ҳайратдан бир сапчиб тушди, мовий кўзлари бакрайиб қолди.

– У мен билан кўришмоқчи экан, буни қаттиқ туриб талаб этибди, – дея қўшимча қилдим мен, – ҳамонки, унинг менда зарур гапи бор экан, хоним билан учрашишни ортга суролмайман.

– Онам кечкурун безовта қилишларини ёқтирмайди, – дея эътироз билдирди Элиза.

Мен хотиржам ўрнимдан турдим ва, гарчи ижозатсиз бўлса-да, қўлқопим ва шляпамни ечиб, ҳозир чиқиб Бессини топаман-у, хойнаҳой, ошхонада бўлса керак – ундан Рид хоним мени қачон қабул қиларкин: кечкурунми ё эрталабми, шуни билиб чиқинг, деб илтимос қиламан, демоқчи бўлиб хонадан чиқиб, Бессини топдим, унга илтимосимни айтдим-да, яна шундай катъият-ла ишда давом этдим. Одатда, менга қўполлик қилишса, бундан дарров гангиб қоламан. Агар бир йил олдин мени шундай кутиб олишса, эртасига тонгдаёқ Гейтсхэддан жўнаб қолган бўлардим. Бироқ ҳозир бун-

дай қилиш бемаънилик эди: мен холамни кўриш учун юз миль йўл босиб келдимми, энди у ё соғайиб кетгунча, ё вафот этгунча шу ерда қоламан. Қизларининг аҳмоқлиги ёки такаббурлигига келсак, буларга иложи борича эътибор бермайман. Шунинг учун хўжалик бекасига учрашдим-да, унга бу ерда бир-икки ҳафта қолсам керак, дедим. Сўнг ундан менга хона ажратиб, жомадонимни олиб чиқишларини илтимос қилдим-да, ўзим ҳам у билан бирга жўнадим. Зинапоя майдончасида Бессини учратдим.

– Рид хоним уйғондилар, – деди у. – Мен унга сизни шу ерда деб айтдим. Юринг, ёнига кирамиз, у сизни танирмикан.

Менга бир вақтлар хайфсан ёки жазо бергани дам-бадам чакириб туришган бу хонага йўл кўрсатиш шарт эмас эди. Мен Бессидан илгарирок бориб, эшикни очдим. Хонага қоронғи тушгани учун столда қалпоқли чирок ёниб турарди. Мен ўша тилларанг парда тутилган каравотни, ўша пардоз столи ва креслосини, ўша қилмаган айбим учун юз марталар кечирим сўраттирилиб, тиз чўктирилган оёқости ўриндикчасини кўрдим. Беихтиёр бурчакка қарадим: бу ерда бир вақтлар чирок ёруғида хипчин кўланкаси липиллаб турар, у ўша жойдан мўралаганча, иблисдек эпчил сакраб чиқиб, титроқ қўлларим ёки узун гарданимни савалаб қолиш фурсатини кутарди. Мен каравотга яқин бордим-да, пардасини кўтариб, ёстикка энгашдим.

Рид хонимнинг юзини яхши эслаб қолгандим, энди таниш қиёфасига диққат билан қарадим. Не бахтки, вақт кўксимиздаги қасос ўтини сўндиради, ғазаб ва адоват пўртанасини жиловлайди! Мен тўққиз йил аввал бу аёлни дилда оғир доғ ва нафрат билан тарк этган бўлсам, бугун ўзимда оғир азоб-укубат тортаётган бу аёлга нисбатан шафқат ҳисси туйганча, у бир вақтлар менга етказган жабр-ситамлارни ёддан чиқариш, уни чин юракдан афв этиш ва қўлини дўстона сиқиш учун хузурига қайтгандим.

Қаршимда ўзимга таниш ўша қаҳрли, дағал чехра турарди. Ҳеч қандай илтижо юмшата олмайдиган ўша бераҳм кўзлар, ғазаб ила чимирилган ўша ҳукмфармо қошлар. Бу қошлар таҳдид ва нафратдан жуда кўп чимирилган, улар ҳозир ҳам бу юзга худди ўшандагидек тундлик бағишлаб турардики, менинг хаёлимда кўққис болаликдаги ситам ва даҳшатлар қайта жонланиб кетди. У менга зехн солиб қаради.

– Бу – Жейн Эйрми? – деб сўради у.

– Ҳа, Рид хола, бу – менман, ахволингиз дурустми?

Бир вақтлар уни ҳеч қачон хола деб атамайман, деб қасам ичгандим; аммо менга шу тобда ўша қасамни бузиш гуноҳ бўлиб туюлмади. Чойшаб устида беҳол ётган қўлини аста сиқдим. Агар у ҳам бунга жавобан бармоғимни мулойим сиқиб қўйса, қалбим чинакам шодликка тўлиб-тошган бўларди. Бироқ тошга айланган юракни эритиш, сохта иддаоларни тарқатиб юбориш осон эмасди. Рид хоним қўлини тортиб олди-да, юзини мендан ўгирганча, қуруққина қилиб: “Бугун ҳаво яхши”, деб қўйди. Сўнгра яна шундай совуқ нигоҳ ташладики, бундан менга нисбатан фикр ва туйғулари заррача ўзгармагани, аввал қандай бўлса, шундайлигича қолганини англадим. Унинг бир марта ҳам меҳрдан чакнамаган, бир томчи ҳам ёш тўкмаган тошдек ҳиссиз кўзларидан шуни ўқидимки, у мени ҳеч қачон ўзгармайди, деб ўзини-ўзи ишонтириб бўлганди: менда яхши томонга ўзгаришни кўрса ҳам, бундан сира астойдил қувонмас, бал-

ки ўзини таҳқирланган ҳис этарди.

Юрагим аввал оғриқдан, сўнг нафратдан эзилди. Лекин мен Рид хонимни ўзимга бўйсундиришга, мағрурлиги ва қайсарлигини жиловлаб, мағлуб этишга аҳд қилдим. Худди болалигимдагидек, кўзёшлар бўғзимга тикила бошлади, аммо бор кучим билан уларни ичимга ютдим. Рид хонимнинг бош тарафига стул қўйиб ўтирдим-да, ёстиқ устига энгашдим.

– Сиз менга одам юборибсиз, – дедим мен, – мана, мен келдим. Соғлигингиз тиклангунча шу ерда қоламан.

– Ҳа, албатта! Қизларимни кўрдингми?

– Ҳа.

– Сен қизларга шуларни етказ: мен дилимдаги барча гапни айтмагунимча, сен шу ердан кетмайсан. Бугун кеч бўлди, энди эслашим қийин... Сенга шуни айтмоқчиманки... тўхта...

Унинг бежо кўзлари-ю, узук-юлуқ сўзлари бир вақтлар ғоят кучли бўлган бу вужуд эндиликда ҳалокатга юз тутиб бораётганидан дарак берарди. У чойшабни устига тортганча, бетоқат ўгирилиб олди. Каравотга билагимни тираб ўтирганимдан, тирсагим кўрпасини тутиб қолганди. Бундан унинг қаттиқ жаҳли чиқди.

– Тўғри ўтир, – деди у, – кўрпамни ушлама, жаҳлимни чиқарма. Сен – Жейн Эйрмисан?

– Ҳа, мен – Жейн Эйрман.

– Бу зумраша менга қанча ташвиш ва кўнгилсизлик келтирганини айтсам, ҳеч ким ишонмайди. Нақ бошимга битган бало эди у! Бу етимча ғалати феъл-атвори, бирдан тутоқиб кетиши, мени кузатиб юришдек ёмон одати билан ҳар кун, ҳар соатда дилимни сиёҳ қиларди. Бир сафар у мен билан худди ақлдан озган одамдек ёки худди иблиснинг ўзидек гап талашди – сизни ишонтириб айтаманки, умримда бунақанги болани кўрган эмасман! Албатта, ундан қутулганимга хурсанд бўлдим. Хўш, Ловудда зумрашанинг холи не кечди? Эшитишимча, у ерга безгак тарқалган, барча қизлар нобуд бўлган, лекин у тирик қолган. Аммо мен, Жейн ўлди, деб айтдим. Ахир, унинг ўлимини тилардим-да.

– Ғалати тилак, Рид хоним. Нега уни бунча ёмон кўрасиз?

– Мен бу қизнинг онасига ҳеч тоқат қилолмасдим; у эримнинг ягона синглиси эди – уни жуда яхши кўрарди. Қашшок бир руҳонийга эрга теккани учун бутун оиласи ундан юз ўгирганда ҳам, фақат Ридгина унинг тарафини олганди. Синглингиз вафот этди, деган хабар келганда эса Рид телбаларча уввос тортди. Сўнгра мени етим жиянини олиб келгани жўнатди, ваҳоланки мен қизчани энагага берайлик, ҳақини тўлаб турайлик, деб унга қанча ялиндим. Илк бор кўзим тушганидаёқ бу касалманд, йиғлоқи қизни ёмон кўриб қолганман. У тун бўйи беланчагида ингиллаб чиқарди; ҳеч қачон соғлом болалардек чинқириб йиғламади, доим ғингшир, пишилар эди. Риднинг унга раҳми келар, ўз қизидек парвариш қилар, “энагалик”ни ҳам бўйнига олганди; ҳолбуки, ўз қизларига ўшанда кўпам эътибор қаратмасди. У менинг қизларим ҳам шу етимчани севсин, деб қуйиб-пишарди, аммо болаларимнинг уни кўрарга кўзи йўқ эди, улар буни яширмай айтса, Риднинг жаҳли чиқарди.

У тўшакка михланиб қолганда эса, ҳар доим қизалоқни ёнимга олиб қиринг, деб талаб қиларди, ўлимидан бир соат олдин эса мени, болани ташлаб қўймайман, деб қасам ичишга мажбур этди. Ваҳоланки, бу –

қаланғи-қасанғилар макони бўлган ҳаробадан бир гадойваччани топиб келиб, уни менинг елкамга мажбуран ўтирғизиш кўйиш билан баробар эди. Рид табиатан юмшоққўнгил одам эди. Жон отасига тортмади, мен бундан хурсандман. Жон менга ва акаларимга тортди, у қон-қонигача Гибсоннинг ўзгинаси. О, у менга хат ёзиб, пул талаб этишни бас қила қолса эди! Менда, ахир, пул йўқ; биз кун сайин хонавайрон бўляпмиз: хизматкорларнинг ярмини ишдан бўшатишга, уйнинг бир қисмини ёпиш ёки ижарага беришга мажбур бўлмасак эди. Мен ўла қолсам ҳам бунга рози бўлмайман. Лекин бошқа тарафдан, унда қандай яшаймиз? Даромаднинг учдан икки қисми Жоннинг қарзларини узишга кетяпти. Жон қимордан бош кўтармайди, ҳар куни ютқизгани-ютқизган. Шўрлик болагинам-а, у бузукилар орасига тушиб қолди; ҳозир араққа муккасидан кетган, ўзига қарамай қўйган, кўриниши бир аҳволда – унга кўзим тушса, ерга кириб кетай, дейман.

Рид хоним тобора жазавага тушарди.

– Менимча, уни ёлғиз қолдирган маъқул, – дедим мен каравотнинг нариги ёғида турган Бессига.

– Эҳтимол шундайдир, хоним. У кечалари жуда кўп алаҳсирайди, эрталаб эса тинчланиб қолади.

Мен ўрнимдан турдим.

– Тўхта! – деб хитоб қилди Рид хоним. – Сенга айтмоқчи бўлган яна бир гапим бор. У ҳар доим менга пўписа қилади, ё ўзимни ўлдираман, ё сени, дейди. Баъзан тушимда уни бўйнига пичоқ тортилган ёки юзи шишиб, қорайиб кетган аҳволда тобутда ётганини кўраман. Вазият – оғир, дардим – беҳисоб. Нима қилай, қандай пул топай?

Бесси Рид хонимни уйку дори ичишга аранг кўндирди. Кўп ўтмай, бемор тинчиди, мудрай бошлади. Мен унинг хонасидан чиқдим.

У билан янаги суҳбатимизгача орадан ўн кунча вақт ўтди. У гоҳ алаҳсирар, гоҳ хушини йўқотарди. Доктор уни ҳаяжонга солиши мумкин бўлган ҳар қандай учрашувни таъқиқлаб қўйди. Мен шу вақтда Жоржиана ва Элиза билан муносабатимни яхшилашга ҳаракат қилдим. Аввалига ҳар иккиси ҳам ўзини беилтифот тутди. Элиза ярим кунини тикиш, ўқиш ва хат ёзиш билан ўтказар, менга ва синглисига икки оғиз сўз айтишга аранг қунт қиларди. Жоржиана эса ўз тўтиси билан соатлаб валақлашар, менинг борлигимни ҳатто сезмас ҳам эди. Мен нима билан машғул бўлиш, нима билан вақт ўтказишни ўзим ҳал қила оламан, деган қатъий қарорга келдим; ўзим билан бирга расм чизиш учун зарур асбоб-анжомларни ҳам ола келгандим. Энди улар менга бирор иш билан машғул бўлиш, бирор эрмак билан кўнгил чигалини ёзишда асқотди.

Қалам ва қоғоз олиб, опаларимдан четроқда – дераза ёнида ўтирганча, хаёлимга қалқиб чиққан оний манзараларни чиза бошладим: икки қоя оралиғидаги денгиз йўлаги; кўкда балқиб турган тўлин ой ва унинг шуъласида қорайиб кўринган кема; қамиш ва шапалокбарлар орасида нилуфаргулни бошга тождек кийганча, мўралаб турган сув париси; оппоқ гуллаган дўлана новдаси тагидаги қуш уясининг бир четида ўтирган эльф тасвири.

Бир куни тонгда одамнинг бош тасвирини чизиш хаёлимга келиб қолди. Аммо мен у қанақа бош бўлади, ҳали аниқ билмас ва бу ҳақда ўйламас ҳам эдим. Юмшоқ қора қаламни олиб, ишга шўнғиб кетдим. Кўп ўтмай қоғозда кенг дўнг пешона, ёноқ суяклари бўртиб чиққан юз намоён

бўлди. Мен ишимнинг боришидан мамнун ҳолда энди бу юзни аниқроқ тасвирлашга киришдим. Бундай манглай остига аввал ёйсимон икки калин қошу тўғри қаншар ва кенг катакли бурунни; сўнг маънодор юмилган дўрдоқ лабли чиройли оғизни; яна қатъият-ла олдинга бўртиб чиққан кўркам ияк ва, қолаверса, қарға қанотидек қоп-қора мўйлов, икки чаккада сип-силлиқ таралган, пешона устида эса тўлқинсимон ёйилган сочни чиздим. Энди фақат кўзларни тасвирлаш қолган, буни атай охирига сақлаб қўйгандим, зеро, кўзларни алоҳида кунт билан чизиш зарур эди. Мен кўзларни қатта-қатта қилиб чиздим, киприкларни қора ва узун, қорачиқни эса чакноқ қилиб тасвирладим. “Дуруст, аммо ҳали кўнглимдагидек эмас, – дедим расмга назар ташлаганча, ўзимга-ўзим. – Кўзга янада кўпроқ куч ва маъно жойлашим керак”. Кўзларда нур яққол кўринсин деб, сояларни куюқроқ чиздим. Бир-иккита дадил чизгиёқ мақсадга етишимга кифоя қилди. Энди менга қоғоздан дўстим чехраси боқиб турардики, анави хонимчалар орқа ўгириб ўтириши ҳам аҳамиятсиз эди. Мен расмга бутун вужудим билан шўнғиганча, ундан теран қониқиш туяр эдим шу онда.

– Бу танишингизнинг портретими? – деб сўради Элиза ортимдан сездирмай келиб. Мен унга, йўқ, бу – атиги хаёлот, деб жавоб бердим-да, портретни шошганча, қоғозлар ичига яширдим.

Мен, албатта, ёлғон сўзлаган, уни алдаган эдим: расмдаги инсон, чиндан-да, жаноб Рочестерга қуйиб қўйгандек ўхшарди. Лекин бунинг мендан бошқа ҳаммага, чунончи, Элизага нима аҳамияти бор? Жоржиана ҳам расмни кўргани ёнимга келди – портрет унга ҳам ёқди. Лекин, айна чоғда, у бир гапни ҳам айтди: “Хунук эркак экан”, деди Жоржиана. Опа-сингил, афтидан, расм чизиш маҳоратимга лол қолганди. Мен уларга, агар хоҳласангиз портретингизни чизаман, дедим. Қоғозга қораламани туширишим учун иккови галма-галдан ўтириб беришди. Сўнгра Жоржиана ўз альбомини олиб чиқди. Мен альбомга акварелда расм чизиб беришни ваъда қилдим. Бундан кайфияти кўтарилиб кетди-ю, хиёбонга сайрга тақлиф этди. Икки соат ўтар-ўтмай, биз дўстона суҳбатга кўчдик. Жоржиана менга икки йил олдин кишни Лондонда ажойиб ўтказгани, қанча олийнасаб эркаклар қалбида кучли ҳаяжон уйғотгани, унга ҳар бир хонадонда алоҳида илтифот кўрсатишгани ҳақида сўзлаб берди. У қандайдир мартабали жанобнинг қалбини асир этгани ҳақида ҳам шаъмалар қилиб ўтди.

Чошгоҳда ва оқшомда бу шаъмалар аниқлаша бошлади; у менга ҳаяжонли суҳбатлар, таъсирчан воқеаларни ҳикоя қилиб берди – бир сўз билан айтганда, мен кун бўйи ундан оқсуяклар ҳаётига доир оғзаки қиссани тингладим. Кунлар ўтгани сайин у янада ёрила бошлади, Жоржинанинг барча суҳбатлари бир мавзуда: унинг ўзи, ўйин-кулгилари-ю, дард-ҳасратлари ҳақида эди. Қизиқ, у онасининг хасталиги, акасининг ўлими, эртанги кунги оғир ҳаётини бирор марта ҳам тилга олмади. Чама-си, унинг қалби кечаги шодликларига оид хотиралару эртанги саргузаштларига оид орзулар билан тўлиб-тошганди. У ҳар куни онаси олдига беш дақиқага кириб чиқарди, холос.

Элиза эса аввалгидек камгап; чамаси, унинг валақлашиб ўтиришга вақти йўқ эди. Мен ҳеч қачон бу қадар банд одамни учратган эмасман. Ҳолбуки, унинг қандай иш билан бунча бандлигини, аниқроғи, ўша ишидан қандай натижа чиққанини аниқлаш жуда қийин эди. Уни ҳар кун тонгда соат жиринглаб уйғотарди. Элиза нонуштагача нима билан машғул


бўлади, бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасдим. Лекин шундан кейинги ҳар бир соат алоҳида машғулот учун тақсимлаб чиқилганди. У бир кунда уч марта кичик бир китобни ўқирдики, мен кейинчалик бу дуолар тўплами эканини билиб олдим. Бир куни ундан, бу китобдан сизга қайси бўлим кўпроқ ёқади, деб сўрадим, у, “Ибодат бўлими”, деб жавоб берди. Уч соат вақтини эса тўқ қизил матога зар ип билан серхашам ҳошия тикишга сарфлар, мен бундан, хойнахой. гиламча ўрнида фойдаланилса керак, деб тахмин қилардим. Бир кун Элизадан, бу нима ўзи, деб сўраганимда, у Гейтсхэдда янги қурилган черков учун меҳроб ёпинчиғи, деб жавоб берди. Элиза яна икки соатини кундалик юритишга, икки соатини боғда ишлашга, бир соатини ҳисоб-китобга сарфларди. Афтидан, ҳеч қандай дугонага ва ҳеч қандай суҳбатга ҳуши йўқ эди. Бу кун тартиби Элизани қониқтирар, у ўзича бахтли эди; ҳеч бир нарса шу кун тартибини бузган кутилмаган воқеачалик унинг жаҳлини чиқармасди.

Бир кун оқшомда Элиза, ўз одатига хилоф равишда, дардлашгиси келиб қолди-ю, менга Жоннинг беъмани қилиқлари ва оиласининг хонавайрон бўлиш хавфидан сўз очиб қолди; аввал бундан қаттиқ изтиробга тушдим, – деб қўшимча қилди у, – лекин ҳозир зарур хулоса чиқариб, бир қарорга келганман.

Унинг айтишича, шахсий сармоясини бир амаллаб сақлаб қолибди. Онаси ўлгандан сўнг – унинг соғайиб кетиши ёки узокроқ яшаши даргумон, деб хотиржам изох берди Элиза, – эскитдан тузиб қўйган режасини амалга оширар экан: ўзини шу енгилтак дунёдан пухта қўриқлайдиган тинч ошиён излаб топаркан. Мен: “Жоржиана ҳам сизнинг ёнингизда бўладими”, деб сўрадим.

Йўқ, албатта, деб жавоб берди у. Ўзи билан Жоржиана ўртасида бирор яқинлик йўқмиш, ҳеч қачон бўлмаганмиш ҳам. У ҳар қандай вазиятда ҳам синглисини ўз даврасига қўшмас эмиш. Яхшиси, синглиси ўз йўлидан кетсин, Элиза ўзиникидан.

*(Давоми келгуси сонда)*





## ЎЗЛИК ВА ЎЗГАЧАЛИК САРИ

Кубизм XX аср Европа тасвирий санъатида юзага келган бадиий оқим сифатида бир неча авлод рассомларини ўзига жалб этди ва уларнинг асарларида ўз моҳиятини янгилаб борди. Кубистик ранг-тасвири алоҳида йўл деб қарайдиган бўлсак, бу йўлнинг ҳаракат занжири Пикассодан тортиб, Пол Сезанн, Хуан Грис, Фернан Леже, Марсель Дюшан, Малевич, Кристофер Невинсон, Натан Альтман, Доррит Блек, Эмилио Петторути, Вилгельм Ландстром, Бен Николсон, Богумил Кубишта, Александра Архипенко, Ричард Линдер каби юзлаб атоқли рассомлар ижодини ўз ичига олади. “Кубизм – яхши оқим, лекин у мутлақо янги эмас, шунчаки унда тасвирий санъатнинг моҳиятига хос чизиқлар нисбатан кристаллашгани билан фаркланади”, деган эди таниқли рус рассоми Наталья Гончарова. Шундан келиб чиқиб, юқорида номлари саналган юзлаб рассомларни кубизмга мансубликнинг ўзи эмас, аввало, уларнинг истеъдодлари дунёга танитган деб айтиш мумкин. Барча ижодий оқимлар эса индивидуал қараш ва бадиий маслақлар яқинлигининг маҳсулидир.

Қисқа умри давомида яратган асарлари билан кубизм намояндалари сафидан муносиб ўрин олган чехиялик мусаввир Богумил Кубишта ижоди бугунги кунга келиб, соҳа мутахассислари томонидан эътибор билан ўрганилмоқда. Дунё тасвирий санъатида чех рангтасвири ҳам ўзига хос дунё ҳисобланади. Альфонс Муха, Эмиль Филла, Йозеф Манес, Адольф Борн, Карел Тейге, Ян Зрзавый, Богумил Кубишта, Отакар Кубин, Йозеф Маржатка, Мария Тойен сингари номдор чех рассомлари ижоди XX аср Ғарб санъатининг ажралмас қисми бўлиб, Богумил Кубишта миллий авангард учун курашган кубист рассом сифатида санъат тарихида ном қолдирган.

Кубишта 1884 йилда Чехиянинг Влчковице шаҳрида таваллуд топган. Аввалига Прага амалий санъат мактабида, кейинчалик Флоренцияда тасвирий санъат бўйича таҳсил олган рассом дастлаб мустақил ижодини Ван Гог, Пол Сезанн ва Эрвард Мунк ижоди таъсирида бошлайди. Кейинчалик унинг изланишлари постимпрессионизмдан экспрессионизмга босқичма-босқич ўзгариб боради. У илк кўرғазмасидан сўнг рассом Эмиль Филла билан биргаликда “Саккиз” номли мустақил ижодий уюшма ташкил этади. “Автопортрет”, “Гулдонли натюрморт”, “Бош чанок натюрмор-



ти”, “Цирк”, “Чўмилаётганлар”, “Аскар”, “Баронека цемент фабрикаси”, “Ажал бўсаси”, “Пьеро”, “Гипнозчи”, “Жиноятчи аёл”, “Лампали на-  
тюрморт” каби асарлари билан танилади ва “ранглар назарияси” билан  
шуғуллана бошлайди. У ўз ижодий қарашларининг оташин курашчиси ва  
тарғиботчига айланади. Мусаввир илгари сурган назарияга кўра, рангни  
образлаштириш, бўёқларга рамзий маъно юклаш ва контраст имконияти-  
дан кенг фойдаланиш замонавий санъатнинг белгисидир.

1905 йилда чех армиясига сафарбар қилиниб, бир неча йиллаб чизиш-  
дан тўхтаган рассом 1910 йилда ижодий тажрибалар қидириб, Флоренция  
ва Францияга сафар қилади. Эрнест Кирхнер ва Отто Мюллер каби немис  
экспрессионист рассомлари услубини ўрганади. Парижда Пабло Пикассо  
ва Жорж Брак билан танишуви унинг қарашларига кескин таъсир қилади.  
Бу пайтга қадар экспрессионистик асарлар яратиш билан шуғулланган  
Богумил эндиликда кубизм билан жиддий шуғуллана бошлайди. Асарла-  
рида пухта геометрик шакллар асосланган, ранг контрастлари ва тасви-  
рий ифодавийлиги мутлақо ўзига хос бўлган услуб юзага келади. “Чекаёт-  
ган одам”, “Альп тоғи шаршараси”, “Тоғ поезди” каби асарлари кубистик  
рангтасвирнинг соф намуналари сифатида машҳур бўлади. Мутахассис-  
ларнинг келтиришича, Богумил Кубишта 1910 йилгача чизган асарларида  
ўзини излаган, кубизм билан юзлашгач, у рассом сифатида том маънода  
ўзлигини топади.

1914 йилда Биринчи жаҳон уруши бошланиб, рассом Австрия-Вен-  
грия армияси сафида урушда қатнашади. Уруш йилларида у, асосан, жанг  
манзаралари акс этган бир нечта асар чизади. “Денгиз”, “Ҳарбий флот-  
нинг кирғокдаги хужуми”, “Пул хужуми” асарлари шулар жумласидан.

Урушнинг сўнгги йили, 1918 йилда Испанияда тарқалган “испанка”  
пандемияси бутун Европага ёйилиб кетади. Ўттиз тўрт ёшли рассом ҳам

ушбу касалликка чалиниб, 1918 йилнинг 27 ноябрида Прага шаҳрида оламдан кўз юмади.

Богумил Кубишта қисқа ҳаёти ичида юзга яқин асарлар яратиб, чех тасвирий санъатида “эски Прага санъати” деб аталувчи академизмга қарши ўларок, авангард йўналишларнинг кенг ривожланишига жиддий ҳисса қўшишга улгурган.

Кубиштанинг ижоди жанр жиҳатдан ранг-баранг: натюрморт, манзара, портрет ва баталистик картиналарни ўз ичига олади. Чехиянинг нуфузли музей ва галерияларида сақланаётган аксарият асарлари бугунги кунда ҳам машхур. Жумладан, унинг машхур, “Жиноятчи аёл” портрети халқаро аукционларда қиммат баҳоланаётган асарлардан бири бўлиб, унда эпилепсия касаллигига чалинган аёл қиёфаси тасвирланган. Портретда аёлнинг елкаси бироз эгик, аммо боши тик, хурпайган сочлари ёйиқ ҳолатда акс этган. Асарнинг энг муҳим жиҳати образнинг нигоҳи ва фон билан деярли бир хил берилган рангидадир. Аёлнинг юзидаги ботик ажинлар ва ҳиссиз, қаттиқ тикилиб турган кўзларидан унинг жиноятга мойил руҳий касал эканлигини яққол пайқаш мумкин. Образ ва уни ўраб турган қоронғи олам – қора фондан сарғиш контур билан ажратилган. Макзур асар рассом ижодининг биринчи босқичига хос бўлиб, ортиқча тасвирий тафсилотлардан холи бу портретда руҳий ҳолат теран очилганлиги билан диққатга сазовор.

Яна бир машхур асари “Жаллод” портретида эса ўз-ўзини нобуд қилаётган инсон қиёфаси усталик билан ифодаланган. Бу портрет соф кубистик услубда ишланган бўлиб, геометрик шакллардан таркиб топган эркак қиёфаси бўйнига сиртмоқ солинган ҳолда ифодаланган. Фақат оқ ва қорадан бошқа ранг йўқлиги боис, асарда нима тасвирланганини бир қарашда англаб бўлмайди. Лекин унда мақсадли жамланган оддий шакл ва деталлар бир бутунликда образнинг моҳияти ҳақида тасаввур қилиш имконини беради.

Унинг, “Чекаётган одам”, “Шопенгуер портрети”, “Жаллод”, “Ажал бўсаси”, “Пьеро” каби бошқа асарлари ҳам ўз қийматини йўқотмай келяпти.

Умуман, Богумил Кубиштанинг санъати, бошқа чин маънодаги санъат намояндаларининг асарлари каби ҳамон жонлилигича қолмоқда. Бу эса унинг санъатдаги ҳаёти замонлар оша ҳамон давом этаётганидан дарак.

*Феруза КАРАЕВА,  
Ўзбекистон давлат  
санъат ва маданият  
институтининг ўқитувчиси*



## РЕЗЮМЕ



●●● Роман выдающегося арабского писателя Ибрагима ан-Насыра “Свет в ночной тьме” занимает достойное место в истории арабской литературы XX века. В нем нашли свое отражение отношения между взрослыми и детьми, а также вопросы долга потомков перед родителями, роли женщины в обществе и семье, чувства патриотизма, первой любви, в общем, взгляды писателя на сущность юношеского мира. Роман переведен с арабского языка Муртазо Сайдумаровым.

●●● В нескольких номерах нашего журнала были опубликованы первые две главы романа русского писателя Федора Достоевского “Братья Карамазовы” в переводе известного переводчика Ибрагима Гафурова. В настоящем номере читатели смогут ознакомиться с продолжением данного произведения.

●●● “В заявлениях о полном исчезновении печатных изданий есть тревога, анализ, стоящий размышлений, я не хочу это отрицать. Но нет оснований для предсказаний о вымирании печатных изданий, живущих бок о бок единой жизнью с обществом на протяжении века, внесших свой вклад в разрешение многих злободневных вопросов посредством авторитетного слова в самые тяжелые дни и в самых опасных обстоятельствах”. Эта цитата из статьи “Едкий дым”, опубликованной под рубрикой “Трибуна редактора”. В ней автор выражает свое отношение к дискуссиям о судьбе печатных изданий, ведущихся в последнее время.

●●● Выдающийся поэт Шах Исмаил Хатой в свое время основал империю сефевидов. Город Тебриз превратился в величественную столицу. Но сердце правителя больше было склонно к литературному творчеству, чем к управлению государством. Из-за любви к поэзии он передал правление государством своему сыну Тахмаспу и занялся творчеством. Поэт умер в возрасте 38 лет в пору зрелости своего таланта. Но он успел стать выдающимся представителем классической азербайджанской литературы. В рубрике “Континенты поэзии” публикуются образцы поэтического наследия Шаха Исмаила Хатой в переводе Абдунаби Байкузиева.



# RESUME



●● The novel by popular Arabian writer Ibrohim an-Nosir named “The Light in Nightmare” was a very important work in development of Arabian literature in XX century. The author describes relation between adults and kids, children’s duty, the place of woman in a family and society, the first love, love for the motherland and other feelings and views. Murtazo Saydumarov translated it from Arabian into Uzbek.

●● The first two parts of the novel ”Brothers Karamazovs” by Fedor Mikhailovic Dostoevsky translated into Uzbek by well-known translator Ibrohim Gofurov were published in several issues of our magazine. Readers can enjoy continue of this great work of Russian literary from this issue.

●● “There is truth in worries about the fate of printing publications. We don’t want to deny this problem. But it is hard to foresee the fate of printing publications which were published for so many years and resolved a lot of problems with true words now”. The author of these words in the article “A Bitter Smoke” given in rubric “The Editor’s Tribune” tries to give his reasonable opinion to discussions about the future of printing publications.

●● Well-known poet Shoh Ismoil Khatoiy built the empire of safaviys. Tabriz became the capital of this empire. But Ismoil liked the literary more than authority. He loved poetry, so he gave the crown to his son Takhmasib and devoted himself to literature. But the poet died in thirty eight years old. But in that period he was already a great figure of classic literary of Azerbaijan. Some works by classic Azerbaijani poet Shoh Ismoil Khatoiy translated by poet Abdunabi Boyquziev published in rubric “Meridians of Poetry”.

© Жалон ярадаёт, 2020 й.  
Тошкент: Ўзбекистон Республикасидаги  
Ўзбекистон Республикасидаги  
Ўзбекистон Республикасидаги

Ўзбекистон Республикасидаги  
Ўзбекистон Республикасидаги

© Жалон ярадаёт, 2020 й.



# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбагчи муҳаррир: Н.ЖЎРАЕВА

Техник муҳаррир: Ф.ЎНАРОВ

Мусаххих: Я.ЭМИНОВА

Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган кўлёмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

## Таҳририят манзили:

100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий  
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)

E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 15.05.2020 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 1670 нусха. 982 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида  
териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

## Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2020 й.



Богумил Кубишта.  
*“Гимнозчи”*



Богумил Кубишта.  
“Илоҳий Себастьян”

**ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Журналист: обуначиларга сўқалишнинг  
муаммо пайдо бўлса, қушдаги манзилга  
мувожадат қилинг.

Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-йўли кўчаси,  
2-уй. Тел. (0371) 233-60-78, 233-67-98

Муқовамида:  
Богумил Кубишта.  
“Эпилептик аёл”